


Ҳисмон АЗИМ

ҲСИМЛИК

Наъм

Наср

Драматургия



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи
Тошкент – 2012

УДК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

84(5Ў)6

А37

Азим, Усмон

Жимлик: назм, наср, драматургия/У.Азим. – Тошкент: Гафур
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 320 б.

ISBN 978-9943-03-460-0

Бу тўплам Усмон Азимнинг кейинги пайтларда ёзган шеърлари билан бошланади. Шеърлар шоирнинг илгари ёзган поэтик асарларига ҳос: зич матнли, фалсафий маъноли ва турли-туман шаклли кифодадир.

Тўпламдаги наср ҳам турфа: хикоя, кинокисса ва драмалар инсон ички дунёсининг ранг-баранг товланишларини ифода этади.

Тўпламдан жой олган кинокиссалар экранлаштирилган, драматик асарлар эса сахна юзини кўрган.


УДК 821.512.133-1


КБК 84(5Ў)6

© Усмон Азим, 2012

© Гафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2012

ISBN 978-9943-03-460-0





* * *

Олов туйгулардан ажиб мунг қолди,
Кўзгу ёругимда ойдин рух – хазин.
Неча йил, неча ой, неча кун қолди –
Ижро айлагани бандалик расмин?
Супуриб-сидириб кўнгил уйини,
Турмушим ҳовлисин айлаб саришта –
Тинглайман дунёнинг мангу куйини,
Тайёрман – энг сўнгги йўлга боришга.
Жончиқар мақомда телбавор куйлаб,
Сўзларни шеърларга тизиб устувор,
Бу дунё мандан ҳам қолишин ўйлаб –
Юрибман бахтиёр, жуда бахтиёр.


13.10.2010



* * *

Ўзи қанча қолдим? Борманми? Қарай,
Уваланиб кетган руҳми, ё вужуд?
Жонимда зимиллаб, миямни ёрай
Деб турган сабрми, кўнглимнинг кучи?
Ортимда кунларим қолмоқда саф-саф,
Умрни бу тарзда ўчирмоқчиман:
Мен бору йўғимни этмоқчиман сарф,
Қолдирмай сўзларга кўчирмоқчиман.
Ўлсам, хотирамга тош босасизми,
Тупроқ тортасизми менга – барибир:
Малол келмагайдир уларнинг вазни –
Сўзнинг залворидан оғирмас, ахир!

25.01.2011



* * *

Одамлар айтганига юрмадим,
Тақдирда турмоқни уқтирдим ўзимга:
Дарахт ўстирмадим, уй курмадим,
Шеър қурдим,
 дарахтлар ўстирдим сўзимдан.


Даврлар тўфони теграмда бешафқат,
Қанча тошларини бошимга урди.
“Мен ҳам одамман” деб такрорладим фақат –
Сўздан тақдир қурдим.

Оламга қарадим:
 дунё қават-қават –
Ана, юрак дунё; ана, қорин дун...
Мен оёқ тирадим:
 ор-номус ҳам бир давлат –
Шаън талашдим инсонлар учун.

Тупроққа чўқтирдим ҳар бир сўзимни,
Ҳар сатримни азобга таратдим...
“Биз ҳам одаммиз” деб
 тўрт тараф урдим ўзимни –
Дунёга кўнгил яратдим.

Тангрига интилдим такрору такрор –
Ҳар илҳомда янгича танишув.
Сўздан тақдир қурдим,
 кечир, парвардигор,
Қўлимдан келгани шу,
 қўлимдан келгани шу...

25.01.2011



* * *


Ерни оқартмади
Тонгда ёккан қор,

Аммо кўнглим узра
Соғинч тўшади:

Сукутни тингладим
Тонгда интизор,

Сукунат негадир
Сенга ўхшади.

8.02.2011




* * *

Сукунатнинг мунглари – узун,
Сукунатнинг мунграши – чексиз.
Сукунат бир юртдир – бетузум,
Музлаб қолган шаҳардир – бексиз.
Сукут – ёлғон дунёнинг рости,
Ўз ичига чўккан ҳаракат...
Сукунатни бағримга босдим,
У – ғам қотди беҳуш тариқа.
Рухда оқиб, руҳда дард ютиб,
Биз шу кўйда ўтиравердик.
Биз шу куйда ўтиравердик,
Бир халоскор товушни кутиб.
Бўғзимга жон келди, бўғзимга –
Бу жим ҳолнинг залвори кабир.
Беун шивир етди:

– Ўқсинма!

Сабр! Сўзга кўчгунча сабр...
– Дўст сукунат, душманми тақдир,
Келаётган бу нажот ўзга:
Келаётган шовқиндир, ахир,
Мени сўзга топширгин, Сўзга!
Қай илҳомга мени ташлади,
Сукут қочди қайга? Беомон
Шовқин қалбга кирди. Бошланди
Яратишда янги жараён.

8.02.2011



ДАҲО ВА АЁЛ

“Сен бошқа одамсан, деди аёл. Сен бошқа одам...”

“Йўқ, мен ўшаман, такрорлади эркак, – Деворга
осганинг суратга кара! У менинг суратим”...

“Сен бошқа одамсан!” – ингради аёл.

“Мана, хужжатимга қара! Исминим ёзилган. Туғилган
манзилим. Таваллуд йилим...”

“Сен нега бунчалар бошқа одамсан?”

“Хужжатимга кара! Муҳр босилган...”

“У одамни қайга ташлаб келдинг сен?...”

Ўксиниб-ўксиниб аёл йиғлади.

Чунки у ҳамиша ўн саккиз ёшда.

Қирқ йилки, ошган йўқ ўн саккиздан.

Унга ҳайрон боқиб турибди эркак.

Чунки Вактнинг ҳисоб-китобин билмас:

Қанча умрларни яшаб қўйди у,

Қанча тақдирларни кечди қоврилиб...

Ўзини қолдирди қай бир қисматда,


Ўзини қаерда унутиб қўйди?

Эҳтимол ўзини унутиб қўйди

Келажак кунларда –

келмас кунларда...

8.02.2011



* * *


Юлдузларга боққан бўлсам,
улар тирик, деб ўйлагандирман.

Осмонни соғинган бўлсам,
парвозлар бисёр, деб ўйлагандирман.

Агар яшаган бўлсам,
канотим бордир, деб ўйлагандирман.

Агар ўлган бўлсам,
учиш бахтидан
юрагим ёрилиб
ўлгандирман-да...

8.02.2011



* * *

Худонинг берганига
кўниб яшадим:

куёш чикса,
нурга чўлғондим;

куёш ботса
тунга.

Юлдузни узиб оламан
деганим йўк –


уйимнинг шифтига
хамма қатори
чироқ осиб қўйганман.

Аmmo
сезиб турибман, парвардигор,
бу олам ичида
оламларинг кўп.

Бўлмаса,
бу оламнинг йўлларида чикиб,

не учун
қайларгадир
кетгим
келгани келган?..

9.01.2011



* * *

Одамларнинг барчаси
дардини ёзолса,
дардхона бўларди бу дунё.
мардона бўларди бу турмуш.

Юраклар ақлдан озолса,
айтолса ҳақиқатнинг борини
ақлли бўларди бу дунё.

Аmmo
хамма одам дардини
ёзолмайди;

айтолмайди ҳамма дардини;

хойнаҳой
мардоналик ҳам зарурмас уларга,

балки ҳақиқатлари ҳам йўқдир;

эхтимол дардни ҳам
унча ёктиришмас,

эхтимол бу дунёнинг ҳам
кераги йўқдир
уларга.

11.02.2011



МУҲАББАТ МАВСУМИ

Довуларни, чақмоқларни, момагулдирақларни
кўтариб,
югуриб келар булутлар.


Қора пақирларида жала,
парқу парқирларида ёмғир,
чўнтақлари тўла дўл –
суюкли баҳорнинг бошидан сочади ҳали.

Кўқарган кўқариб қолар,
очилган очилиб;
қанчасининг барги тўкилар
бу тўполонда,
қанчасининг меваси;
қанчаси чақмоқда ёнар,
қанчаси эса селларда
оқиб кетажақдир.

Селларда оқиб кетажақдир,
бизга ўхшаб,
бир умр.

Ҳеч адо бўлмас селларда
беомон
оқиб кетажақдир.

11.02.2011




* * *

Одамизод меҳрининг
Мудом адоғи бордир –
Кеча узилган гуллар,
Бугун тупрокда хордир.

Ардоғинг мудом жонда,
Кўксимдаги муҳаббат:
Сен ҳеч узилмаган гул,
Сен тириксан то абад.

12.02.2001



НАФАҚАДАГИ ОДАМ

1

Менсиз битмас эди
Бу дунё иши –

Телефон жиринглаб
Тинмасди бир зум:

“Совук бер!” – илтимос
Қиларди киши,

Ёзи тафт сўрарди
Саратон учун.

Энди телефоним
Жим-жит, бесадо,

Чўнтакда мудрайди
Куйсиз – бенафас.

Негадир менсиз ҳам
Айланар дунё,

Негадир менсиз ҳам
Иши ёмонмас.

2

Мен ҳамма иштимни
Этдим саронжом.

Аммо бандаликнинг
Раъйига кўндим:

Елиб-югураман
Чиққанича жон,

Ажал келгандан сўнг
Бемалол ўлгум.

15.01.2011



ШУДГОР

Йил бўйи “қилт” этмай, чалқанча қотди,
Ҳосил йиғилгунча этди қаноат.
Бу сабр тагида қанча синоат:
Дала беҳаракат сабрда ётди,
Зил-занбил яғрини захликка ботди –
Фақат униб-ўсса басдир зироат.


Илдизлар тилкалаб танига кирди.
Берди қувватини, берди кучини:
Гул ранги, мевалар таъмига кирди,
Тўкликка, деҳқоннинг шаънига кирди –
Не учун яралган? – англаб бурчини.

Сув билан хушликда мулоқот этди,
Унинг йўриғида иш кўрди ўғит.
Унинг сабри аро қанчалар ўғит:
Шу зайл ҳосилнинг мағзига етди,
Ҳосилдан одамлар корига кетди,
Қисмати ёзмишин чин дилдан уқиб.

Кеч кузак. Дону дун омборларда жам.
Сабр бергани-чун олқаб тангрини,
Дала вужудини тўнтарди бирдан –
Кенгликка чўзилди ногоҳ юзтубан,
Палахса-палахса кўчиб яғрини.

Одам ҳам далани тарк этди хуррам.
У кетди – бошида баҳор режаси.
Дала эса оғир ухлайди бу дам –
Фақат изиллайди изғирин билан,
Тилка-пора бўлган вужуд – кечаси.

17.01.2011



УЧРАШУВ

Сени учратсам,
Кулиб юбораман деб ўйлагандим.
Нега кулиш эсимга тушмаяпти?

Сени учратсам,
Йиғласам керак деб ўйлагандим.
Нега жим турибман?
Нега юрагим музлаган?

Сени учратсам,
Ер тортиш кучини йўкотади, деб ўйлагандим.
Нега ер қаърига
тортмоқда
мени?

Сени учратсам,
Учиб кетаман деб ўйлагандим.
Қайга учай? Осмон негадир
оёғимнинг остида
чил-парчин.

Сени учратсам,
ақлдан озаман деб ўйлагандим –
нега ақлим бунчалар жойида?
Беҳаракат –
қилт этмайди...

Менга нима бўлган?
Мен кимман?
Ё сен бошқамисан?
Ё одамни муҳаббат ташлаб кетса,
рўй берадимиз
шундай ҳол?

19.02.2011



* * *


Эртага бегона
Кун келса керак.

Вақтининг хар дами –
Сокин, беғулу.

Соғинч ҳам сахарда
Жим келса керак,

Ахир, йиглаб-йиглаб
Адо бўлди-ку.

19.01.2011



ЎЗ

1

Узлуксиз ҳарорат
Богларни йўқлар.

Вақтнинг ўтишида
Не асрор пинҳон –

Нечун чирқирайди
Чирилловуқлар;

Нечун ўзин ўтга
Отар саратон?

21.02.2011

2

Очик деразангда
Парда тўлғонар,

Хотира ҳовлингга
Киради чошиб.

Соғинч юрагингда
Нохос уйғонар...

Деразангни дарҳол
Кўясан ёпиб.

13.01.2004


Сени бир кўрмасам,
Кўнглим тўлмайди.

Нега деразангни
Очмайсан бугун?

Нахот, бу дунёни
Кўргинг келмайди,

Мен ҳам бир ёзида
Борлигим учун?

21.02.2011



**БОБОМНИНГ УЙИГА
ЭЛИК ЙИЛ АВВАЛ
ҚҰНГАН ҚҰНОҚНИ ЭСЛАБ
ЁЗГАН ШЕЪРИМ**

Очиқ дарвозанинг
Ёпик канотин

Кимдир такиллатар...
Киради қўноқ.

Биров жиловидан
Ушлар отини,

Биров ўт қалайди.
Гувуллар ўчоқ.

Суҳбат аҳволлардан
Бўлади огоҳ,

Эслайди дунёнинг
Ўтаётганин.

Қўноқ хорғин айтиб
Қолади ногоҳ –

Бош оққан тарафга
Кетаётганин.

Фалакда қичқирар
Ёлғиз бир турна,

Ўртаниб-ўртаниб
Тарайди овоз.

Ҳамма ухлаб қолар.
Ҳамма... Тинчгина....

Тўшақда йўловчи
“Уф” тортар халос.

Унинг юрак-боври
Ёнган бемиқдор,

Кўп урган, шекилли,
Бошини тошга...

Турна ҳам тўпидан
Қолмаган бекор –

Унга тенг ким учар –
Шу “уф”дан бошқа?


21.02.2011



ТЎТИҚУШ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

...эсидан чиқарди
ёдлаган сўзларини.
...қайтадан
сўзларни
ёдига келтирди.
...кашф эта бошлади сўзларнинг маъносин.
...қайга етаклайди
уни бу сўзлар?
... ҳар нарсага хос сўз,
ҳар воқеага мос сўз,
ҳар одамга рост сўз...
Шундай яшаш керак!
...ҳақиқат
нақадар даҳшатли! Гўзал!
...тўтиқушга
ўхшамаса...
нима қилибди?
Тўтиқушга ўхшамаслик
шунча ёмонми?
...нега
яшамокқа қўймайдилар уни,
Нега уни дунё пойлай бошлади?
...Ҳатто мушук ундан кўзини олмас,
ҳар бир кадамини кузатар шақол.
...мушукни йўлбарс деб айтса, не бўлар?
Шоқолни арслон деб мактаб қўйилса...
...сўзларнинг
маъносин
унута бошлади.
...хотирда қолса бас маъносиз сўзлар.
...бировнинг айтганин такрорласа бас...
...қафасда яшамок нақадар яхши!

21.02.2011



БУРЧ

Яқинлари ташлаб кетди,
фақат узоғи қолди бу одамнинг.
Энди узоқлари билан яшайди бу одам.


Узоқлари юз ўгирди,
фақат осмони қолди бу одамнинг.
Энди осмони билан яшайди бу одам.

Осмони парча-парча...
фақат юлдузи қолди бу одамнинг,
Энди юлдузи билан яшайди бу одам.

Юлдузи ташлаб кетди,
фақат ўзи қолди бу одамнинг,
Энди ўзи билан яшайди бу одам.

Бу одам ўзи билан яшайди.
Фақат ўзи билан яшайди.
Дунё ўзликсиз қолмасин деб,
фақат ўзи билан яшайди бу одам.

21.02.2011



* * *

Нима қилай?
Бу най юрак
фарёдланиб борар –
яна бир парда юксалса,
узилиб кетади,
нима қилай?

Нима қилай?
Тақдирни енгдим.
Сен тақдирдан ҳам
нарида бўлсанг,
нима қилай?

Нима қилай?
Осмонингга етолмасам,
ерга киролмасам,
жоним сенга керак бўлмаса,
нима қилай?

Нима қилай?
“Худо хоҳласа,
мен уй супураман,
сиз бозорга бориб келасиз”
демасанг,
нима қилай?

Нима қилай?

Шундай улуғ сўзларни
билмасанг,
нима қилай?

23.01.2011



БУЛБУЛГА МАКТУБ

Буларга теранлик келмайди макбул –
Гарчи дард ростлиги куйга ярашган!
Одамлар кўркади, кўркади, булбул,
Тубсиз қалбларига тикка қарашдан.

Тўйда ликилламас булбул наволар,
Чумчук чирқиллаши – замоннинг зайли.
Воҳ, булбул! Нолишинг яна ҳаволар:
Ҳар парданг – Мажнуну, ҳар авжинг – Лайли.

Кир босган қалбларни оҳангда ювиб,
Ёз бўйи тарайсан руҳларни тунда...
Булбул, юборишди қаерга қувиб,
Тўққиз ой яшадинг қайси сургунда?


Барибир куйлайсан! Айрилиқ тугар –
Танни тешиб ўтди – титраниб оҳанг.
Кўнгилга айланиб борар туйғулар –
Гулдай очилмоқда сен тортган “оҳ”дан.

Илҳомда Оллоҳнинг шуъласи бордир,
Қандай мўъжизалар “оҳ”ингда бунёд:
Қўшигинг нақадар девонавордир,
Кўнгил мангулигин айляпти ёд.

Булбул, томоғингдан тутди не армон –
Сентябрь қанақа фитнани бошлар?
Гуллар не бўлади – етганда хазон?

Бу дунёда фақат қолади тошлар.

24-25.02.2011



* * *

Жоним огрир,
хижрон – огир...
Сенсиз тақдир –
ўлдирғайму?
Баҳорда ҳам
сўлдирғайму?
Сенсизликда
сўндирғайму?
Сени ўйлаб,
сени сўйлаб,
сени куйлаб –
яшайверсам,
ажал етмай
ўлмогимга
кўндирғайму,
кўндирғайму?

Магар кетсам,
бу дунёда
ғам қолмасму,
ғам қолмасму?
Фақат бахтда
кезса юрак
кам қолмасму,
кам қолмасму?

25.02.2011



* * *


Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Сени бир кўрсам эди,
Хуш кетиб, турсам эди.
Хуснингга тоқат қилолмай,
Хўнграниб юрсам эди.

Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Ой юзинг армоним-а,
Тоғларга исмингни айтсам,
Тошлари бўстоним-а.

Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Дилимда пинҳоним-а,
Ерга туш, кўкларда учма,
Сўнгги йўқ дostonим-а.

Жоним-а,
Жаҳоним-а,
Қайдасан, афғоним-а?
Сени йўқлаб йиғлаюрман,
Энг гўзал ёлғоним-а...

6.03.2011




ХАЛҚ

Бўрон.
Фалак тўғонини очди.
Шамол тошди.
Осмон хонавайрон,
булутлар пайхон.
Қуёш қаерда?
Қаерга қочди?
Чакмоқлар оловлар сочди.
Тўполон!

Ерда-чи?
Ерда...
Нималарни кўрмаган бу бош!
Яшаб турибмиз.
Ҳа, жала ёғди,
ха, сел келди,
ха, тўфон бўлди...
Худо хоҳласа,
кўрмагандай бўлиб кетамиз.

Фақат осмон қаерда?
Қаерда қуёш?
Айтинг, ўз бурчларини
ўтайверишсин,
хавотир олишмасин биздан.
Бошимизга тош ёғдиришган бўлса ҳам,
Биз
яшаб
кетаверамиз.

7.03.2011



ОЙДИН ТУН

Бу окшом тунликка ҳали кўнмаган.
Ойнинг шуъласидан таралар анбар.
Балки шундай дамда Оллоҳ йўллаган
Ваҳийни туйгандир илк бор пайғамбар.

Кўлкалар дарахтлар чодирасида,
Баргларда шабада мудроғи равон.
Ҳаво титраб турар – хотирасида
Гўё оятлардан қолган ҳаяжон.


Ўйларга чўлғониб ажиб кезасан,
Юрак ошкор этар юраклигини:
Масалан, шундай дам ногоҳ сезасан
Юлдузлар не учун кераклигини.

Яланг кўнгил билан озод юрибсан,
Дунёга кўринар қалбингдаги “оҳ”.
Сени тушунмоқда (англаб турибсан!)
Окшом, дарахт, юлдуз, Тангри таолло.

Рухинг кўкармоқда. Назар ташлайсан:
Бу хушбахт дамларда тош қолган борми?
Бахтли бир соғинчда сеза бошлайсан
Дарахтни, юлдузни, Парвардигорни.

Ойдинлик рухингдан миянгга ўтар,
Қўшиққа айланар ғамнинг нолиши.
Кўнглингга, кўнглингга, кўнглингга етар –
Сени осон топар Оллоҳ равиши...

15.03.2011



**БИР САТРДАН ЎСИБ ЧИҚҚАН
БИР ЖУФТ ШЕЪР
ЁХУД
МУҲАББАТ ҲАҚИДА
ИККИ РИВОЯТ**

1

Сени хазинадай кўмиб қўйишди,
Ёнига аждархо қўйиб қўйишди.

Жону жаҳонимни ишониб шеърга,
“Ўзинг қўлла!” дейман, кираман ерга.

Бошимга минг туман савдо солишар,
Мени ҳам, мени ҳам асир олишар –

Юрагимни боғлаб, руҳимни боғлаб,
Ернинг дим қаърига қўйишар жойлаб...

Аmmo бу нодонлар сезмас ҳеч қачон,
Сен билан учрашдим: ер таги – осмон.

24-25.03.2011

2

Сени хазинадай кўмиб туришар,
Кўрганнинг кўзларин ўйиб туришар.
Бу сирдан оламни воқиф этар деб,
Шеъримни дам-бадам сўйиб туришар.

24.02.2011



ШЕЪРХОН ҲАҚИДА

ЭССЕ

Сиздан хабар олсин деб,
шеърларни юбордим.


У бориб,
ҳоллашиб ўтирар
Сиз билан,

ҳасратлашар...

Тонглар отиб кетади...
Кунлар ботиб кетади...

Шеърнинг ёнида шеър каби юрасиз.
Диёнатини кўрасиз бу дунёни,
хиёнатини кўрасиз.
Дунёга раҳмингиз келар...
Одамларга қараб эса йиғлайсиз:
Бунча қийналди бу бечоралар –
парвардигор буюргандай
яшамоққа
қурблари етмас.
Эгри-бугри Дунёни
тўғирламоқ бўласиз –
каддингиз эгилар,
юракдан кетар мадорингиз...

Шу тарика
Қуёшнинг бир тола нуридай яшайсиз.




* * *

Жим-жит ўлтирибман дунё четида,
Олтмишга кирганман. Чарчоғим беҳад.
Зимиллар фалакнинг жабри этимда,
Оғрир суягимда замон берган дард.

Жим-жит ўлтирибман. Сўзда йўқ матлаб.
Нотаниш билимга миям тўладир...
Энди бу умрда бўлмайди яшаб –
Янги умр сори учса бўладир.

7.04.2011




* * *

Сен мени қарғадинг. Ёмон қарғадинг.
Менга бу дунёни кўрмадинг раво,
Қафтларинг терс тутдинг (тескари дуо!),
Ҳатто шом оралаб учган қарға тин
Олди. Қағиллашдан тўхтади: – Оббо!..

Мен сени олқадим. Олқадим бўзлаб –
Сенга дардларимни айладим раво:
Бок, барча фаслингда баҳорлар барпо!
Булбуллар боғларда қуйлашди юзлаб:
– Энди бирор кўнгил яшолмас музлаб –
О, бунинг дардлари – оташли дунё!

Менинг дардларимда умрингни кездинг,
Рангин оғриқларга ўзингни ташлаб...
Менгами? Қарғишининг текканин сездим,
Чунки бу дунёнда турмоқдан бездим –
Бошқа дунёларда юрибман яшаб.

12.04.2011



Х АСР. БАҒДОД. ҲАВОГА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Мен
кулман.

Озодликни соғинган
кулман.

Кулдор
мени ҳар кун
калтаклар:

Теримни неча бор шилдирди.

Бир сўз демасин деб
тиқин тикдирди оғзимга –
канчалар умримда ҳавосиз яшадим.

Дорга осди,
минорадан улоктирди,
молдай сўйди...

Дорга осмай,
сўймай,
ўлдирганининг эса
сон-саноғи йўқ.

Бу азобнинг чегараси борми?

Энди
йиғламайинми?

Озодлик етдими охир?

Ўзинг қаердасан?

Қаердасан, деяпман!..

Менга


Озодликни

яна

бандаларинг берадимми,

Парвардигор?

26.04.2010



* * *

Сенга етмоқ учун
ўзимдан
ўтишим керак.

Фақат ўзимдан...

Фақат...

Мени бунча улкан яратгансан?

Бутун умр югуриб,
ўзимдан ўтолмаяпман.

Бунча узун гуноҳман,
бунча улкан ёлғонман –


бу ўткинчи дунёга ҳам
муҳаббатим чексиз...

Бу шеърни
йиғлаб
ёзяпман.

Аҳволимга боқ:
ўзимдан ўтишга
кучим
етмаяпти.

Сенсиз эса
яшашнинг
ҳеч иложи йўқдир.

29.04.2011




* * *

Бу кеча ойники – юлдузлар чекинди ойдинда,
Зиёга чўлғониб, бу дунё уйкуда турмишдир.
Кўлкалар дарахтлар тагига бекинди ойдинда,
Кўлкалар ичинда қоронғу пистирма қурмишдир.

Уйқунинг четида хавотир – юммайди кўзини,
Мантиқнинг чалкашган сочини ўйланиб тарайди.
Тушларнинг қатидан ҳар дамда боқади чўзилиб,
Дарахтлар тагига – зулматга безовта қарайди...

2.05.2011



ТОШҚИН

Кема
қуриб бўлдим.

– Келингла-а-ар!
Бирга жон сақлаймиз!..

Ҳеч ким келмайди.

Тошқин эса
тоғдан ошиб келяпти.

Одамлар
парвардигорни алдаш билан овора –
хатарга парво ҳам қилишмас.

– Келинглар!
Жонларинг сабил қолмагандир, ахир!


Ҳеч ким келмайди.

Менимча,
бу одамлар сувга чўкмаса керак.

Ёхуд
худодан кўркмайди улар.

Ёхуд
мендан бошқа
ҳеч ким
омон қолмоқчи
эмасдир.

2.05.2011



* * *

Қаердадир
итни уришди.


Увуллаб йиғлади ит.

Дунёнинг юраги увушди.

Мен ҳам болалигимда
шундай йиғлаганман.
Дунёнинг юраги ёмон увушган.

Шундан буён
Дунёга
тасалли шеърлар
ёзганим
ёзгандир...

2.05.2011



**Х АСР. МОВАРАУННАХР.
МУҲАББАТНИНГ ЧЕГАРАСИ**

“Ўсаман”, деди эркак,
тупрок бўлди.

“Қоронғу...”, деди эркак,
чирик бўлди.

“Учаман”, деди эркак,
осмон бўлди.

“Сузаман”, деди эркак,
уммон бўлди.

“Эзаман”, деди эркак,
юррак бўлди.

“Сўяман”, деди эркак...


Аёл қилт этмади.

Пичокка айлангиси
келмади унинг.

У
муҳаббатнинг тошига
чўкиб кетди –

Эркакни энди
қутқазиб
бўлмайди.

3.05.2011




БАҲОР ЗАВҚИ

Гул бўйи кирди учиб...
Ҳовлига боқдим наҳор.
Боғни ям-яшил кучиб,
Гуллаб турибсан, баҳор.

Томчиларнинг галаси –
Тангри берган имтиёз:
Сочилмоқда бошингдан
Беҳисоб митти парвоз.

Менга нега боқасан
Ҳайрат ичида, кўклам,
Ўзи менга не бўлган –
Гулладиммикан мен ҳам?

6.05.2011



* * *

Фақат ўзингга суян.

Фарзандлар айтади
“бизга суянинг” деб;

дўстлар елкасини тутади;

туғишганларинг далда беришар:
– Биз бормиз!

Уларни хафа қилма:
майли,
фарзандларинг
бизга суянди, деб ўйласин;

дўстлар
елкаларида
сезсин қўлингни;


борлигини
ҳис қилсин
туғишганларинг.

Аммо сен ўзингга суян.

Чунки инсон жуда оғир,
жуда улкан,
осмонлар қадар юксак –

уни
ўзидан бошқа
ҳеч ким
кўтаролмайди.

7.05.2011



* * *

Ўтиб кетган кунлар кўзимга кўринди,
Қуриб кетган боғлар жонланди хаёлда.
Бузилиб – йўқ бўлган ховлимиз урунди
Бугунга келмоққа – бир хатлаб – заволдан.

Отам, онам, бобом... – жамулжам қариндош –
Худди тирик каби кездилар. Суюндим.
Қарасам, кўзимда қувонч ёш! Қувонч ёш!
Ҳатто мозийга ҳам йўл бордай туюлди.

Йўл бордай туюлди – қаттиқроқ ўйлансам –
Сенинг васлингга ҳам... Ўртаниб чопаман.
Қалбдан кўз очишга, наҳотки, умрим кам?
Мен ҳозир... Мен ҳозир у йўлни топаман.

Соғинч девоғалар айлади руҳимни,
Изғидим мастлиғдан ибодатгача.
Энди тутолмайман йўл излаб ўзимни,
Буёғи то рўзи қиёмагача...

12-16.05.2011



* * *

Бу одамга
карашинглар.


Васиятнома ёзиб ўтирмасин,
хавотир олмасин
фарзандларидан,
ортига
бурилиб
карамасин –

ҳар тарафга урмасин ўзини.

Ёнида бўлинглар.

Чунки
бечоранинг
биринчи бор .
ўлиб кўришидир...

12.05.2011



* * *

Қанча беҳиштларда бахтли яшадим,
Қандай дўзахларда ёндим увуллаб.
Қанча киёматга ўзни ташладим,
Қайтдим охиратдан ҳамиша гуллаб.

Ҳаётга қарагин! Ҳаётга қара!
Ҳамиша беҳишту дўзах ёнма-ён:
Синчиклаб тикилгин – фоже манзара –
Дўзах ёлқинида жаннат намоён.

Азизим, керакмас бу шеърга исбот,
Ўзинг ҳам умримда яшаб кўргансан:
Гоҳо дўзахингдан бергансан ҳаёт,
Гоҳо – адашибми? – жаннат бўлгансан.

18.05.2011



* * *

“Ҳамма ўзича яшайверсин”,
дегим келадию,
тилим бормайди.

Чунки
барчамизнинг
ҳаётимиз бир-биридан бўлакча,
дунёмиз эса битта.


Дунё
талашиб
яшаверамиз.

Бир-биримиз билан талашамиз;
миллат-миллат,
давлат-давлат,
синф-синф бўлиб
талашамиз –
битта дунёни.

Ҳар ким
ўз дунёсини қуриши
негадир
хатарли туюлар
бизга.

Ҳамма дунёлар
дунёмиздан
иборат бўлиши эса,
бизга
негадир
қулайдир...

5.06.2011



* * *

Не учун бекинди? Нимадан кўрқди?
Босилмади қайси хатарнинг ҳоври?
Нимага девордан нарига чўқди,
Нега дарвозани кулфлади ҳовли?

Ҳар касни бу дунё кенгликларига
Эмин яшасин, деб Оллоҳ яратган.
Нечун – кечиб иллоҳ тенгликларидан –
Ҳовли атрофига девор қалатган?

Занжиридан тамом озод этилган –
Қонсираб айланар бўрибосар ит.
Ташқарига қандай ёвлик экилган,
Ташқарида қандай бенажот таҳдид?

Ичкари нафаси етмас – ютинар,
Кўндаланг – ҳавонинг йўлига – девор...
Магар асир эрса ҳовли – кутилар,
Қўркиб бекиндими? Қутулмок душвор.

6.06.2011



КУЗГИ ДОСТОН

Холмаматга

Кўргансиз – Сурхонми, Қашқа тарафда,
Ёхуд мен билмаган бошқа тарафда –
Мошинда шошилиб кетар экансиз,
Югуриб келётган йўлнинг бўйидан,
Тўда-тўда бўлиб отликлар борар,
Қайсидир жўмарднинг ўғил тўйига –

Қайсидир бир қирда улок чопгани,
Тийрамоҳ оралаб боради улар:
Унут ёвкурликни яна топгани
(Мезонлар хаёлдай ҳазин учган пайт,
Ўзлари ҳам тушдан кўчгани монанд),
Шижоат завқини қайта тотгани.

Куз пайти Сурхонми, Қашқа тарафга,
Ёхуд мен билмаган бошқа тарафга,
Ё турмуш ташвиши жонга теккан дам
Даштга тарафгами, тошга тарафга
Кетаркан – мошиндан тушиб қарайсиз
Ногоҳ ўзингизга кўчиб қарайсиз –
“Отликлар. Куз” деган тирик суратга.

Гўё қаноти йўқ қушдай турасиз,
Отликлар ортидан қарайсиз ҳазин:
Уларнинг кетиши нақадар вазмин!
Юрак кўзи билан ногоҳ кўрасиз –
Олис бир шавкатнинг туманли расмин.

Қани? Амир Темур қайси тепада?
Кўнглига йўл ишқи кўнаяптими?

Ё содиқ навкарлар олис ўлкага,
Юртининг кузагин олиб ўлжага –
Бобурнинг ортидан жўнаяптими?

Ё девлар ўғирлаб Юнус парини,
Кўйи Қоф тарафга этдими банди –
Қанотларин кесиб хорлаяптими?
Гўрўғли зах ердан узиб бағрини,
“Ох” уриб тонг сахар, йўқлаб тангрини,
Сафарга бекларин чорлаяптими?

Ёхуд Қўнғиротнинг алп йигитлари,
Алпомиш хабарин эшитгани он,
Юраги зириллаб қалқдими бари?
Бари отландими ёв Қалмоқ сари –
Жаъми зиндонларни этгани вайрон?

Ғуссали руҳ билан уйга қайтасиз –
Умрдан бир четда нимадир қолган,
Тақдир ниманидир сўровсиз олган.
Англаб ололмайсиз – ҳозир қайдасиз?
Дўстларга тушнуксиз сўзлар айтасиз:
– Бизни дунё бедод соғинчга солган!

Сукутга чўкасиз. Жимсиз. Жимсиз. Жим.
Бузилиб боради вақтнинг равиши...

Ногоҳ бўғзингиздан йиртилиб чиқар
Хириллаган йиғи – бахши товуши.

7-9.06.2011




* * *

Мен билан бу жангда
Дунё – музаффар.
Қон ютиб чекиндим
Ўзимга қадар.

Ўзимда изиллаб,
Тангрим, кетурман...
Айт, қанча чекинсам,
Сенга етурман?

12.06.2011



* * *

Элбек бахши пулдан бошқа дарди йўк, орасида марди йўк уч-тўрт бойваччанинг даврасида – юраги сиқилиб, чангарокдан кўринган осмонга “бормисан, ёруғ дунё” деб тикилиб ўтирган экан, увукқа осилган қафасдаги бедана юраги тўлиб, саратоннинг гулидай сўлиб, бирдан сайраб юборибди. Шунда Эшдавлатбий ўзининг шавкатига ўзи берилиб, давлатидан керилиб: “Эй, Элбек! Сен ҳам шоирликда кўкариб юрибсан, дўмбирани мактаниб кўтариб юрибсан! Агар шоир эрсанг, бедананинг мана шу сайрашига бир нарса айт-чи”, – деб қолибди. Элбек бахши бийнинг гапи оғзидан чиқар-чиқмас, бир сачраниб, мана бундай деган экан:

Тор қафасга шўр бедана камалгандир,
Зиндонидан кўшиқлари таралгандир.
Бойлар, мен ҳам тутқин кушман дунёнгизда,
Шу сайрашим тутқинликда яралгандир.

Бойваччалар Элбекнинг бу гапидан ҳайрон қолиб: “Шоирлар ҳам лофчи бўлади, ёлғонни орқалаган қопчи бўлади. Ҳаммамизнинг олдимизда “қафасдаман” деб туришингни кара”, деб қолишипти. Шунда Элбек бахши “ўзларинг кўй-мадиларинг”, – деб дўмбирани “рости келди”да чалиб, мана бундай деган экан: .


Шоир зоти азал-охир хўр бўлама.
Хўр бўлса ҳам, худойимга жўр бўлама.
Сизлар билан нодонликда ўтган куним,
Нодон бойлар, қафас бўлмай, гўр бўлама.

Бойлар “Нима деди? Нима деди?” деб чувуллашиб қолишибди. Улар кўшиқнинг тагига етиб, “гапингни қайтариб ол!” дегунларича, Элбек бахшининг айтгани бу ўтовдан учиб, неча замонлардан, неча давронлардан кўчиб кета берибди...

Бугун шу ривоят менинг кўнглимга ҳам келиб кўнди.

Биродарлар, “дунёнинг кафаси кўплигини сиз ҳам билиб кўйинглар” деб, шу ривоятни оқизмай-томизмай ёзиб ўтирибман.

13.06.2011



НОХУШ ТАХМИН

Афандининг
тартиби қатъий:
дўхтирларнинг айтганидай.

Эрталаб, албатта,
баданини
тарбия қилади;

дунёга ҳам
қарамайди –
асабийлашмаслик учун;


вақтида
истеъмол этади
дориларни;
ичмайди;
чекмайди.

Фақат
баъзан
ваҳимага тушади
Афанди:

– Агар
ҳеч қачон
ўлмасам,

нима қиламан?

14.06.2011



* * *

У сотилди.
Эгаси пайдо бўлди унинг.

Мол каби
фақат эгасининг
айтганини қилади:
фақат қорни тўйса бас –
оғилхонанинг тўри уники!

Думи борга ўхшайди
(эгасининг олдида
ликиллашини эсланг);


Туёғи борга ўхшайди
(бечораларни
босиб ўтишини
кўргансиз),

Ундан кўркманг.

Аммо
эҳтиёт бўлинг:
мол бўлганидан буён
шохи ҳам
чиккандир.

Эҳтиёт бўлинг...

19.06.2011



* * *

Жавоблар чарчатди.

Баъзан
савол ҳам
бериб тур.

Мендан бошқа
ҳеч ким қолмади,
деб ўйла
ва саволлар бергин.

“Нима учун?” – де.
“Нимага?” – дегин.

Ишон,
эрта саволдан
бошланади;

бугуннинг
бевақт ўлмаслиги учун ҳам
саволлар
жуда зарур.

Хуллас,
дунё айланиб турсин;
эл омон қолсин;
юрақларни кўрқув тарк этсин;
ҳақиқат

хусусийлашиб кетмасин –
саволлар бериб тур.

Қўрқма.

Барибир
ўлиб кетамиз.


Ҳеч ким
тирик қолмайди.

Қўрқма.

Биздан
бу ҳаётга
тирик саволлар
қолади.

Қўрқма.

19.06.2011



ШОИРНИНГ ЯРАЛИШ ИБТИДОСИ

Дунё равишини ўрганди юрак.
Унинг сирларига сиркираб сингди.
Унинг нурларида сув каби тинди,
Унинг шавк наҳрида оқди шаркираб,
Унинг дардларида кайтадан унди.


Фалакка термилди ногоҳ хайратда.
Сўз кайда? Дунёга хасратда боқди.
Ва шу дам ноукув тилни сайратган,
Оғриклар ичида жонни яйратган –
Номаълум бир соғинч юракни ёқди.

Қаътига тўқаркан радсиз илмини
Яшаш ва ўлимнинг дахшат дарслари –
Етди онги қадар фалак саслари –
Унда садо берди фарёд жимлиги.
(Рухидан учмоқда турмуш хаслари,
Тобора кўриниб борди кимлиги.)

Баҳорларда кезди, кузларда кезди,
Яшилу сорикда увушди жони.
Англади: бу дунё – ғусса макони.
Тошдай кийноқларда қийналиб эсди:
Ўзини эзди у, ўзини эзди,
Яратган эгамнинг шарпасин сезди –

Фақат теранликнинг қолди имкони.

21.06.2011




* * *

Менга ишонма, дўст.
Менга ишонма.
Мана бу олов – сўз –
Балодир жонга –

Ёниб кетажаксан,
Тегса юрагинг.
Сенга ҳам умрнинг
Йўқми кераги?

21.06.2011




* * *

Нечун бизга девоналиг? –
Дарахтликда соғ бўлайлик:
Танҳолигу бегоналиг
Жондан ўтди – боғ бўлайлик.

Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай...
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

24.06.2011



* * *


На такаллуф,
На таассуф,
На “ох”, на “уф” –
Билмагайсан.

На жисмингда,
На бисмилда –
Ишк – тилсимда –
Тинмагайсан.

Бетакрорсан,
Беқарорсан,
Бебахорсан –
Умринг – кузак,

На таҳрирга,
На тасвирга,
На тақдирга –
Сигмагайсан.

26.06.2011



* * *

Бу овоз сеники,
Кўркмасдан олгин.
Уни юракка сол,
Кўшиққа солгин.


Бу қанот сеники,
Ҳаракат бергин.
Парвозга айлансин,
Рухда уч эркин!

Ана, чангга ботган
Хор-зор ҳақиқат:
Уни ердан кўтар,
Қуёшдай юксат!

Дунёга тик бокиб,
Шундоқ бетма-бет –
Юрак – хазинангни
Аямай харж эт!

Чўчима! Ўзингни
Сарф этгин, одам!
Қара, сенга ўхшаб
Бормоқда олам...

27.06.2011



БОЗОРДАГИ ОДАМ

Дўстим Раҳмонга

Мана, бунинг нархи – юз сўм;
буники – бир миллион уч юз ўн минг;
буниси – биру яна канча ноллардан иборат.
бунинг нархига эса... Бойсуннинг кучи етмайди.

Раҳмон,
одам ҳам бозорга тушиб қолди, жўра.
Бир четда турибди.
Ҳеч ким нархини сўрагани йўқ.
Одамлар уялиб кўзига бокмай ўтишар. Ёки
обу хаводан гап очиб қўядилар ноқулай жилмайишиб. Ёки
“ҳолинг шу экан-ку” дегандай, лаззатли тиржайишар.

Улар узок яшаганлар:
қанча тиниқ ёмгирлар,
қанча лойқа сувлар,
қанча тошқин селлар оқиб ўтган бошларидан –
бу бозорларда
қанча савдони кўрганлар –

тажрибалари мўл –
нархини сўрамасдан биладилар:
чунки
бу дунё
одамни сотса,
фақат
бир тийинга
сотажақдир.

29.01.2011



XX АСР. ҚИСМАТ. УСМОН НОСИР

Ёвузлик тезкордир.

Ҳақиқат – секин. Бу секинликнинг ҳам турфа даражаси бор. Масалан, омадсизнинг қошига ҳақиқат имиллаб келади. Бегуноҳ камалганнинг ҳақиқати эса ундан ҳам секинدير. Қамоқ вагонларда очу наҳор кетаётганларнинг ҳақиқати эса қолиб кетади кўз ёш тўкиб Тошкент кўчаларида. Сибирнинг совуғида изиллаганларнинг ҳақиқати музлаган ўрмонда адашиб қолади – бўриларга ем бўлар оқибат. Лагерларда очдан ўлаётганларнинг ҳақиқати эса тикан симларда осилиб ётади – бағрини ўқ тешиб... Бу ҳақиқат тамом беҳаракатдир.

“Мен ҳам одамман” деган ҳаракатни хуш кўрмайди ёвузлик. Ёвузлик – жуда тезкор. Унинг хизматкорлари, жосуслари, жаллодлари, ижодкорлари, кўшинлари, ҳукуматлари бор. “Одамман” деганни бир зумда қиймалаб ташлайди.

Ҳақиқат эса секин юради. У одамдан жуда кеч хабар топар.

У етиб келгунча, очликдан ўлади одам,

хўрликдан ўлади,


азобдан ўлади,

“нима учун?” деган саволдан боши

ёрилиб ўлади...

Энг даҳшатлиси, ҳатто ҳақиқатсиз ҳам ўлиб кетаверади одам.

7.07.2011



* * *

Бу жойга иморат экишмоқчи.

Бу жуда сирли иш.

Атроф бетон девор билан ўралди. Чуқур кавладилар. Бу чуқурда бинонинг илдизи кўмилади. Ҳали бетон девор ортидан гул каби ўсиб чиқар иморат. Худо хоҳласа, бу гулнинг теварагида капалакдай айланади одамлар. Капалакдай пирпирайдилар қисматнинг масъуллигида. Капалакдай қисқа умр кўрадилар. Капалакдай узун умр кўрадилар. Ва улар ҳам иморат экадилар бир кунмас бир кун.

Бу жуда сирли иш.


Бу иморат – китоб, мусиқа, ихтиро, боғу роғ ва бошқа бесаноқ шаклларда бўлиши мумкин.

Қисматнинг бетон девори ортидан, шубҳасиз, гул каби ўсиб чиқади

бир кунмас бир кун

бу ажиб иморатлар.

11.07.2011




* * *

Жазира. Саратон
Ёнаётган ҳаво.
Гармсел – бегу хон.
Зиндонда сабо.

Эзгуликка марҳам
Ям-яшил елка –
Боғлар сабр билан
Яратар кўлка.

Дехқон кетмон урар –
Сув оқар эркин.
Ана, энг гўзал ёз –
Сув ичган экин.

14.07.2011




* * *

Ёзнинг чорбоғида чўзилди таним.
Бир парча сояда. Оқмоқда арик.
Яшира олмайман бахтли эканим –
Дунёга мenden ҳам таралар ёруғ.

Қуёш ва чорбоғнинг эркаси – ўзим,
Руҳимга шеър кирар – олов нафасли.
Аммо не сабабдан ёшланар кўзим...
Ё Раҳмон, бу ёз ҳам мангу эмасми?

15.08.2011



* * *

Агар
дунё тўқис бўлса,
нега қушларнинг қаноти бор,
қайси қўрқинчдан ўсиб чиққан
уларнинг қаноти,
нечун улар билан шоду хуррам елкалашиб,
дунё кезмаймиз
заминда.


Агар
дунё тўқис бўлса,
қани қирлардаги ўрмон,
нега улар
тоғларга бош олиб кетди,
нега бизлардан қочади жониворлар?

Агар
ҳамма нарса тўқис бўлса,
нега бу замин бизга тор,
нега учиб кетгимиз келади баъзан,
нега уйларимизни девор билан ўраганмиз,
нега қулф солганмиз эшикларимизга,
нега деразаларимиз панжарали,
нега замин чегаралар билан бўлиб ташланган?

Агар
дунё тўқис бўлса,
нега мен меҳр излаганим излаган,
нега самимиятни кўрсам, йиғлагим келади,
нега ачинаман
ҳақиқатга?

Агар
дунё тўқис бўлса,
нега ҳамма саволларни бериш мумкин эмас,
нега жавоби аниқ саволларнинг
жавоби йўқдир?

31.08.2011




**ҚАЙСИДИР БИР АСРДА ЁЗИЛГАН
РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИ**

Олазарақ қора мушук,
Йўлни қўрмай кесиб ўт.
На адоват куважакдир,
На чўчитар маломат.
Қўлларимда таёк йўқдир,
Мана, қара, тош ҳам йўқ,
Фалокатни сендан кўриш
Ғарбдан келган кир одат.

Айтгин – бори қардошингни
Тинчлантиргин кўнглини –
Мушук зоти асло-асло
Мендан зарар топмайди:
Қорамисан, ё оқмисан
Кесавергин йўлимни...
Омадимми? Бу дунёда
У барибир чопмайди.


4.09.2011



КУЗ

Салт хайдалди даштга шамоллар,
сукунатда тоғлар серрайди.
Ногоҳ учган мезон хаёллар-
нинг бошланди руҳимда сайри.
Вақт кузакни жим-жит чўктирар
даштга, тоққа, боққа – дунёга,
тошларга ҳам ғамни уктирар –
уктиради ҳаддан зиёда.
Вақт мантигин шеърга солмоққа
етармикан руҳимнинг кучи? –
кузга тўлиб учиб бормоқда
юрагимнинг ўн икки буржи.
Мен қандай шеър ёзай ҳушимда?
Куз маънолар жондан ўтган кез –
тошларнинг ва менинг ичимда
чапараста оғир хазонрез.
Шу туришда қайга кетяпман,
гарчи дунё темир субутда?..
Нега бунча осон етяпман
умримдан ҳам нари худудга?

21.09.2011



* * *


Дахшатли ҳол:
симёғочга чироқлар осилган;
кеча
кўчада йиртилиб ётар;
кўр изғирин
оралаб борар
мени ва халқобларни...

Сенсиз
дунёда тургилигим қолмади.
Бир ўзим
изғиб
кўчада юрибман.
Тўхтаб қолсам,
чўкиб кетаман
бу қаро ерга.

Сен чўчима.
Бир овоз бер –
нафасингнинг бир шарпасини.
Борлигингни билсам, бўлди.
Олам ўзгаради –

чироқларга осилиб қолади
симёғочлар.

26.09.2011




* * *

Магар йўлинг девор тўсса,
кайгурмагин, мард йигит,
йигит киши бир зўр берса,
қулаб тушар деворлар.
Йўлларингда тоғлар ўсса,
бу ҳам ёмон дард, йигит,
факат кочма, йўлдан кечма,
етса ҳам минг озорлар.

Ҳақиқатга лим тўлгансан!
Сен – ҳаракат қуюни!
Йўлдан кечма! Ҳаракатинг
Оллоҳга ҳам етгайдир.
“Ол, қулим!”, деб худо берса,
тоғ бўласан бир куни!
Бир лаҳзада баланд тоғлар
уваланиб кетгайдир.

30.09.2011



* * *

Дунёнинг бешафкат лафзига кўндим –
Умидимни уздим вақтдан ўзишдан.
Аммо азобларда негадир ундим,
Юрак тўхтамади ҳар он ўсишдан.

Баҳорсиз кўкариб бормоқда руҳим –
Юрак – камалақдай очилган чечак.
Ҳа, бору йўғимни олади ўлим...
Фақат юрагимни қолдирса керак.



ОЛТМИШ ИККИ ЁШИМНИНГ МЕЗОН ОЙИ

Қандай ипак ҳаво! Чўлғонсам бўлар,
Ёки қушдай учсам, балиқдай сузсам,
Ёхуд туш ичинда уйғонсам бўлар,
Ўзга дунёларда тўлғонсам бўлар –
Магар ҳаёт тарзин сарҳадин бузсам.


Яшасам бўлади ўтган кунларда,
Келажак дамларга етсам бўлади,
Армонлар ортидан кетсам бўлади.
Жоним бисмилликка тайёр! Мунгларда
Дунёни битта шеър этсам бўлади.

Мезонлар ҳавода учади беҳол,
Мунграниб-мунграниб бўзлайди кўнгил.
Сўзсиз бир сўзларни сўзлайди кўнгил.
Не ойдир? Не фасл? Не эрур бу ҳол? –
Қайтмоқмас, кетмоқни истайди кўнгил.

Қисмат етиб келди қайси жойларга,
Бошга неки тушар – афғони йўқдир.
Кўнгил бошлаб борар мени қайларга? –

Бу дамда кўнгилнинг поёни йўқдир.

5.10.2011



* * *

Дунё – хато матн –
Ғижим бир қоғоз.
Танни ҳозир ёнғин
Ёндиргани рост.

Жонимдан узилар
“Эвоҳ”лару “ух”...
Турнадай тизилар
Осмонимда руҳ.

Ҳар лаҳзам – қийноқдир –
Дунёнинг ўчи...
Қайтиб келгунича
Руҳ шеърга кўчиб.


. 9.10.2011



* * *

Касалхона коридорида –
Сен келдингми? – баҳорнинг бўйи.
Ё бетизгин соғинч корида –
Сайрга чикди сен ҳақда ўйим.
Деразадан боксам хазонрез –
Барглар чизар шамол рақсини:
Уваланиб боғлар учган кез,
Бошландими видо мавсуми?
Жўнаяпман қай сафарга, ох –
Гулим, наҳот, ҳолим шунча танг?
Қайдан қайтдинг бўлгани ҳамроҳ,
Ўзинг олиб кетажакмисан?
Эй! Келмаган бўлсанг ҳам келгин,
Ўйлар келди кўнглимга ёмон:
Кел, ғойибдан қўлингни бергин...
Сенинг билан кетиш ҳам осон.

24.09.2011




* * *

Осмон оғир – тигиз булутдир.
Зил-замбилдир – чўккан ер кадар.
Замин кузга тамом тўлибдир,
Юрагимда ғусса кўнибдир –
Йиғидан ҳам баттар бир кадар.

Теранлик йўл каби турибди –
Мен кетишга тайёр паллада.
Энди сўзим сиғмас нолага...
Не учун шеър йиғлаб юрибди,
Фақат ёмғир қолган далада?

7.11.2011



* * *


Ўйнаб ўтаяпман,
куйлаб ўтаяпман,
толиб ўтаяпман,
ёниб ўтаяпман –
дунёдан.

“Қаердасан?” деб
узлуксиз кичқирди
бу умрим:
излаб ўтаяпман,
музлаб ўтаяпман –
дунёдан.

Ҳориб ўтаяпман,
қариб ўтаяпман,
минг бор ўтаяпман,
сўнг бор ўтаяпман –
дунёдан.

Қоронғу келади деб
қоронғу ўйга борма,
азизим:
сўнмай ўтаяпман,
ўлмаи ўтаяпман –
дунёдан.

8.11.2011




* * *

Дарахтга,
туманнинг
оппоқ елкаларига,
ёмғирнинг тола-тола вужудига,
хавонинг шаффоф кучоғига суяндим,
дунё оғир келганида.

Ҳақ Сўзларни айтдим,
тўлғондим дардларда,
бўзлаб кездим умрим даштларини –
чин кўшиқлар бошладим...
Қандай осон яшадим,
дунё оғир келганида.

9.11.2011



* * *

Кечаси бир маҳал,
Уйғотди ёмғир.

Ёмғир. Ҳа, демак куз
Шу кеча етди.

Менсиз бепарво ёз
Топди не тадбир –

Зулматда довдираб,
Қайларга кетди?


Нечун хотиралар
Айлади парвоз,

Нечун куз ёмғири
Эслатди ғамни?

Кетдингми хўшлашмай,
Яқин дўстим – ёз,

Энди олисларни
Соғинаманми?

15.11.2011



КУЗГИ ИЗҒИРИН


Хазонрезда югурганча,
Изиллаб айтар алла –

Қиров кечиб, яланг оёк
Тебратар боғ бешигин.

Ўтган умри – шаббодалик
Хотирдан кечган палла,

Ёзга кетай деру, бироқ
Тополмас куз эшигин.

16.11.2011



* * *


Тўрт тарафим куздир, тўрт тарафим куз.
Ушласам, ҳавонинг қўлчалари муз.

Ёмғирга тўлади тунда қоронғу.
Рухим қоронғуда уринган қолғу –

Куй бошлар. Нолалар қиради қучга.
Дардлар қалворлидир, юрак – ингичка.

Энди жўр бўлмоққа бир Сўз топиб бер...
Тўрт тарафим шеърдир, тўрт тарафим шеър.

17.11.2011



* * *

Ўтлоқ – англизча –
кузда ҳам яшил.
Устида хазонрез –
сочилган яшин.

Ундан ҳам баландда
хайрон бир дарахт:
– Ўтлоқ кўм-кўк... Хазон
бўлдимми бевақт?


18.11.2011



* * *

Мен қандай яшадим,
Қандай яшадим?
Нечун азобларда
Мудом яшнадим?
Бир тарафим – кеча,
Бир ёним – кундуз.
Шеърим – тонг чоғида
Очилган юлдуз.
Миямнинг ичига
Чекинди кўзим:
Кўрдим бу оламнинг
Ок-кора рўзин.
Кўрдим: туну кунга
Бу дунё талош.
Умрим – талошлардан
Қолган қатра ёш.
Уриниб бораман
Қоронғуга зид –
Оловли шафақда
Ўсади умид.
Чексиз бу ёнишга
Чўлғонган – онгдир...
Воҳ, азоб! Ҳаётим
Ҳамиша тонгдир.

29.11.2011



ОРЗУНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Орзу – баъзан бу тарзда бўлади:

кўнглингга ёқадиган автомобиль, кўп қават иморатли уч-тўрт ҳовли, Испаниёда вилла, Англиёдаги қадимий сарой, шахзода Уильямс иштирок этадиган базм, камида уч-тўрт миллиард евро, “яхта” деб аталган маишат кемалар, жазманликка фақат “дунёнинг энг гўзали” ва ҳоказо.

Орзу баъзан бу тарзда ҳам бўлади:

Ватанни севиш, озодликка ишониш, ҳақиқатни таниш, бемалол йиғлаш, ҳеч бўлмаса, бир бор бозорда ўйланмай пул сарфлаш, йиқилганни суяш, кулгинг келса – кулиш, орзунинг ортидан кетиш, инсофни ҳар кун яратиб туриш, фақат имоннинг гапига кўниш, ҳалолни “ҳалол”, ҳаромни “ҳаром” дейиш ва ҳоказо.

Орзу – яна бу тарзда ҳам бўлади:


бир парча нон,
бир парча нон,
бир парча нон,
бир парча нон...

Эсингдан чиқмасин, орзу шу тарзда ҳам бўлади.

Шу тарзда ҳам...

Эсингдан чиқмасин.

29.11.2011



* * *

Дунё боғларида хазонлар учар,
Туманга чўлғониб айланади Ер...
Дард – ногоҳ – оғриқдан сатрга кўчар,
Рухимга айланиб қушдай кўнар шеър.

Хотира ортидан келар хотира –
Минг алвон тўзғийди миямда такдир:
Ёритиб, кўнглимда неки бор хира,
Рангларда тошқинлаб, суратинг балқир.

Қайдандир изиллаб келар изғирин,
Қизир совуқ рақсда хазонрез базми.
Кузакда не учун етдинг, севгилим,
Келишинг навбахор эди-ку, асли?

Балки сен билмайсан: сўзлар эскиган,
Арзимас – соғинчни изҳор этишга.
Бизнинг кўчаларми? Чикмас эсимдан!
Бироқ улар сенсиз ўлиб кетишган.

Боғимиз ҳам ҳатто қайгадир учган –
Суяниб йиғлашга йўқ бир дарахти.
Омон қоладими Вақт деган кучдан
Бизга ўхшаганнинг илдизсиз бахти?

Кетмай тур... Мен ҳозир чиқаман боққа,
Сенга айтар сўзга юрагим тўлди...
Умрим тугаётган бу тигиз чоғда,
Хотирамда фақат сен қолсанг бўлди.

Ҳеч кимга насибмас бу кузда қолғу.
Банддан узилганман. Яқинман ерга...
Алвидо. Йиғлама. Яшайсан мангу.
Сени солиб қўйдим авайлаб шеърга!

3-4.12.2011



* * *

Осмон – узок,
Ер қаттиқдир.

Мақол

Биров бир оғиз яхши гапирмаган одам,
биrow эркаламаган одам,
(уни чақалоқлигида топиб олишган
чиқинди қутисидан)

йўл четида

эгасиз мушукка

ширин сўзлар айтиб ўлтирар,

эркалаб ўлтирар.

Бошига фалак эгилиб келган.

Фалақдан нур тўкилар бошига.

Фалақ шундоқ яқин.

Одам,

бир силкинса,

юлдузга айланар.

Ер эса ўша-ўша –


негадир ўзгармаган –

хамон

тошдан ҳам

қаттиқдир.

4.12.2011



ЎТГАН АСР. ОЛТМИШИНЧИ ЙИЛЛАР ЭРТАКЛАРИДАН

Киш узун келди.
Қирчиллама совук.
Қор устига қор.
Емиш қолмади молларга.
Бўкиришар қўтонни бошига кўтариб.
“Булар ўлибгина қолади”, – йиғлайди аёл.
Негадир музлар эримайди ёшидан.
Негадир баҳор келмайди.


Фақат эри келар. Пиёда.
Икки эшакка уч қанордан сомон ортилган.
Емишни ямлайди моллар берилиб.
От сотилса, сотилибди-да –
Эркак сандалда бош эгиб ўлтирар.
“Отсиз ўлибгина қолади”, –
йиғлади аёл.

Бирдан ташқарида кишнаб қолар от.
Эхтимол соғиниб...
қочиб келгандир?
Аёл ишонади ҳали ҳам эртакка:
лабларига аста табассум югурар,
артар ёшини.

Эркак эса ҳамон бош эгиб ўлтирар,

Емишни ямлайди моллар берилиб.

4.12.2011



БОЛАЛИГИМ ЎТГАН ҚИШЛАРНИ ЭСЛАШ

Қишда яралади ҳамма эртаклар.

Меҳнату ташвишдан озод бўлган он,
Орзунинг ортидан кетар юраклар
Ва эртак етаклаб қайтади ҳар шом.

Гувиллаб ёнади ўчоқда олов.
Иссиқ уйда ҳаёл қандай бесарҳад:
Булутни яратар тутаган косов,
Чўғлар сачраниши – юлдузлик – абад.

Ёмонлар албатта топади жазо.
Яхшилар мақсадга эришади шаҳд.
Эртакка чўлғониб, гуллар тош дунё,
Сандалнинг устига қушдай қўнар бахт.

Меҳнатнинг ранжидан эзилган танга
Бахш этиб оромли юксак фароғат,
Эртаклар даврада айланган дамда,
Инсон балки илк бор топар ҳаловат.

Ташқарида зулмат. Тўзғийди қорлар,
Изгирин бўзлайди совуқ созларда.
Ичкарида кўзлар ишончдан порлар –
Ижобат бўлғуси эртак ёзларда...


Сени соғинаман... Қайларга кетдинг,
Бағрида эртаклар қордай учган қиш?

Тинглагин, мен аччиқ мантикка етдим:
Ҳаёт – эртаги йўқ, узлуксиз бир иш.

Эртақчим, ўртада қолмади илинж,
Балки насиб этмас, кўришмоқ қайтиб...
Хавотир олмагин. Мен кетаман тинч –
Оламга тасалли эртақлар айтиб...

Қара, куз теграмда. Келасан қачон?
“Бор экан... Йўқ экан”... Хаёл эшилар.
Эртақ бу дунёга керакмас. Аён.
Аммо эшитади. Қара, эшитар...

5.12.2011



АФСОНА

Озодлик – бесабр. Озодлик шошар.
Оёқ ости бўлар Мантиқнинг сўзи.
Тошқини албатта бошидан ошар.
Исён ҳам кўтарар – ўзига ўзи.

Унинг ҳаракати менгзар куюнга.
Бу гўзал ғайратни тўхтатади ким?
Ногоҳ теграсини ҳар хил қонун ва
Йўриқ панжарадай ўрар: – Юргин, жим!

Худди кундуз каби кезади тунда,
Эсидан чиқади фонус кўтармоқ.
Юлдузли фалакка боқади... Шунда
Зулмат елкасига қадайдим пичоқ.


Озодлик – бепарво. Ёвни кечирар.
Мудом паст олади дўстдан ўзини.
Дўст уни қалбидан шартта ўчирар,
Ёв эса – билдирмай – ўяр кўзини.

Озодлик барчани айлайди озод,
Ҳар касга этади ҳурликни тортик.
Халқ уни бир дамда айлайди барбод –
Кулини кўқларга совуради ортик.

Булар-ку, майлига... Нақадар алам!
Арвоҳи ақлидан мангу озади:
Унга жон онаси беради барҳам,
Уни жон отаси дорга оседи.

Бу ҳолдан ҳеч кимга етмайди озор.
Қуёш жим ботади. Жим чўқади тун.
Одамлар қулликни айлар ихтиёр...
Йиғлаб озодликни соғинмоқ учун.

7.12.2011



ҚИШКИ ИЛК ИЛҲОМ

– Ҳали куз!..
Йиртилган вараққа нуқиб,
Дунёга қанчалар этса-да имо,
Тақвим ишорасин олмади уқиб,
Бир тунда Вақт қишни айлади барпо.

Бир тунда фасллар йўлин оғдирди.
Бирпасда фалакка келтирди булут,
Осмонга тахлади, сўнгра ёғдирди –
Қор сочди хазонли боғ узра юриб.

Сахарда қарасам, атроф оппоқ қор:
Йўлка, машиналар, дарахтлар, буғот..
Вақт, тўхта! Кўнглимда қанча хотир бор –
Қуз – ҳали ёдимдан чиқмаган ҳаёт.

Аммо қор... Не учун руҳим чарағон –
Унутдим хазоннинг жим навҳасини?..
Менми, Вақт қоғозга ёзди ногаҳон,
“Қиш” деган бир шеърнинг сарлавҳасини.

Худди қисмат монанд, фожиа монанд
Қиш тошдай бағрида боғни музлатган..
Сўзлар келаётир ловуллаб. Беҳад
Иссик гулхан каби келар узлатдан.

12.12.2011




ДИОГЕНГА ХАТ

Искандарлар булут каби
Ўтаверар, Диоген.
Юхо ажал барчасини
Ютаверар, Диоген.

Омон-омон! Омон-омон!
Зўру кўрлардан омон!..
Бошимизга фақат бир дам
Соя солгани ёмон!

14.12.2011



* * *

Нафасингдан
ўзга
хаво йўқ.

Қафасингдан
бошқа
озодлик.

Ёруғлик йўқ
кўзингдан бошқа.

Бор ҳаракат –
сенга интилиш.
Барча қайтиш сендан –
ўлимдир.

• Соғинчингдан
бошқа
яшаш йўқ.

Ҳижронингдан бошқа
фожиа.

Энди менга
видо айт,


кетай –

такрор-такрор
айтиб исмингни.

Тириклигим
фақат исмингда –

жуда кўпдир
исмингда
ҳаёт.

16.12.2011




ШОИРНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИШИ

Ким нима хоҳласа,
олсин!

Сенга, мана, – чойхона,
сенга – майхона,
сенга – тоғ,
сенга – боғ,
сенга – дўкон,
сенга – ўрмон!
Сенга – банк,
сенга – танк,
сенга – бахт,
сенга – тахт.
Дехконга – дала!
Муллага – салла!
Ошиққа – вафо.
Ёмонга – жазо.
Яхшига – мукофот,
Ҳокимга – музофот,
Бўйдоққа – хотин,
Камбағалга – олтин,
Пошшоларга – салтанат,
Ҳар бирига – мамлакат...

Менгами?
Ҳеч нарса керакмас –
Парвардигор,
бу ёруғ дунёнг
дунё тургунча
меникидир.

19.12.2011



ҚАЙТИШ

Бу тор кўча гоҳ бурилар,
Гоҳ уринар –
Ўрлайди.
Деворларга гоҳ урилар,
Гоҳ тошларга ўрнайди.

Гоҳ пастлайди...
Баланду паст
Унда ўзин ҳолича.
Кўкрак босиб деворга, маст
Осилгандир олича.


Атрофдаги уйлар, боғлар
Токка ажиб тирмашган.
Бу тор кўча ҳовлиларга
Илдиз каби
Чирмашган.

У дарахтга менгзар – узун
Тани ер бўйи тушган.
Мен ҳам
Унинг шохчасидан
Учган сайёр бир қушман.

Тор кўчага қайта келдим...
Учибми,
Ё пиёда?
Менинг навдам – менинг уйим
Борми ёруғ дунёда?

Зиркирайди юрак, сезиб
Тош қисматнинг зайлини...
Кўча,
Бир дам сенда кезиб,
Йиғлаб юрсам, майлими?

19.12.2011




* * *

Бу не кўрим, кодир парвардигор,
Яшолмаяпман тақдир микдориди.
Нега сўрамайсан?
Сўрамайсан нега бир бор –
Ўликлар каторидаманми,
тириклар каториди?

Қон қуйилгудай – миям зўриққан. Етмаяпти кучим
Кўнглимдаги дарднинг изҳорига.
Нега яшаяпман?
Парвардигор, нима учун?
Ўликлар каторидаманми,
тириклар каториди?

21.12.2011




ТУН. ҚОР

Қаерларга кетди қоронғу?
Ташқарида оқ тун – қор тонги –
Дунё ёруғ – оққа қоришган.
Энди ҳормас руҳимнинг онги
Юрагимга етиб боришдан.

Осмон тўлиб кетган учишга:
Фонусларнинг гирди чирпарак.
Қорнинг ҳар бир учқуни – чечак.
Довон йўқдир дардга кўчишга –
Куйлаб йўлга чиқсанг-чи, юрак!

Қор иплари теграмда тўзғир,
Ҳаволарда йўллари ипак.
Қара, жону жаҳоним сергак...
Парвардигор, ахир, яқиндир,
Бўзлаб йўлга чиқсанг-чи, юрак!

26.12.2011



* * *


1

Қоронғудан кўркма.
Қоронғудан кўркма.
Агар
ёруғлик бўлсанг,
қоронғудан
кўркмагин...

2

Қоронғудан кўркма.
Қоронғудан кўркма.
Инсон ҳам
аслида
бир парча
куёшдир...
Қоронғудан кўркма.

26.12.2011



ИШОНЧ


Қорда қолиб кетди боғ.
Ўққа учган
йўловчидай
тўхтаб қолди
дарахтлар.

Ер узала йиқилган –
мук тушиб
тақдирга
тан бериб ётар.
Одамлар деразаларни
бекитиб олганлар.
Дунёда ҳеч ким йўқ.
Қор эса тўхтамайдигандай.
Қиш ўзи неча йил?
Мангу эмасми?
Қачон тугайди?

Бир бесабр одам
қорни
курай бошлади.
Ғайрати зўр.

Насиб бўлса,
бутун дунёни
қордан
озод қилгусидир.

28.12.2011



* * *

У боғда сен қолдинг –
Дарахтлар билан.
Кушлар билан қолдинг. Тушларинг билан...
Юрагингдан мени айладинг бархам,
Қандайдир беқайғу ишларинг билан.
Бегона мавзулар сухбатида танг
Сўзларингда нега шеър йўқ? Билмайсан.
Фақат куриб қолган дарахтни кўрсанг,
Йиғлайсан...
Негадир ўксиб йиғлайсан.


28.12.2011



* * *

Мудом тушларимга кирар ўша боғ:
Гох гуллаб киради,
Саргариб гоҳо.
Дил ғусса юкидан оғир тортган чоғ,
Ҳатто ҳушимда ҳам бўлади пайдо
Кўзларимни юмсам...
Кўзимни юмсам,
Туяман олисдан бир ўтлиғ сасни –
Ҳануз жўровозми, у боғ сен билан,
У менсиз куйлашни унутганмасми?

30.12.2011



ШАМОЛ

Чопар шамол – товонлари хўл,
Чопар шамол – минг оёк, минг қўл –
Силкинади ҳар ўт, ҳар дарахт.
Бу тулпорга барибир ўнг-сўл,
Йўлсизлик ҳам унга йўлдир, йўл –
Йўқолмаса басдир ҳаракат.

Дунё ботин томирларида
Ҳаракатни туйиб – тўлғонар,
Қанча мудрок жонлар уйғонар.
Тирикликнинг тадбирларида
Боғларию адирларига
Қат-қат ҳаёт онги чўлғонар.

Унга ёвдир қанчалар девор.
Тирикликни этгунча бедор,
Зарра-зарра жони узилар.
Етгунича аммо адолиғ,
Бу оламда тутар фидолиғ –
Қанча уйғоқ ҳаёт тузилар.

Рухим маним, шамолим маним,
Жонга отган камоним маним,
Бу дунёни тўлғатгин! Тўлғат!
Ёмон боқма, замоним маним,
Эзгу эрур армоним маним –
Тўхтамас басдир ҳаракат.

15.01.2012



ЖИМЛИК

Барибир жимлик бор. Сезиб турибман.
Шамол шовкинига қоришган жимлик.
Кузнинг рангларида ёришган жимлик.
Барибир жимлик бор. Сезиб турибман.
Қарға саси билан олишган жимлик.

Барибир жимлик бор. Сезиб турибман.
Шабнамдай сочилиб ўйга бекинган.
Омон қолмоқ учун қалбга чекинган.
Барибир жимлик бор. Сезиб турибман.
Ёруғ хаёлларга тушдай экилган.

Мен уни танийман. Кўзлари ёниқ.
Соғинчда энг юксак фарёд бўлар у,
Барча бедардликдан озод бўлар у –
Яралишдан олдин келади – аниқ –
Илҳом мавжларида бунёд бўлар у.

Барибир жимлик бор. Сезиб турибман.
Барча товушлардан юксалган садо.
Қисматин тугёнда айлаган барпо...
Ана, сабрин узди. Сезиб турибман.
Шеърми? Ҳозир... Ҳозир бўлади пайдо.

16.01.2012



РИВОЯТ


Бу йўл ёлғиз эмас – учга бўлинди...
“Борса, келмас” олди менинг кўнглимни.

Гарчи “Борса, келар” айлади имо,
Менга буюрмаган қайтмоқни худо.

“Ё келар, ё келмас” ўйиндир мужмал,
Мен бирдан қисматни этмоқчиман ҳал.

Тақдирга тик қараш бандасин расми:
Ўйла, “Борса, келмас” умрдир асли...

16.01.2012




АЁЗ

Қиш – оғир.
Кўтаролмаяпман.
Юрагим зўриқди.
Бунинг устига,
қаршимда сен
музлаб ўлтирибсан.
Йиғлама.

Гарчи
бу юлдузли, ойли
қишнинг
аёзи жондан ўтди.
Гарчи
орамиздаги
бир қарич масофани
босиб ўтишга
умримиз
етмас...

Совуқ.
Дунё
тошга
айланиб борар.
Йиғлама...

28.01.2012



* * *

Томчилар “чик-чик”лар – соатга таклид.
Бу соат сўзлайди нима хақида?
Баҳорнинг эшигин қоқмоқда балки.
Балки бу товушлар “кел” сўзин шархи,
Соғинчнинг ғазали – тоқат баҳрида.


Сен тарафда не ҳол? Томчилар – саф-саф –
Ўзларин томингдан ташлаяптими?
Улардан сўрагин – ахир, нима гап? –
Улар қаҳратон киш – сийнаси садаф
Ҳижронга кўзғолон бошлаяптими?

Сени севишимга икрорман, икрор!
Бу ҳолни қай тарзда кўчирай сўзга?
Мана, эсга тушдинг – ёш келди кўзга:
Бизнинг ўртамизда биргина дард бор,
Фақат тақдиримиз ўзгадир, ўзга.

Ҳажр кишларининг йўқдир поёни –
Итдай етаклади қисматни тоқат.
Нима? Шу шеърнинг ҳам борми зиёни?
Қайдан унутмоққа топайин курбат?

Қун ботди.
Ва аёз тутди дунёни.

12-13.02.2012



ДУТОР ҲАҚИДА

РИВОЯТ

Ногоҳ куй таратди дутор – ўртади.
Қалбларда телбақор туйғу ўрнади.

Мажнун куй келтирди руҳларга фикрат,
Онларга – шижоат, сўзларга – журъат.


Дутор куйлаверди – дардлари чаман,
Ҳар қалбда яралди ўзга бир олам.

Ҳар дил ўзга рангда гулга кўмилди,
Ҳар ким ҳар тоифа мунгга кўмилди...

Бу ҳолга безовта қаради бир кас.
Магарки, тебраниб, тинглади бесас,

Магарки, куй тинглаб ақлдан озди...
Шу одам дуторни деворга осди.

13.02.2012



МУҲАББАТ

Келяпсанми,
кемам?
Сени узок кутдим.
Елканинг кўринмади уфқимда.


Аммо энди
кўришолмаймиз.
Бандаргоҳларим йўқ –
ороллашганим фасллар ўтган.
Кема бўлишингни қайдан биламан?

Энди мен денгизлашдим.
Муҳаббатни унутган
китъаларга исён каби
денгизлашдим.

Сузишнинг кераги йўқ:
шамолга ялинма,
тўлқиндан сўрама мадад –
сен ҳам
бор-йўғи бир қурукликсан.

Сезиб турибман,
кема ҳам
бўлганингча йўқ.
Майли,
тошлигингча
бағримга чўкавер!
Мавжланишни билмаган
вужудингни
абад қучиб ётай.

13.02.2012



ЁЛҒИЗ

Оламлар ичинда
бир олам
ёлғиз.


Юлдузлар ичинда
бир юлдуз
ёлғиз;

дарахтзорлар аро
бир дарахт
ёлғиз;

одамлар ичинда
бир ўзинг
ёлғиз;

менинг
кўнглимда эса
бир мухаббат
ёлғиздир.

14.02.2012



ЭХТИЁТКОРЛИК


Боримни бердим сенга.

Тушларим, хушларим
ишларим,
жоним,
онгим –
сеники.

Фақат ёлғизликни
асраб
бир четга
қўйдим.

Сен кетсанг,
“бирга яшармиз” деб,
ёлғизликни
асраб қўйдим
бир четга.

14.02.2012



ОМАДЛИ ОДАМ

Мен омадли одамман:
соғинишни биламан,
“ох” уришни биламан
сени ўйлаб.
Ичим
қайнаб ётар
сенинг оловли ўйларингда.

Мен омадли одамман:
Юзларингга оққан
ёшингнинг таъми
лабларимда;
қўлларимда
қўлларингнинг тафти;
қулогимда
ҳеч кимга айтмаган
сўзларинг.

·
Биламан,
умрим
умр бўлмади.

Аммо
мен
жуда омадли одамман –
чунки
шу яшолмаган умримда
шеърлар ёзганим-ёзган
сени ўйлаб.

14.02.2012




ХОТИРА

Менда хотира йўқ.
Бошдан-оёқ умрим
шу лаҳзада рўй берар.
Шу лаҳзада – барча кийноқларим ва роҳатларим,
барча шодликларим ва фожиаларим,
барча топишларим ва йўқотишларим,
барча висолларим ва айрилиқларим,
барча соғинчларим...
Барчаси ҳозиргина бошимга тушгандай.
Барчасини кўтариб юраман юрагим зиркираб.
Барча жароҳатлар – яп-янги.
Кўксимга умрим бўйи санчилган ханжарлар
шу лаҳзада баробар туйраб ўтар сийнамни.
Умрим бўйи етмаган ҳаволар
шу лаҳзада бирваракайига етмас –
бир ютум қолмайди дунёда ҳаво...

“Оҳ” урмай бўладими?
(Бу ҳолларнинг бори кечар шу лаҳзада)

Хуллас, хотиралар йўқ.
Умрим бошдан-оёқ жуда янги.
Ҳозир бошимдан ўтаётгандай.
Шунинг учун
уни шеърга кўчираман шошиб
туну кун.
У шундай янгики,
бу дунёдан ногоҳ олиб кетсам,
увол бўладигандай.

15.02.2012



* * *

Ёлғизлик билан
сухбатларинг теран,
базмларинг жуда ўйчандир.
Тунларинг бедор ўтади
икковларингнинг,
осмонларинг юксак,
йўлларинг узун,
хаётларинг хаётдан ҳам аччик,
эртақларинг
эртақлардан чиройли...

Ёлғизлик билан
ҳасратларинг
коғозга тушса,
шеър пайдо бўлар.

Агар
шеър, ўйлаганингдек,
хаётинг бўлса,
хаётинг
жуда
гўзалдир,
азизим.

17.02.2012



ТУН. АФҒОН ШАМОЛИ

Балх устида балкиган юлдуз,
Термиз узра эгилди шўх-шаън.
Тикан симлар ичида маҳбус
Амударё кўзида бир дам
Порлагани; ёхуд (мукаррар!)
Кўрмоқ учун ҳасратнинг рўйин;
Ёхуд сувга асир балиқлар
Қандай қура дарёда ўйин?
Ёхуд хоки туроб Термизий
Сукунатда – мақбара оша –
Вактнинг темир мантиғин бузиб,
Дунё билан қандай гаплашар?

Саф-саф чирок порлаган Термиз
Туну ёғду рангида – ола.
Илон каби буралган поезд
Саксовуллар оралаб борар.


Эски Термиз деворларига
Довул чикди ногоҳ тирмашиб –
Бу қудратнинг ғуборларига
Уфк келар шундок эргашиб.

Жонҳолатда эгилди боғлар
Дарахтлари тунда – пойма-пой.
Ариқ тубин маҳкам қучоқлаб,
Қум остида қолиб кетди ой.

Ютар экан тўфоннинг дами,
Юлдуз сўнг бор ташлади назар –

Байроқ каби ҳилпирар замин,
Кўхитангдан Термизга қадар.
Довул эса чопар қутуриб,
Шерободнинг шўрхоқ чўлида.
Қандай гўзал байроқдир бу юрт,
Ким тушурди уни қўлидан?

30.12.1990




* * *

Тунда
уца олмас
кушлар,
Қанотларин зулмат босар беовоз.
Тунда фақат талпинади тушлар –
Ўнгингнинг
раъйидан
кутулган парвоз.

Қоронғу ичингга ботирар кўзингни,
Тош сабр тагидан кўқарар эхтирос.
Тунда –
кўчалардан йиғиб келасан
ўзингни,

Тунда –
юрагингга
кўчади парвоз.

27.10.2004



* * *

Бошим оғди –
Ихтиёрим йўқ.
Ёшим окди –
Бахтиёрим йўқ.

Йўқлигида
Ихтиёрсизман,
Борлигида
Бахтга ёрсизман.

4.03.1994



* * *


Дунёда турибсан
Майсага ўхшаб,

Қуёш чиқди, ёзга
Оловлар тўшаб...

Менинг шу қуёшдан
Гумоним бордир:

Сени оловларга
Қовурган – ўша.

20.01.1994



* * *


Мусикасиз яшаш ғанимат,
Очмоқ нечун умид қабрини?
Камон тортди Турғун Алимат –
Тирилтирди дунё жабрини.

Вактнинг чексиз-чексиз ториға
Чалкашмоқда сознинг ноласи –
Бир юракнинг истиғфориға
Аралашди Оллоҳ воласи.

“...Мен – Адолат... Адолатингман!..” –
Танитди куй ўзин худоға.
Шу мусика шарофатидан
Боролмади умрим видоға.

Аммо мудом тириклик хато!
Гоҳ ўлиб ҳам турмоқ шарт... Фақат
Қачон, қачон чалади сато
Мангу колгур Турғун Алимат.

19.12.1994



**ХЎЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙ
АЙТГАНЛАРИДАН ТАРЖИМАЛАР**

* * *

Ҳеч нарсамиз йўғу ҳеч камимиз йўк,
Ҳечимиз йўқликдан ҳеч ғамимиз йўк.
Жандамиз елкада, елкада – гўристон,
Гар ўлар эрсак, ҳеч мотамимиз йўқ.

БАЙТ

Дунёнинг бор ишидин улугдир минг бор,
Дўст васлига етса дўст, ёр васлига ёр.


БАЙТ

Токай мардлар қабрин тавоб этарсан,
Мардлар кўйин тут – муродга етарсан.

БАЙТ

Жон ила этгум адо коринг – нечун этмас бўлай,
Бош уза тутгум эъзоз боринг – нечун тутмас бўлай?

1994



* * *

Тонгнинг шода мунчоғи
Қиёқларнинг учида.
Хатто “ох” шарпасига
Тўкилар нафис шабнам.
Яхшиси, кун чикарда –
Ҳар шабнамнинг ичида –
Қуёш шаъм ёқмоғига
Термилиб жим ўлтирсам.

Кўқаришдан уфурган
Сурурни беҳуш ёдлаб,
Ўйга толиб ўлтирсам,
Эгканимча бошимни.
Беовоз қўшиқ айтсам,
Барча ноламни поклаб,
Хўрсиниб, ўзим артсам,
Ўзим тўккан ёшимни.


1994



* * *

Сенга атоғ меҳрим куйласам кўпдир –
Нечун бу меҳрдан
Юрагим тўлмас?
Ҳеч кимнинг
Сен каби
Ватани йўқдир,
Ҳеч юртнинг
Мен каби
фарзанди бўлмас.

12.04.1996



ЦИРК. ДОРБОЗ

Сизлар – пастдасизлар. Мен-чи – дордаман.
Сизлар – томошабин. Мен эса – дорбоз.
Хатто лангарни ҳам ерга отаман –
Қўлимни кўркувдан айлайман халос.

Маҳорат талаби – кўзни боғладим,
Фалакнинг токида ягона йўл – дор.
Бир асрор маъносин ногоҳ англадим:
Бир марта ўлим бор, минг туғилиш бор.

Икки оёғимга пичоқ боғланган,
Хар қўйган қадамим – тикқа қасдма-қасд.
Мендай жонбозлардан дили доғланган
Оломон кўксини ушлар – пайпаслаб.

Илинж қолдирмади бу ёруғ олам,
Фақат мувозанат ёлғиз таянчим.
Хотиним, фарзандим, дўстим, волидам
Қўркинчлари ичра жуда аянчли!

Тўртта тарафим ҳам
Боради қочиб...
Ер эса қаттиқдир.. Қаттиқ... Ўлимдай!
Қалбимни, оломон, қўлингга ол-чи,
Энди айт, юксаклик борми кўнглимдай?

Ёрдам беролмайсан, дўст мувозанат!
Арқон йўқ... Ҳавога қадам ташлайман.
Дордан то ергача неча аср, вақт?

...Шу узун умримда яшай бошлайман.

1.12.1989 – 28.02.1994



ИККИ МАКТУБ

1

“Дунё
тор эди.

Сен кетдинг.
Янада торайди
бу дунё.


Дунёмизнинг
қанчасини
олиб кетдинг сен?..”

2

“Ҳаммаси
сенга колди.

Энди
менинг
дунём
йўқ...”

8.12.1993



ВОКЗАЛДА

Айрилиқ онлари ҳамиша ёвук –
Кўзини яширар, сўзлар пойма-пой.
Яна – юрагингдан келади совуқ,
Яна – булутларнинг ичидадир ой.


Қайси маконларда бахтиёр кезлар,
Оламни забт этди қачон бу ётлик?
Ғамни олиб кетмас кетар поездлар,
Келар поездларда қайтмайди шодлик.

Нималар дедим мен?

Нечун иштибоҳ?

Ўқирсам, одамлар қарашмайдими?
Вагоннинг ортидан югурганча, ох,
Ўлгунимча кетсам, ярашмайдими?

17.01.1993




БЕКАТ

Куёшдан бекинмай ўтказар ёзни,
Баҳорда елкасин ёмғирда тутиб.
Эрталаб бу бекат кузатар бизни,
Кечқурун хизматдан олади кутиб.

Мошинлар ортидан хазонлар сочиб,
Кўчага чиқади негадир кузлар.
Бекат безовтадир – эшикни очиб,
Ёпгунча – бепарво троллейбуслар.

Аёзда кўчалар – йиқилган қилич –
Ялтирар.
– Шом тушди! Юр, кетдик, қани...
Бекат йўл четида ўлтирар нотинч,
Кечиккан йўлчини кутиб олгани.

18.01.1993



* * *

Тупрокка белادي мени тепки, мушт.
Йикилдим –
Халойик гуррос ўради.
Огзимдан кон оқиб,
Тўлғониб беҳуш,
“Ахир, нима учун?” дея сўрадим.

Биров рўмолчасин тутди –
Олмадим.
Бўғзимга кадалди ғазабу нафрат.
Ҳақиқат излабми
Ўртанди таним –
“Нима учун?” дея
Сўрадим фақат.

Юракнинг тўрига чекингин, алам,
Қадрим,
Тутиб тургин қасос оловин,
Эсингни йигиб ол,
Ёрилган каллам,
Ахир, нима учун? –
Билмоғим лозим.

Танимда фоженинг
Тўфони турди,
Бўғзимда қонимга
Қоришди нафас.
Ростини айтинглар,
Мени ким урди?..

Худойим урмаган бўлса,
Ҳеч гапмас.

1989 – 25.05.2011




* * *

Ёнаётган шамнинг
Кўз ёши ҳақдир,
Эриётган музнинг
Кўз ёшлари рост –
Ҳаёт сархадидан
Чиқару тақдир,
Қоронгу йўқликдан
Ўтар шу алфоз.
Шу тарзда кўз ёшдан
Яралар ирмоқ,
Сойлару дарёлар,
Баҳри уммонлар.
Шу тарзда оромга
Айланар қийноқ,
Шу тарзда кулгуга
Кўчар гирёнлар.

Шу тарзда ёруғлар
Зулматдан шарҳдир.
Шу тарзда оловлар
Музликларга хос.
Шу тарзда шамларнинг
Кўз ёши ҳақдир.
Шу тарзда музларнинг
Кўз ёшлари рост.

22.12.1994



* * *

Тоғдай бошимга маним,
Тоғлар тушди.
Раҳмдилсан – кўзингдан
Бир ёш учди.

Ғуссани қўй – юрагингга
Гард юқмасин.
Дард юқмасин, жонингга
Дард юқмасин.

Ғаминг билан бир ўзим
Тўлсам, тўлай.
Кўзингда ёш бўлгунча,
Ўлсам, ўлай...

1994




* * *

Бойсун устида очди
Кеча каро тўшини.
Гулханни тунга сочди
Юлдузларнинг қўшини.

Қайси ёвига отди
Осмон беун замбарак?
Юлдуз учдию ботди
Чексизликни чамалаб.

Тоғ сергак – босиб ётар
Фалакнинг этагини...
Худойим, ҳеч тугатма
Дунёнинг эртагини!

14.08.1996



* * *

Жала ўтди. Фалак супурар
Чақмоқ теккан булут ўрдасин.
Навдаларда қалтираб турар –
Илма-тешик шамол бурдаси...

Қолган эдим мен ҳам жалада:
Қара, танда яшиннинг изи –
Қилич олов кириб калламдан,
Сўзларимдан чиқмоқда сизиб.

Жоним эса лойда юзтубан...
Рухим қалқиб, очаркан чечак,
Уйғондим яна уйқудан –
Нечанчи бор яралди юрак?


23.07.1994 – 2.06.2011



II

HACP





ҚИЁМАТ

(Киноқисса)

Озодагина ҳовли. Гуллар экилган. Дарахтларнинг таги чопилган. Бир томонда икки хоналигина уй. Бир томонда хўжалик учун қачонлардир қурилган эски бинолар.

Гулзода хиргойи қилиб, ҳовли супураяпти. У ниҳоятда чиройли жувон.

Ҳовли эшиги шараклаб очилиб, шиддат билан Мардон киради. Мардон номига яраша йигит – ҳар бир ҳаракатидан ғайрат жўшиб тошаяпти. У ҳозир қувончдан чарақлаган.

– Гулзода!.. – дейди у эшик олдида тўхтаб. – Бир ташқарига қара!..

– Юрагимни ёрай дедингиз-а! – дейди Гулзода қаддини ростларқан, ёқасига туфлаган бўлиб. – Қўрқиб кетдим...

У қаддини ростлаганда, оғир оёқ эканлиги шундоқ билинади.

– Э, ҳамма нарсадан кўрқаверасанми? Бу дунёда яшасанг, кўрқмай яша!.. – дейди унга парво қилмай Мардон. – Ташқарига қарасанг-чи!..

Мардоннинг кайфияти Гулзодага аста-аста ўта бошлайди. У супургини ташлаб, рўмолини тузатади, сўнг юзига табасум югуриб, ўзига ярашган навозиш билан эрининг ортидан ташқарига чакконгина юради.

– Буни қара! – дейди Мардон. – Буни қара!

Эшик олдида ювиб-таралган, аммо эскилиги билиниб турган, ҳатто бир қаноти озгина пачоқ “Матиз” турибди.

– Зўрми? – деди Мардон. – Зўрми?!

– Яхши! – дейди юзу кўзи янада ёришиб Гулзода. – Жуда яхши!.. Кимники?

– Кимники бўлар эди, бизники-да! – дейди Мардон ичига сиғмай. – Бизники!..

– Вой!..

– Энди машинада юрасиз, бойвучча! Э, Ёрисяга бориб, ишлаб келаман, деганимда, қанча кўз ёш тўккан эдинг!.. Мана, энди керилиб, мошина миначан!.. Режалар кўп!.. Дарвозани оч!

Гулзода дарвозани очади.

Мардон моторни юргизиб, машинани ичкарига олиб киради.

Тўхтатганиданок машинадан чакқон тушади-да, уни артишга тушади.

– Қара, яп-янги! Ён йилгина юрган! – дейди у завқ билан машинани артаркан, – Мана бу пачоғини эса, бир кунда тузатиб оламан! Дўстларга айтсам, бир пасда!.. Гулзода, – у кўлидаги латгани хотинига кўрсатади, – жуда эски экан!

– Ҳозир, – дейди Гулзода уй томон қувониб югураркан, – ҳозир!.. Яп-янги докам бор...

– Секин! Барака топгур, секин! Оғироёқсан!..

Гулзода эшитмагандай чопқиллаб уйга киради-да, бир пасда тахи бузилмаган докани олиб чиқади.

– Раҳмат! Шу ишинг учун бозорга текин олиб бориб келаман!..

Мардон машинани яна артишга тутинади. Гулзода эрининг ҳар бир ҳаракатига, кўзига нақ бахтнинг ўзгинаси бўлиб кўринаётган машинага бахтиёрликда қараб турибди.

– Мошин оламан деб айтмапсиз ҳам!..

– Қутилмаганда бир қувон дедим-да! Ёмонми?

– Яхши! Яхши!..

– Ўзим-чи!

– Ўзингиз ҳам яхши!..

Гулзоданинг бу мактовида эрини суйиш ҳам, меҳр ҳам, эр-каланиш ҳам бор.

– Э, ҳали режалар кўп! – дейди Мардон.

Шу пайт дарвоза тақиллайди. Мардон ўша ғайратли юришида бориб, дарвозанинг кичик табақасини очади.

– Э, келинлар! – дейди у. – Келинлар!... Ичкарига келинлар-чи!..

Ичкарига уч йигит кириб, Мардон билан кўришиб, сўрашадилар. Гулзода бориб, супургини олади-да, ҳовлини тез-тез супуришга тушади...

– Бу ёққа юринлар-чи!

Мардон йигитларни эски бинолар томон бошлайди.

Гулзода супуриндини оларкан, эрининг гаплари қулоғига чалиниб турибди.

– Мана бу алмисокдан қолган хароботларни бузиб ташлай-сизлар! Ўрнига янги бино қурамыз! Катта эмас, лекин чиройли бўлади!

Гулзода – бахтиёр: бир кунда шунча бахт!

– Қани, бошланглар!

Мардон эски биоларнинг биридан мардикорларга белкуррак, кетмон ва бошқа иш анжомлари олиб чиқиб беради. Сўнг ўша ғайрати жўшиб юришда Гулзоданинг олдига келади.

– Зўрми? – дейди талтайиброқ.

– Зўр!.. – деб кулади бахтга ўраниб Гулзода.

– Зўр уй қурамыз!..

– Майли! Қурамыз! Пулимиз... етармикан?

– Тежаб-тергаймиз... Бу йил кўтарамиз, иккинчи йил томини ёпамиз, учинчи йил рому эшиklarини қўямиз... Беш-олти йилда, ҳа, майли, ўн йилда, битади қўяди-да!... Бу иморат сен учун!..

– Иккаламиз учун! – Гулзода қорнига ишора қилади. – Болаларимиз учун!..

Осмонларда учиб юрган бахт, уларнинг ҳам манглайига яркираб кўнганини ҳис қилган одамлардай иккаласи шоду хуррамликда бир-бирларига термилиб турибдилар.

– Ҳали режаларим кўп!..

– Илойим, кўп бўлсин!..

Қўккисдан Мардоннинг қўл телефони жиринглаб қолади. Мардон Гулзоданинг кўзларидан кўзини олмай, телефонни олиб қарайди. Тараддулланади. Шу пайт ичкаридан – уйдан яна бошқа телефон жиринглаб қолади.

– Телефоним...

Гулзода бирдан ўзгариб, беҳаловат югуришда, уйга киради.

Мардон енгил нафас олиб, телефонда паст овозда гаплашаркан, ховлининг бир четига юради.

– Алло!.. Ольга?..

Мардикорлар эски уйни бузишга киришадилар.

Гулзода шошиб телефонни олади. Хавотирда деразага қараб-қараб гаплаша бошлайди.

– Ким? – дейди жонсарак паст овозда.

Жимлик.

– Мансур ака, сизмисиз?

Мардикорлар уйни бузяптилар.

Мардон телефонда гаплашяпти.

... – Ольга! Это я!.. Да, я Мардон!.. Что ты плачешь? Что случилось?.. Ну, говори!..¹

... – Мансур ака, – деяпти телефонга қарийб шивирларкан Гулзода. – Илтимос, бошка телефон қилманг!.. Илтимос! Эрим келган! Мени яхши кўрсангиз ҳам телефон қилманг! Мени унутинг!..

... – Ольга, за что я тебя должен извениять? Не плачь!.. Через пол года я буду в России... Что? Встречи не надо? Ну, не плачь!²

... – Мансур ака, мен аҳмоқлик қилдим... Эрим узоқда эди. Бошимни йўқотдим!.. Менга уйланишингизнинг кераги йўқ. Ҳеч нарсанинг кераги йўқ... Мен ҳамма нарсани унутмоқчиман!..

... – Что? Я? К врачу? Анализи сдавать? Чем болеешь? Чем? Не шути! Не шути, говорю!.. Это точно?.. Значить... Я тоже? Не шути... Не шути...³

... – Эримни яхши кўраман! Мени тинч қўйинг, Мансур ака! Илтимос! Биламан, сиз яхши одамсиз! Бир яхшилик қилинг! Илтимос!.. Эримни?.. Чиндан ҳам яхши кўраман!.. Раҳмат! Раҳмат! Қуллик! Сиз яхши одамсиз!.. Яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман!..

Гулзода ташқарига чиқади. Айвондан туриб ҳовлига қарайди. Мардикорлар эски уйларни бузяпти. Мардон эса “Матиз”га суянганча, аллатовур бўлиб турибди. Гулзода эрига қараб туради. Негадир кўзлари намланади. У Мардонни қаршисига бориб, биринчи кўргандай унга тикилиб қолади.

¹ Ольга! Менман!.. Мен. Мардонман... Нега йиглаяпсан? Нима бўлди?... Гапирсанг-чи!..

² Ольга, нима учун сени кечиршим керак? Йиглама!.. Ярим йилдан кейин Россияда бўламан... Нима? Учрашмаймиз? Йигламагин-да!

³ Нима? Мен? Вврагча?... Анализ топширишим керак? Нима билан офринг?... Ҳазиллашма! Ҳазиллашма деяпман!.. Аниқ, дейсанми?... Демак, мен ҳам... Ҳазиллашма!.. Ҳазиллашма!

Меҳру муҳаббатга тўлиб тикилади. Кўзларидан ёши оқиб тикилади. Мардон эса негадир саросималанади.

– Нима? – дейди у чўчибгина. – Нима?.. Тинчликми ўзи?

Гулзода уни ютоқиб, бағрига босади. Юз-кўзларидан ўпади.

Кечқурун. Эру хотин айвонда ўтиришибди. Ҳовлини, тева-ракни, бутун дунёни, ҳар бир хужайрани негадир оғир сукунат босган. Жуда оғир сукунат. Юрак-бағрингни тилкалаб, суяк-суягингни майда-майдалайдиган сукунат.

Мардоннинг аввалги шиддатидан асар ҳам йўқ – аллақандай кичрайиб, мунғайиб қолган. У беихтиёр «уф» тортади. Ёнидаги ёстикқа бош қўяди.

– Мазангиз йўқми? – деб сўрайди Гулзода сукунатни аранг бузиб.

– Ҳа... – дейди Мардон зўриқиб.

Яна орага ўша сукунат тушади.

– Ичкари кириб ётинг, – дейди Гулзода ердан кўзини узмасдан.

– Мен шу ерда ёта қоламан... – дейди аранг Мардон. – Ичкарида ўзинг ётавер...

Сукунат янада қуюклашади. Нафас олишга куч етмайдигандай...

– Сиз... – дейди бор кучини йиғиб Гулзода. – ... бирор гап эшитдингизми?

Мардон қимирлаёлмай ётибди.

– Сен-чи?.. – дейди Мардон ниҳоят.

– Мен... қандай гап эшитаман?

Сукунат анча енгил тортади.

– Бор... Ухла...

Мардон тескари ўғирилиб ётади.

Гулзода чойнак-пиёлани кўтариб, уйга киради. Бир пасдан сўни ичкаридан кўрпа олиб чиқиб, эрининг устига ёпади. Аста эрининг сочларини, юзларини силайди. Мардон хотинининг қўлини ушлайди. Лабларига босиб ўпади. Гулзода эса унсиз, титраб-титраб йиғлай бошлайди...

Мардон атрофга уни биров кўриб қолишидан чўчиган одамдай аланглаб серқатнов кўчадан – идораларнинг лавҳаларига кўз ташлаб боряпти.

“Республика ОИТС¹ маркази” деб лавҳа осилган бино ол-
дига келиб, шартта тўхтайди. Атрофга бир кур назар ташла-
гач, марказ эшиги томон шиддат билан юради. Аммо борган
сари қадами секинлашади. Тўхтайди. Шартта ортига бурилиб
жўнайди. Нарироққа бориб, яна тўхтайди.

Негадир уни тер босган, хансираб нафас олади. Рўмолча
олиб, терини артади.

Сўнг атрофга яна бир бор аланглаб қарайди.

Ўз ишлари, ташвишлари билан овора одамлар йўлакдан
ўтиб туришибди. Машиналар серкатнов...

Мардон сигарет чекади.

– Мардон!

Мардон чўчиб тушади. Негадир сигаретни отиб юборади.

– Мардон! Сенмисан?

Юзу кўзи табассумдан ёришган йигит у томонга қараб кел-
япти.

– Э, Ҳамид... – дейди кулишга ҳаракат қилиб Мардон.

– Бормисан? Ассалом алайкум!

Ҳамид кучоғини очади:

– Ваалайкум...

Икковлари кучоклашиб кўришадилар.

– Россиядасан деб эшитган эдим... Келдингми? Ўрислар-
нинг қизлари олиб қолмадими, ишкилиб!..

– Келдим... Ўн кун бўлди..

– Оббо, сен-ей! Ўрис қизлардан қутулиб келган бўлсанг,
ишларинг беш!

– Ёмонмас...

– СПИД марказининг олдида турибсан... Тинчликми?

Ҳамид бу ҳазилини жуда қойилмақом деб ўйлаган бўл-
са керак, хохолаб қулади. Мардон ҳам қулгуга кўшилган
бўлади.

– Ие, – дейди Мардон СПИД маркази биносига бир қараб
олар экан, – бу шунақа биноми?

– Шунақа!.. Э, бу жойга ишинг тушмасин, огайни!..

– Бировни шу ерда кутиб турган эдим...

¹ ОИТС – орттирилган иммунитет танкислиги синдроми.

– Бошқа жойда кут! Бу жойнинг сояси ўзига тушсин!.. Хўп, келган бўлсанг, яхши бўпти! Чойхонада бир отамлашайлик! Ўт, хўпми?

– Албатта, ўтаман...

Улар хайрлашадилар.

Мардон яна сигарет тутатади. Атрофга зимдан қарайди. Сўнг сигаретни отиб юборади-да, шахт билан марказнинг эшиги томон юради.

Шаҳарнинг серкатнов кўчалари. Гулзода йўлакдан юриб боряпти. Кўча кийими уни янада очиб юборган. Эркагу аёл йўловчи унга бир суқланиб қараб ўтаяпти.

Қоп-қора “Мерседес” кўчадан келяпти. “Мерседес”нинг орқа ўриндиғида келишган, ёши элликлар атрофидаги, дид билан кийинган одам ўтирибди. Унинг кўзи Гулзодага тушади. Кўкқисдан – ток ургандан сесканиб кетади.

– Тўхтат! – дейди у ҳайдовчига ранги оқариб, – Тўхтат!..

Машина йўл қоидасини бузиб, машиналарнинг норози сигнали қуршовида йўл четига бурилиб тўхтади. Орқа ўриндиқдаги одам машина эшигини шахт билан очиб, тушади. Йўлакда – сал нарида кетаётган Гулзодани чақиради:

– Гулзода!..

Гулзоданинг юриши секинлашади. Тўхтади. Яна бир-икки қадам ташлайди. Аммо вужудини куч тарк этгандай беҳаракат қотади. Сўнг аста товуш келган тарафга бурилиб қарайди.

– Гулзода!..

Аёл эркак томон юради. Унинг бу боришини уят, хоҳиш, ўзига-ўзи кучи етолмаслик, афсус ва яна қанча бир-бирига ёв тугён қамраб олган. Гулзода йўлакнинг четига – эркакнинг қаршисига бориб тўхтади. Эркакка қарайди. Эркак ногаҳон йўқотган бахтини кўрган одамдай ундан кўз узмай турибди.

– Мансур ака...

– Машинага ўтир!.. – дейди эркак.

– Мен... сизга айтганман...

– Машинага ўтир... гаплашиб оламиз... Одамлар қараяпти.

Мени ҳамма танийди...

Гулзода шошиб ўзини машина ичига олади.

– Одамлардан холироқ жойга ҳайда, – дейди Мансур ака хайдовчига.

Машина ўрнидан кўзгалади.

Мардон врач билан суҳбат қиляпти.

– Ўша Ольга деганингиз кўнгироқ қилдими? – деб сўрайди врач.

– Ҳа... Ўша...

– Нима деди?

– Шунақа-шунақа... Касал эканман деди.

– Қанақа касал эканман, деди?

Мардон хижолат чеккандай, бир дам гапдан қолади.

– Спид... Спид деди, ака...

– ОИТС...

– ОИТС?

– СПИДнинг ўзбекчаси. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми.

Ўртага жимлик чўкади.

– Эҳтимол, – дейди врач, – сизнинг раҳмингизни келтиргиси келганидан айтгандир ўша Ольгангиз?

– Йўқ, – дейди Мардон бир оз ўйлаб туриб, – йўқ, у киз бировнинг раҳмига қараб қолган қиз эмас...

Яна жимлик.

– Бу ерга келиб тўғри иш қилибсиз, – дейди врач. – Энди сизни яхшилаб текшириб кўрамиз. Анализ топширасиз... Касал бўлмасангиз, кўнглингиз тинчийди. Касал бўлсангиз, ҳисобга оламиз...

Мардон чўчиб тушади:

– Қанақа ҳисобга?

– Чўчиманг. Даволаш учун ҳисобга оламиз. Даволаниш хуфиёна кечади. Беморнинг шахси сир тутилади. Муолажаларимиз ҳам, дориларимиз ҳам бепул... Фақат айтиб кўяй, анализларнинг натижаси қандай бўлишидан қатъи назар яшашингиз тарзини ўзгартирасиз. Бошқача яшайсиз энди, Мардонбек...

– Қанақа... бошқача?

– Нафсингизни тиясиз! Ҳар бир қадамингизни ўйлаб босасиз! Ольга-польга деганларни хаёлингизга ҳам келтирмайсиз! Яшашнинг Олий ҳақиқат томонидан белгилаб қўйилган

маромлари бор. Ким бу маромларни бузса, шунга яраша жазо ҳам олади... Э, ука, бу касаллик асли одамларнинг ҳаром-хариш юришларига қарши тозаликнинг исьёнидай бир гап... Тушундингизми?

Мардон қотиб турибди.

– Тушундим, – дейди у аранг.

Врач йўлланма қоғозчаларга ниманидир ёза бошлайди.

– Энди анализ топширасиз. Анализларнинг жавоби учун қачон келишингизни айтишади. – У қоғозларни Мардонга уза-тади. – Мана!.. Ишқилиб, касал бўлманг!..

“Мерседес” шаҳарнинг одамлар камрок четига келиб тўхтади.

– Бор, – дейди ҳайдовчига Мансур ака, – сигарет чекиб ол!

– Мен, сигарет чекмайман, ака, – дейди ҳайдовчи.

– Нима чекасан?

– Биласиз-ку, нос чекаман...

– Э, Абдушукур!.. Балони чекмайсанми?! Туш!..

Абдушукур машинадан тушади. Чўнтагидан нос халтани олган кўйи нарига кетади.

Машина ичида жимлик. Мансур ака ҳам, Гулзода ҳам бош эгканча, ўтирибдилар.

– Мен сиздан илтимос қилган эдим... – дейди ахийри Гулзода.

Мансур ака унга ялт этиб қарайди.

– Оркангдан пойлаб юрганим йўқ, – дейди Мансур ака ўктам овозда. – Шунчаки йўлимнинг устидан чикиб қолдинг. Сенга кўзим тушгандан, нима қилганимни ўзим билмайман!

Яна жимлик.

– Лекин барибир сени кўришим керак эди... Мен ҳамма балони кўрган одамман. Юрагим тош бўлиб кетган деб ўйлардим. Аммо сенга дуч келган кунимдан, бутун хаётим алғов-далғов бўлиб кетди. Сендан бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмайман... Сенсиз қандай яшашни ҳам билмайман...

Мансур ака Гулзодага қарайди. Аёл бошини эгиб ўтирибди.

– Шу иш яхши бўлмади... – дейди у.

Гулзода бу гапни юрагининг шундай тўридан айтадики, Мансур ака афсус тўла аччиқ ҳақиқатда ўртанган сўзларнинг

оҳангига дош беролмай, кўзларини юмганча, ўзини орқага ташлайди ва бир оз тин олгач, тан олади:

– Ҳа, яхши бўлмади...

У кўзларини юмганча узок ўтиради.

– Аммо бир кун мени десанг, – дейди ниҳоят бенажот бир умидворликда, – ҳамма нарсадан кечаман. Хоҳласанг, Тошкентда эмас, бошқа жойга бориб яшаймиз. Истасанг Москвада, истасанг Парижда...

Гулзода “килт” этмай ўтирибди.

– Менинг эрим бор, – Гулзоданинг кўзларидан ёш оқа бошлайди. – Мен ёлғизликка дош беролмай, итлик килдим... Энди ҳаммасини унутмоқчиман. Уни яхши кўраман!..

– Ўша ҳам эр бўлдим! – Мансур ака чидай олмай жувоннинг гапини бўлади. – Бир кун бу ерда, ўн кун Россияда...

– Тирикчилик... – дейди ёши тўхтамай Гулзода. – Тирикчиликнинг тошдан қаттиқ эканлигини сиз билмайсиз. Ўзга юртга бориб, икки сўм топиб келиш учун, одамлар кўп нарсани қурбон беришади...

– Нимани?

– Нимани?.. Кўриб турибсиз-ку!.. Ору номусини... Мухаббатини...

Сукунат чўкади.

– Менинг жавобимни беринг! – дейди Гулзода. – Илтимос, унутинг!..

Мансур ака жувонга тикилиб қолади.

Гулзода бошини эгканича ўтирибди.

Мансур ака машина эшигини очади-да, ташқарига тушади.

– Абдушукур, – дейди у ўша ўқтам овозда. – Гулзодахонни уйига элтиб ташла! Менга машина чакир!..

Усталар ҳовлининг тўридаги эски уйнинг жойига янги иморатнинг пойдеворини тугаллаб, илк ғиштларни тера бошлаганлар.

Мардон чўккаллаб ўтирганча, ҳовлидан уларга қараб турибди.

– Чойга келинг, – дейди унга айвондан Гулзода.

Ўзига ғарқ бўлган йигит уни эшитмайди.

Гулзода айвондан тушиб келиб, унинг елкасига қўл қўяди.

– Мардон ака...

Йигит хотинига бурилиб қарайди.

– Ҳа... – дейди у ҳафсаласиз.

Гулзода эрининг киртайиб қолган кўзига, курукшаган лабларига қарайди.

– Нима бўлди?

– Ҳеч нарса...

– Юринг, нонушта қилинг!..

– Иштаҳам йўқ, – ўрнидан туради Мардон. – Мен бир ёққа бориб келаман! Агар шу бугун худо йўлимни тўғри қилса... – У хотинига ўртаниб тикилади, – ...сени кейин бошимга кўтариб юраман!..

– Мен ҳам... мен ҳам... – дейди бирдан бўшашиб жувон. Мен ҳам... Оёқларингизни ўпиб яшайман!.. Хоку пойингиз бўламан!

Ўзи билан ўзи андармон Мардон шартта бурилади-да, ҳақиқатан ҳам хоку пой бўлгани эгилиб келаётган аёлни тарк этиб, ҳовлидан чиқиб кетади.

Мардон “СПИДни даъволаш маркази”га кириб келади. У анализлар натижаси ҳақида маълумот бериладиган хоначанинг токчасига эгилади.

– Менга, – дейди ранг қути учиб, – анализларнинг натижаси керак эди.

Кўлидаги олмани қарс-қарс тишлаб, телефонда гаплашаётган юзи тўла қувонч аёл унга бир караб қўйиб, ҳамсухбати билан хайрлашади.

– Бўпти, Мунис... Қайта телефон қиламан!.. Иسمу шарифингизни айтиб юборинг?

– Холматов... Холматов Мардон...

Аёл “Холматов... Холматов” деб шивирлаганча, анализ қоғозларини кўздан кечира бошлайди. Энг бахтли ишни бажарётган одамдай унинг юзи табассумдан барқ уриб турибди.

– Мана, – дейди у қувончдан тўхтамай. – Холматов Мардон!.. Сизнинг анализларингиз... Хўш... Хўш... Ижобий чиқибди.

Мардоннинг юзига қон югуради.

– Ижобий денг!..

– Ҳа, ижобий чиқибди! – дейди бахтиёр жувон. – Энди бир врачга учраб қўясиз!

– Шу билан... Бўлдимми? – дейди Мардон ўзида йўқ шодланиб.

– Врач айтади.

Бирдан Мардонга ғайрату шиддат қайтади.

– Раҳмат! – дейди у жувонга.

Сўнг лифтга бир кўз ташлайди-да, қизил чироғи ёниб турганини кўргач, сабри чидамай, зинадан юқорига кўтарила бошлайди.

Жувон йигитнинг ортидан ҳайрон қараб турибди.

Мардон коридордан шиддат билан кетаяпти. Ўзича бош силкиб, жилмайиб қўяди.

Мардон врачнинг хонасига отилиб киради.

– Дўхтир, – дейди у беҳад хуррамликда қўлидаги анализ қоғозини силкиб. – Мана!.. Мана!.. Ижобий чиқибди! Ўтакам ёрилай деди-я!..

Йигитнинг бу қувончли ҳолатини врач тушунмайди:

– Эҳтимол салбий чиққандир?..

– Йўқ! Ҳамшира айтди! Мана, ёзиб қўйибди ҳам!.. Ижобий!

Врач йигитнинг қўлидаги қоғозни олади.

– Ўтиринг! – дейди у Мардонга.

Қувонч Мардоннинг тили жағини очиб юборган:

– Э, ака, кўрқиб кетдим-а! – дейди у ўтирар экан. – Ёмонда! Дунё кўзимга қоронғу бўлди-е! Худо кўрсатмасин!..

Мардон врач унинг тўлиб-тошаётганига қўшилмаётганини сезиб, бўшашиброк гапдан тўхтади:

– Ака?..

Врач бу йигитнинг қувончини бўлгиси келмаётган бир алфозда, томоғини кириб, гапга узок чоғланади.

– Ижобий чиқибди-да... Салбий чиққан-да яхшироқ эди. Ҳа, майли... Энди биргаликда курашамиз... Ўтиринг!..

Мардоннинг юзи оқариб кетади. Пешонасини майда тер босади. Дунёда ҳаво қолмагандай зўриқиб нафас ола бошлайди.

– Демак, мен?.. Ўша касалманми?

Дўхтир йигитнинг кўзига қарайди.

– Ҳа.

Мардон бирдан жаннатдан жаҳаннамга тушган одам ҳолатида қотиб қолади.

Мардон кўчада юрибди. У ўзини йўқотган. Нима қилишини билмайди. Одамлар ўтаяпти. Кўчадан машиналар ошаяпти. Бинолар жойида. Осмон кўм-кўк, дарахтлар ям-яшил...

У ойнабанд витриналарга ўзини солиб қарайди. Юзларини силаб кўради. Ўзининг кўзига ўзи термилади. Яна боши оққан тарафга юради.

Атрофда ғала-ғовур, кулгу. Кўча четидаги қаҳвахоналарда, емакхоналарда одамлар бемалол овқатланиб, кулиб-ўйнаб ўтиришибди. Йигит-қизлар бахтларига сиғмай, қаҳ-қаҳ уришади.

Телефон жиринглайди.

Мардон чўчиб тушади. Юришдан тўхтайди. Сўнг телефонни олиб узок қараб туради. Телефон чирқираб-чирқираб тинади. У ўрнидан кўзғалолмай турибди.

Телефон яна чирқирайди. Чирқирайди... Мардон тош қотиб қолган ҳавони бармоғи билан тешиб ўтаётгандай бир зўриқишда телефон тугмасини босади.

ГУЛЗОДАНИНГ ТОВУШИ (*телефонда*): Мардон ака?! Мардон ака?! Нега гапирмайсиз?.. Тез келинг!.. Илтимос, келинг!.. Илтимос... Мардон ака!.. Мардон ака!.. Илтимос, келинг! Илтимос!..

– Гул!.. – дейди охири Мардон, афтода бир овозда, – Гул!.. Бораман!.. Ҳозир бораман!..

Мардон ҳовлига киради.

Гулзода уй ичкарасида. У тош қотиб, эрининг келганини деразадан кузатиб турибди.

Мардон ҳовлининг тўрига, янги уйнинг ғиштини тера бошлаган усталар ёнига йўналади.

Мардон усталарнинг ёнига бориб сўрашади.

– Мана, – дейди уста боши ғишт теришдан тўхтамай. – Бошладик!.. Худо хоҳласа, “ҳа” демай битиб қолади! Янги уйда роҳат қилиб яшайсиз, Мардонбек!

Мардон унинг гапини эшитиб-эшитмай турибди.

– Биласизларми, уста акалар, – дейди у ниҳоят, – бошка зарур ишлар чиқиб қолди...

Усталар ишдан тўхтаб, Мардонга қарайдилар.

– Мен уй қурмайдиган бўлдим!..

Гулзода деразадан қараб турибди. Усталар Мардон билан хайр-хўшлашиб ташқарига чиқиб кетяптилар.

Мардон дарвозани ёпади-да, ховлини кесиб ўтиб, уйга қараб юради.

Гулзода дераза тагида ҳозир юзига тарсаки ейдиган одамдай кўзларини юмиб турибди. Эшик ғийқиллаб очилганда эса, боши узра кўл кўтарилгандай, сесканиб ҳам тушади.

Мардон келиб диванга чўқади.

– Гулзода...

Гулзода ўша ҳолатда турибди.

– Гулзода... Бир гап бор...

– Айтаверинг... – деб шивирлайди аёл. – Ҳеч нарса қолдирманг... Айтаверинг!..

Йигит даҳшатга кўмилиб, қимирлашга мажоли етмай ўтирибди.

– Мен дўхтирга борган эдим... – дейди у.

Бу гап Мардоннинг томоғидан сўйилаётган қўйнинг бўғзидан чиқаётгандай хириллаб чиқади.

Аёл бир зумда у кутган шармандали икром онлари орқага чекинганини ҳис қилади. Кўзларини очиб эрига қарайди. Эрининг афтода холини кўриб, ич-ичидан – юрагининг энг тўридан ҳолсизланиб ўтирган бу йигит унинг эри эканлигини ногоҳ ҳис қилади. Ҳа, эри! Умр йўлини бирга босиб ўтадиган; биргаликда фарзандлар бунёд этиб, катта оила қурадиган; қувончу шодликни, қайғую ташвишни кўш ҳўкиз бўлиб тортадиган энг азиз одами! Лаҳза ичида «бу одамнинг ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиб юришлари мен учун... Мен эса...» деган хаёл бошидан ўтади. Ва югуриб эри томонга боради. Қаршисига тиз чўқади.

– Нима бўлди?! Нима бўлди?!.

– Мен... – дейди ўша хиркирок овозда Мардон. – Мен дўхтирга бордим...

– Касал экансизми?

– Ҳа. Касал эканман!

– Қанақа касал?

– Ёмон касал...

– Қаратамиз! – дейди Гулзода, эрига жону жаҳонини бахш этиш имконияти туғилганидан хурсанд бўлиб. – Қаратамиз!.. Яхши бўлиб кетасиз!.. Мени айтди дейсиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз!..

Мардон кесак каби беҳис – хотинининг бу дилдорликларини ҳис қилолмайди.

– Сен ҳам... – дейди у баттар хириллаб.

– Мен ҳам?

– Ҳа...

– Нима “ҳа”?

– Сен ҳам дўхтирга боришинг керак экан...

Гулзода хавотирга тўлиб, ўрнидан туради.

– Қанақа касал экан у?

– Жуда ёмон касал...

– Таносил касалими?

Мардон бош тебратгади:

– Йўқ...

– Қанақа касал?

– Ёмон касал... – Мардон жони чиқаётгандай хириллайди. –

Менда ОИВ бор экан.

– У нимаси?

– Одам иммунитетанқислик вирусиси...

– Қандай вирус?

Мардон аямай, хотинининг кўзига тик қарайди:

– ОИВ... Хуллас, СПИД...

Гулзода эри келиши олдидан боши узра қўл кўтарган тақдир, унинг юзига тавқи лаънат тарсақисини аямай, бор куч билан тортиб юборганини ҳис қилади.

– Вой!.. – у юзини икки қўли билан яширганча, гандирак-лаб кетади.

Мардон сакраб туриб, уни елкасидан ушлаб, авайлаб, креслога ўтқазади. Гулзода юзларини кафтлари билан берки-тиб узок ўтиради.

– Қаердан сизда пайдо бўлибди? – деб шивирлайди у, ниҳоят бош кўтариб.

– Бу касал нимадан пайдо бўлишини биласанми?

– Эшитганман...

– Ана ўшандан.

Гулзода Мардонга анграйиб қараб қолади, сўнг кўзларидан ёш оқа бошлайди.

– Ўшандан... – дейди шивирлаб. – Ўшандан...

Мардон “Спид маркази”нинг рўбарасида “МАТИЗ”да ўтирибди. У ҳаяжонланган. Икки кўзи марказнинг эшигида. Бирдан кўзи кўчадан ўтиб кетаётган Ҳамидга тушади. У кимгадир олисдан гап ташлаб, кулиб бораяпти.

Мардон шоша-пиша машина ичига ёнбошлади. Кўзларини юмиб олган.

Машинанинг деразаси секин чертилади.

Мардон сесканиб ғужанак бўлади.

Дераза яна чертилади.

У кўзини очади.

Деразадан милиционер қараб турибди. У машина эшигини очишга ишора қилади.

Мардон қалтираб, дераза ойнасини туширади.

– Сержант Қосимжонов... – дейди у.

– Нима бўлди? – дейди Мардон.

– Нега яширинаяпсиз? – дейди хавотирланиб милиционер.

– Ўзим...

– Одам ўзидан ўзи яширинавермайди!.. Қани, хужжати кўрсатиб қўйинг-чи!.. Бирор хавотирингиз бордир-да, мени кўриб, машинанинг ичини минг танга қиляпсиз... Хужжатни олинг, деяпман!..

Мардон унга хужжатларни тутқазди.

– Худди бировни ўлдирган одамдай қўлингиз қалтирайди-я! – Милиционер хужжатларни кўздан кечиради. – Хужжатларингиз жойида... Нега яшириндингиз?

Мардоннинг ишламай қолган мияси охири ишлайди.

– Бировдан қарз олиб тўлай олмай юрган эдим, ўша ўтиб қолди...

– Тўлашнинг урдасидан чиксанг, қарз ол-да, бойвачча! Яширинишингни қара! Уялмайсанми? Мендан ҳам биров қарз олиб қочиб юрибди. Ҳалол яшашни ўрганинглар бундай!

– Бўпти... Ўрганаман, ака...

– Нимани?

– Қарз тўлашни-да.

– Э! Гапингни кара! – милиционер ҳафсаласи пир бўлиб, кўлини силкийди. – Аввал ҳалолликни ўрган! Бандасидан-қу, яшириниб қутуларсан, парвардигордан қаерга қочиб борасан!.. Ма, ҳужжатингни ол!

У ҳужжатни қайтариб беради.

Милица нари кетиши билан Мардоннинг кўзи Марказ эшигидан чиқиб келаётган Гулзодага тушади. У дунёни унутиб, бошини эгиб келяпти. Мардон ҳаяжон билан унга қараб турибди.

Гулзода машинанинг олд эшигини очиб, ўриндикка ўтиради.

Мардон машина моторини юргизаркан, сўрайди:

– Дўхгир нима деди?

Гулзода жимгина ўгирилиб ташқарига қарайди.

– Тезроқ ҳайданг...

Машина катта йўлга бурилади. Гулзода жимгина кетяпти. Мардон унга қараб-қараб кўяди.

– Нима бўлди? – дейди у охири сабри тугаб. – Соғ экансанми?

Гулзода бошини аста сарак-сарак қилади:

– Йўк... – томоғига жони тикилгандай ютиниб. – Мен ҳам... касал эканман...

Мардон нажот илинжида сўрайди:

– Қанақа касал?

Аёл яна ютинади, айтадиган гапи сўзга айланмай, бутун вужуди билан тўлғонади. У Мардоннинг саволига жавоб бергунча, эҳтимол йиллар ўтгандай туюлади.

– Мен ҳам... – Гулзода негадир эридан юз ўгириб, машина деразасидан узокларга қарайди. – ...сизнинг касалингиздан эканман...

Машина бирдан силкиниб тўхтади. Мардон рулга чексиз-чегарасиз алам билан, ҳолсизланиб бош кўяди. Гулзода эса ўриндикда тирик мурдадай ўтирибди.

Гулзода уйида. Кўлида телефон. У деразага қараб-қараб кўяди.

Ховли тўрида – чала қолган қурилишнинг гишт терилмаган пойдеворида бошини чангаллаб Мардон ўтирибди.

Гулзода шошиб телефон рақамларини тера бошлайди.

– Алло... Алло!..

Мансур ака уч-тўрт киши билан мажлис қияпти:

– Ўтган ойдаги ишларимиз мени қониқтирмади. Мен чўнтагимдан пул тўлайвериб, сизларни ёмон ўргатдим. Ахир, корхона деган жонивор фойда келтириши керак. Сизлар фақат зиёнга ишляпсизлар... Энди бу корхонани ёпишдан бошка иложим йўқ...

У стол тагидаги қўнғироқ тугмачасини босади.

Эшик очилиб, ёрдамчи киради.

– Ахмадали, “Товус” корхонасини касодга учрагани ҳақида ҳужжатларни тайёрланг!

Шу пайт қўл телефони жиринглайди. Мансур ака телефон экранида пайдо бўлган ёзувга кўзи тушгач, юзида билинар-билинемас табассум югуриб, суҳбат тугмачасини босади.

– Ваалайкум ассалом... – Унинг юзида табассум пайдо бўлади. – Ҳа... Ўзим... Телефон қилганингдан жуда хурсандман. Гапиравер... Нима? Анализ топшираман? Гапиравер... Хўш... Хўш... Касални номини нима дединг? – У жиддий тортади. – Яхши... Яхши... Сен ўзингни уринтирма!

Гулзода телефонда гаплашиб бўлади. Деразадан қарайди. Мардон ўтирган жойида йўқ. У ташқарига отилиб чиқади.

Мансур ака телефонни ўчиради. Сўнг чуқур нафас олиб, атрофдагиларга қарайди:

– Сизларга жавоб!

Мажлис аҳли руҳсиз бир кайфиятда эшикка йўналади.

– Шошманглар...

Ҳамма тўхтайди. Мансур ака тубсиз бир ўйга толган.

– Ахмадали, майли, ўша ҳужжатларни кейин тайёрларсан.

Булар яна бир оз ишласин...

Мажлис аҳлининг юзида табассум пайдо бўлади.

– Раҳмат, ака!..

– Худо хоҳласа ишимиз яхши бўлади...

– Раҳмат, Мансур Қудратович!

Улар чиқиб кетади.

– Мансур Кудратович, нима бўлди? – дейди қалбаки меҳрибонлик билан ёрдамчи.

– Дўхтирга анализ топширишим керак экан. Поликлиникадан кўнғирок қилишяпти...

– Касал бўлманг, ака! Бахтимизга соғ-омон юринг!..

Мансур ака унга парво қилмай, ўйланиб қолади:

– Машина чақир, Ахмадали. – деди у сўнг. – Дўхтирга бориб келаман!

Гулзода ҳовлига югуриб чиқади.

– Мардон ака!.. – дейди у хавотирга тўлиб. – Мардон ака!..

Ҳеч ким овоз бермайди.

Гулзода аллақандай зич ваҳима девордан ошиб тушиб, ҳовлини тўлдирганини ҳис қилади. У сув каби босиб, кўксини, миясини, юрагини, ҳар бир хужайрасини, ақлу ҳушини – бору йўқ дунёсини ютиб юборганини эса шундок кўради.

– Мардон ака! Мардон ака!..

Гулзода изиллаб йиғлаганча, ҳовли ичида тўрт томонга югуради.

– Мардон ака!.. Мардон ака!

Аёл телбаланиб ҳовли тўридаги қурилиш томон югуради. Сўнг уйларнинг эшикларини очиб кўра бошлайди. Ошхона эшигини очади-да, тош қотиб қолади.

– Мардон ака-а-а!..

Чинқириб юборади у.

Ошхона ўртасида Мардон осилиб турибди.

Гулзода эшикда, жонсиз турибди. У ярадор бўлган аллақандай жонивор каби инграниб йиғлаганча, бирдан ҳаракатга тушади. Стол устида ётган пичокни олади. Ерда ағанаб ётган табуреткани тўғрилаб кўяди-да, устига чиқади. Сўнг жонҳолатда шифтга осилган арқонни кеса бошлайди. Арқон чала кесилгач, Мардоннинг оғирлигига дош беролмай, узилиб тушади.

Мардон ерга қулаб тушади.

Гулзода шошганича, ўша ингрокда унинг бошига эгилади. Бўйнидан арқонни олиб ташлайди. Арқон кизартириб юборган жойларини саросимада укалашга тушади. Энгашиб бўйнидан,

сўнг юзларидан ўпа бошлади. Саросимада югуриб бориб, идишда сув олиб келади-да, унинг бетига сепеди.

Мардон кўзларини очади:

– Гулзода, – дейди йигит у дунёдан гапираётгандай, – мен айбдорман...

– Йўқ!.. – дейди аёл ўша антиқа йиғининг ингроғи ичида. – Мен айбдорман! Мен...

– Кечир!..

– Нимани кечираман? Нимани? Мен айбдорман!..

Мардон ётган жойида тўлғонади:

– Мен нодон... сени ўлимга ҳукм қилдим!..

Гулзода дод солади.

– Йўқ... Мен!.. Мен!..

Гулзода ва Мардон мунғайиб ўтиришибди.

– Шундай қилиб, – оғир суҳбатни хулосалайди Мардон, – яшашимиз керак экан-да...

– Яшашимиз керак... – дейди Гулзода ўлимга ҳозирлик кўраётган одамдай. – Яшашимиз керак... Кесиб олишса, бола соғлом дунёга келар экан...

Ўртага сукунат чўқади.

– Бола... – дейди Мардон Гулзоданинг қорнига ишора қилади. – Кимники?

– Сизники... – дейди Гулзода, – Сизнинг болангиз...

Яна сукунат.

Гулзода шаҳар оралаб боряпти.

Телефон жиринглайди. У телефонни қулоғига босади.

МАНСУР АКА (*юраётган машинанинг орқа ўриндигида ўтирибди*). Мен Мансур акангман!

ГУЛЗОДА: Соғмисиз? Дўхтирлар нима деди?

МАНСУР АКА. Дўхтирлар «касалсан» деди.

ГУЛЗОДА: Ўша... Ўша касалми?

МАНСУР АКА: Ҳа... Ўша касал... Сендан бир илтимосим бор. Мен хорижга кетяпман. У ерда анча йил яшасам керак. Ҳам дам олиб, ҳам даволанаман. Аммо сени бир кўриб кетишим керак... (*Машина йўлкада кетаётган Гулзодага етиб келади.*) Илтимос, йўқ дема! Жуда зарур гапим бор! Охирги ил-

тимосим!.. (Машина Гулзодадан сал ўзиб тўхтайди). Кўчага бурилиб қара...

Гулзода “Мерседес”ни кўради. Тез юриб келади-да, орқа эшикни очиб, шошган кўйи ўзини ичкарига олади. Ичкарида Мансур ака ўтирибди. Гулзода ўтиргач, шофёр машинадан тушиб, йўлакка чиқиб нос отади-да, сайр қила бошлайди.

Машина саломида жимлик. Жуда ноқулай – мияни ҳам, жигарни ҳам эзадиган оғир сукунат.

– Мен ҳам касал эканман, Гулзода, – дейди ниҳоят Мансур ака ўша таниш ўқтам овозда. – Аммо менинг касаллигимни аҳамияти йўқ. Гап сен ҳақингда... Мен олдингда гуноҳқорман! Қани, энди мингта жоним бўлсаю, ҳаммасини сенга берсам! Сен соғ-саломат, кулиб-ўйнаб юрсанг...

– Сиз мен учун нега куйинаяпсиз? Ахир, мен...

– Чунки сенга бу иллатни мен юктирганман!.. Кўлим ҳамма нарсага етади, энди бу дунёда бир роҳат қилиб яшай, деб ўйлаганман! Қаерга борсам, маишат қилганман! Олифта ресторанлар, бир ўзбек оиласи бир йилда ейдиган дастурхон, кизлар!.. Сенга дуч келгунимга қадар шундай яшаганман! Тепада худо борлигини, атрофимда одамлар борлигини унутганман! Худонинг қаҳрини келтирган куним бирортасидан орттиргандирман-да бу касални! Парвардигорнинг сабр қоса-си тўлган! “Сен инсонлигингни унутдинг” деган! Сен ва сен қабилар бу дунёда яшашга ҳақинг йўқ деган! Мана, оқибат сени ҳам ўзимнинг ифлос гирдобимга тортиб ўтирибман.

Гулзода ҳаво етмаётгандай, оғир нафас олиб ўтирибди.

– Йўқ, – дейди у охир ўзининг даҳшатли ҳақиқатини айтишга қарор қилиб. – Сизга мендан юккан бўлса керак...

Мансур ака аёлга тикилиб қолади.

– Эрим ҳам касал... – дейди Гулзода овози титраб.

– Нима бўлса, бўлгандир! – дейди Мансур ака чапанчасига қўл силтаб. – Эҳтимол икковларинг ҳам бу дардни мендан орттиргандирсиз... Хуллас, худо бизга қиёматини юборган! Қиёмат бундан ортик бўлмайди! Энди гап бундай... Мен хорижга кетяпман... Сен билан учрашмоқдан муддаомни айтай... Яширмай айт, бўйингдаги бола кимдан?

Гулзода юзини четга буради:

– Эримдан...

Мансур ака аёлга синчиклаб карайди:

– Аслида кимданлигининг ахамияти йўқ, – дейди у аёлнинг чин гапираётганига ишонч ҳосил қилгач. – Мен сизларни келажакларингизни ўйлаб қўйганман... Агар бирор киши келиб менинг номимдан бирор нарса берса, қайтарма, ол. Сендан қиладиган охириги илтимосим шу.

Аёл секингина, аммо қатъий бир тарзда пичирлайди:

– Керак эмас...

Гулзода машина салони тобора кичрайиб келаётгандай, яна бир оз бу ерда қолса, вужуди мажақланиб кетиши мумкинлигини ногоҳ ҳис қилади. Нафаси етмай, машина эшигини очади:

– Керак эмас...

Эшик шошиб ёпилади.

Гулзода йўлгага чикиб, кета бошлайди.

У муюлишдан ғойиб бўлгунча, Мансур ака унинг ортидан бир ўртанишда қараб қолади.

Мардон, Гулзода ва Халил маҳаллалар орасидаги тинч кўчадан “Матиз”ларида кетишяпти.

Кўчанинг бир четида бир тўп одам дўппи ва чопон кийиб турибди.

– Мансурбойники... Эшитганим тўғри экан... – ўша ёққа имо қилади Халил.

Гулзода сесканиб тушади.

Мардон хотинига бир қараб қўйиб, индамайди. Фақат лаблари кимтилади, бўйнидаги томирлари бўртиб чиқади.

– Кеча қазо қилибди... – деб сайрайди Халил. – Ў-хў!.. Шаҳарнинг ярми кўчиб келибди! Томоша!.. Биров бундай деяпти, биров ундай! Бирови заҳар бериб ўлдиришган деса, бошқаси ўзини осган дейди... Э, бунакалар ўзининг ўлими билан ўлмайди!.. Шу ерда тўхтат!.. Раҳмат, оғайни!..

У хайрлашиб, машинадан тушиб қолади.

Машина салонини аллақандай ноқулай ғусса босади.

– Шу ерда бир тўхтатиб юборинг, – дейди Гулзода.

Машина йўл четида тўхтади.

– Дадаси... – дейди Гулзода ўзи кутмаган ҳолда. – Мени ҳозир туғуруқхонага олиб боряпсиз... Ичимда сизнинг болан-

гиз тепсиниб турибди... Келинг, шу бир парча этни дуо қилинг!
Илтимос, дуо қилинг! Отанинг дуоси ерда қолмас эмиш...
Худо бизнинг жазомизни берди. Шу фарзандимиз, соғ-саломат
дунёга келсин!.. Дуо қилинг!..

Мардон шошиб, ютокиб дуога қўл очади.

– Парвардигор! Шу бола дунёдаги жами дардлардан халос
бўлиб дунёга келсин!..

– Илоё!..

– Унга бахт бер!

– Илоё!..

– Уни фақат ҳалол йўлларга бошла!

– Илоё!..

– Бизга юборган лаънатларинг шу норасидага тегмасин!

– Илоё!..

– Биз кетадиганмиз... Сен унинг умрини узун қил! Уни сен-
га топширамиз!..

– Илоё!..

– Омин! Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар!

Улар юзларига ихлос билан фотиҳа тортадилар. Шу захоти
ногоҳ узоқлардан намозга чорлаб, сўфининг товуши таралади:
“Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!”...

Эру хотин юзларига табассум ёйилади.

– Оллоҳ эшитди! Эшитди!.. – дейди юзи самовий бир дард-
да нурланиб Гулзода.

– Эшитди! Эшитди!.. – дейди қувончи вужудидан тошиб-
тошиб Мардон.

Мардон туғуруқхонанинг атрофида айланиб юрибди.

Унинг телефони жириглайди.

– Алло!.. Алло!... Гулзода? Сенмисан? Нима, туғилдими?
Уч ярим кило? Зўр!.. Нима? Зўр деяпман! Зўр!.. Опера-
ция яхши чикдими? Омон бўлсаларинг, бўлди! Отини нима
қўямиз? Меҳриддин! Меҳриддин!.. Нима олиб келай? Майли,
дамингни ол! Бирор нарса бўлса, айт! Бола соғмикан? Анализ-
ларни энди олишади? Дўхтир айтди, у соғ бўлади! Дўхтир айт-
ди! Хавотир олма!

У телефонни ўчиради.

– Зўр!.. Зўр! – дейди у баланд овозда.

Ўтиб кетаётган ўрта ёшлардаги эру хотин унга қараб, завкланишиб боряпти.

– Фарзанд кутлуғ бўлсин! – дейди эркак.

– Раҳмат! Раҳмат!.. – дейди Мардон.

– Асалми, Ҳалво? – деб сўрайди аёл.

– Ўгил! – дейди қувониб Мардон. – Ўгил! Зўр!

Мардоннинг уйи.

Бола каравотда ухлаб ётибди. Гулзода ва Мардон ниманидир ҳаяжон ичида кутишаяпти. Улар гоҳ ухлаб ётган чакалокқа, гоҳ деворга осилган соатга дам-бадам қараб қўйишди. Соат ўн бирга яқинлашиб қолган.

– Адашмаган эдингми? – деб сўрайди Мардон хавотир бир шивирда.

– Йўқ, – дейди Гулзода ҳаяжонга тушаётганини яшириб шивирларкан. – Дўхтирлар сешанба куни соат ўн бирда телефон қиламиз, дейишган.

Улар бетоқатлик билан соат миллари ўн бирга етишини кутишади.

Соат миллари ўн бирни кўрсатади.

– Телефон килишмаяпти... – дейди Мардон ваҳимага тушиб.

– Секин... Бола уйғонади... Яна беш дақиқа кутамиз!.. – дейди ўзини мардона тутиб Гулзода.

Улар яна кутишади.

Соат ўн бирдан беш дақиқа ўтади.

– Ўзинг қўнғирок қил! – дейди Мардон.

Гулзода қўлига телефонни олади.

Шу пайт телефон қўнғироғи мусиқа чалиб қолади.

– Алло! Алло! – дейди ҳаяжонланиб Гулзода. – Эшитяпман!.. Ҳа, Гулзодаман!.. Нима деяпсиз!.. Соғ деяпсизми? Боламни ҳеч қанақа касали йўқми? Вой, опажон! Шу гапларингизни айтган тилларингиздан!.. Опажон!.. Раҳмат опажон!.. Хизматларингизни қилай! Ўлгунча қарздорман!..

Гулзода йиғлаганича ўтириб қолади.

– Соғ эканми? – ҳали ҳам ишонмай сўрайди Мардон. – Соғ эканми?

– Соғ!.. Соғ!.. – дейди бўзлаб Гулзода, – Боламиз соғ, дадаси!
– Зўр! – бакириб юборади Мардон. – Зўр!..

Чакалоқ йиғлайди. Гулзода югуриб бориб, болани олади-да, бағрига босади.

– Секин! Бақирманг!

– Гулзода, – дейди Мардон чўчибгина. – Уни... Мехриддинни... ўпса бўладими?

– Бўлади! – дейди кўз ёшлар орасидан кўзлари кулиб Гулзода. – Бўлади! Ўпсангиз зарари йўқ!

Мардон йиғлаётган чакалоқнинг пешонасидан оҳиста ўпади.

– Зўр! Зўр!.. Отасининг ўғли!.. Энди мен бир жойга бориб келаман!

– Қаёққа?

– Муҳим бир ишга! Режалар кўп!

У соғ пайтларидагидай шахдам юришда ташқарига юради. Гулзода деразадан караб турибди.

Серғайрат юришда кетаётган Мардон хотинига қўл силкиган бўлиб кўчага чиқади.

Гулзода ҳовлида, ошхонада овқат қиляпти.

Ҳовли дарвозаси тақиллайди.

Гулзода айвонга чиқади.

Дарвоза дарчасидан Абдушукур кўринади.

– Кирсам майлими? Ассалом алайкум...

– Ваалайкум!.. Келинг! – дейди Гулзода чўчибгина.

Абдушукур ичкарига киради.

Гулзода дарвоза томон боради.

– Келинг, ака...

– Бир ўзингизмисиз?

– Ҳа... Бир ўзимман...

– Бировнинг омонатини топширгани келган эдим...

Абдушукур чўнтагини кавлаб, аллақандай қоғоз олади.

– Мана, бу ҳужжат сизга...

Гулзода чўчиб, қўлларини орқасига олади.

– Уни менга нима кераги бор... Ким берди?

– Эшитгандирсиз... Мансур ака раҳматлик бўлдилар...

– Эшитдим...

– У киши “мен хорижга кетганимдан сўнг, Гулзодага шуни бериб қўясан”, деб ваъдамни олган эдилар.

– Қандай қилиб... Мансур ака... соппа-соғ эдилар-ку...

Абдушукур пешонасини силаб, бир оз иккиланиб туради.

– Энди... Пешона... Сизга айтсам бўлаверар... У киши ўз жонига ўзлари касд қилдилар. Бу ёғи жаноза деган гаплар бор. Одамларга инфаркт деб юборишди. Жойи жаннатда бўлсин!.. Яхши одам эди. Мард... – Абдушукур яна хужжатни Гулзодага чўзади. – Олинг! У киши васият қилганлар. Арвоҳларини чирқиллатманг! Мен ҳам шу омонатдан қутулай... Олинг!

Гулзода омонат дафтарчасини олади. Очиб қарайди.

– Вой, – дейди чиндан ҳайратга тушиб, – жуда катта пул-ку. Юз минг! Яна долларда...

– Юз минг раҳматликнинг давлатидан бир томчи. Олаверинг!

– Мен нима қиламан?

– Нима қилсангиз, ўзингиз биласиз. Мансур ака шундай деб айтган.

Гулзода ўйланиб қолади.

– Майли, – дейди у бир қарорга келиб. – Беринг, майли...

Абдушукур Гулзодага омонат дафтарчасини бергач, енгил нафас олади.

– Раҳмат, Гулзодахон! Шу омонатнинг юкидан қутқаздингиз! Раҳмат!..

У эшикка йўналади.

Гулзода бир оз ўйланиб туради-да, айвонда стол устида турган телефонни олиб рақам теради:

– Алло!.. Марказми?... Салом алайкум, дўхтир! Бир ишга менга ёрдам беролмайсизми? Мен бир савоб иш қилмоқчи эдим. Спид билан оғриган болаларни даволаш учун бирор жамғарма тузилганми? Шунга ўхшашроғи бор? Бўлаверади... Шунга ўз жамғармамдан бир оз пул ўтказмоқчи эдим! Қанақа пул? Валютада... Шошманг, телефон рақамларини ёзиб оламан! Ҳозир!.. Бўлди! Раҳмат!..

У телефонни ўчирганданок, дарвозадан Мардон кириб келади.

– Меҳриддин қалай, Гулзодахон? – дейди у сўзларидан ўт чақнаб.

Гулзода жим дегандай имо қилади:

– Ухлаяпти.

– Кираверинглар!.. – дейди ташқарига қараб Мардон. – Э, тортинмай қиринглар! Ўзларинг кўриб юрган жой!..

Ичкарига усталар кирадилар.

– Салом, янга!

– Ассалому алайкум!

Гулноза усталарнинг саломига қўлини кўксига қўйиб, табассум билан алик олади:

– Ваалайкум ассалом!

– Қани, энди, оғайнилар, ишни келган жойидан бошлайверасизлар.

Усталар ҳовлининг тўрига – чала қолган қурилиш томон йўналадилар.

– Зўр! – дейди Мардон хотинига қараб. – Зўр! Ўғлимизга бир уй қурайлик, онаси! Э, режалар кўп!

Гулзода бехос кўзларидан ёш оқиб, эрига қарайди.

– Йиғлама, – дейди Мардон овози қалтираб. – Йиғлама! Бошга тушганни кўз кўради...

Битди



ЙЎҚОЛГАН ОДАМ

(Киноқисса)

Беихтиёрликда манда борми ихтиёр.

Мир Алишер Навоий

Давронларнинг ховлиси. Онаси Шаҳар опа тандир атрофида куймаланаяпти. Акаси Гаффор бостирма остида сигирнинг тагини тозалаяпти. Ота – Эштурди ака алмисокдан қолган “Москвич”нинг капоти тагига энгашган. Даврон эса очик деразага ўрнашиб, китоб ўқияпти.

– Ака, – дейди у китобдан бошини кўтармай. – Энди ҳозирча ўзинг ишлаб турасан. Университетга ўқишга кириб олай, ҳамма ишни ўзим қиламан. Қўлингни совуқ сувга тегизмайман. Ёнимда талтайиб юрасан! Умр бўйи!..

Гаффор энсаси қотиб, унга қарайди.

– Китобингни ўқи!.. Китобингни ўқи!.. Китоб ўқишдан бошқа нарсани билсанг экан... Олифта!..

– Майли, Давронжоним ўқисин, – дейди Шаҳар опа тандирдан нон узар экан. – Катта одам бўлсин! Телевизорлардан чиқиб, ҳамманинг ҳавасини келтирсин!..

Эштурди ака капот тагидан пўнғиллайди:

– Эсу дардинг телевизор! Телевизорда нима қилади!..

– Ўқи, болам, ўқи! – дейди Шаҳар опа эрига парво ҳам қилмай. – Бекорга кампитур мусобақасида вилоятда биринчи ўрин олмагандирсан! Бекорга кампитур совға қилишмагандир! Кампитурдан биринчи бўлгансан! Биринчи! Тошкентларга ҳам боргансан! Туманда кампитур бузилса, кимни излаб келишадди! Менинг Давронимни! Давронжонимни! Ўқи, болам! Ўқи!..

– Эна!.. – дейди Даврон “бу гапларнинг нима кераги бор” деган оҳангда.

Шаҳар опа орзунинг ширин оғушида – тўхтамай, ҳаяжонланиб, нон уза-уза гапираяпти:

– Эштурди муаллимнинг ҳам елкасига офтоб тегсин!.. Ўқи болам, ўқи! Дунёдаги бор китобни қолдирмай ўқи!..

– Эркалат, ҳа, эркалат! Эркалатавер-чи! – дейди Эштурди ака капот тагидан.

Шу пайт Давроннинг кўзи девордаги соат милига тушади.

– Ие!.. Китобга берилиб кетибмиз-да! – дейди у деразадан сакраб тушиб, шошилинич кийинишга тушар экан. – Дўстларни мунтазир қилиш яхши эмас!..

Аммо қанчалик шошмасин, ўзига оро беришни унутмай-ди. Ойнага қарайди. Сочларини авайлаб тарайди. Атир сепайди. Сўнг даҳлизга чиқиб, туфлисини киймоқчи бўлади. Туфли уринганрок...

– Хўш, – дейди бир оз ўйланиб, – Жаноби олиларининг пойабзалларига сарой аҳли эътибор бермай кўйди...

У атрофга назар ташлайди. Токчада турган яп-янги туфлига кўзи тушади.

– Демак, буни конфискация қиламиз!

У туфлини кийиб, вақти чоғ бўлиб ташқарига чиқади.

– Эна! – дейди у хушкайфиятда, кўринишига ишора қилиб. – Қалай?

– Қадди-бастингдан сенинг! – дейди меҳри ийиб Шаҳар опа. – Қаерга бораяпсан?

– Комилнинг отаси Жаббор пулхалта ака бугун ўтириш қилиб бермоқчи... Коллежни битирганимизни ювиб... Шунга...

Эштурди ака капот тагидан кескин бош кўтаради:

– Ўша ҳаромнинг ўтиришига борасанми! Одам ҳаром-халолни билиб юриши керак! Фаросатинг борми ўзи!

– Ота, ҳамма оғайнилар...

– Боравер! Боравер! – дейди Шаҳар опа. – Оғайниларингдан ажралма!..

Даврон отасига “ижозат олинди, илож йўқ” қабилида ишорат қилиб дарвозага йўналади.

– Тўхта!

Бу – Ғаффорнинг овози. Давроннинг оёғидаги туфлига кўзи тушган.

– Эна!.. Туфлимни кийиб кетаяпти!.. Тўхта!..

У Даврон тарафга отилади. Даврон дарвозага югуради. Ўртага “хай-хай”лаб Шаҳар хола тушади:

– Қайтариб келади! Туфлингни Жаббор пулхалтанинг ошига қўшармиди? Қайтариб келади!..

Даврон дарвозадан чикиб кетади.

У кишлоқнинг пастқам тор кўчаларидан югуриб кетапти. Ким биландир тўхтамай саломлашади. Муъолишдан чикиб қолган велосипедга чап беради. Ўт ортилган эшак устидаги болага тегажоглик қилади. Кичкина анҳор устидаги кўприқдан чопқиллаб ўтади-да, боғ оралаб югуради ва бирдан таққа тўхтади. Даврон шохлар орасидан қайрағоч тагида турган Дунёни кўради.

Яқинига боради.

– Дунё...

Қиз ўзининг дунёлигига парво қилмай турибди. Дунё билан нима иши бор! Унинг юрагию рухи, вужудию идроки бу қарахтланиб турган боладан таралаётган ёғду оғушида.

– Даврон!.. – дейди у ҳам. – Даврон!..

Қиз қарахтланиб бир дам тўхтаб қолади. Сўнг ҳаётидаги энг муҳим бўлиб туйилган, эҳтимол ичида минг бор такрорланган гапларни бирдан гапира бошлайди.

– Ўша келишганимиздай... Сен жўнаганингдан уч кун ўтказиб, мен ҳам шаҳарга бораман. Бир ҳафтадан сўнг ҳужжатлар қабул қилинаётган жойда кутаман. Эсингдами, соат нечада?

– Ўндан ўн иккигача...

– Кимдир келолмай қолса...

– Кетма-кет уч кун кутилади.

– Худди шундай... Илтимос, фақат ҳеч нарсани унутма!..

Ҳамма нарсани келишганимиздай бажар. Сендан ўтиниб сўрайман! Ўтиниби!.. Худди келишганимиздай... Энди бор! Шу билан, худо хоҳласа, шаҳарда кўришамиз... – Қиз бу ўта муҳим гапни аранг нафаси етиб айтиб бўлгач, зўриққанча тин олади. Жилмаяди.

Йигит ҳам жилмаяди. Улар сўзсиз хайрлашадилар. Қиз жойида қолади. Даврон яна чопқиллаб жўнайди.

– Даврон!

Анча жойга бориб қолган йигит тўхтади.

– Ҳозир каерга бораяпсан?

– Болалар ўтиришамиз деган эди.

Қиз кулади.

– Ҳомийларинг ким?

– Комил Қуённинг отаси... Жаббор пулхалта.

Қизнинг юзидан табассум ўчади.

– У ёққа... борма!

Йигит кулади.

– Нега?

Қиз гўё ичидаги кимдандир маслаҳат сўрагандай ўйланиб қолади.

– Билмайман. Аммо... Борма!..

– Қўйсанг-чи!..

– Борма...

– Иримчи!..

Даврон кизга ёлғон пўписа қилиб, югурганча кетади.

Кеч туша бошлаган.

Ҳашаматга даъвогар чорбоғ ҳовли. Ҳовлида стол қўйилган. Ҳаддан ошириб безатилган дастурхон. Ноз-неъмату, ичимликлар қалашиб ётибди. Анчагина қизишиб олишган Собир, Бўри, Чингиз, Наби, Даврон, Комил Қуён ва яна исмсиз кимлардир ўтирибди. Мўмин фартук тақиб олган – ош қилаётган бўлса керак. Жаббор ака ғайрат билан гапираяпти. Қўлида қадах.

– Порлоқ истиқболларинг учун!.. Ҳа, майли, мана бундан ҳам озроқ оламиз! Бугунча рухсат! Лекин кейин... а? Қани! Олинглар!

Ҳамма олади.

– Энди бизга рухсат, – дейди Жаббор ака. – Қўзғалиш йўк. Яйраб ўтиринглар!

У чиқиб кетади.

– Албатта, яйраймиз, – дейди Наби кайфи янада чоғ бўлиб.

– Даврон кечикиб келди, – дейди кайфи ошганроқ Собир. – Унга ҳам жарима тарзида қуйинглар энди... Бизга қуйдиларинг!..

– Собир айтадию ичмайманми? – дейди Даврон. – Ичман!.. Куй, Наби! Куй!

Наби каттакон стаканга арокни лимиллатиб қуяди.

– Ҳаддингдан ошдинг; – дейди стаканга караб Бўри. – Ҳаддингдан ошдинг, бола! Даврон умрида ё ичган, ё ичмаган...

– Ҳаммамиз ҳам ичмаганмиз, – дейди Собир. – Ичади!

– Собир! Сен ҳақиқатан ҳам сабрсан! – дейди Даврон.

– Сабр дема! – дейди Собир.

– Хафа бўлма! Сабр дегани – Собир дегани. Ҳаммани сабрбардошга етказсин!.. – дейди кўлига стаканни оларкан Даврон. – Сабру тоқатинг учун ичман.

Ҳамма жим қолади. Комил Қуён томоша энди бошланаётганини сезгандай жонланади. Кафтларини бир-бирига ишкалаб, хихилаб кулади.

– Э, кулма! – дейди Собир Комилга ўқрайиб. Сўнг ўрнидан туриб, Давронга ўшқиради: – Сабр дема, деяпман!

Даврон ҳам ўрнидан туради. Собирга нарво қилмай, тик турганча, стакандан арокни симира бошлайди. Ҳамманинг кўзи унда. Даврон арокни охиригача симириб бўлади.

– Мўмин, ошинг куйиб кетади, – дейди Наби тутай бошлаган оловга сув сепишга ҳаракат қилгандай.

Мўмин унга бир караб олади. Аммо кўзғалмайди. Кўзи Собир билан Давронда.

Даврон Собирга қарайди. Собир сархуш кўзларини Давронга ёвларча қадаган. Улар бир-бирларига шу кўйи узоқ тик караб турадилар. Яна ҳамма безовта бир сукунат камровида.

Собир Набининг олдида турган арокқа кўл узатади. Наби арокни ушлайди:

– Бас...

Аммо Собир бир интилиб арокни олади-да, икки стаканга тўлдириб қуяди. Бирини Давроннинг олдида суради.

– Энди мен билан ичасан.

Унинг кўзлари ҳамон Давронга қадалган. У ҳам кўзларини Собирдан узмай турибди.

– Майли... – Даврон жилмаяди. – Ичавераман... Хўш, нима учун ичсам экан?

– Эй, – дейди Чингиз. – Бир муштлашиб олдиларинг... Етар!

– Шундай кунда... Яхши эмас! – дейди Бўри.

Даврон стаканни кўлига олади.

– Хўш... Яна сенинг сабринг учун ичамиз. Сен зўр боласан. Чидайсан.

Собир бўкириб ўрнидан туриб кетади:

– Сабр дема!

Унинг юзи газабдан кўкариб-бужмайиб кетган. Даврон арокни юзаки дадиллик билан – авзойи қилт этмай ичади. Стаканни жойига кўяди. Бир олмани олади-да, пичокда қирқиб газак килади. Собир ҳам зарб билан арокни кўтаради.

– Сабр дема! – дейди сўнг пишиллаб, стаканни зарб билан столга кўяркан. – Сабр дема! Жонимга тегдинг!..

У ўрнидан шартга кўзғалади. Ўтирган стули йиқилиб тушади. Вахшат билан столни айланиб ўтиб, Давроннинг устига келади.

– Дунё барибир меники бўлади! Меники!.. – дейди у овозининг борича бакириб.

Даврон ўзини бепарволикка олиб, ҳамон олмани арчияпти.

– Ўлгунча сабр қилиб юришингга тўғри келади – дейди у.

– Бу нима деяпти, жўражонлар!.. – Собир Давронни елкасидан тортади. – Ўрнингдан тур-э!.. Онангни!

Даврон ўрнидан туриб кетади. Ранги бўзарган. Кўлида пичок.

– Нима деддинг!

– Айтганимни айтдим!..

– Сўқинишингни қайтариб ол! Қайтариб ол деяпман!..

Ҳамма саросимада ўрнидан туриб кетган. Собир жазавага тушади.

– Мана буни ебсан! – Собир қўллари билан уят ҳаракат килади. – Мана буни!..

У Давронга ташланади. Даврон беихтиёр у тарафга пичок чўзади. Собир ҳам негадир гандираклаб, пичокка рўбарў келади. Даврон нохос чўчиб, пичокни ўзи тарафга тортади. Пичокнинг учи қон. Собирга қарайди. Унинг кўйлаги қонга беланиб бормоқда. Собир ҳам кўксидан бошлаб, оппоқ кўйлагини кизартириб пастга сизиб келаётган қонга гунгарахт ҳайронликда қараб туради-да, кутилмаганда, гурсил-

лаб йикилади. Ҳамма карахтланган. Нима қилишини билмай турибди. Нихоят, Чингиз энгашиб, Собирнинг қўлини кўтариб кўради. Чўчиб ташлаб юборади. Қўл ерга бежондай шилқиллаб тушади. Чингиз чўчиб, ўзини орқага ташлайди.

– Ўлди!.. – жонҳолатда бақиради бирдан Қуён.

Даврон қонига ботиб, чўзилиб ётган Собирга қарайди. Дўстларига бир-бир назар ташлайди. Дахшатдан қотиб қолган юзлар. Қўлидаги пичок ерга тушади.

– Ўлди!.. – бақиради Қуён. – Ўлди!.. Отамга нима дейман!.. Ўлди!..

У ўзини ерга отиб, жазавага тушади.

Даврон орқага чекина бошлайди.

Сўнг кескин бурилади-да, қочишга тушади.

Ўзини зулмат ичида сукунатда қотиб қолган бокка уради. Боғнинг тўридаги баланд девордан бир зумда ошиб ўтади. Қоронғу тор кўча бўйлаб чопиб боради. Келаётган машина чироғини кўргач, қандайдир дарахтзорга ўзини уради. Ўзини аямай – пасту баландни кўрмай, қокилиб-урилиб югурыпти.

Қуённинг “ўлди” деган қичқириви уни таъқиб қилиб бора-япти. Бу овоз тобора қучаяди. Ўнлаб овозларга айланади.

Даврон аллақандай бир жойлардан – далалардан, чакалакзорлардан ўтиб қочиб бораёпти.

– Ўлди!.. Ўлди!..

Бу қичқирикнинг аксу садоси еру осмонни тутган.

Тонг отиб келаяпти.

Даврон бутазор ичида ухлаб ётибди.

Кўзини очади. Қуёшга кўзи тушади. Яна кўзини юмади. Бирпас шу тахлит қимирламай ётади. Сўнг нимадир эсига келиб, чўчиб тушади-да, ўтириб олади. Атрофга қарайди. Ўрнидан туради.

У дала йўли четидаги дарахтзор орасидаги буталар ичидан бўй кўрсатади.

Кимларнингдир гангир-гунгир овози эшитилади.

Даврон ўзини таппа ерга ташлайди.

Йўлдан икки кекса гаплашиб ўтишади.

– Ҳаммаси тўқликка шўхлик, – дейди бирови.

– Ичкиликнинг оқибати шу-да, – дейди иккинчиси.

– Ҳа, шу... Ўртада биров нобуд бўлиб кетди!..

– Нимасини айтасиз!.. Арокнинг келтиргани касофатчилик...

Даврон уларнинг гапини эшитиб ётибди. Чоллар ўтиб кетади. Гангур-гунгур тинади. Йигит бирдан бошини чангаллаб, ўзини ерга ура бошлайди. Жонини ўлим талвасаси буровга олгандай тўлғонади. Буталарнинг наваларини, хас-хашакларни чангаллайди...

Даврон бутазор оралаб, қишлоқ ёнидаги тепаликка пусиб чикиб бораяпти. У гоҳ энгашиб, гоҳ ўрмалаб, қишлоқ яққол кўринадиган жойга кўтарилади. Қарайди. Собирларнинг уйи олдида одамлар қатор-қатор бўлиб ўтирибди. Юк машинаси келиб тўхтади.

Ундан тобутни туширадилар.

Давроннинг ичидан беихтиёр яна ингрок отилиб чиқади. Юзларини қўллари билан бекитиб, тош каби бир зум қотиб туради. Панжалари орасидан яна қарайди. Тобутни деворнинг тагига элтиб қўйишаяпти.

Даврон ўзини ортга – нишабга отади. Айлана-айлана тепаликнинг пастига бориб тушади. Ўрnidан туриб, йўл танламай қочишга тушади...

Яна ўша ”ўлди” деган нола оламни тутади. Даврон қулоғини бекитиб югуради. Аммо нола аввалгидан ҳам баландрок эшитилади. Даврон янада тезроқ чопади, бироқ фарёд уни баттар таъкиб қилади.

Энгил машина катта шоҳ йўлдан кетаяпти.

Ҳайдовчи мўйловли, барваста одам. У ҳар бир сўзни, гўё кўнглида ёзиб, сўнг ўкиб берган каби салмоқлаб гапиради. Ҳар бир гап олдидан узоқ сукут сақлайди.

Ёнидаги ўриндикда Даврон ўтирибди.

– Камгап бола экансан, – дейди ҳайдовчи. – Йўлда гаплашиб кетамиз деб олувдим...

У Давронга қараб қўяди. Даврон ўша алфозда – кўзлари йўлга тикилган, лекин ҳеч нарсани кўрмай ўтиради.

– Уйдагиларинг билан уришдингми?

Даврон “йўқ” дегандай бош чайқайди.

– Уришгансан...

Ҳайдовчи жим қолади.

– Кетиш осон, – ниҳоят у негадир “ух” тортиб, – қайтиш эса... оғир. Бошга тушган кўргуликдан кочиб қутулиб бўлмайди. Шундай...

У жим қолади. Машина тақдир йўллари каби эгри-бугри йўллардан ўтиб борапти.

Автомобиль шаҳар кўчаларидан бирида тўхтади. Даврон машинадан тушади. Машина ўрнидан кўзғалади-да, бир оз юриб яна тўхтади. Ҳайдовчи бош чиқариб, уни чакиради.

– Даврон! Бу ёққа кел!

Даврон боради.

– Мана бунини олиб қўй... – у Давроннинг қўлига бир даста пул тутқазади. – Ўзингга эҳтиёт бўл, хўпми?

Машина жўнаб кетади.

Даврон қўлидаги пулга ҳайрон қарайди. Негадир машина кетган томонга узок тикилиб туради. Ҳатто бир-икки қадам юради ҳам... Сўнг оғир бурилади-да, шаҳарга қарайди. Шаҳар тўзғиб, чалкашиб, шошиб, югуриб, хориб, гердайиб, олифталик қилиб, лаблари гезариб – окиб ётибди.

Чорсу. Мардикорлар бозори. Эрталаб.

Одам қайнапти. Биров борапти, биров келаяпти. Мардикорлар эса ҳар жойда тўда-тўда, якка-якка бўлиб турибди. Атрофда ҳунармандларнинг дўконлари. Дўконларда ҳар хил рўзғорбоп ускуналар, анжомлар илиб қўйилган.

Даврон бир четда – бетон тўсик устида ўтирибди.

Куёш оққан. Мардикорлар ҳам, харидорлар ҳам сийраклашиб қолган.

Даврон ҳамон бетон тўсик устида ўтирибди.

– Ҳўв, болам!..

Даврон қайрилиб қарайди. Бешиқлар илиб қўйилган дўконнинг деразасидан бир мўйсафид уста уни имлаб турибди. Мўйсафиднинг бошида дўппи, устида яқтак, белида белбоғ, кўзида кўзойнак...

– Буёққа келинг, болам!..

Даврон туриб, дўкон олдига боради.

– Салом алайкум.

Мўйсафид қўлидаги ишни йиғиштириб, ташқарига чиқади.

– Ваалайкум...

Сўнг дўкон олдидаги курсичага чўкади. Болага ҳам “ўтир дегандай” кўзи билан бошка курсичани кўрсатади.

– Илоё, омин, парвардигор ҳамманинг йўлини берсин!

Юзларига фотиҳа тортадилар.

– Сўраганнинг айби йўқ, бу ерда бировни кутаяпсизми?

– Йўқ. Ўзим...

– Қишлоқдан келдиларми?

Даврон тасдиқлаб бош кимирлатади.

– Ишлагани келгандирлар-да?

Даврон яна бош кимирлатиб, тасдиқлайди.

– Хўш... – дейди мўйсафид ўйланиб. – Бу туришингизда биров иш бермайди. Эртадан буён қарайман, аллатовур бўлиб турибсиз... Олдингизга яқинлашиб бўлмайди.

Мўйсафид Давронга синчиклаб қарайди.

– Нима бўлди?

Даврон ерга қарайди. Сукунат чўкади.

– Ҳа, майли, – дейди мўйсафид негадир чуқур нафас олиб. – Энди ишлайдилар-да, а?... Аммо аввал сизга бошпана керак.

Мўйсафид яктагининг чўнтагидан уяли телефон олиб кўнгирок рақам тиради.

– Музаффар... Бир келиб кет, ўғлим!... – дейди телефони чўнтагига соларкан Давронга. – Сизни жойлаштирмасак бўлмайди. Ҳозир ўғлим келади. Ишингиз ҳал бўлар... Мен ҳам бу ерга худди сиздай ўспиринлигимда – эллик еттинчи йил келганман. Таниш йўқ, пул йўқ. Аммо яхши одамлар кўп бу дунёда...

Чол бир хуш табассумда ўйланиб қолади.

– Исмингиз нима? – дейди сўнг.

Даврон довдираб қолади.

– Самад... – дейди ниҳоят. – Самад... Пардаев...

Мўйсафид унга синчиклаб қарайди.

– Самад... Яхши... Яхши...

Ёлгон айтганиданми ёхуд чолнинг қарашиданми, Давроннинг пешонасидан тер чиқиб кетаяпти.

“Нексия” шаҳар оралаб кетаяпти.

Музаффар рулда. У пишиқ гавдали, ҳаракатлари чаққон йигит. Ёнида Даврон.

– Сени янги курилаётган ҳовлимизга элтиб кўяман. Усталар билан турасан... Усталар Чаганадаги қариндошлардан. – Музаффар кулади. – Пул топганимизда, бизнинг ҳовлини қуришади. Пулимиз тугаганда, бошқаларнинг... Ишқилиб ҳовли эгали-да... Ҳозир эса... – У машинани кўчанинг четига тўхтатади. – Йўл-йўлакай бир буюртмани ҳам бажариб кетамиз!.. Сен ҳам юр! Машинада зеркиб ўтирасанми?..

Музаффар ихчамгина ускуна жамадонни олиб, машинадан тушади. Даврон унга эргашади. Улар жуда замонавий қурилган бинога қараб юрадилар.

Аллакандай идора.

Қабулхонада Музаффар компьютерни тузатапти. Даврон ва хизматчи йигитча унинг ортида тик турибди. Деразадан катта залдай ишхона кўринади. Столларда компьютерлар. Одамлар бош кўтармай ишляпти.

– Шеф келгунча тузатмасак бўлмайди! Ҳамма муҳим маълумотлар шунда... – дейди йигитча.

– Ҳозир... – дейди компьютерга қараб, ўйланганча Музаффар. – Вақтида профилактика қилиб туриш керак десам, пулдан кочасизлар. Абжағи чиққандан кейин...

– Бир иложини қилиш керак, – дейди йигитча жонсарак. – Шефнинг аччиғи чиқади. Бир нарсани ишламай туришини ёмон кўрадиган одам-де! Бўлинг, бизга ўхшаганлар ишдан ҳайдалиб кетмасин, ока!

– Ҳозир... Ҳозир... – дейди Музаффар.

У тезлик билан компьютернинг ичини очиб қарайди. Ҳафсаласи пир бўлади:

– Ичидаги ҳамма нарса ўчиб кетган шекилли...

– Вуй, энди нима қиламан!

Йигитча ҳақиқатан жуда ҳаяжонланган.

– Устахонага элтиб, яхшилаб қараш керак... – дейди Музаффар.

Даврон компьютерни кавлаётган устанинг қўлларидан кўз узмай турибди.

– Шефнинг жа аччиғи чиқади-де! Вой, шўрим! – йигитча ноиложликда Давронга ўгирилади:

– Сиз ҳам бир қараб кўринг!..

Даврон Музаффарга қарайди.

– Бирор нарса тушунса, қарайверсин! – дейди Музаффар ўрнидан туриб. – Қўлимни ювиб келай.

Музаффар хиргойи қилганича, залнинг тўридаги эшикка томон юради.

Даврон унинг ўрнига ўтиради. Очиб ташланган процессорга сеҳрлаётгандай қараб туради. Сўнг дадиллик билан ишга киришиб кетади.

Музаффар ўша эшикдан чиқиб, залдан ўтади-да, қабулхонага киради.

Даврон компьютернинг сиртини ўрнатиб, винтларни бурапти.

– Тузалди! – дейди кўзлари чарақлаб йигитча.

– Нима? – Музаффар. У бир компьютерга, бир Давронга хайрон қолиб қарайди.

Йигитча тортмадан конверт олади-да, иккала устага бир қараб олгач, Музаффарга чўзади:

– Мана, бу иш ҳақларинг!

Музаффар ўрганиб қолган ҳаракат билан конвертни чўнтагига солади. Жамадонни олиб, ташқарига йўналади. Ортидан Даврон эргашади.

Иккаласи машинанинг олдига келадилар. Музаффар чўнтагидан конвертни олиб очади. Бир даста минг сўмликни кўриб кўнгли жойига тушади.

– Ёмонмас... – дейди у. Сўнг Давронга қараб жилмаяди. – Ёмонмас, уста!

У пулни Давронга узатади.

– Олиб кўй... Калла ишлатиб топган ҳалол пулинг.

Даврон қизаради.

– Йўк... Керак эмас...

Бирдан у нимагадир кўзи тушади. Ўзини йўқотиб, ҳаракатдан тўхтайтиди. Ранг-қути ўчади.

Нариқоқда – йўл четидаги машинанинг олдида икки-уч одам турибди. Улардан бири Жаббор пулхалта.

– Ол, ош бўлсин.

Музаффар унинг чўнтагига пулларни тикмоқчи бўлади.

Аммо Даврон бирдан терс ўгирилади-да, тез-тез юриб кета бошлайди.

Музаффар хайрон.

– Ие!.. Ўв, бола! Ўв!..

Даврон олди-орқасига карамай кетаяпти.

– Тўхта! Хафа бўлдингми?

Музаффар Давроннинг орқасидан бораяпти.

– Тўхта!.. Ўзингнинг ҳаққинг-ку!

Жаббор пулхалта ҳалиги одамлар билан хайрлашиб, машинага ўтиради. Машина ўрнидан шитоб билан кўзғалади.

Даврон тўхтайди. У хансираб, терлаб-пишиб кетган. Қалтирайди.

Музаффар етиб келади.

– Қизик бола экансан-ку!.. Бунақасини кўрмовдим!.. Пулдан ҳам шундай қочадими? Ол-э!..

У Давроннинг чўнтагига пул тикиб қўяди.

– Ҳалол топган пулдан қочма! Ёшсан-да!.. Юр!

Музаффар машинаси томон юради.

Даврон Жаббор пулхалтанинг машинаси турган жойга, сўнг атрофга бир қур олазарак қараб олади-да, Музаффарнинг ортидан қадам ташлайди.

Иккаласи яна машинада кетаяпти.

– Самад, ука, гап бундай... – дейди Музаффар Давронга. – Менда ишлай қол. Ҳунаринг бор экан.

Даврон индамайди. Сукунат чўқади.

– Нега индамайсан?

– Паспортим... йўқ. – дейди Даврон зўрикиб.

– Паспортинг қаерда?

Даврон яна жим қолади.

– Паспортим... – дейди у ниҳоят, – уйда қолибди.

Музаффар Давронга синчиклаб қарайди.

– Эсни жойига қўйиб юриш керак, – дейди у. – Паспортни тезроқ келтир! Ишни ҳам тез бошлаб юборамиз!..

Қуёш ботган.

Машина бир пастқамрок кўчадан юриб келиб, усти ёпилиб олинган, лекин кўринишдан ҳали пардоз ишлари давом этаётган иморат дарвозасининг ёнига келиб тўхтайди. Музаффар ва Даврон машинадан тушадилар. Музаффар эшикни тақиллатади.

– Уста Саъдулла! Ҳўв, уста!

Ичкаридан “ҳозир” деган овоз эшитилади.

Бир оздан кейин дарвозанинг дарчаси очилиб, уста Саъдулла чиқади. У қирқ-қирқ бешлардаги одам. Лой-луй теккан кийимда. Шимини шимариб, бошини рўмол билан боғлаб олган. Оёғида шиппак. Қўлида андава.

Кўришадилар.

– Ишлар койил бўлаяптими? – дейди Музаффар.

– Ҳаракат қилаяпмиз, – дейди уста.

– Мана бу йигит Самад... – Музаффар Давронга қарайди.

– ...Пардаев, – қўшимча қилади Даврон.

– Самад Парда!.. – дейди негадир мазах қилиб уста.

– Самад Пардани отам сизларга юборди. Бирга яшаб, бирга ишлар экансизлар...

– Есть!

– Билмаганини ўргатиб, акалик қилар экансизлар.

– Акалик қилишга устаси фаранг бўлиб кетганмиз!

– Мен кетдим...

– Шошманг!.. Ишни кўриб кетинг!

– Сиз бор жойда ишнинг камчилиги бўлмайди, уста Саъдулла!.. Ҳўп, кетдим... Саломат бўлинглар.

Музаффар машинага ўтиради-да, кетиб қолади.

– Қани, Самад Парда, – дейди Уста Саъдулла йўл бошлар экан. – Марҳамат қилинг! Ичкарида иккита чаганалик сизга акалик қиламан деб ўтирибди...

Унга эргашган Даврон такка тўхтайтиди. Уста Саъдулла хайрон.

– Ҳа?

Даврон нима дейишини билмайди.

– Қаерлик... дедингиз? – дейди у аранг.

– Чаганалик... Самарқанднинг Чаганасидан... Нима эди?

Давроннинг ранги ёришади.

– Ўзим... Бизнинг қишлоқнинг номи ҳам... шунақа...

– Юрагинг жизиллаб кетдими? Шундай бўлади! Ёшлик-да ҳамма нарсани соғинасан... Юр.

Ичкарига кирадилар.

Ҳар-ҳар жойда қурилиш материаллари уюб қўйилган ҳовли. Аммо дарахтлар беш-ўн йиллик. Мевалар пишиб, тўкилиб ётибди. Бир йигит ювинаяпти. Сочикни елкасига ташлаб олган иккинчиси унга шаланкадан сув қуйяпти. Улар ёш йигитлар.

– Самад Парда ташриф буюрдилар, – дейди уста Саъдулла. Сўнг йигитларни таништира бошлайди.

– Ювинаётгани Тохир! Сув қуяётгани Фарҳод! Униси ўқимайди. Буниси ўқийди. Университетда! Бўш вақтини биз билан ўтказди. Хоббиси шунақа. Меҳнатни жуда яхши кўради.

Йигитлар артингач, кўришадилар.

– Зухра билан Шириннинг орзусида бировларга ҳовли қуриш билан бандмиз, – дейди Фарҳод.

– Мана бу ерда истикомат қиламиз, – дейди Уста Саъдулла иморатнинг дераза ўрнатилган қисмига ишора қилиб.

– Беш юлдузли номер, – дейди Тохир.

Кеч. Усталар ётадиган хона. Полга матраслар ташланган. Фарҳод чўзилганича, китоб ўқияпти. Даврон бир матрас устида ўтирибди. Уста Саъдулла билан Тохир қарта ўйнаяпти.

– Нечага неча бўлди? – дейди Саъдулла.

– Санамаяпман... – дейди пўнғиллаб Тохир.

– Ютқизганда санамайси... Йигирма еттига саккиз! Разгром! Агар кечагига қўшсак!...

– Кечаги бекор дедик-ку!.. – дейди тутокиб Тохир.

– Майли, бекор бўлса, бекор бўла қолсин! Хўш... Ютгандан кейин, яна биз юрамиз-да... Сен чўзилиб, дамингни олавер, – дейди Давронга уста Саъдулла.

Даврон чўзилиб, кўз юмади.

Даврон бир маҳал алаҳсиниб, сачраниб кўз очади.

Саъдулла ётган жойидан бош кўтариб, унга қараб турибди.

– Босинкирадинг, – дейди у айланиб ётар экан. – “Ўлди” дейсанми-ей... Сени бир ўқитиб юбориш керак экан... Инсмижинсми – бир балога дуч келгансан...

Даврон энтикиб, нафасини ростлаб ололмайди.

Ўша иморатнинг дарвозаси ёнига катта-катта қопларга нималардир тушириб қўйилган.

Ичкаридан Даврон чиқади. У энгашиб қоплардан бирини кўтармоқчи бўлади. Аммо шу пайт кўчанинг бошида келаётган милисанинг машинасига кўзи тушади. Югуриб ичкарига қиради. Бир пас дарвозага суяниб туради. Сўнг секин мўралайди. Машина келаяпти. Турган жойида тошдай қотиб қолади. Ранги-рўйи ўзгаради. Нафас етмаётгандай хансирайди...

Машина дарвоза олдидан ўтиб кетади. Мотор овози олислаб, сўнади. Даврон яна ташқарига мўралайди. Кўчада ҳеч ким йўқ. Ҳолсизланиб ўтириб қолади. Сўнг бирдан шиддат билан туриб, ташқарига чиқади. Қоплардан бирини кўтармоқчи бўлади. Қоп оғир. Уни аранг орқалаб олади. Зил-замбил қопнинг залворидан ерга энгашиб, ичкарига қиради.

Уста Саъдулла Фарҳод ва Тоҳир билан ҳовлининг деворини сувок қилаяптилар.

Устанинг кўзи қопни аранг орқалаб келаётган Давронга тушади.

– Самадбой, – дейди уста Саъдулла. – Бўлди, бошқа бундай оғир юкни кўтарма. Ҳали Фарҳод билан ташийсизлар.

Даврон қопни бир четга ташлайди-да, яна шиддат билан чиқиб кетади.

Бир пасдан сўнг эшикдан яна қоп кўтариб, кириб келади.

Уста Саъдулла ишини тўхтатиб, унга қарайди.

– Самад...

Даврон майишиб бориб, қопни аввалгисининг устига ташлайди. Яна ташқарига отилади. Фарҳод билан Тоҳир ҳам ишдан тўхтади.

Яна устида қоп... Йиқилгудай бўлиб зўриқиб келаяпти. Гандирақлаб кетади.

– Ушланглар!..

Ҳамма Давронга ташланади. Давроннинг устидан қопни оладилар. Даврон қопни қуйиладиган жойи томонга судрайди. Манзилига етказгач, яна ташқарига отилади.

Уста Саъдулла уни қўлидан ушлаб қолади.

– Ҳа? Нима бўлди?

Даврон устанинг қўлидан юлкиниб чиқмоқчи бўлади. Силкинади. Кучи етмайди. Силкинади. Кучи етмайди...

– Бас... Бас... – дейди уста Саъдулла тинчлантирадиган сокин овозда.

Даврон силкингани силкинган.

– Бас... Бас... – дейди яна уста Саъдулла. – Бас...

Даврон силкинишдан тўхтади. Бўшашиб ерга ўтириб қолади. У жикқа терга ботган.

– Тинчликми, – дейди унга Тоҳир.

Фарход Давроннинг қаршисига чўнқаяди.

– Сенга нима бўлди?

– Боринглар, ишларингни қилинглар, – дейди уларга уста Саъдулла. – Ўзининг ҳам бир дарди бордир-да.

Даврон бошини эгиб ўтирибди.

Эрталаб. Гузарга ўхшаш жой.

Минимаркетнинг эшиги ёнида стол кўйилиб, устига турфа мол териб кўйилган. Ёшгина сотувчи киз кўчани томоша қилиб турибди. Яна бир сотувчи – йигит дўконнинг эшигига суюнганича, сигарет тутатапти.

Сотувчи кизнинг кўзи дўкон тарафга келаётган Давронга тушади ва...

... ундан кўз узолмай қолади.

Даврон келиб, стол устидаги молларга қарай бошлайди.

– Нима истайсиз?

Даврон бош кўтаради. Сотувчи киз унга қулиб қараб турибди.

– Олинг, – дейди у чарақлаб: – Олинг!.. Сизга бепул.

– Раҳмат, – дейди Даврон.

– Сиз, – дейди бидиллаб киз, – Давроннинг худди ўзи экансиз! Қараб, ҳайрон қолибман!..

Давроннинг юзида саросималик пайдо бўлади.

– Мен... Самадман, – дейди у.

– Мен Гулиман... Гулноз... – дейди киз. – Тавба, Даврон Набиевга бунча ўхшамасангиз! Қошингиз! Кўзингиз!.. Шундай одам бу ерда нима қилиб юрибди дебман-а!.. Кўшиқларини жуда яхши кўраман...

Даврон ўзига келади.

– Гули, – дейди нарироқда турган сотувчи йигит. – Лақилламай, молингни сот!

Гулноз тап тортмай, унга бобиллаб беради:

– Менга хўжайинлик қилма! Ишингни бил!.. – Сўнг ба-
рибир овозини пасайтиради. – Шилкимлар кўпайиб кетди!
Биттаси тепамда қоровул!.. Келиб туринг! Хўпми? Келиб
туринг!...

Гулноз йигитга бир шингил жилва қилади.

Даврон ортига қайтиб жўнайди. Бир оз юргач тўхтайтиди.
Қайтиб келади.

– Нон олиш ёдимдан кўтарилибди!

– Олинг, – дейди киз. – Мана, бунисини олинг!

У бахтиёрликда жилмайиб, йигитга нон узатади.

Бетон қуймоқдалар.

Ҳамма қатори ишлаётган Даврон, ногоҳ ўйга толиб қолади.

– Йигитнинг гули, – дейди унга қараб Уста Саъдулла. – Ба-
хай? Бунча ғариб бўлиб турибсан?

Даврон Саъдуллага қарайди. Унинг кўзларига мунг сингиб
кетган.

– Уста, мен бугун бир жойга боришим керак. – дейди Даврон.

Уста Саъдулла қилинаётган ишни чамалаб кўради.

– Икки-уч соатдан кейин борарсан.

Даврон ерга қараб, жим қолади. Уста Саъдулла у барибир
кетишини тушунади.

– Ҳа, бормаса бўлмайдимиз? – дейди уста Саъдулла.

– Бир киши уч кундан буён кутаяпти... Ҳозир бормасам...

– Майли, бор... Боравер...

Даврон кран ёнига бориб, шошилиб ювинишга тушади.

Даврон Талабалар шахарчасидан кетаяпти.

Йўловчиларнинг биридан ниманидир сўрайди ва у ишора
қилган тарафга юради.

Тепасига “Тошкент Давлат Миллий Университети” деган
лавҳа осик эшик олдида тўхтаб туради. Атрофга қарайди...

– Соат неча бўлди? – деб сўрайди у ўтиб кетаётган биров-
дан.

– Ўн бешта кам ўн икки.

У бошқа иложи йўқлигини сезгандай ичкарига қиради.
Ўзича дадил юриб кетаяпти, аммо кўзларида безовталиқ.

Йигит “Қабул комиссияси” қаердалигини ишора қилган
кўрсаткичларга қараб бораяпти.

Ана, кенг фойе – кировчиларнинг хужжати қабул қилинаётган жой.

Даврон бу ерга яқинлашаркан, қадами секинлашади. Тўхтайтиди. Устунлардан бирининг ортига ўтиб, фойега кўз югуртиради.

Одам кўп. Кимдир хужжат топшираяпти, кимдир қабул қилаяпти, биров хужжат тўлғазаяпти, биров бировга бир балоларни тушунтираяпти. Ота-оналар, ишқибозлар, бекорчилар, Париждан ҳозир тушгандай кийинган йигит-қизлар, кийимлари урингангина ёшлар...

У, ниҳоят, девор тагида турган Дунёни кўради. Қиз атрофга бепарво – ҳаммани унутиб, сабр-тоқат билан, минг йиллардан буён кимирламай шу ерда тургандай... Қўлларида қоғоз халта. Билагида сумкачаси. Эгнида ўзбекча тикилган атлас кўйлак. Дам-дам деворсоатга қарайди. Ўнта кам ўн икки... Қиз ғалағовур орасидан фақат соатнинг чиқиллашини эшитади.

Даврон ҳам қизга тикилган кўйи турибди. У ҳозир бутун кучини йиғиб, Дунё билан ўзининг оралигидаги бир неча ўн кадамни босиб ўтиши кераклигини сезиб турибди. Йигит ҳар нафасида ўзини бу журъатга шайлаяпти – пешонасидан тер чиққан, юзига зўриқишнинг нуқси кўчган; ҳатто юрагининг хаприқиб уришини ҳам эшитиб турибди...

Қисматнинг даҳшатли шарпасини сезиб турган бу икки ўсмир юракларининг садоси бутун дунёни тутган...

Даврон, ниҳоят, қиз томон бир кадам ташлайди.

Ташлайдию... тўхтайтиди.

У одамларнинг юзига қараб-қараб келаётган милиционерга кўзи тушади.

Ўзини бетон устуннинг орқасига олади.

Мўралаб қарайди. Милиционер бировдан нимадир суриштираяпти.

Дунёнинг кўзи соатда. Мана, соат миллари роса ўн иккида.

У ерга қараб, бироз туради. Ичида бир қарорга келгач, бош эгиб, ташқарига йўналади.

Даврон қизнинг у тарафга келаётганини кўргач, нима қилишини билмай қолади ва... ортига бурилади-да, иложи бо-

рича одамлар орасига бекиниб, тез-тез юриб кета бошлайди. Унинг бу кетиши тобора кочишга айланиб боради.

Дунё университет биносидан чиқиб кетаяпти. Боши эгилган. Ғам юки елкасидан босган. Ҳеч кимни кўрмайди, ҳеч нарсани эшитмайди. У университет ҳовлисидан ўтиб, йўналиш таксилар тўхтайдиган бекатга қараб бораяпти. Юрагининг дукиллаб уриши оламни тутган...

Даврон дарахтларнинг панасидан унга қараб турибди. У ҳам юракнинг уришини эшитаяпти. Аммо бу садо Дунё тарафданми, ё ўзининг кўксидан келаётганини фаҳмлай олмайди. У ҳатто кўкрагининг сўл тарафига кафтини босиб ҳам кўради.

Қиз эшиги очиқ йўналиш такси олдига келгач, бир зум тўхтайди. Университет ҳовлисига, биносига, дарахтларга, одамларга бир қур назар ташлайди. Чуқур нафас олади. Эҳтимол, хайрлашади... Сўнг таксининг ланг очиқ эшигидан ичкарига киради.

Даврон қимирлаёлмай турибди.

Такси кўзгалади. У Давронни пана тутган дарахтлар олдида ўтган йўлга бурилади.

Йигит бу такси билан ҳаётидаги энг азиз нарса кетаётганини, ортига ҳеч қачон қайтмаслигини, ортига қайтариш учун ўзида кучу қудрат йўқлигини ҳис қилиб турибди.

Юракнинг дукиллаши авжга чиқади.

Такси йигитнинг ёнидан ўта бошлайди. Деразадан Дунёнинг юзи бир “лип” этиб кўринади. У тошдай котиб ўтирибди.

Такси ўтиб кетади... Кетади... Ана, муюлишдан бурилди. Кетди...

Даврон такси ортидан беҳол қараб қолади. Сўнг бемақсад юриб кетади. Кимгадир урилади. Машиналар сигнал чалади. Йигит ихтиёрини йўқотган. Боши оққан томонга кетаяпти...

Давронни ДАН ходимининг хуштаги ўзига келтиради. Қараса, катта кўчаниннг ўртасида турибди. Машиналар атрофидан сигнал чалганча, айланиб ўтаяпти.

ДАН ходими қўлидаги таёқчасини силкитиб, унга нимадир деб келаяпти.

Даврон бир зум тўхтади ва бирдан “ура” коча бошлайди. У ҳамма нарсани унутиб, аллақандай кўрқув етагида югуриб кетмоқда.

Куз. Бутун шаҳарда хазонли манзара.

Хиёбонлар, кўчалар, кўпқават бинолар эгаллаб ололмаган бурда-бурда очик жойлар, чорбоғлар хазонрез бағрида мунгайиб турибди. Даврон ҳам куз ичида бир куз бўлиб боши оккан томонга кетаяпти.

Куз унинг юришига, бўю бастига, юзига, кўзларига, хаёлларига – вужудининг ҳар бир заррасига сингиб кетган...

Куз. Хазон. Чексиз ғусса.

Даврон бир бекатда мунгайиб ўтирибди. Кўзойнак таққан, зиёли, жонсарак аёл бекатдаги дўкондан ниманидир харид қилиб чиқади. У Давронга аввал ўз ўй-у хаёллари ичидан қарайди. Сўнг йигитнинг униқиб кетган юзи эътиборини тортади, иккиланиброк тўхтади. Унга тикилиб қарайди.

– Мазангиз йўқми?..

Даврон аёлга гапини эшитмагандай кўз ташлайди.

Аёл бағтар ташвишланиб яна сўрайди:

– Касалмасмисиз, деяпман?

Даврон ўрнидан туради.

– Йўқ... яхши...

Аёл сумкачасини очиб, дафтарча ва ручка олади. Нималарнидир ёзади-да, Давронга узатади.

– Мана бу манзилгоҳ ва телефон рақамлари. Мен поликлиникада ишлайман. “Саида Комиловна” деб сўрайсиз!.. Боринг, ёрдам бераман... – Аёл бир оз ўйланиб қолади-да, синик жилмаяди: – Қишлоқдан келганмисиз?

Даврон тасдиқлаб бош қимирлатади.

– Ишлагани-да, а?

Даврон яна тасдиқлайди.

– Менинг ўғлим ҳам Корея-да! – дейди аёл бағтар синик тортиб. – Ким билсин қандай юрибди! Омон бўлинглар! Э, худойим!.. Ҳа, албатта боринг!..

Аёл пилдираб бориб, эскигина “Жигули”га ўтиради-да, моторни юргизиб, жўнаб кетади.

Даврон гузардан ўтиб келаяпти.

Гулноз пайдо бўлади. Қиз нафас оларга жой қолдирмай гапира бошлади.

– Ассалому алайкум, Самад! Бормисиз? Ҳар кун ўтиб қоласизми, деб йўлга караганим-караган... Бугун кинога бормаймизми? Панорамада зўр кино бўлаяпти. Самандар билан... Анов... ўйинчи қиз бор-ку... Ғуломга тушадиган... Ўшалар ўйнаган. Кеча қизлар билан тушдик. Роса йиғладик. Севги хақида-да! Бугун сизни таклиф қилмоқчиман...

Даврон жим турибди.

– Борамизми?

Даврон нима дейишини билмай, тараддудланади.

– Борайлик...

– Бугун ишим кўп... Жуда зарур... – мижғовланади Даврон. – Бошқа пайт... албатта борамиз...

– Борамиз-а!.. Сиз дўконга келиб туринг... – Қизнинг юзи аллақандай умиддан бирдан ёришади. – Яхши кино келса, ўзим айтаман.

Қиз илдам бурилиб жўнаркан, яна беғубор жилвалар аралаш табассум совға қилади.

Кўча. Ҳовлининг дарвозаси олдида Музаффар, уста Саъдулла ва Даврон.

– Буюртмалар кўпайиб кетди, уста Саъдулла, – дейди Музаффар кулиб. – Давронбекни бир-икки кунга бизга командировка қилмасангиз, бўлмайди. А, Давронбек?..

Даврон “ўзларинг биласизлар” дегандай елка қисади.

– Бунақа касби борлигидан беҳабар эканмиз... Майли, – дейди Саъдулла.

– Бўлмаса, эртага учрашамиз... – дейди Музаффар ва хайрлашишга тушади.

Даврон бозор оралаб кетаяпти. Қўлида ускунажамадон. У қайсидир бир сотувчидан ниманидир сўрайди. Сотувчи унга қаернидир кўрсатади. Даврон “раҳмат” айтган бўлиб, у кўрсатган томонга қараб жўнайди.

Даврон директорнинг қабулхонасини тақиллатади. Ичкаридан “киравер” деган овоз эшитилади.

Ичкари қиради.

Қабулхонада тўрт-беш киши – директор Зоҳир ака, котиба қиз, уста ва яна кимлардир компьютер атрофини ўраб олишган – тузатмоқчи бўлиб, ишкалини кидиришмоқда.

– Мен келдим, – дейди Даврон ниҳоят.

– Ҳозир... – дейди Зоҳир ака унга эътибор бермасдан ва ёнидагилардан ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силкийди. – Э, сендақа усталардан ўргилдим!..

– Зоҳир ака, бунча юрагингиз то-ор!.. – дейди нозланиб котиба қиз.

Уста “сичқон”ни тинмай югуртириб, клавишни уриб ётибди. Баъзан тўхтаб, “бўлмаёпти, бўлмаёпти” деб қўяди. Зоҳир ака эса ҳар дақиқада “билмаганингдан кейин, бўлмайти-да!”, “сенларни ўқитган муллангдан хафаман”, “юрагимни сиқиб юбордиларинг” кабилидаги гаплар билан норозилик эълон қиляпти. Котиба қиз эса дам-дам: “Зоҳир ака-а!..” деб нозланиб турибди.

Даврон бир пас компьютерга қараб туради. Сўнг берилиб – ҳамма катори компьютерга энгашади.

– Мен бир кўрай-чи, – дейди беихтиёр.

Ҳамма унга ўгирилади. Уста “шошма” деб яна ишга тутинмоқчи бўлади.

– Менга беринг... – дейди Даврон.

У устага эътибор бермай, қўлидан “сичқон”ни олиб, ишла-тишга тушади.

Уста энсаси қотиб Зоҳир акага қарайди.

– Қўлингдан келмагандан кейин, стулни ҳам бўшат, – дейди Зоҳир ака.

Уста елка кисиб, ўрнидан қўзғалади. Даврон икки кўзи компьютерда – столга бемалол ўтириб олади. Унинг ҳаракатлари ишончли – биладиган одамнинг нафаси бор.

Даврон тезлик билан ишляпти.

У бир пасдан сўнг ишдан тўхтайтиди-да, экранга тикилиб қолади.

– Бўлмадимми? – дейди Зоҳир ака хавотирда.

– Бўлди, – дейди Даврон. – Ҳозир ишлайди.

– Ишлайди? – қувончдан бўкириб юборади Зоҳир ака. – Э, баракалло! Мана бу Эйнштейнлар эртадан буён қонимни қайнатиб юборишди. Бор экансан-ку!.. Қаерда эдинг?

Даврон кўчага ишора қилади:

– Шу ерда...

– Шу еринг қаер?

– Шахарда. Мени Музаффар ака юборди.

– Музаффар? – дейди Зоҳир ака ва устага ишора қилади: – Мана буни ҳам Музаффар юборган...

– Мени компьютер тузатишга юборганди.

– Тузатиб бўлдинг-ку! Маладец!.. Нима иш қиласан?..

– Шу...

– Э, “шу” деган касбингдан ўргилдим! Ичкари кир!..

Зоҳир ака уни хонасига олиб киради.

Зоҳир ака столга ўтириб, Даврон билан гаплашяпти.

– Ука, бир ҳисоботни топширай десам, буларнинг компьютери ҳар соатда бузилади. Техникани айблашади. Ҳар олти ойда янгисини сотиб олиб бераман. Нима, шу компьютер ёмонми?

– Жуда яхши...

– Ана!.. Сен менга ишга ўт, аковси! Бир роҳат қилиб ишлай! Қонимни қайнатиб юборишди... Сен бўлса... Қаерларда юрибсан! Кичкина ўғлимга эрмакка беш-олти интернет кафе очиб берганман. Бизнесни ўргансин деб. У шаталок отишдан бўшамайди. Ўша кафеларга қараб юрасан. Мен одамни бир қарагандан биламан. Калланг ишлайди. Сал ишни ўрганиб ол! Ҳаммасига катта қилиб қўяман. Паспортингни бер! Ҳозир буйруқ чиқараман. Компьютерларга компьютерлик қилиб юриверасан.

Зоҳир ака ўзининг ҳазилидан бор кучи билан – танига сиғмай қулади.

– Паспортинг қани?

– Йўк... Йўқолган.

– Э!.. Темирни қизиғида босгим келиб турганда, гапингни кара! Майли, тўғирлаймиз. Танишлар бир кунда қилиб беради.

Даврон безовталанади.

– Керак эмас. Ўзим...

– Сен, аковси, миждовланма! Зоҳир аканинг ёнида ишлашни орзу қилмаган мардум йўк... – У чўнтагидан бир нечта қоғоз доллар олиб, биттасини ажратади-да, Давроннинг

кўлига тутказади. – Йигирма. Ол! Компьютерни тузатиб, юрагимнинг ғашини ёзганинг учун!..

Сўнг стол тагидаги кўнғирокнинг тугмачасини босади.

Котиба киради.

– Кимёхон, бу боланинг ҳамма анкета маълумотларини олиб қолинг. Батафсил. Бир яп-янги, онаси ўпмаган паспорт олиб берайлик...

Даврон ташқарига йўналади.

– Ўв!.. – деб уни тўхтатади Зоҳир ака. – Бўшашма! Бўшашгани ёмон кўраман! Бор!..

Даврон билан котиба чиқади.

Қабулхона.

– Ҳозир маълумотларингизни ёзиб оламан, – дейди Кимё.

Даврон қандай қилиб чиқиб кетишни билмаяпти.

– Мен... Ҳозир... – дейди. – Ташқарига чиқиб келаман.

У ўзини эшикка уради.

Даврон директор идорасидан чиқиб, саросималикда бозор оралаб жўнайди. Биров қувиб келаётгандай дам-бадам ортига қараб қўяди. Бир неча расталарни шу тарзда айланиб ўтади-да, нафас ротлагани “Эълон”лар тахтасининг олдига келиб тўхтади.

Бир оз ўзига келгач, негадир эълонтахтага қарайди. Тахтага “Дикқат! Жиноятчи” қабалидаги суратли варақалар ёпиштирилиб ташланган. Милицияга хабар берилиш лозимлиги айтилиб, телефон рақамлари ҳам ёзилган.

Даврон эълонларга безътибор – ўз хаёллари билан банд.

Бироқ бирдан сергак тортади. Эълонларнинг бирига яқинроқ бориб қарайди. Юзини ўт куйдиргандай ўзини оркага олади. Тепасига “Дикқат! Қидирилмоқда” деб ёзилган варақадаги суратдан унинг ўзи қараб турибди. Ҳа, ўзи... Ана, “Даврон Эштурдиевич Қодиров”... “Бўйи – 178, буғдойранг...” Ҳа, ўзи!..

Даврон уни биров кузатиб тургандай атрофга аланглайди. Атроф ўзининг дарди билан овора – биров сотаяпти, биров олаяпти, кимдир ўлжа ахтаргандай расталар орасида изғийди, кимдир чўнтагибоп мол ахтариб, сарғайиб айланади... У билан

кимнинг иши бор! Аммо... Ана! Хўв, анов йигит унга негадир қараб кўйяпти... Ёнидаги шеригига нимадир деди! Энди иккаласи у томонга юриб келаяпти...

Даврон аста-аста жила бошлади. У оркасига қараб-қараб кетяпти... Аниқ! Ўша икки йигит унинг оркасидан келаяпти. Билмасликка олиб, кулишганини қаранг! Яна улар Даврон томонга зимдан қарашди... Билдирмасдан келиб, ушлашмоқчи!..

Даврон қочишга тушади.

У одамларга урилиб, чап бериб, сўкиш эшитиб, жонҳалак чопади.

Мана, бозордан чиқиб, катта кўчани, бор кучи билан югурганича, кесиб ўтаяпти.

Аммо кўчанинг нариги бетидеги милиса машинаси турганини кўргач, бошқа тарафга қараб югуради. Ортига ўгирилиб қарайди. Милиса машинаси ўрнидан кўзгалаяпти. Ўзини қандайдир тор кўчага уради. Муюлишгача югуриб боргач, орқага қарайди. Ҳеч ким йўқ. Атрофга аланглаб, тўхтайтиди. Ҳеч нарса бўлмагандай, бамайлихотир юришга ҳаракат қилади. Аммо қаршисидан уч милиса келаятиганини кўради. Бир нарса эсига тушгандай, ортига қайтади. Ён кўчага бурилиб, бирдан югуришга тушади.

Бу кўча уни чиқинди қутилари турган майдончага олиб чиқади.

Даврон қутилар орасига яширинади.

Анчагача нафасини ростлай олмайди.

Атрофида чиқинди уюмлари. Чиқинди уюмлари... Чиқинди...

У чиқиндилар ичида бир уюм чиқиндидай ўтирибди.

Даврон шом пайти аллақандай тор кўчадан кетаяпти.

Қаршисидан уч-тўрт йигит кела бошлади.

Улар Давронга яқин келиб, тўхтайдилар.

Даврон ҳам тўхтайтиди.

Улардан бири Давроннинг яқинига келади. Бу ўша – “Гул-нознинг қоровули” – “Шилқим”.

– Эй, мишики, – дейди у, – сен нега Гулига “кинога тушайлик” дединг?

Даврон унга жим қараб турибди.

– Нега бездай бўлиб турибсан?.. Нега Гулини кинога таклиф килдинг деяпман? Ҳозир юзингни текис қилиб қўяйми?.. Муштлашишни биласанми, мишиқи?..

Шилқим ноҳос Давроннинг юзига мушт солади. Давроннинг бурнидан қон оқади. Аммо у Шилқимга тикилганча жим турибди.

– Мен уришмайман, – дейди у ниҳоят, – уришмайман...

– Йигитмисан?.. Мана, уришмасанг!.. Мана!.. Онангни!..

Шилқим Давронни беаёв – юзу кўзи демай уришга тушади. Даврон муштлардан ўзини олиб қочмай турибди. У фақат “уришмайман!” деган сўзни дуодай такрорлайди ва охири навбатдаги кучли зарбадан ерга йикилиб тушади.

– Бўлди, Шовкат!.. Бас қил!.. – дейди йигитлардан бири Шилқимни ажратишга тушар экан. – Кўрмаяпсанми, у ҳақиқатан уришмаяпти!.. Бас қил!..

Бошқа йигитлар ҳам Шилқимни ажратишга тушадилар. Уни торткилаб, нарироқ олиб борадилар.

– Яна Гулининг атрофида кўрсам, ўлдираман! – дейди Шилқим.

Улар кета бошлайди.

Йигитлардан бири қайтиб келади. У Давронни ўрнидан туришига ёрдам беради. Усти-бошини қоққан бўлади.

– Ма, юзингни артиб ол, – дейди у, ёнидан дастрўмол чиқазиб, Давронга тутқазар экан. – Эҳтиёт бўл!.. Қизларга гапиришни сенга ким қўйибди!

У дўстлари ортидан югуриб кетади.

Ҳовлидаги “ётоқхона”.

Даврон чалқанча ётиб, китоб ўқияпти. Юзининг баъзи жойларига пластир ёпиштирилган. Фарход чордона қурганча китобга термилган. Улар ўқийётган китобларидан кўз узмай суҳбатлашадилар.

– Нимани ўқияпсан? – дейди Фарход.

– Инглизча луғат... Эсимдан чикмасин деб...

– Инглизчани биласанми?

– Озгина.

Фарход Давронга бир қараб олади. Сўнг яна китобига тикилади.

– Қизик... – дейди у бир оздан сўнг, бошини сарак-сарак киларкан. – Қизик!

У Давронга ўгирилади.

– Одам Ато саллалоху алайху вассаламни биласан-а?

Даврон бош силкийди.

– Бу китоб шу киши ҳақида... Шу пайғамбаримизнинг Ҳобил ва Қобил деган фарзандлари бўлган. Қобил бегуноҳ Ҳобилни ўлдиради. Сўнг инисининг жасадини йиллаб, эҳтимол асрлаб кўтариб юради... Кўмолмайди.

Даврон беихтиёр ўрнидан туриб ўтиради.

– Нега?

– Гап шунда-да... Менимча, бировнинг умрига зомин бўлган одам бу гуноҳи кабирни ҳеч қачон бўйнидан соқит килолмаса керак! Кўтариб юраверади!.. Юраверади!.. Оллоҳ йўл кўрсатмаса, бегуноҳ курбоннинг жасадини охиратгача кўтариб боради...

– Қобилга... Оллоҳ йўл кўрсатдими?

– Кўрсатган...

Фарҳод яна китоб ўқишга тушади. Даврон деворга суюниб, кўзини юмади. Ичидан бир ихраш беҳос отилиб чиқади. Фарҳод унга бир қараб қўяди...

Қиш. Қор.

Бир ҳовли олдига “Нексия” келиб тўхтади.

Ундан Даврон ва Бурҳон Салим тушадилар.

– Бу йил қор эрта ёғди, – дейди Бурҳон Салим атрофга бир-ров кўз югуртириб.

Сўнг машинанинг юкхонасини очади. Даврон ундан боғлоғлик китобларни кўтариб ичкарига – Бурҳон Салим ортидан ҳовлига, ҳовлидан уйга киради.

Ичкари хонага ўтадилар. Хона ўртасига китоблар уюм қилиб қўйилган. Деворларда эса шифт бўйи қилиб, ясалган кўлбола шкафлар.

Даврон кўлидаги китобларни уюмнинг ёнига қўяди.

– Сиз билан бугун китоб тахлаймиз, – дейди Бурҳон Салим. – Тепада мумтоз адибларнинг китоби бўлади. Энг тепада Навоий хазратлари... Бизга ўхшаганларнинг китоблари пастроқда туради... – Бурҳон Салим ўзига ҳазил қила олгани-

дан бўлса керак, яйраб кулади. – Ишқилиб, шкафга сиғмай, кўчага қолиб чиқиндига кўшилиб кетмаса бўлди!..

У яна кулади.

– Қани, бошладик!..

Бурҳон Салим китоб олиб бера бошлайди. Даврон шотининг устига чиқиб, тахламоққа киришади.

Бир оздан сўнг Бурҳон Салим бир китобни кўлига олади-да, Давронга узатиш ўрнига, ўқишга киришиб кетади.

– Чехов, – дейди у, – ўзбекчаси... Мактабда ўқиганман... Икки жилдлик.

– Мен ҳам...

– Ўқиганмисан?

Бурҳон Салим қувониб кетади. Кўлидаги китобни ёпмай, Давронга узатади.

– Ўки... Ўки!..

У ўзи қойил қолган сатрларни бошқа ҳам ўкиб лол қолишини жуда ҳам истаяпти. Даврон ҳам саҳифага кўз югуртиради. Юзи жиддий тус олиб ўқий бошлайди. Бурҳон Салим ҳам бошқа китобни олади-да, ўқишга тушади.

Китобхонлик авжида.

Эшик очилиб, Бурҳон Салимнинг хотини ичкарига бош суқади. У пальтода – ҳозиргина кўчадан келган кўринади.

– Ассалому алайкум, – дейди у табассум билан – кимўзарга ўқияпсизларми?

Даврон салом беради.

– Келинг, Фаридахон! – дейди Бурҳон Салим. – Мана, бу жумлани қаранг!

Бурҳон Салим жумлани ўқиб беришга шайланади. Хотини лабидаги табассумини йиғиштира эшитишга ҳозирланган... Аммо у бирдан бетокатланиб атрофга қарайди.

– Шошманг...

Бурҳон Салим хотинига “нима бўлди?” деган алфозда қараб турибди.

Фарида хавотир олгандай атрофга кулоқ тутаяди. Ниманидир хидлаб кўради. Хавотири кучаяди. Сўнг “ялг” этиб, Давронга қарайди. Йигит ўнғайсизланади.

Фарида шошиб ташқарига йўналади.

– Юринг, – дейди у Бурхон Салимга. – Сизда гапим бор. Фарида ва Бурхон Салим бошқа хонага чикиб кетишади.

– Вой, бирдан кўриб кетдим!.. Атрофни аллақандай ваҳима босганми-ей...

– Қўйсанг-чи...

– Вой, мени биласиз-ку!.. Шу болага бир бало бўлган!..

Даврон эшитиб турибди. Қўлида ҳамон ўша китоб...

– Жўнатиб юборинг! Вой, титраб кетаяпман! Бу бола бир ишга аралашган.

– Нималар деяпсан! Яхшигина бола!..

– Илтимос, жўнатиб! Келган балоси ўзи билан кетсин!.. Жўнатиб!..

Бурхон Салим ичкарига киради.

– Ука, – дейди у сохта жилмайиб, – биз тўсатдан бир ёкка кетадиган бўлиб қолдик. Китобларни кейин тахлаймиз...

Даврон негадир ўнғайсиз жилмайиб – аллақандай уялган кўйи шотидан тушади.

– Хафа бўлма, – дейди Бурхон Салим, – ҳаққингни мукофоти билан бераман...

У Давроннинг чўнтагига пул тиқиб кўяди.

Даврон кўлидаги китобни деразага кўйиб, ташқарига йўналади.

– Шошма...

Бурхон Салим унга деразадаги китобни олиб узатади.

– Ол! Ўқиб юрасан.

Даврон “керак эмас” дегандай бош чайқайди. Сўнг ташқарига чикиб кетади.

Қор ёгаяпти. Ҳамма жой қорга бурқанган.

Даврон қорга аралашиб, шаҳар бўйлаб изғиб кетаяпти. Рос-ти уни қиш билан иши йўқ. Оғир юк ортилган қирчанги от монанд ҳориб – аранг юриб бораяпти.

У мадори қолмагандай, бир жойга келиб тўхтайти. Буг бурқситиб, “уф” тортади. Эски телпакни олиб, совуққина бўлишига қарамай, пешонасини артади. Теваракка кўз ташлайди. Теваракни танимайроқ туради. Одамлар тўхтовсиз кириб-чикиб турган ҳашаматли катта магазинга кўзи тушади.

Даврон магазинга синчиклаб қарайди. Сўнг юради. Тўхтайди. Яна магазинга – унинг сир-асрорини билмоқчи бўлгандай, қадалиб тикилади. Иморат дилўртар мусикага чўлганиб, бетоқат тургандай...

Даврон беихтиёр дўконга йўналади.

У дўкондаги бўлимларга, одамларга тез-тез кўз югуртириб, ниманидир излаб бормоқда.

Эскалатордан тепа қаватга кўтарилади. Бўлимларга кириб-чиқади. Одамларга қарайди...

Тайёр кийимлар бўлимига келади. Эркаклару аёллар либослари қатор-қатор осиб қўйилган. Харидорлар. Сотувчилар...

Даврон излаган нарсаси шу ерда эканлигини сезган каби, ҳаракати секинлашиб, атрофга серсолади ва...

...Кийим танлаётган Дунёни ҳамда унинг опаси Жаннатни кўради.

Даврон кийим қаторларининг ортига ўзини олади. Паналаб яқин келади.

– Нима танласа, “бўлади” дейсан, – дейди норозиланиб Жаннат. – Бундай тўғриси айт...

– Нима фарқи бор... – дейди Дунё норози оҳангни пайқамагандай. – Ҳаммаси ҳам бир кийим...

– Келин мен эмас, сенсан-ку! Шунча жойдан келдик. Ёкса, кўнглингни очиб, айт-да!..

– Яхши...

– Яхши эмиш!.. Шу бу йил фақат ўзингга душмандай иш тутдинг. Бирдан ўқишга ҳужжат топширгинг келмай қолди! Бирдан ҳаммага тўрсайиб олдинг! На кийинишнинг фарқига борасан, на овқатни! Одам ўзига дўст бўлади... Худога шукур қил!.. Тушаётган жойинг – жаннат. Қайнатанг “келинимни чанг-тупроққа қориштирамайман” деб, шаҳарда тўй қилиб бермоқчи... Яна қаерда? “Диёр” ресторанида! Буёғи бир ҳафта қолди... Ҳали кийиминг ҳам тайёр эмас...

Даврон Дунёдан кўз узолмай турибди.

Дунё бепарвогина ўзига алоқаси йўқдай кўйлақларни кўздан кечираяпти.

Сотувчи уларга яқин келади.

– Танлай олмаяпсизларми? Менимча, мана бу кўйлақ сизга мос тушади... Мана, бу туфлини ҳам бир кийиб кўринг!..

Жаннат либос танловхонасига Дунёни бошлайди.

– Кийиб кўр-чи, Дунё!..

Дунё ичкарига кириб, пардани ёпади.

– Исмлари мунча чиройли!.. – дейди сотувчи. – Кимга узатаяпсизлар?

Жаннат бирдан кўзига ёш олади.

– Дунё кимга тегарди...

Давроннинг икки кўзи пардада.

– Опа, келинг. – Бу Дунёнинг овози.

Жаннат бориб пардани очади. Ойнада дунёлардан чиройли бўлиб, Дунё турибди.

Даврон беҳуш қарахлик ичида гангиб қолган.

– Ука!.. Нима оласиз? Танлашиб юборайми?

– А?.. – Даврон сотувчига анграйиб қарайди.

– Бирор нарса оласизми?

Шу пайт йигитнинг кўзи дўконга ит етаклаб кирган милисаларга тушади. Ит нималарнидир ҳидлаб, келмоқда. Даврон гапни чала қолдириб, бошқа томондан ташқарига шошиб жўнайди.

Қорли окшом. Ёғаётган қор чирок нурларида ажиб товланади. Дарахтларнинг шохлари шода-шода марварид.

Карнай-сурнайчилар ресторан олдида – имога маҳтал.

Даврон рестораннинг рўпарасида. Телпагини тушириб олган, ер тепсинади.

Ичкаридан ресторан официантлари чиқиб, йўлкада саф тортадилар.

Келин-куёв тушган хашамдор автолар қатор бўлиб кела бошлайди. Улар аста тўхтайдилар. Карнай "ғат-ғат"лайди, сурнай хаволанади, ногора даранглайди. Келиннинг дугоналари, куёв жўралар, янгалар, даврабоши аёллар ва Собир... Мўмин... Наби... Чингиз... Бўри... яна кимлардир шодиёна кайфиятда автолардан тушадилар. Бўри келинмашинанинг эшигини очади. Ичкаридан Куён чиқади. Оғзи қулоғида. Унинг қўлида анвойи, улкан гулдаста. Куён машинани айланиб ўтиб, келинэшикни очади. Эшикдан келин либоснинг устидан алламбало чиройли пальто ташлаб олган келин – Дунё кўринади. Сочлари антиқа

шаклда – гўзаллик уфуртириб турмакланган, юзу кўзлари қишдан кўркмай очилишга шайланган алламбало жонўртар гулдай!..

Дунёнинг ёнида, ҳўв, дугоналари пайдо бўлади. Қуён тиржайиб, аллақандай хушомадона эгилиброк, келинга гулдаста тутқзади. Ичкаридан башанг кийинган хотин-халаж чиқиб келади. Улар келин-куёвни ичкарига ундайдилар. Йўлкалар четида мушаклар узлуксиз учкунлар тараб, отилмоққа киришади. Қуён келиннинг тирсагидан тутганича, олдинга кадам ташлайди. Аммо Дунё ўрнидан кўзгалолмайди. Қуён чекиниб, яна Дунёнинг ёнига қайтади. Дугоналар, янгалар, хотин-халажлар Дунёга нимадир деяпти. У бош кўтармай, кимирламай турибди. Хотин-халаж саросимада. Дунёнинг опаси пайдо бўлади. У синглисига асабий тарзда нималардир дейди. Дунё бирдан бошини кўтаради. Дунёни сўнгги бор кўраётгандай корли оламга, қоронғулик қаърига чўккан осмонга, дарахтларнинг учига ва негандир ортга – Даврон турган тарафга қарайди.

Даврон котиб турибди. “Мени кўрди”, деб ўйлайди у ўртаниб ва ўзини унутган кўйи, Дунё томонга ташланади. Йигит ҳеч нарсани кўрмай, югурганча, кўчани кесиб ўта бошлайди. Тормознинг кескин товуши... Чирок...

Даврон кўчада ётибди.

– Ука, – дейди машинадан тушиб, унинг бошига энгашган хайдовчи. – Соғмисан?

Даврон кўзгалишга ҳаракат қилади.

– Ишқилиб... А? – дейди хайдовчи.

Даврон ўрнидан туради. Ресторан тарафга қарайди.

Ресторан аллақачон Дунёни қаърига ютиб юборган.

Хайдовчи унинг қору музга беланган усту бошини қоқишга киришади.

– Ука! Ҳеч нарса қилмаптимми? Дўхтирга олиб бораймми? Хоҳласанг, милиса ҳам чақираман.

Даврон бирдан ўзига келиб, хайдовчига қарайди. Сўнг кўча бўйлаб кета бошлайди.

– Шошма, ука, – дейди хайдовчи хурсанд бўлиб, – элтиб қўяман...

У югуриб, машинасига чиқади-да, юргизади. Машинани Давронга яқинлаштиргач, эшикни очади.

– Чик-э, укажон, – дейди у, – чик-э!

Даврон ўйланиб туради-да, машинага чиқади.

Машина кишки Тошкент кўчаларидан кетаяпти.

– Оббо, ука-ей! – дейди ҳайдовчи бош чайқаб дамбадам. – Касофат-да!.. Аммо касофат ҳам бекорга келмайди. Бир ишимиз Оллохга ёқмаган бўлади... Қарийб, а... Худоба бир айтганимиз бор экан!.. Оббо ука-ей!.. Ҳа, айтгандай, сен каерга борасан?

Даврон жим кетаяпти. У эҳтимол ҳайдовчининг гапини эшитмаяпти ҳам.

– Ука... – дейди ҳайдовчи хавотир олиб. – Ука, соғмисан?

У Давроннинг юзига қараб-қараб кўяди.

– Ичмаймизми? – дейди нохосдан Даврон.

– Нима?

Ҳайдовчи чиндан тушунмаган каби сўрайди. Аммо борган сари юзи ёришиб боради.

– Ичамиз! – дейди у охири. – Ичамиз.

Даврон отаси ўлган одамдай кетаяпти.

– Бирор дўконни олдида тўхтатинг...

– Бирор жойга бориб ўтирсак...

– Йўк...

Ҳайдовчи негадир Давронга хавотирда қараб кўяди.

Ҳайдовчи ва Даврон дўкондан чиқадилар.

Даврон шишани олиб оча бошлайди.

– Ука, бу ерда...

Ҳайдовчи хижолат чекиб атрофга қарайди.

Даврон индамай шишани кўтариб, оғзидан ича бошлайди.

– Ие ука, соғмисан?.. Ука!.. Эй... Эй!..

Даврон ҳамон ичаяпти.

Давронлар яшайдиган ҳовлининг олдида ҳозиргина машина тўхтаган. Эшикхона олдида уста Саъдулла, Тоҳир ва Фарход туришибди. Ҳайдовчи Давронни машинадан тушира бошлайди.

– Уйинг шу ердами ўзи, Самад?

У тушаркан чайқалиб кетади. Ҳайдовчи ушлаб қолади.

– Мен Самад эмасман, – дейди у гулдираб. – Мени исмим бошқа...

Эшик олдида турган йигитлар улар томонга юради.

– Самад? – дейди уста Саъдулла.

– Уста Саъдулла ҳам “Самад” деяпти. Лекин мен Самад эмасман. Кимлигимни ҳеч кимга айтмайман!.. Айтмайман!..

– Бу қаердан ичиб олди? – дейди Тохир.

– Ука, Самадни кўчада сал туртиб юбордим. Айб менда!..

Шунга... – У шошиб чўнтагидан коғоз олади. – Телефоним... Манзилим ҳам ёзилган... Зарур бўлсам хабар берарсизлар...

Фарҳод коғозни олади.

– Юринг энди, Самадбой! – дейди Уста Саъдулла. – Қани, йигитлар...

Йигитлар Давронни қўлтиқлаб оладилар.

Даврон ўзича гапириб бораяпти.

– Мени исмим Самад эмас, бошқа... Айтмайман!.. Айтмайман!..

– Оббо, – дейди Тохир, – исмларини ўзгартириш мақомига ҳам етибдилар... Баракалло!

– Нега ишонмайсизлар!.. Исмим Самад эмас... .

У дўстларининг қўлидан ситилиб чиқади.

– Исмим Самад эмас! Самад эмас! Аммо айтолмайман!..

Айтолмайман!

Даврон қор устига йикилиб, ағанаб такрорляпти:

– Исмим Самад эмас! Бошқа!.. Айтолмайман!.. Айтолмайман!..

Тонг отган. Усталар уйғонган. Кимдир кийинаяпти, кимдир соқолини олаяпти. Фақат Даврон бошини кўрпага буркаганча ётибди.

– Қани, тур! – дейди уста Саъдулла унинг бошидан кўрпани суриб. – Мунча ухлайсан! Отангининг уйидамисан?

Даврон кийналиб бош кўтаради. Ўтиради.

– Кеча нега ичдинг? – дейди Уста Саъдулла.

Даврон оёқларининг орасига бошини эгиб ўтирибди.

– Бу совуқда бир жойда ўлиб қолсанг, нима бўлади?

Даврон ҳамон жим турибди.

– Ўртоқ, ичиш яхши эмас, – дейди Тоҳир. – Бу ерда ўзимиз чақирилмаган меҳмон бўлсак...

– Э, бу ўзи кизик бола!.. – дейди кизишиб уста Саъдулла. – Эй, Самад! Бу ерда ишлаб, уч-тўрт чақа топгани келганмиз! Шунинг учун эгилмайдиган бошимизни эгиб юрибмиз! Бу нима қилганинг? Қанақасан ўзи! Уч-тўрт сўм йиғиб қўйиш ўрнига, топганингни ким қарз сўраса берасан, ким “овқатлантир” деса, овқатлантирасан... Кеча мана бу китобни фалон сўмга олдинг. Шу жуда зарурми?

Даврон бош кўтариб ўртоқларига қарайди. Уста Саъдулла Давроннинг матраси тагидан бир китобни олади. Бу – ўша Бурхон Салимнинг уйида ёзувчи билан бирга ўқишган Чеховнинг китоби...

– Китоб олса, майли... – дейди Фарҳод. – Китоб олса, дуруст...

Уста Саъдулланинг аччиги энди ловуллаб чиқади:

– Э, қанақасига майли! Бугун ичса, эрта китоб ўқиса... – У бирдан аччигидан тушади. – Ҳа, “кишда иш йўқ” деб байрам қилиб юрган эдиларинг. Иш топилди. Билиб қўйинглар, пул топишга келганмиз!..

Уста Саъдулла бош эгиб, аллатовур бўлиб ўтирган Давронга синчиклаб қарайди.

– Бугунча уйда бўл.

Фарҳод ва Тоҳир кетишга тайёр.

– Уста, йўл бошланг, – дейди Тоҳир.

Уста Саъдулла Давронга яна бир қараб олади.

– Бораверинглар, етиб оламан.

У нимадир излаётган бўлиб хонада нари-бери юради. Чўнтақларига қўл солиб кўради. Аммо негадир икки кўзи Давронда.

– Бу ёққа қара, – дейди у Давронга, – ҳеч қачон қизишма. Бир ишни ўйлаб қил. Бугун тўғри дейилган гап, эртага нотўғри чиқиб қолиши мумкин... Майли, мен кетдим!

Уста Саъдулла уйдан чиқиб кетади.

Ташқарида янги қор ёққан. Оппоқ сукунатга чўккан гўзаллик. Ҳовлида фақат Фарҳод ва Тоҳирнинг дарвоза тарафга кетган излари.

Уста Саъдулла ташқарига қараб юради.

У дарвозадан чиқиб тўхтади. Ичкарига – нималаргадир кулоқ солади. Чўнтагидан сигарет олиб тутатади. Сигаретни чекиб бўлгач, оппоқ корнинг устига иткитади. Аммо бу иши ўзига ёқмайди. Бориб сигарет қолдигини олади-да, бир четга қўяди. Сўнг кўча бўйлаб кета бошлайди. Анча юради. Бирдан тўхтади. Жадал ортига қараб жўнайди. Эшикка яқин келгач эса, югура бошлайди. Дарвоза дарчасини зарб билан очади...

...Ҳовлига отилиб киради. Югурганича ўзини бинонинг ичига уради. Коридордан чопиб ўтиб, ўзлари яшайдиган хонанинг эшигини очади...

... хонага киради. Ҳеч ким йўқ.

Отилиб коридорга чиқади. Эшикларни бир-бир очиб, ҳали куриб битказилмаган хоналарга қарай бошлайди.

Хоналардан бирининг эшигини очиб, тўхтаб қолади.

Хона ўртасида курси устида Даврон турибди. У ҳали потолок қилинмаган шифтдаги тўсинга ташланган арқондан сиртмоқ ясаётти. Йигит устани кўриб, лолу қарахликда қотади. Арқонни кўйиб юборади. Уста ҳам Давронга қараб турибди. Унинг юзига ҳозир юз бериши мумкин бўлган даҳшат кўлкасини ташлаган. Вужуди титрайди. Даврон устанинг ҳолига дош беролмай, курсидан тушади. Оҳиста ўтиради. Икки кўзи ерда... Уста шу туришда турибди. Унинг кўзларидан бирдан ёш оқа бошлайди. Ёш эрта тушган ажинлар, ўсик соқоллари оралаб оқаяпти.

Даврон дарахтларини қор босган хиёбондан кетаяпти. Бенаволикда ўзи билан ўзи овора – ҳеч нарсани кўрмайди.

Бирдан олдида девор бордай тўхтади. Ўйланиб туриб қолади. Сўнг ортига қайтади. Ўн-ўн беш қадам босгач, яна ўша деворга рўбарў келгандай... Энди ҳовлиқиброқ ўзини сўлга уради. Яна олдидан ўша девор чикқандай. Шошиб ўнгдаги йўлкага бурилади. Яна ўша девор...

Даврон энди югургилаб, қафасдаги қушдай ўзини ҳар тарафга ураётти. Деворлар эса бостириб келаётгандай.

Охир йигит тўхтади. Атрофга бенажот қарайди. У бу йўлсизликка чидаёлмаяпти. Аҳволи ёмон. Ҳаво етмайди.

Даврон бирдан – бор вужуди билан бақиради.

– А-а-а-а!..

Сукунат чил-чил синади. Дарахтлардан қорлар тўкилади.
Бир анҳорнинг бўйи.

Қор. Анҳорнинг четлари музлаган. Соҳилда уч-тўрт автомобиль.

Уч биродар уч автомобилни юваяпти.

Қўллар кизарган, юзлар кизарган, бурунлар кизарган.

– Тез-тез ишласаларинг совуқ олмайди, – деб қўяди уста Саъдулла.

Йигитлар ғайрат билан машиналарнинг музлаган темир сиртини артадилар.

Даврон ҳаммадан ҳам ғайрат билан ишляпти.

Қиш. Қор.

Ўша шаҳар. Факат энди баҳорга бурканган.

Фарҳод ва Тоҳир бир далабоғда ер ағдараяпти. Даврон дача айвонидаги уста Саъдулла таъмирлаётган чорпояни бир четидан бўяб келяпти.

– Ҳайитда мен Тоҳир билан қишлоққа бориб келаман... – дейди уста Саъдулла. – Фарҳод, Даврон билан иккалаларинг ҳовлини ёлғиз қолдирмассизлар...

– Майли, – дейди Фарҳод.

– Кейин навбат сизларники бўлар, – дейди уста Саъдулла. Усталарнинг ўша манзилгоҳлари.

Фарҳод билан Даврон ўзларича ясаниб-тусаниб олганлар.

Узоқдан азон овози эшитилади.

– Ҳайит, – дейди хуш жилмайиб Фарҳод. Сўнг Давронга қарайди. – Намоз ўқимаймизми?

– Ўқисам бўладими?... – дейди Даврон.

– Гапинг қизик бўлди-ку, – дейди Фарҳод. – Таҳорат ол!

Азон овози одамларга улар унутган аллақандай юксакликлар борлигини ёдига солиб, дунё узра янграяпти. Ҳовли, ҳовлидаги дарахтлар, ҳовлининг деворидан наридаги боғлар, осмон... – бутун борлиқ бир беғубор сомелиқда.

Йигитлар намоз ўқияптилар.

Фарҳод ёкимли овозда қироат қиляпти.

Давроннинг кўзларидан ноҳос ёш оқа бошлайди.

У юзларидан оққан кўз ёшларига парво қилмай, елкалари титраб намоз русумларини бажо қилаяпти.

Фарҳоднинг кироати аллақандай салобатли, дилўртгар кироат билан алмашади. Бу ўша – осмонлардан келиб кўнгил кўзини очадиган, одамга ўзининг кимлигини билдирадиган, рухлардан туманни қувиб, нажот йўли қаердалигини англатадиган садо...

Давроннинг елкалари баттар титрайди.

Ёзнинг бошлари.

Уста Садриддин бошчилигидаги мардикорлар буюм бозорини айланаяптилар. Даврон кўлида олаҳалта. Яхшигина кийиниб олган. Фақат оёғида эски туфли.

Даврон пойафзал дўкончасининг олдида тўхтади.

– Қанча сўм? – деб сўрайди у сотувчидан бир туфлини кўрсатиб.

– Қирк беш минг...

– Кўрсатиб юборинг?..

Даврон туфлини синчиклаб қарагач, уста Саъдуллага уза-тади. Уста Саъдулла ҳам, Фарҳод билан Тохир ҳам туфлини обдон кўздан кечиришади.

– Қиммат, – дейди ниҳоят уста Саъдулла хулосанинг бору йўғини айтиб. – Жуда киммат!..

– Майли... Оламан! – дейди Даврон.

– Олсин! – дейди Тохир. – Фарҳод иккови бир ой эшакдай меҳнат қилди. Меҳнатининг роҳатини кўрсин!..

– Астағфируллоҳ! – дейди Фарҳод. – Астағфирулло!..

– Мана буниси-чи, – дейди Даврон сотувчига.

– Йигирма минг...

У “ўн минг”лик туфлини кийиб кўради. Сўнг эски туфлисини кутига солдириб ўраб олади.

– Бирдан кийиб кетавераман... Қирк беш минглигини ҳам бераверинг!..

– Қўш-қўш қилиб нима қиласан? Шунчалар бойваччамисан? – оғринади уста Саъдулла. – Пулни супуриб олганинг йўқ.

Даврон санаб, пулини тўлайди.

Ипподром. Вилютлардан келадиган “бизнесменлар”нинг Маккаси. Қатор-қатор турфа автобуслар. Биров мол юкляпти. Биров кириб-чиқаяпти...

Уста Саъдулла бошлиқ йигитлар автобусларнинг ёнида турибдилар.

Давроннинг кўзи ёнларидан ўтаётган Бурҳон Салим ва Фариди опага тушади. Бурҳон Салим ҳам уни кўради.

– Ассалому алайкум, Бурҳон ака! – дейди негадир қувониб Даврон.

– О, Чеховнинг мухлиси!.. – дейди Бурҳон Салим. – Салом!..

Фарида опа нарироқда эрини кутиб, тўхтади.

– Қалайсан? Чеховни ўқияпсанми? – дейди ёзувчи.

– Ўқияпман! Жуда кўп ўқияпман!.. – дейди Даврон тобора қувониб. Унинг юзу кўзи қувончдан ял-ял ёнади.

– Шунақа бўлсин! – дейди Бурҳон Салим ҳам қувониб. – Бозорга келдингми?

– Йўқ. Чаганага – уйга кетаяпман.

– Бўлмаса, яхши бор. Келганда бир учраш. Китоблардан гаплашамиз. Хайр...

У Даврон билан қўл бериб хайрлашади.

Бурҳон Салим хотинининг ёнига боради. Бозор тарафга юради.

– Бу бола ким?

– Уйимизга борган мардикор бола эсингдами?

– Бу бола эсимда йўқ.

– Кетказиб юборгансан бечорани...

– Йўқ, у бошқа бола эди. Башарасидан одам кўрқарди. Бу боланинг юзи чарақлаб турибди-ку! Ўзингиз адашяпсиз...

Улар шу тарзда баҳслашган кўйи бозорга кириб кетадилар.

Даврон билан дўстлари мотори юрғизилиб, кетишга шай турган автобус олдида хайрлашиб турибдилар.

– Яхши бор. Қариндошларга салом айт! – дейди уста Саъдулла Давронни бағрига босиб.

– Бизни унутиб юборма, – дейди Тоҳир кучоклашиб.

– Омон бўл, – дейди Фарҳод кўзларига ёш айланиб.

Автобус сигнал чалади. Даврон дўстларига қарай-қарай автобус томонга юради.

- Яхши бор, Самад!..
- Кўришгунча, Самад!
- Самад! Бизни унутма!..

Самад тўхтайди.

- Мен Самад эмасман, – дейди у. – Мен Самад эмасман!..

Автобус яна сигнал чалиб, ўрнидан кўзгала бошлайди.

- Сен кимсан? – дейди Тоҳир.

– Мен – Давронман! Даврон!.. – дейди Даврон. – автобуснинг очик эшиги томон югураркан, бутун вужуди билан кувониб. – Билиб қўйинглар, Давронман!..

У автобуснинг очик эшигидан дўстларига куёшдай яраклаб хайкираяпти:

– Саъдулла ака!.. Фарҳод!.. Тоҳир! Тоҳир!.. Мен – Давронман! Даврон!

Автобус эшигини ёпиб, тезлашади.

Катта йўлдан автобус келаяпти. У Чаганага кираверишдаги қабристон ёнида тўхтайди. Автобусдан Даврон тушади. Қабристон томон юради.

Даврон қабристон оралаб юрибди. Аҳён-аҳён тўхтаб, лавҳаларни ўқиб кўради. У кимнингдир қабрини излаяпти.

Даврон қабристонга кираверишдаги дарахт тагига бориб, уватга ўтиради. Қабрларнинг устидаги ўт-ўланларни тозалаб юрган чол унинг олдига келади.

- Тополмадингми? – деб сўрайди чол.

Даврон “йўк” дегандай бош кимирлатади.

– Майли, – дейди чол, – бир қуръон ўқиб кўяйлик. Барибир савоби тегади.

У қуръон ўқийди. Юзга фотиҳа торгадилар.

Йигит қабристондан чиқиб, жўнайди.

Даврон қишлоғининг тор кўчаларидан келаяпти. Унинг юришида ўлимга ҳам тайёр одамнинг кескинлиги бор.

У болакайлар берган саломларни ҳам эшитмайди.

Даврон Собирларнинг дарвозаси олдига келиб тўхтайди. Бир оз туриб қолади. Сўнг ўзини оловга ташлаётган одамнинг шаҳди билан ичкарига киради.

Супада Собирнинг отаси Абдурахим ака аллақандай қадим китобни ўқиб ўтиради. У дехқонсифат одам. Бурнида

кўзойнак. Абдурахим ака Давронга бир зум лол қараб туради. Сўнг ўрнидан туради. “Кел” деб ишора қилади.

Даврон, дарвоза олдига, кўлидаги халтасини кўяди-да, келиб Абдурахим аканинг қаршисига ўтиради.

Абдурайим ака томоғини бир бош эгиб, кўзларини юмганча, оят ўқишга тушади.

Юзларига фотиҳа тортадилар. Даврон бош кўтаролмай ўтирибди.

– Энди бандачилик, – дейди Абдурахим ака бир маромда, ўзига ўзи гапиргандай, хонтахтадаги нонни синдирар экан. – Шу кўргулик бошимизда бор экан. Холангни ўзи юраги ёмон эди. “Собир ўлди” деб югуриб келишганда, бир “воҳ” деди-да, йиқилди... Парвардигорнинг иши! Ҳамма гап ичишда! Жанжаллашиб юрган болалар эдиларингми? Жондай дўстлар! Хуллас. бир баҳонаю сабаб, Оллоҳ оладиганини олди!..

Даврон ерга кириб кетай деб турибди.

– Мен келдим... – дейди у ниҳоят ютиниб. – Нима қилсаларингиз ҳам майли... Тайёрман.

Абдурахим ака уни эшитмагандай гапида давом этади.

– Сен ҳам ғойиб бўлдинг. Ота-онанг кўп кийналди. Отангни бормаган жойи қолмади. Милисага учраб, бутун мамлакатга суратингни ёпиштириб ташлади...

Шу пайт дарвоза тарақлаб очилади. Бир катта ўрам ўтни орқалаган Собир кириб келади. У устидаги юкни ерга ташлайди. Сўнг устини қоқиб, супа томонга қарайди ва Давронга кўзи тушади. Қабрдан чиқиб келган одамни кўргандай, қотиб қолади.

– Жўражон! – дейди у ниҳоят. – Жўражон!..

Даврон ҳам хангу манг – кўзларига ишонмай турибди.

– Собир... – дейди у пичирлагандай ва ўрнидан кўзғалиб дўсти тарафга юради. У Собирнинг ёнига келиб, бир оз хайратда тикилиб туради.

– Жўражон!.. – дейди Собир бирдан хўнграб йиғлаб. – Қаерларга кетдинг! Кечир!.. Ахмоқлик қилмаганимда, шунча гап бўлмасди!.. Жўражон!..

У Давронни бор кучи билан бағрига босади.

– Онамдан айрилиб қолдик, жўражон!.. Онамни бериб кўйдик.

Даврон ҳам уни бағрига босган овозсиз йиғляпти.

– Сенга... пичок... – дейди у.

– Э, жўра! Учи ковурғамга озгина ботган экан!.. Қонни кўриб йиқилиб тушибман! Дўхтир келмасдан туриб кетдим! Фақат онам!.. Жўражон!..

Уларни бу туришларини Абдурахим аканинг овози бўлади.

– Собир!

Собир йиғидан тўхтаб отасига қарайди.

– Даврон уйларига борсин! Ота-онасига бир дақиқа бир йил бўлиб ўтирибди.

Абдурахим ака кўзига кўзойнагини қўндириб, яна китоб ўқишга тушади.

Даврон кишлоқларининг кўчасидан кетаяпти. Қаршисидан келаётган хорижий машина унинг ёнидан ўтиб кетади-да, му-юлишдаги ҳашамдор ҳовлининг эшиги ёнида тўхтайди.

Даврон машинадагиларни таниганга ўхшаб, ўгирилиб қарайди.

Машинадан Комил Куён тушиб, орка эшикни очади. Орка эшикдан ўзини авайлаб, Дунё тушади. У оғироёк.

Даврон серрайиб турибди.

Дунёнинг кўзи унга тушади. Бир зум тўхтайди. Қарайди. Сўнг бошини эгади-да, билагидан тутган Куён кўмагида ичкарига кириб кетади.

Даврон уйларига етиб келади. Эшик олдида туриб қолади. Бу эшикдан ҳам кириш қийин. У аста ҳовлига мўралайди.

Шаҳар опа ҳовли супураяпти.

Даврон ичкарига бир-икки қадам қўяди.

Шаҳар опа шарпани сезиб, ўгирилиб қарайди. Энди унинг сочлари оқара бошлаган, юзи касал одамнинг юзидай сўлгин...

– Даврон!.. – дейди у бўғилиб. – Давронжоним...

Унинг кўлидан супурги тушади. Боласига термилганича, баргдай титраб-қақшаб, беовоз йиғлашга тушади.

– Давроним!..

Даврон ҳам онасига тикилганча турибди. Лабларини маҳкам тишлаган. Кўзларида ёш айланади.

Тонг.

Даврон кўзини очади. Ётган жойини танимайди. Яна кўзини юмиб очади. Атрофга аланглайди. Атроф ғойиб бўлиб кетмаётганидан қувониб, жилмаяди.

Сақраб туради. Шошиб кийинади. Шаҳардан келтирган халтасини очади. Ундан нарсаларни олади. Эски туфлисини олиб, бир пас тикилиб туради. Яхшилиб артиб, бир бурчакка кўяди. Сўнг қимматбаҳо туфлини олади. Туфлини кўтариб, ташқарига чиқади.

Қадрдон ҳовли.

Онаси Шаҳар опа тандирда нон ёпаяпти. Акаси Ғаффор бостирма тагида – сигирнинг тагини тозалаяпти. Отаси Эштурди ака алмисоқдан қолган “Москвич”нинг капоти тагига энгашган.

– Ака, – дейди Даврон, – сенга туфли олиб келдим. Кийиб кўр-чи.

Шаҳар опа нон узишдан тўхтайди. Эштурди ака копотнинг тагидан бош кўтаради. Ғаффор “қани” дейди-да, бостирманинг тагидан чиқиб келади.

У Давроннинг кўлидан туфлини олиб кийишга тушади. Даврон бостирма тагига ўтади. Акаси деворга тираб қўйган куракни олади-да, тозалашга тушади. У ҳар дам акасига қараб-қараб кўяди. Акаси янги туфлини кийгач, тепсиниб-тепсиниб, синов юриши ўтказаяпти. Онаси нон узишни давом этаяпти. Эштурди ака копотнинг тагига эгилган...


Битди

2007 йил.

III

DRAMATIKA





БАХТ ҚУШИ

(драматик достон)

Қатнашувчилар:

Қодир

Рашид

Хонимгул

Гулистон амма

Суйимкул девона

Бўри баковул

Чўян полвон

Одил мерган

Чори чобағон

Бу воқеанинг олис тоғ қишлоқларидан бирида шу кунларда кечганини муаллиф аниқ билади.

Шундук тоққа туташиб кетган пасту баландликдан иборат ховли. Ховлининг эскирган кўлбола дарвозаси ва бир дарчаси бор. Улар карама-карши тарафда жойлашган. Ховлининг шундук ортида арчазор. Қоядан окиб тушаётган чашма ховлининг бир четини кесиб оқади. Тўрда уй. Айвон. Саҳнанинг ўртасида супа. Унда, бағрини ерга бериб, Рашид ётибди. Унинг бошида Девона ўтирибди. Бир четда унча ишлов берилмаган ёғочлардан ясалган стол, хивичлардан тўкилган жайдари стуллар, тўнкалар... Саҳнанинг тўридаги кафасда каклик. Гулистон амма ичкаридан шолча ва кўрпача кўтариб чиқади.

ГУЛИСТОН. Амманг айлансин, сендан! Аммагинанг айлансин!.. Тур, болам, кўрпача солиб берай! Тур!..

РАШИД. Туролмайман, амма!.. Туролмайман!..

ДЕВОНА (*кулиб*). Туролмай қолди...

ГУЛИСТОН. Нимага туролмайсан? Нималарга туролмайсан?

РАШИД. Ўзимни кўтаролмайман, амма!.. Ўзимни кўтаролмаяпман!

ДЕВОНА. Кўтаради!.. Кўтаради!..

ГУЛИСТОН. Э, одам ҳам ўзини кўтаролмайдими? Тур!

РАШИД. Амма, ёниб кетаяпман! Зах тупроққа бағримни бериб ётмасам, гуриллаб кетаман!..

ГУЛИСТОН. Нималарга ёнар экансан! Сенгинани нима куйдирди? Ота-онангни ёлғиз фарзандгинаси бўлсанг! Кўрар кўзи бўлсанг!..

РАШИД. Ота-онамнинг ёлғиз фарзанди бўлсам ҳам, ёниб кетаяпман, амма!

ДЕВОНА (*йиғлайди*). Мен ёнаяпман! Мен!.. ёнаяпман!..

ГУЛИСТОН. (*Девонага, меҳр билан*). Сен жим тур, Девона!.. Сен жим тур! Бор ана, кафасдаги какликка дон бер, сув бер!

ДЕВОНА (*Рашидни кўрсатиб*). Бу ёнмаяпти... Гулистон, мен ёнаяпман!

ГУЛИСТОН. Қачонгача ёнасан, девона? Ёнишингни бас қил. Бор, какликка қара...

ДЕВОНА (*кўксига уриб*). Ўчмайди, ўчмайди... Ҳеч ўчмайди!.. Гулистон! Гулистон!..

ГУЛИСТОН (*овози титраб*). Нима дейсан, девона? Нима дейсан?

ДЕВОНА. Сенинг ҳам юрагинг ёнаятти! Сенинг ҳам юрагинг... Қоврилиб кетган!

ГУЛИСТОН. Илоё, юраклариям қуриб кетсин! Бор, жоним девона, бор, мени йиғлатишинг шартми?

ДЕВОНА. Йиғлама, Гулистон, йиғлама!.. Кундузи йиғлама, кечалари йиғлаб чиқасан-қу! Мен юрагимга карасам, кундуз куни ҳам йиғлайвераман, йиғлайвераман...

Девона тик турганча, овозсиз, елкалари титраб йиғлай бошлайди.

ГУЛИСТОН (*изиллаб йиғлаб*). Такдирингга ҳам ўт тушин!..

ДЕВОНА (*йиғи аралаш кулишга ҳаракат қилиб*). Гулистон!.. Гулистон!.. Йиғлама! Йиғласанг, кўз ёш окизиб кетади!.. Кўз ёшдан эҳтиёт бўл!..

ГУЛИСТОН (*қўлидагиларни ташлаб, девонанинг ёшларини артади*). Мени қон қилма, омон бўлгур!.. Бор, каклигинг очнаҳор қолгандир! Ё йиғлайверайми?

Девона шошиб, “йўқ” дегандай бошларини сарак-сарак қилади-да, бориб какликка дон бера бошлайди.

РАШИД. Амма! Шу эси пастни уйдан хайдаб юборинг!

ГУЛИСТОН. Бу ишга аралашма! Отангнинг уйига бориб хўжайинчилик қил! Бу эси паст ҳаммангдан ақлли...

РАШИД. Э жинниям ақлли бўладими?! (*Қизишганча, беихтиёр туриб ўтиради*).

ГУЛИСТОН. Сендай соғдан кўра ақлли бўлади.

РАШИД. Доим девонанинг тарафини оласиз!..

ГУЛИСТОН. Худо урганни бандаси урмайди!.. Унинг кўнглини оғритма!..

РАШИД. Ўзини қаранг!.. У ёнаётган эмишу мен ёнмаётган эмишман!

ГУЛИСТОН. Ёнмаётгандирсан-да!..

РАШИД. Нимага ёнмас эканман! Нимага ёнмас эканман! Сизлардан кам жойим борми? (*Ўзини яна татпа ташлайди*).

Ўзимни кўтаролмай қолдим!.. Ёниб кетаяпман!.. Амма, бир чорасини қилинг! Ҳозир куйиб кул бўламан! Вой!..

ГУЛИСТОН (*шошиб қолиб, нима қиларини билмай, ҳовлини гир айланиб югура бошлайди*). Рашиджон! Амманг айлансин! Шошма, болам! Ёнмай тур!..

РАШИД. Ўзимдан ихтиёрим кетган, амма!.. Ёнаяпман!.. Воҳ, аъзойи баданимга ўт тушди! Ҳозир гулхан бўлиб кетаман! Тутуним тоғлардан ошиб, дунёни босиб кетади!

ГУЛИСТОН. Рашиджон! Ёнма!.. Ҳозир!.. Тутунларингдан айланай, ҳозир!.. Дунёни босмай турсин... Ҳозир!..

Гулистон ҳаддан зиёда шошган – ҳовликиб кўлига тушган нарсани кўтарганча тўрт тарафга югуради. Охир кўлига пакир тушгач, югуриб бориб сув олади-да, Рашиднинг устидан куймоқчи бўлиб жўнайди.

Амманг айлансин!.. Ҳозир!.. Бир пасда ўчиради!.. Бу тоғларнинг сувидай оловни ўчирадиган сув йўк! Ҳаммани музлатиб ташлайди!..

РАШИД (*ўрнидан тура қочиб*). Амма! Амма!.. Нима қилаяпсиз! Одамни шалоббо қилиб юборасиз-ку!.. Ўлганнинг устига тепган қилиб... Амма!.. Шамоллаб қоламан!..

ГУЛИСТОН (*Рашидни таъқиб қиларкан*). Ҳоврингни босади!.. Амманг айлансин!.. Нимага қочасан?! Бу тоғлар ёндирадиям, ўчирадиям...

ДЕВОНА. Ёндиради!.. Ёндиради!.. Ўчиролмайди!.. Ўчиролмайди. (*Кўксига мушлаб*.) Ёнаяпти... Ёнаяпти!..

Гулистон бирдан шаштидан тушиб, Девонага караганча, тўхтаб қолади. Пакирни ерга кўяди.

ГУЛИСТОН (*кўлини кўксига кўйиб – юрагининг ҳароратини сезгандай*). Ёнаяпти... Ёнаяпти...

РАШИД. Ёнаётган бўлса, аввал ўзингизни ўчиринг! Ана, девонангизни ўчиринг!..

ГУЛИСТОН (*мунгайиб*). Нимамизни ўчираман? Бизнинг ёнишни энди тўхтатиб бўлмайди. Биз ўлганда ўчамиз, болам!.. Биз адо бўлганмиз...

ДЕВОНА (*йиғи енгаётган овозда*). Гулистон! Гулистон!.. Биз адо бўлдик! Биз адо бўлдик!..

РАШИД. Мен ҳам адо бўлаяпман!

ГУЛИСТОН. Ўчирай десам, додлаяпсан-ку!.. *(Пақирни яна қўлига оларкан.)* Кел, бошингдан қуяй!.. Ҳоврингни босади.

РАШИД *(қочишига чоғланиб)*. Амма!.. Амма!.. Пақирни жойига қўйинг!.. Жойига қўйинг! Аввал бир суриштиринг, кейин пақирга ёпишасиз!

ГУЛИСТОН. Ёнганни давоси сув-да! *(Рашидга сув сочмоқчи бўлиб, шиддат билан юради.)*

РАШИД *(қочиб)*. Амма! Амма!... Биласиз, ўпкам бола-лигимда шамоллаган!.. Бир гап бўлса, ўзингиздан кўринг!.. Дўхтирлар яна шамолласанг, ўласан, деган! Жиянингиздан айрилиб қоласиз!..

Гулистон амма Рашидни ҳовлининг бир бурчагига ўраб келади. Иложсиз қолган Рашид жон-жаҳди билан бақиради.

Амма!..

Гулистон амма тўхтаб қолади.

Суриштиринг, ахир! Кейин сувга бостирасизми, бошимга тош ёғдирасизми, ўзингиз биласиз!

ГУЛИСТОН *(хавотир олиб)*. Нимани суриштирай?

РАШИД. Дарров пақир кўтариб югурмасдан, бу Рашид деган кесак жияним нимага ёнаяпти, деб бундай ўйлаб кўрмайсизми?

ГУЛИСТОН *(хавотири кучайиб)*. Нимага ёнаяпсан?

РАШИД *(энсаси қотиб)*. Шуям сўраш бўлдимми? Бундай бир *(қўлининг ҳаракати билан қандай суриштириши кераклигини кўрсатаркан)* дилдан... ҳасратлашибми-ей?

ГУЛИСТОН *(чўчиб тушиб)*. Ҳасратлашиб?... *(Ўзини ўйглаб оларкан.)* Аммагинанг айлансин сенгинадан!.. Сенда ҳасрат нима қилади!

РАШИД. Воҳ, амма!.. Нега менда ҳасрат бўлмаслиги керак экан? Нима, мен одам эмасми?

ГУЛИСТОН. Ҳасратни ҳавас қилма... Ҳасратсиз ҳам бир кунинг ўтади...

РАШИД. Ўтмай қолди, амма! Ҳасрат, мана, *(бўззига қўлини қўйиб)* бу еримда турибди. Ёниб кетаяпман, деяпман-ку!..

ГУЛИСТОН. Аммагинанг айлансин, бу ёнишингнинг даво-
си борми ўзи?

РАШИД. Бор! Бор!.. Шунни суриштиринг деяпман-да!

ГУЛИСТОН. Э, давосини билсанг, айтгин кўйгин-да, одам-
ни диккинафас қилмай!

РАШИД. Амма, бирдан айтиб бўлмайди.

ГУЛИСТОН. Бирдан айтиб бўлмайдиган нарсадан худо ас-
расин! Кел, бирдан айтиб кўя кол!..

РАШИД. Аммажон! Амма!... Ҳасратлашайлик!..

ГУЛИСТОН (*гайрат билан*). Майли!.. Бўпти!.. (*Бирдан бўшашиб, овозлари титраб ҳасратлашишига тушади*). Ҳа, ҳасратлариям қурисин! Сенгаям етдими, болам, сенгаям етди-
ми?

РАШИД (*аммасининг оҳангида*). Етти, амма, етди!..

ГУЛИСТОН. Бу ер ютгур ҳасрат сенгинага қандайлар
килиб етди?

РАШИД. Билмай қолдим!.. Шундай... Бир зумда... Бир вақт
бундай қарасам, ёниб турибман-да!..

ГУЛИСТОН. Рашиджон, ҳасратлашаман дейсану ҳасратла-
шишни билмайсан!.. Шу ҳам ҳасратлашиш бўлдимми? Ҳас-
ратни “поқ” эткизмасдан, бундай майдалаб гапиради-да!..
Ҳали ёшсан, ҳасратлашишни хадисини олмагансан!.. Ҳозир
бир ҳасратлашамиз, бир ҳасратлашамиз! (*Гулистон амма ях-
шилаб кўрпача солади. Ёстиқларни олиб келиб қўяди.*) Ўтир.
(*Рашид ўтиради.*) Бошла!..

РАШИД. Нимани бошлай?

ГУЛИСТОН. Ҳасратни-да!

РАШИД. Амма! Қандай қилиб дабдурустдан бошлайман!
Ахир, ўзингиз айтдингиз-ку, бу ҳасрат, амма, ҳасрат!..

ГУЛИСТОН. Жудаям бир инжиқ бола бўпсан-да!.. Ота-
онанг эркалатиб юборган сени!.. Ҳа, майли... (*Овозини
ҳасратли оҳангга кўчириб.*) Рашиджон! Болам! Сенгинага
нима бўлди?

РАШИД (*аммасининг оҳангига тақлид қилиб*). Аммажон,
милтикгинамни кўтариб, омадимни берса, бирор нарсагина
отарман, деб хўв, анову тоққинага чикдим... Кейин пастга —

дарагинага тушиб, сойгинадан бораётган эдим, бир арнагинадан бир кушгина ялтиллаб кўтарилди! Аммажон, оғизгинам очилди, колди! Қарасам, бошгинамда чарх уриб турибди! Патгиналари ранг-баранг – ялтир-юлтир қилади! Милтиқгинани кўтардим-да...

ГУЛИСТОН. Вой, милтиқгинани нимага кўтарасан?..

РАШИД (*ҳасрат оҳангидан чиқиб*). Амма! Овчи ўлжа кўрса, милтиқни кўтармай, оёғини кўтарадими?

ГУЛИСТОН. Э, сен ҳам овчи бўлдингми? Милтиқ отишни кеча ўргандингу!.. Хўш, милтиқни кўтариб нима қилдинг?..

РАШИД. Амма, милтиқни кўтариб нима қилади?! Отадида!

ГУЛИСТОН. Отдингми?

РАШИД. Отдим! Гумбурлатиб отдим!

ГУЛИСТОН. Вой, эси паст!

РАШИД. Амма! Сизга нима бўлган ўзи?! Милтиқ отганинг ҳам эси паст бўладими? Ундай бўлса, бу тоғда битта ҳам эси бутун одамни тополмайсиз!

ГУЛИСТОН. У кушнинг бўйни узун эдими?

РАШИД. Ҳа, ғозникадай?

ГУЛИСТОН. Ҳар қаноти бир қулочми?

РАШИД. Бир қулоч келар-ов...

ГУЛИСТОН. Патларидан нур тўкилиб турган эдими?

РАШИД. Турган эди.

ГУЛИСТОН. Шу кушни отдингми?

РАШИД. Отдим!

ГУЛИСТОН. Қани шу куш?

РАШИД. Мен нима биламан!

ГУЛИСТОН. Отган бўлсанг, билмайсанми?

РАШИД. Амма! Ўқ теккани йўк! Учди-кетди!

ГУЛИСТОН. Вой, нодон болам! Вой, нодон болам!..

РАШИД. Нимага бирдан “нодон” бўлиб қолдим?

ДЕВОНА. Нодон! Нодон!..

ГУЛИСТОН. Бошингга бахт куши қўнмоқчи бўлган экану сен нодон ўқ отиб, учириб юборибсан-да!

ДЕВОНА. Нодон! Нодон!..

РАШИД. Девона тугул пошшо бўлсанг ҳам жим тур!..
Амма, нима учиб кетди?

ГУЛИСТОН. Бахт куши! Бахт! Бахт!...

ДЕВОНА. Бахт куши! Менинг бошимдан ҳам бахт куши
учиб кетди, учиб кетди!.. Гулистон!.. Гулистон!.. Сенинг бо-
шингдан ҳам учиб кетди! Кетди! Энди бахтимиз йўқ... Гули-
стон, йиғлагим келаяпти!

ГУЛИСТОН. Жоним девона, йиғлама! Кўй!..

ДЕВОНА (*Рашидни кўрсатиб*). Бу йиғламаяпти, мен
йиғлайман!..

РАШИД. Э йиғлайвермайсанми?.. Амма! Мен ёнаяпман де-
сам, сиз бахт куши дейсиз!..

ГУЛИСТОН (*эсига тушиб*). Вой, ҳозир ҳам ёнаяпсанми?

РАШИД. Ёнаяпман! Ҳасратлашишни давом эттирайлик,
амма! Кейин нима бўлди денг! Сўранг!

ДЕВОНА (*йиғламосираб*). Бахт куши учиб кетди!.. Бахт
куши учиб кетди! Гулистон, Гулистон! Бизга бахт қолмади!
Бахтимиз йўқ! Бебахтмиз!..

РАШИД. Амма! Шу жиннингиз бир оз аралашмай турсин!

ГУЛИСТОН. Девона! Жон Девона! Айланай Девона!
Йиғлама!

ДЕВОНА. Бахтимиз йўқ... Бахтимиз йўқ... (*Девона ўқсиб
йиғлаганча, нари кетади.*)

РАШИД. Амма! Кейин нима бўлди денг, кейин нима бўлди
денг!

ГУЛИСТОН (*хавотирда, жиддий*). Бахт куши учиб кетган-
дан кейин, ҳеч нарса бўлмагани маъқул эди, болам!..

РАШИД. Амма!..

ГУЛИСТОН (*жержиброқ*). Хўш, кейин нима бўлди?

РАШИД. Кейин қуш учиб кетган томонга қараб юрдим,
қарасам, Тошқишлоқнинг устидан чиқиб қолибман...

ГУЛИСТОН. Дарҳол орқага қайтдингми?

РАШИД. Қайтмоқчи бўлдиму...

ГУЛИСТОН. Вой, эси йўқ! Вой, эси йўқ!.. Сенга берган
шунча насихатим ҳавога учиб кетган экан-да! Ёшлиқларинг-
дан буён нима деб уқтираман! Тошқишлоққа кирманглар, деб
неча марта тайинлаганман?

РАШИД (*гижиниб*). Амма, кайтмоқчи бўлдим у юрагим кўймади! Ўша ёққа қараб тортаверди!

ГУЛИСТОН. Воҳ! Айниқса, юраккинангнинг ортидан Тошқишлоққа борма, деб айтганман-ку!..

РАШИД (*кўкрагига уриб*). Кўймади-да!.. Қишлоқнинг ёнидан оқадиган сойнинг қирғоғига тушиб, нариги бетига қарадим, бирдан... ёниб кетдим!

ГУЛИСТОН. Хайрият! Хайрият!.. Одамни кўрқитиб юбординг-а. Нариги қирғокни кўриб, ёниб кетган бўлсанг, ўчади. Ўчади. Хайрият...

РАШИД. Амма!.. Мениям девона деб ўйлайсизми? Мен жинниманми? Соининг нариги бетига қараб, ўз-ўзидан ёниб кетавераманми!..

ГУЛИСТОН. Ўзгинанг айтдинг-ку, ўзгинанг!

РАШИД. Амма! Соининг у бетиди!... (*Ўқовридан тушиб*.) Соининг у бетиди, аммажон... У бетиди...

ГУЛИСТОН (*тоқатлари тоқ бўлиб*). У бетгинасида нима? Нима?!

РАШИД. Амма! Соининг у бетиди бир кизми, парими турган экан!..

ГУЛИСТОН. Воҳ!..

Гулистон кўксини ушлаб йиқилиб тушади. Рашид саросимада. Девона бир хатлаб, Гулистоннинг бошига етиб келади.

Бошининг тагига ёстик кўяди. Юзига сув сепади.

РАШИД. Амма! Амма!..

ДЕВОНА. Ўлма, Гулистон!.. Бахт келади! Ишон, бахт келади! Мана, мени айтди дейсан, келади!.. Ўлма тур, Гулистон!..

РАШИД. Амма!..

ГУЛИСТОН (*ўзига келиб*). Амманг ўлиб, аммасиз қол!

РАШИД (*йиғламсираб*). Амма, ундай деманг!

ДЕВОНА. Гулистон!.. Гулистон!.. Ўлма!.. Ўлма!..

ГУЛИСТОН (*зорланиб*). Тошқишлоққа борманглар деб айтганман! Айниқса, юраккиналарингга эргашиб борманглар деб тайинлаганман!.. У қишлоққинанинг номгинасини тош деб кўйибди! Тош! У қишлоқда юрак йўқ! Кўнгил йўқ! Раҳм-шафқат йўқ!.. Тош бўлиб қолишган!..

РАШИД. Амма, бизнинг қишлоғимизнинг номиям Метинкишлок! Уларникидан яхши эмас!

ДЕВОНА. Тошкишлок – тош, кўзимда ёш... Гулистон! Гулистон! Кўзимда ёш! Қара, икки кўзимда икки томчи ёш! Биттаси метин, биттаси тош!

ГУЛИСТОН. Бу метинлар, бу тошлар!.. (*Рашидга.*) Хўш, сойнинг у бетигаги қиз билан ораларингда нима бўлди?

РАШИД. Қарасам, Шерон Стоуннинг ўзи экан! Бирдан ёниб кетдим, амма! Соининг нариги бетига қандай ўтганимни билмай колдим! Унга нималар дедим, нималар қўйдим – билмайман. Аммо хаммасини айтдим – дунёдаги бирор гап колмади.

ГУЛИСТОН. У тошкишлоклик тошгина нима деди?

РАШИД. Амма! У тош эмас, у... у... у... яхши, амма!

ГУЛИСТОН. Сен нима дединг? Ҳеч бўлмаса, айтган гапининг биттасини эслайсанми?

РАШИД. Эслайман!.. Мен унга... Амма, мен унга...

ГУЛИСТОН. Нима дединг?! Нималар дединг?!

РАШИД. Унга, амма... “Сенга уйланаман” дедим!

ГУЛИСТОН. У харсангтошликларнинг қизи нима деди?

РАШИД. Амма, у айтди... У айтдики... “Кучинг етса, уйлан” деди!

ГУЛИСТОН. Нимага уйланмай қайтиб келдинг? Кучинг етмадимми?

РАШИД. Амма! Гапингизни қаранг! Оловим етти қават осмондан баланд бўлиб турганда, гапирган гапингизни қаранг!... Совчи юбормокчи бўлиб қайтиб келдим, амма! (*Бирдан ҳовлиқиб.*) Амма, жон амма, тезроқ бўлинг! Тезроқ!..

ГУЛИСТОН. Нимани бўламан? Нимани бўламан?

РАШИД. Амма, тезроқ кийининг-да, совчиликка боринг!..

ГУЛИСТОН. Қаерга борай?

РАШИД. Совчиликка, амма, совчиликка!.. Қаранг, ёниб кетаяпман! (*Ўзини ерга таппа ташлаб.*) Воҳ, ўзимни кўтаролмай колдим! Воҳ...

ГУЛИСТОН. Э тур-э!.. Уйланаман деган йигитнинг ётишим шу? Тур!..

РАШИД (*туриб ўтираркан*). Тезроқ совчиликка боринг-да, бўлмаса!..

ГУЛИСТОН. Кўп инжиклик қилма, дунёбехабар! Сен Метинқишлоқдан Тошқишлоққа келин тушганини кўрган-мисан? Эшитганмисан?

РАШИД (*ўйланиб*). Йўқ.

ГУЛИСТОН. Тошқишлоқдан Метинқишлоққа-чи?

РАШИД (*бўйишиб*). Йўқ...

ГУЛИСТОН. Ана!.. Мен тугул, Метиннинг худоси ҳам Тошқишлоққа совчиликка боролмайди.

РАШИД. Нимага боролмайди, нимага?

ГУЛИСТОН. Чунки ота-боболаримизнинг ота-боболарининг ота-боболарининг ота-боболари... ким билсин қайси бо-бокалон метинлик тошқишлоқликлар билан уришиб қолган. Икки қишлоқ кирту қиён бўлган. Ўртада кон тўкилган... Ҳозир уруш нимадан чикканини ҳеч ким билмайди. Аммо қиз бериб, қиз олиш шу кунгача йўқ... Энди нима учун совчиликка бор-маслигимни билдингми?

РАШИД. Амма! Ота-боболар билан қанча ишим бор! Мен яхши кўриб қолдим деяпман!

ГУЛИСТОН. Рашид! Ота-боболарнинг яхшилигиyam бизнинг бўйнимизда, ёмонлигиyam!..

РАШИД. Ота-бобоман деб бир-бирлари билан уришавера-димми?

ГУЛИСТОН. Нодон! Ота-бобога тош отма! (*Фурур билан.*) Метинликман десанг, америкаликлар ҳам кўлини кўксига кўйиб салом беради. Қанча полвон, қанча шакаман мерганлар шу қишлоқда туғилган! Ҳозир ҳам кам эмасмиз! Академик Шомуродов ҳам, рассом Қиёмов ҳам, артист Жонқозиев ҳам шу қишлоқдан чикқан. Ўзимизнинг тумандаги маданият уйининг директор ўринбосари Асқаров ҳам метинлик!.. (*Паст тушиб.*) Аммо уларнинг биттаси ҳам тошқишлоқлик қизларга ўйланишгани йўқ. (*Ногоҳ гурур билан.*) Лекин бизнинг ҳам бир-орта кизимиз тошқишлоқликка тегмаган... (*Ўйланиб, овозлари титраб.*) Нимасини айтасан, болам!..

ДЕВОНА. Гулистон!.. Гулистон! Йиғлама! Йиғлама!

ГУЛИСТОН. Ҳозир йиғлайман, девона, йиғлайман! Изиллаб йиғлайман! Осмонлар қулаб тушгунча, тоғлар сув бўлиб оққунча йиғлайман!

ДЕВОНА. Осмон кулаб тушмайди, биз кулаб тушамиз, Гулистон! Тоғлар сув бўлиб окмайди, биз оқиб кетамиз, Гулистон! Бахт йўқ, Гулистон! Бахт йўқ!..

ГУЛИСТОН. Бахт йўқ, девона! Бахт йўқ! Бу тоғларнинг орасида бахт дегани тошга айланган! Бахт кўкармайди бу ерларда! Воҳ, шўр пешонам! Воҳ, хазон бўлган Гулистон!

ДЕВОНА. Илтимос, кўкар, Гулистон! Илтимос... Сенинг ўрнингга мен йиғлаб тураман! Илтимос, кўкар!..

РАШИД. Амма, бу девона билан икковларинг одамни қон қилиб юбордиларинг! Нимага йиғлайсизлар! Амма... Йиғламанг!

ГУЛИСТОН. Сен нимага йиғлашимизни билмай қўя қол! Бу ерда меҳмонсан. Шаҳарда яшайсан, бизларнинг ғамларга аралашма!.. Тошқишлоқлик қизни эса ёдингдан чиқар!

РАШИД. Амма, ёниб ўлиб кетаман-ку!

ГУЛИСТОН. Бир умр ёниб юрмаслик учун лаш-лушингни йиғиштир-да, ота-онангнинг бағрига – шаҳарга жўна! Дам олганинг етади! Отанг тоққа “уйлан” деб юборгани йўқ, шаҳарда димикқан бошгинасини шамоллатсин, деб юборган!

РАШИД. Амма! Бу тоғингиздан факат уйланиб кетаман!

ГУЛИСТОН. Тошқишлоқликлар қизини бериб бўпти! Айтгандай, яхши кўрган қизларининг исмгинаси нима эди? Ҳеч бўлмаса, исмгинасини билдингизми?

РАШИД. Амма... Оти сал эсқичарок... ғалати...

ГУЛИСТОН. Одамнинг оти ҳам ғалати бўладими? Чайналма!

РАШИД. Хонимгул...

ГУЛИСТОН. Исми ғалати эмас, чиройли экан!..

РАШИД. Амма, энди совчиликка қачон борасиз?

ГУЛИСТОН. Тошқишлоқнинг қанча тоши менинг бошимга синганини бир худонинг ўзи билади! Мен уларнинг кишлоғига бормайман!

РАШИД. Сиз бормасангиз, ўзим бораман!

ГУЛИСТОН. У тошлар ҳеч нарсадан қайтмади.

РАШИД. Ўлдирмас...

ГУЛИСТОН. Ўлдирадиям...

РАШИД. Отадимми?

ГУЛИСТОН. Отадиям.

РАШИД. Сўядиямми?

ГУЛИСТОН. Сўядиям.

РАШИД. Яна нима қилади?..

ГУЛИСТОН. Бунча эзиласан! Бунчалар эзиласан! Боргинанг келса, бор!.. Аммо тирик қайтмайсан!

РАШИД. Амма, энди нима қиламан?

ГУЛИСТОН. Бемалол ўйнаб дамингни ол. Шаҳарга қайтсанг, бетини бўёққа ботирган қизлар икки кунда ўша Хонимгулингни эсингдан чиқариб кўяди.

РАШИД. Амма!.. Ёнаяпман!..

ДЕВОНА. Ёнмаяпти! Ёнмаяпти!

ҚОДИР (*ташқиридан*). Ким ёнмаяпти? Ким ёнмаяпти?

Саҳнага ўқтам бир юришда Қ о д и р кириб келади.

ҚОДИР. Суйимқул ака, ким ёнмаяпти?

ДЕВОНА (*Рашидни кўрсатиб*). Мана бу ёнмаяпти!

ҚОДИР. Рашид, нимага ёнмаяпсан?

РАШИД. Булар менинг ёнганимга ишонишмаяпти!

ҚОДИР. Ишонишмасе, ишонишмасин! Ёнавер-да!

ГУЛИСТОН. Қодиржон, қўй, ёнмасин! Бу тоғларда ўзимизнинг ёнганимиз ҳам бўлади!

РАШИД. Ана! Ана! Буларнинг ўзи ёнса, бўлди! Бошқа билан иши йўқ!

ҚОДИР. Рашид, сен буларга кўп ҳам қулоқ солма! Бор, бир четга чиқиб ёниб туравер!

Қ о д и р Р а ш и д нинг елкасига уриб, қайси четда “ёниб туриши” кераклигини кўрсатади. Р а ш и д ҳам беихтиёр ўша томонга юради.

ГУЛИСТОН. Қодиржон, уч кундан буён қаёқда юрибсан?

ҚОДИР. Айланмаган жойим қолмади, амма. Бу нашачилар яна иш бошламадими деб, тоғдаги ҳамма пасткам жойни айланиб чиқдим.

ГУЛИСТОН. Аммагинанг айлансин! Сен ўрмончи бўлсанг! Дарахтлару, ўту алафларингга қараб юравермайсанми? Нима қиласан шу касофатларнинг ишига аралашиб! Бирови бир шикаст бериб қўймасин! Ҳамманинг ўз иши бор – ўзгинангни ишингни қил!

ҚОДИР. Амма, бу дунёни ишига аралашиб юриш керак-да! Энди келиб-келиб шу ҳаромлардан кўрқаманми?

ГУЛИСТОН. Нашафурушлар билан кураш, деб сенгинага биров буюрмаган бўлса...

ҚОДИР. Индамасам, бутун дунёни нашаванд қилиб ташлайди булар! Хуллас, амма, яхши ишлар қилиб юраман-да!..

ГУЛИСТОН. Ўзгинангга ташвиш орттириб...

ҚОДИР. Амма, тирик одам ташвишнинг ичида бўлсин-да!..
(Рашидга қараб) Ёнаяпсанми?

РАШИД. Ёнаяпман! Амма, бўлинг!..

ГУЛИСТОН. Рашиджон, аммагинанг айлансин! Энди бу гапларни эсдан чиқар-да, яхшиси, уйгинангга жўна! Шаҳарга бориб, отангга пулгинасини кўтариб юришга ёрдам бериб юравер!

РАШИД. Амма, бориб дадамга айтсам...

ГУЛИСТОН (энсаси қотиб). Нимани айтасан? Нима деб айтасан?

РАШИД. Мана, шу гапларнинг ҳаммасини айтаман! “Ўйлантириб кўйинг” дейман... Дадам бир пасда Тошқишлокни мошқишлоқ қилиб ташлайди!

ГУЛИСТОН. Айтмоқчи эмас эдим, майли, айтай: дадагинанг ҳам “Воҳ, Тошқишлоқ!..” деганча, пешонасига уриб-уриб, шаҳарга кетиб қолган.

РАШИД. Менинг дадам-а?!

ГУЛИСТОН. Ҳа, сенинг даданг! Сенинг дадагинанг!

РАШИД. Менинг дадам Тошқишлокни Метинқишлоққа кўшиб, бир кунда сотиб олади! Кимсан, Тошқувватбой деган номлари бор! Дадамдан хатто... (у ёқ-бу ёққа қараб) Қулоғингизни беринг!.. (Гулистон амманинг қулоғига шивирлайди)... ҳам кўрқади!.. Ҳа, ўша одам ҳам кўрқади! Энди дадамнинг кимлигини тушундингизми? Бу тоғларда юравериб, дунёдан беҳабар қолгансизлар! Менинг дадамни кимлигини бутун жаҳон билади. Хатто Буш ҳам “фалонча Америкага келмасин” деган!..

ГУЛИСТОН. Мактанма!.. Американи даданг нима килолади?!

РАШИД. Ҳеч нарса қилмайди! Лекин президенти бўлиши мумкин.

ГУЛИСТОН. Вой!.. Хўв, бола!.. Ўтакамни ёрма! Ўзи сенгининг даданг ким!? Шу менинг укам Тошқувватми?

РАШИД. Сизга ука, бошқага...

ГУЛИСТОН. Вой, Американгни худо кўтарсин!.. Шу Тошқувватгинадан кўрқадими? Кўркса, менинг олдimgа олиб келсин. Ирғайдан калтак ясаб, мана бу тоғнинг бетгинасига қараб бир қувай, бир пасда тилгинаси осилиб, “опажон”лаб қолсин!

РАШИД. Амма!.. Дадамнинг пули кўп!

ГУЛИСТОН. Даданг бу дунёни пулзор қилиб юборган бўлса ҳам, тошликлар билан метинликларнинг орасига туша олмайди! Бу тоғларнинг ор-номусига пулгинанинг тишгинаси ўтмайди, амманг айлангур!

РАШИД. Э амма! Замондан минг йил орқада қолгансиз! Форда яшаётган одамдай гапирасиз! Ўша Хонимгулга битта кўкини кўрсатсам, пир этиб учиб келганини билмай қолади!

ГУЛИСТОН (*бу гандан сесканиб*). Нима дединг! Одам ҳам яхши кўргани ҳақида шундай дейдими?! Айтиб кўяй, энди у тошқишлоқлик кизни тушингда ҳам кўрмайсан!

РАШИД. Амма! Ҳамма тушунган нарсани, сиз тушунмаяпсиз! Бориб, ўша Хонимгулнинг ота-онасига дадамнинг кимлигини тушунтиринг! Ҳамма иш, бир фаслда битади.

ГУЛИСТОН. Сен одамга, одамгинага харидор бўлиб турибсан, молгинага эмас!

РАШИД. Амма!..

ҚОДИР. Рашид, бу ёққа қара! Ҳақиқатан ҳам... Ўзингни тут! Нима қиласан дадангни бойлигини ўртага қўшиб! Бу тоғларда молу дунё бир тийин!

РАШИД. Аксулглобалчи экансизлар!

ГУЛИСТОН. Ким у? Ваҳхобийми?

РАШИД. (*Энсаси қотиб*) Э!.. (*Паузадан сўнг.*) Амма, энди нима қиламан!?

ҚОДИР. Рашид! “Нима қиламан” деб ўтирасанми? Шартта бор-да, Хонимгулингни гапингга кўндир!

РАШИД. Кейин?..

ҚОДИР. Олиб қоч!

РАШИД. Қандай қилиб олиб қочаман?

ҚОДИР. Рашид, кизик одам экансан! Мен қайдан биламан? Ёниб ўлмасдан бурун, тирик қолиш учун нимадир қилишинг керак-да! Шу ховлида тириклай ёниб кетаверасанми?

РАШИД (*бақуриб*). Қаерда ёнай, бўлмаса?! Қаерда ёнай?!

ГУЛИСТОН. Шуниям билмайди!

ҚОДИР. Ўша кизнинг ёнида ён! Бор! Каллаварам!..

РАШИД. Аммам айтдики, тошқишлокликларнинг феъли ёмон эмиш! Қизларининг олдида бизнинг қишлоқдан бирорта йигит айланса (*қўли билан кўрсатиб*), сўйиб ташлашар эмиш!..

ҚОДИР. Сўйилишдан кўрқасанми?

РАШИД. Энди... Жоним мингта эмас, Қодир! Битта! Битта!..

ҚОДИР. Ундай бўлса, ёниб кетавер!

ДЕВОНА. Менинг жоним мингта... Бир жоним ўлса, битта-си тирик! Гулистон, қачон ўламан мен? Жонимни битта қилиб бер! Ўлай-да, йўқ бўлай! Бир заррам ҳам қолмасин! Бир заррам қолса, барибир қийналавераман!..

ГУЛИСТОН. Сенга яна нима бўлди?

ДЕВОНА. Қийналиб кетаяпман!

ҚОДИР. Қийналманг, Суйимкул ака! Қийналманг! Эртага сизни Кўкламдарага олиб кетаман! Каптарларнинг уясини томоша қиласиз!

ДЕВОНА. Қийналиб кетаяпман!

ГУЛИСТОН. Нима қилай? Нималар қилай?!

ДЕВОНА. Қийналиб кетаяпман!.. Қодир, каптарлар менга қанот берсин!

ҚОДИР. Нима қиласиз?

ДЕВОНА. Осмонга учиб чиқаман-да, ўзимни ерга ташлайман! Чилпарчин бўламан! Бир заррам ҳам қолмайди!

РАШИД (*ўзича пўнгиллаб*). Булар каптарнинг қанотини берармиш-а! Мени ёндириб, бемалол томоша қилиб ўтиришибди-ку!

ГУЛИСТОН (*ёш тўлган кўзларини артиб, Рашидга*). Сен бу билан тенг бўлма! Бу девона қуйиб, адо бўлган одам!

РАШИД. Мен-чи? Мен қуймаяпманми?

ДЕВОНА. Қуймаяпти!.. Қуймаяпти!..

РАШИД. Девона... Жон Девона, сен аралашма!

ҚОДИР. Рашид, менга қара! Ростдан ҳам, бу ишга ҳаммани аралаштирма! Ўзинг бор! Аммамни ўша тошқишлоқликларга талатиб қўймайлик. Мени гапимга кир. Бориб, қиз билан гапни бир жойга қўй-да, олиб қоч!

ГУЛИСТОН. Қоч! Қоч! Бу тоғлардан қочиб қутулмасанг, қутулмайсан!

РАШИД. Қандай бораман! Аммамнинг айтишича, улар апачилардан ҳам ваҳший экан-ку!

ҚОДИР. Яхши кўрсанг, борасан-да! Яхши кўрасанми?

РАШИД. Ҳа.

ҚОДИР. Бўлмаса, жўна! Омадингни берсин! Амма, бир дуо беринг!

ГУЛИСТОН. Дуони кўтаролармикан бу Рашидинг!

ҚОДИР. Кўтаради! Кўтаради!.. Ёниб турган бўлса, кўтаради! Рашид, ёнаяпсанми?

РАШИД. Ёнаяпман...

ДЕВОНА. Ёнмаяпти.

РАШИД. Қодир, сен айт, аммам эркалатиб юборган бу... соғ бир пас жим турсин!

ҚОДИР. Эътибор берма. Амма, дуо беринг!

ГУЛИСТОН. Ўзи... *(Рашидни кўрсатиб)* бугинанг ёнаяптими?

РАШИД. Қанча ёнай! Қанча ёнай!..

ҚОДИР. Ёнаяпти. Ўзи гувоҳлик берди. *(Қўлини дуога очиб)* Қани, амма!..

ГУЛИСТОН *(Рашидга синчковлик билан қараб, хоҳламайгина қўл кўтаради)*. Майли *(Қодирга)*, сенинг сазагинанг ергинада қолмасин!.. Омин, Тошқишлоқнинг тошларига сурунмайгина, орзу-аъмолинг йўлида уринмайгина, тошларни сувдай кесиб, душманларингни бағрини эзиб, тошбағир тошларда ўсган ул гулгинани узиб, ишқу муҳаббат рўзгорини тузиб, ёмонларнинг кирдикорини бузиб келгайсан! Оллоҳу акбар!

ҚОДИР. Оллоҳу акбар!

Ҳамма юзига ихлос билан фотиҳа тортади.

ГУЛИСТОН. Энди имилламай жўна!

РАШИД. Амма!

ГУЛИСТОН. Нима!

РАШИД. Бирор нарса денг!

ГУЛИСТОН. Мен сенга айтадиганимни айтдим!

РАШИД. Совчиликка бормайсиз-а?

ГУЛИСТОН. Тошкишлокқа итгинам адашгани йўқ.

РАШИД. Кетдим, бўлмаса...

ҚОДИР (*сабри тугаб*). Рашид, тезроқ кет! Агар шу зумда чиқиб кетмасанг, шундай кўтариб оламан-да, палахмоннинг тошидай қилиб отаман, Тошкишлокнинг ўртасига қурбақадай шалп этиб тушасан! Жўна!.. Жўна!

Қ о д и р Р а ш и д га караб юради. Унинг авзойидан чўчиган
Р а ш и д дарвоза томонга чекинади.

РАШИД. Ўзим кетаман!.. Ўзим кетаман!.. Кутурган хўкиз, ўзим кетаман!

ДЕВОНА. (*ўзича сакраб, куйлайди*). Кетмайди! Кетмайди! Тошкишлокқа етмайди. Тошкишлокнинг гулига (*Рашидни кўрсатиб*) бузок тиши ўтмайди!

Р а ш и д Д е в о н а га караб хезланади, Гулистон амма “хай-хай”лаб ўртага тушади. Д е в о н а қочади. Аммо Қ о д и р у тарафга югурганини кўриб, зингиллаб, дарвозадан чиқиб кетади.

ҚОДИР (*юзйдаги терини белбогига артиб, сунага ўтирар экан*). Хайрият, кетди-е!..

ГУЛИСТОН. Бир балони бошламаса гўрга эди.

ҚОДИР. Амма, сув борми?

ГУЛИСТОН. Бу нима деганинг? Энди сув ҳам йўқ бўлсинми?

ҚОДИР. Чанкадим. Сув беринг.

Г у л и с т о н дарахтлардан бирига осиб кўйилган пакирдан бир чўмич сув олади.

ҚОДИР. Амма, пақири билан олиб келинг.

ГУЛИСТОН (*сергак тортиб*). Сен ҳам... ёнаётганинг йўкми?

ҚОДИР. Ёнаёпман. Ичим куйиб кетаяпти.

Пакирни кўтариб келаётган Гулистон такка тўхтаб қолади. Девона Қодирга синчиклаб қарайди. Аста юриб унинг ёнига келади. Елкасидан кучади. Қодирни кўзини юмганча, тинглайди.

ДЕВОНА (*хавотир аралаш тантанаворликда*). Ёнапти!
ГУЛИСТОН. Вой, шўргинам! (*У бошини ушлаганча, ўтириб қолади.*) Энди нима қиламан?!

Қодир ўзи пакирни олади-да, кўтариб сув ича бошлайди. Тўхтаб нафасини ростлагач, яна сув кўрмагандай ташланади.
Пакирнинг тагида қолган сувни эса бошидан қуяди.

ҚОДИР (*ўзи билан гаплашаётган оҳангда*). Бугун бир кизик иш бўлди, амма. Қордарада бир ғалати дарахт бор – чинор десанг барги қаттиқ, қайрағоч десанг барги чинорнинг баргидай. Тагида нафас ростлаб ўтирган эдим, дарахтга бир қуш келиб кўнди. Жуда анвойи қуш. Патлари ранг-баранг – ялтир-юлтир қилади. Товусга... Йўқ, жаннатнинг товусига ўхшайди... Ундан ҳам чиройли...

ГУЛИСТОН. Сен нима қилдинг?

ҚОДИР. Томоша қилдим.

ГУЛИСТОН. Тагин милтиқ ўкталиб, чўчитмадингми жониворни?

ҚОДИР. Йўқ. Нафас олишдан ҳам ўзимни тийиб турдим. Мен бу қушни ҳеч кўрмаганман. Китобларда ҳам таърифини ўқимаганман. “Тавба, фанга номаълум бир қуш бизнинг тоғларда жон сақлаган экан-да” деб ўйладим...

ГУЛИСТОН. У қушнинг бўйни узун эдими?

ҚОДИР. Ҳа, ғозникидай...

ГУЛИСТОН. Ҳар қаноти бир қулочми?

ҚОДИР. Бир қулочдан ҳам узун...

ГУЛИСТОН. Бир қулоч!.. Патларидан нур тўкилиб турган эдими?

ҚОДИР. Ажабтовур нурлар ичида товланиб турибди... Бирдан ҳалиги қуш шундай сайради, шундай сайради!.. Худди... Худди хонавайрон бўлган одамдай!.. Баъзан мана бунингиз (*Девонани кўрсатиб*)... Суйимқул ака баъзан шундай нола қилиб йиғлайди. Мен полапонидан айрилган бўлса керак, деб ўйладим. Қўйнимдан бир парча нон олиб, ушатдим.

Кетганимдан кейин териб ер деб ўйлаб, ерга сочмоқчи бўлиб турган эдим, қарасам, шундай қаршимда турибди. Беихтиёр кўлимдаги увоқларни тутдим.

ГУЛИСТОН (*ҳаяжонда*). Олдими?! Олдими?!

ҚОДИР. Олди, амма!

ДЕВОНА. Олди! Олди!..

ҚОДИР. Бирдан вужудим бахтга тўлиб кетгандай бўлди.

ГУЛИСТОН. Мабодо, кўзига кўзинг тушмадими?

ҚОДИР. Тушди. Икки марварид чўғ. Тикилиб қарагандим, жоним ўртаниб кетди.

ДЕВОНА (*тўсатдан*). Кўшиқ айтгинг келмадими?

ҚОДИР. Ҳа, дунёни тўлдириб кўшиқ айтгим келди!

ГУЛИСТОН. Осмонларга учгинг келдими?

ҚОДИР. Келди. Амма, биласизми... Бўм-бўш танамни эмас, дунёни ичимга тўлдириб учгим келди! Тоғларни кучоқлаб бахтиёр қилгим келди!.. Кўлим тегса, тошлар гул очадигандай туйилди менга! Булутларнинг устида бемалол юрадигандай ҳис қилдим ўзимни!..

ГУЛИСТОН. Худойим!.. Воҳ, парвардигор! Сенга бахтнинг шарпаси тегибди!

ДЕВОНА. Бахт! Бахт!

ҚОДИР. Шарпаси? Бахтнинг ўзи қандай бўлади!

ГУЛИСТОН. Ким билсин қандай? Уни бу тоғларда кўрганлар қолмади... Худойим! Кўрғазган марҳаматингга шукур, худойим!.. Гуноҳкор бандаларингга юборган меҳру шафқатингга шукур!

ДЕВОНА. Худойим!.. Худойим!.. Ана!.. Ана!.. Қодир, ана бахт!..

ҚОДИР. Амма, нимага бунча севиниб, йиғлаб-сиктаб шукрона қиляпсиз?

ГУЛИСТОН. Нега шукрона қилмай?! Тоғларимизга бахт куши қайтибди! Бахт куши! Кўрасан, энди бу бебахт тоғлар майсадай ўсади. Қут қайтади, барака қайтади тоғларимизга! Яратганга шукур! Қодир эгамга шукур!

ҚОДИР. Бахт куши бу тоғларда илгари бўлганми? Китоблардаям бундай куш ҳақида ўқиганим йўқ...

ГУЛИСТОН. Китобларинг нимани билади? Бахт қушлари бу тоғу тошларда маст бўлиб сайраган! Ҳар бир тоғчининг бошида бахт қуши яраклаб турган! Бу тоғларнинг бахти бағрига сиғмаган! Шамолларда оқиб водийларга тушган, водийлардан чўлу саҳроларга таралган, денгизу дарёлардан ўтган – бутун дунёга таркаган.

ҚОДИР. Кейин қаёққа кетган улар?

ГУЛИСТОН. Қаёққа кетади? Тошқишлоқ билан Метинқишлоқ жанжал қилавергач, ташлаган кетган–да!.. Парвардигор! Ўзингга шукур! Яратган эгам, қудратингга қуллуқ! Бахт қушини яна тоғларимизга қайтардинг! Мен анови Рашид айтганда ишонмаган эдим! Энди ишондим!..

ҚОДИР. Рашид ҳам кўрибдими?

ГУЛИСТОН. Кўрибди. Бахт қушини отаман деб ўк ҳам узибди! Бахтни чўчитиб юбордими деб ҳадиксираб тургандим... Хайрият, сенга ҳам кўринибди! Демак, бизни кечирган, астойдил қайтган!..

ҚОДИР. Амма, ёнаяпман!

ДЕВОНА (*жиддий тасдиқлаб*). Ёнаяпти.

ГУЛИСТОН. Рашиднинг-ку нимага ёнгани аён. Сен нимага ёнаяпсан?

ҚОДИР. Билмадим. Мен билан бир яхши нарса бўладигандай. Топилмай юрган, азиз бир нарсамни топадигандайман... (*Бирдан*) Амма, бахт қушини кўрганимда кўзимга бир нарса кўринди.

ГУЛИСТОН. Нима кўринди?

ДЕВОНА. Бахт кўринган! Гулистон, бизларга кўринмаган бахт кўринган! Мен осмонга қараб ётаман, Гулистон. Агар бахт кўринса, сизларга айтаман! Гулистон, осмонга қараб ётсам, майлими?

ГУЛИСТОН. Майли, майли!... (*Қодирга.*) Кўзингга нима кўринди?

ҚОДИР. Кўз олдимдан бир... қиз юриб ўтди!

ГУЛИСТОН. Вой, париларга йўлиқибсан! Париларга! (*Шошиб.*) Ҳозир пари момоларга тўрттагина чирок кўйиб юбораман! Тўрттагина чирок ёқиб юборсам, отдай кишнаб, париларни кўрмагандай бўлиб кетасан...

ҚОДИР. Аъзойи баданим ёниб кетди, амма!

ГУЛИСТОН. Парилар ёндирадиям, куйдирадиям, девонаям қилади, бу дунёдан ёлғиз ҳам ўтказади!.. У кизни танимадингми?

ҚОДИР. Танимадим.

ГУЛИСТОН (*ниманидир англаб*). Танийсан! Худо хоҳласа, танийсан!

ҚОДИР. Қаердан биласиз?

ГУЛИСТОН. Юраккинам сезиб турибди... Бўлмаса, бахт куши нимага тоғларга келди?.. Сендайгина яхши йигитларни бахтли қилмаса, нима қилади бу тоғларни умидвор қилиб?

ДЕВОНА (*бирдан*). Ана! Ана!.. Фаришталарни кўраяпман! Учиб юришибди! Кўлларида бахт тўла жом! Лиммо-лим жом!

Ҳаммалари осмонга қарайди.

ГУЛИСТОН. Девоначон, қаерда? Қани, фариштагиналар?!

ҚОДИР. Суйимқул ака, қаерда?

ДЕВОНА. Нақ бошингнинг устида! Тепангда! Ана, ана, бахт куши ҳам учиб келди! Чарх ураяпти!

ГУЛИСТОН. Вой, бахт куши! Бахт куши! Вой, бахт қушини ҳам кўрар кун бор экан!.. Қара, Қодир! Бошингнинг устида!.. Қара!

ҚОДИР. Кўрдим, амма, кўрдим! Ўртанаяпман, амма!

ГУЛИСТОН. Бахтгинанг олисларда, шекилли! Олисадаги бахт ўртантиради! Чида, болам!

ҚОДИР. Жоним куйди!..

ДЕВОНА. Бахт куши! Жоним бахт куши! Бизларни ташлаб кетган бахт куши! Бизга бахт бер! Озгина бахт бер! Бир катра – кўз ёшча бахт бер!

ГУЛИСТОН. Бахт қушини биздай гуноҳкор бандаларига юборган парвардигор, бу қушга айт, бахтни олисдан бўлса ҳам кўрсатсин! Бахтгинанинг нималигини кўриб ўлсак армонимиз йўк!

ҚОДИР. Куйиб кетаяпман!

ДЕВОНА. Биз куйиб адо бўлганмиз!.. Гулистон! Кулимизни бахт қушининг йўлларида сочайлик! Кулимизни ол, бахт куши! Ол! Фақат (*Қодирни кўрсатиб*) мана бу йигитга бахт бер!

ГУЛИСТОН. У ёлғизгина йигит! Ота-онаси унинг камолини кўролмайдунёдан ўтган! Ота-онаси кўрмаган бахтни унга бер! Бахт қуши!.. Бу тоғларда ҳам бир бахтли одам бўлсин! Бахт қуши! Товланишларингдан айланай бахт қуши! Бунча бизни зор қилдинг!.. Аввалроқ келсанг бўлмасмиди? Бебахтликда хор бўлдик!

ДЕВОНА. Сайраяпти! Сайраяпти!.. Бахт қуши сайраяпти!..

ГУЛИСТОН (*Кўзларини юмиб бир сеҳр қўйнига чўмаркан*). Сайраяпти...

ҚОДИР (*у ҳам ўша сеҳрнинг ичида*). Бу сайраш мендан таралаяпти... Амма, мен мусиқага айланаяпман.

Бахт қушининг сайраши мухташам, гўзал бир мусикадир.

Дунё турфа рангда товланади. Ранглар мусиқа оҳангларидан тўкилаётгандай. Девона бу ранглар ичида – мутаносиб ҳаракатларда – сеҳрли бир рақсга тушади. Гулистон амма унга кўшилади. Қодирни ҳам бу соҳирли оҳанг ўзининг дилрабо кучоғига олади. Бир оздан сўнг ташқаридан ҳовлиқиб Рашид кириб келади. У бу ҳолни кўриб, лолу хайрон тўхтаб қолади. У мусикани эшитмайди, рангларни кўрмайди.

РАШИД. Амма!..

Ҳамма бир чўчиб, бир зум котиб қолади. Ранглар ўчади. Мусиқа узилиб, тўхтади. Гулистон бошини ушлаганча, ўтиради. Девона осмонга караган ҳолатида. Қодирнинг боши эгилади. Рашид уларга хайрон бўлиб, бирин-бирин қарайди. Ерга, кейин осмонга синчиклаб тикилади.

Амма, жинни бўлдиларингми?

Ҳамма ўз дарди билан овора. Унга ҳеч ким эътибор бермайди.

ДЕВОНА (*овози титраб*). Бахт қуши учиб кетди! Кетди! Гулистон! Яна бахтсиз қоламиз! Яна бахтсиз бўламиз, Гулистон!..

ҚОДИР. Амма, шу бахтми?

ГУЛИСТОН. Вой, бир лаҳза қандай яхши яшадим! Бахт бор экан-да!.. Ҳозир ҳам ҳаволарда бўйлари анқиб турибди! Воҳ, соғиниб сил бўлган ўпкаларим тўлди! Бахт, кетма! Кетиб қолма, бахт! Ҳали ҳаволарингга тўймасдан кетаверасанми? Мен сенга илҳақ бўлиб, умримни ўтказдим! Сочларим оқарди.

Юзларимга ажин тушди. Қирқ йил бўлди қоялардан учиб кетганинга! Қирқ йил бўлди юрагимга кўнганинг йўқ. Бугун саробдай бошимда бир айландинг!.. Энди кетаверасанми? Бахт, қайтиб кел! Жонимни берайми? Умримни берайми?

ДЕВОНА. Гулистон! Жонимизни берайлик! Бахт жонни берганини суяди! Бахт умрини берганини тан олади... Гулистон, тезроқ жонни берайлик! Бахт бизники ҳам бўлсин!.. *(Ногоҳ.)* Гулистон, сен бахтли бўл! Мен жонимни бераман! Сен бахтли бўл!

ГУЛИСТОН. Девона, бахтни кўрдим! Энди ўлсам, армоним йўқ!..

ҚОДИР. Бахт шундай бўлса... Бахтга етмасам, ўламан, амма!..

РАШИД. Нима бўлди сизларга? Тентак бўлиб қолдиларингми?

Унга ҳамма биринчи бор кўргандай қарайди.

ГУЛИСТОН. Сен бу ергинада нима қилиб юрибсан?

РАШИД. Қайтиб келдим, амма.

ГУЛИСТОН. Амманг ўлиб, аммагинасиз қолгур, нималарга қайтиб келасан? Йигит деган айтган ишгинасини бажариб, кейин қайтиб келмайдими? Қани Хонимгул?

РАШИД. Хонимгул қаердан бўлади, амма! Тошқишлоққа борганим йўқ.

ГУЛИСТОН. Қаерга бординг бўлмаса?

ДЕВОНА. Нодон! Нодон!..

РАШИД. Жим!.. *(Гулистонга)* Ана бетдаги арчанинг тагида ўтириб-ўтириб қайтиб келдим. Амма... *(Қийналиброқ.)* Ўйлаб қарасам, Тошқишлоққа бориш – жуда хавфли экан, амма!..

ҚОДИР. Хавфли бўлса, борма, Рашид! Шаҳарга бориб, отанга айтсанг, ўн-ўн бешта кўриқчи беради. Каратечи! Ана ўшалар билан атрофингни кўрғондай ўраб ол-да, пулемёту замбаракларни кўтариб, Тошқишлоққа бостириб кир! Иложи бўлса, танкка тушиб бор! Зирҳи калинроғидан танла...

РАШИД. Амма, мен ёниб ётибману, мана бу Қодир эса масхара қилапти!

ГУЛИСТОН. Қодир, масхара қилма! *(Рашидга.)* Хўш, гапир.

РАШИД. Амма... Ўзингиз айтдингиз... Тошқишлоқликлар тошбағир бир халқ экан... Сўйишдан ҳам кайтмас экан, ўлдиришдан ҳам...

ГУЛИСТОН. Энди нима қиласан?

РАШИД. Қийналиб-қийналиб ўлиб кетсам керак...

ГУЛИСТОН. Мен бўлса, ўйлабманки...

РАШИД. Нимани ўйладингиз?

ГУЛИСТОН. Тошқишлоққа бостириб борасан, Хоним-гулингни кўлидан ушлаб, бу ховлига бошлаб келасан, деб ўйлабман.

РАШИД. Улар ўлдиришади, амма!

ГУЛИСТОН. Энди соғ-саломат бу дунёда кезавер!..

ҚОДИР. Амма, хафа бўлдингизми?

ГУЛИСТОН (*ички ҳасратда*). Буни кўрмайсанми?

РАШИД. Менга нима қилибди? Мен... мантиқий фикрлашга ҳаракат қилаяпман, холос.

ГУЛИСТОН. Мантиққинангдан ўргилдим!.. Энди ўчдингми? Ёнмаяпсанми?

ДЕВОНА. Ёнмаяпти!.. Ёнмаяпти!..

РАШИД. Ёнапман! Ёнапман!.. Амма, кул бўлиш ёқасига келиб қолдим! Аммо тошқишлоқликларнинг кўлида ўлиб кетгандан кўра, бу ерда ёниб жон топширган яхши деб ўйлаяпман!..

ГУЛИСТОН (*бир ҳасратда*). Нима қилсанг энди ўзгинанг биласан! Мен жуда бахтли бўлгинг келаяпти, деб ўйлабман...

ҚОДИР. Амма, мунча хафа бўлманг-да!..

ДЕВОНА. Гулистон, ўзингни ёқма! Жонинг сабил қолганми! Гулистон, бўлмаса, йиглайман!..

ГУЛИСТОН. Жоним девона, сен йиглама! Қара, мен ҳам йиглаётганим йўқ.

ДЕВОНА. Ёшинг ичингга тушаяпти, Гулистон.

ГУЛИСТОН (*ўзига ўзи гапиргандай*). Неча юз йилда бир келган эди. Бу Рашид бахт қушини ҳам овора қилди...

РАШИД. Бахт қуши билан нима ишим бор-е! Ўзи ҳамма айб ота-боболаримизда! Тошқишлоқликлар билан жанжаллашиш уларга шунча зарурмиди? Мана, энди мен бебахт бўлиб ўтирибман! Одам деган озгина орқасини ўйлаб иш қилиш керак-да!..

ГУЛИСТОН. Орсиз!

РАШИД. Эски гапларни қўйинг!

ҚОДИР. Амма... Агар рухсат берсангиз...

ГУЛИСТОН (*умид ва таҳликада*). Рухсат берсам, нима қиласан?

ҚОДИР. Рухсат берсангиз, Хонимгулни олиб келардим...

РАШИД. Олиб келоласанми?

ҚОДИР. Олиб келаман! Сен жуда... қийналаяпсан, Рашид. Хонимгулни олиб келаман. Агар рози бўлса, тўйларингни бошлаб юбораверамиз! Бахт куши, ахир, бекорга келмагандир. Бу тоғларда, аммам айтгандай, кимдир бахтли бўлиши керак. Рашид, билмайсан, тоғларимиз чўкиб қолаяпти.

РАШИД. Тоғларни ўстириш учун бўлса, майли...

ҚОДИР. Мен тоғларни одамларга ўхшатаман, Рашид. Бахт кўрмаса, тоғларни қўй, бу ёруғ дунё чўкиб қолади... Амма, мен кетдим. Бир оқ фотиҳа беринг!

ГУЛИСТОН. Рашид, Қодир бораверсинми?

РАШИД. Мен мажбур қилаётганим йўқ, ўзи отланиб турибди-ку!

ГУЛИСТОН (*қўлларини очиб*). Эй, Парвардигор, нима бўлаётганини ўзгинанг кўриб турибсан! Нима бўлса ҳам раҳмат нурингни биздан аяма! Бахт деб йиғлаганга бахт бер! Қодиржон! Тулкигина бўлиб боргин-да, бўригина бўлиб қайт! Тошқишлоқнинг тошгиналарини эритиб келгин! Хонимгулни ҳам муродгинасига етказ! Омин!..

Ҳамма юзига дуо тортади.

ҚОДИР. Амма, хавотир олмай ўтиринг!

Ташкарига катъий бир юришда йўналади.

РАШИД. Эй, бирор гап бўлса, мени чақир!

ДЕВОНА (*осмонга қараб*). Фаришталар, айтинглар! Кимлар бахтли бўлади! Айтинглар, фаришталар!..(*осмонни тинглаб*) Билдим!.. Ким бахтли бўлишини билдим!.. Ҳеч кимга айтмайман! Ҳеч кимга!..

Шу асно чироклар ўчади.

Ўша ховли. Девона дарвоза кесакисига суянганича, йўлга караган. Рашид безовта юриб турибди. Гулистон амма бемалол чой ичаяпти.

РАШИД. Қодирингиз мен ёниб адо бўлгандан кейин келади! Шундай ҳам бепарво одам бўладими?!

ГУЛИСТОН. Чархпалакдай айланаверма, Рашиджон. Бошгинамни айлантириб юбординг. Кел, чой ич! Қодир келади. Хонимгулни ҳам олиб келади!

РАШИД (*Девонани кўрсатиб*). Мана бунингиз ер остида илонни кўйинг. чувалчанг қимирласа, билади! Қаранг, йўлдан кўз узмай турибди. Бир балони сезаяпти. Унга "ўтир", денг!

ДЕВОНА. Гулистон, мен бахтни биринчи бўлиб кўрмоқчиман! Ҳаммадан олдин кўрмоқчиман!..

ГУЛИСТОН. Бахт келадию сен биринчи бўлиб кўрмайсанми, девона? Шунча йил йўлига караган, энди ҳам қарайвер!

РАШИД. Шуни жуда эркалатасиз! Нима қилса, уники тўғри! Шахсга сиғиниш қилиб юборгансиз!

ГУЛИСТОН. Бизнинг юртларда шахсга сиғиниш йўқ, аммагинанг айлансин!

РАШИД. Йўқ эмиш!.. Қайси девонани кўрсаларинг сиғинасизлар!.. Сиғинганларингнинг бирортасини ҳам соғи йўқ!.. Мана, Ленин соғми, Сталин соғми? Ҳаммасини суратини осиб кўйиб чўқиндиларинг-ку! Яна ким бор? Ҳаммасини калласи (*қўли билан кўрсатади*)... Мана шунақа...

ГУЛИСТОН. Сен айтаётган тағи пастлар одамликдан чиққан телбалар! Девона билан телбанинг фарқи бор!..

РАШИД. Қандай фарқи бор?

ГУЛИСТОН. Фарқи бор! Бор! Масалан, девона сендай соғлардан минг бор яхши бўлади.

РАШИД (*эсон жаҳди билан*). Амма!.. (*Эсига тушиб*.) Амма, келмаяпти-ку! Мақтанчоқ! Қўлидан иш келмайдиган бола экан!

ГУЛИСТОН. Кимни айтаяпсан?

РАШИД. Қодирни айтаяпман!

ГУЛИСТОН. Сенгинанинг қўлгинангдан иш келадими?

РАШИД. Амма, мен ёниб кетаяпман. Сиз бўлса, мени... Аммо Қодирингиз, ҳақиқатдан мақтанчоқ!.. Бориб бир сояда ухлаб ётгандир. Ҳали келиб қолади, баҳона тўкиб... Воҳ, ёндим!.. Воҳ!..

Шу маҳал олисдан гумбурлаб милтик овози эшитилади.

(секингина, қўрқув аралаши) Воҳ...

Ҳамма хавотирда. Гулистон амма ўрнидан туради. Йўлга қарайди. Девона ҳам узокларга синчковлик билан тикилади. Рашиднинг ранги оқарган – кимираёлмайди.

РАШИД *(давомли жимликдан сўнг)*. Ана, айтмадимми? Шу Қодирингиз бир ишни бошлади! *(Бирдан аллақандай киноқаҳрамоннинг ролига кириб.)* Амма, энди тез шаҳарга жўнашим керак. Тошқишлоқликларга қарши куч тўплаб келаман!..

ГУЛИСТОН *(икки кўзи йўлда)*. Нима?..

РАШИД. Тошқишлоқликларга қарши куч тўплаб, тўсатдан уларга ҳужум қиламиз!

ГУЛИСТОН. Сиз ҳужум қиласизми?

РАШИД. Кучлар!.. Менинг бошчилигимда ёрдамга келадиган кучлар!.. Кетдим, амма!.. Тезроқ жўнамасам бўлмайди. Пайтни қўлдан бой бермаслигимиз керак! Душманнинг бу ҳаракатларига ҳозир тўғри баҳо бериш, келажакдаги ғалабаларимизнинг муҳим, эҳтимол, бош гаровидир! Кетдим! Ҳа, айтгандай, нарсаларимни, насиб бўлса, ғалабадан кейин олиб кетаман! Ҳозир вақт зиқ. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш лозим. Шахсий бойликларни ўйлайдиган пайт эмас. Хайр, эй, девона! Хайр, амма! *(У шошганча, аммасини ўтиб, хайрлашмоқчи бўлади)*.

ГУЛИСТОН *(Рашидни тўхтатиб)*. Ҳа, аммагинанг айлансин! Қочаяпсанми? Тошқишлоқликлардан қўрқдингми? Қўрқма! Ҳаммасига, мана, Гулистон аммангни бир ўзи бас келади! Иштонингни ҳўл қилмай бемалол туравер!

РАШИД. Амма!..

Милтик овози эшитилади. Яна сукунат чўқади. Девона ва

Гулистоннинг кўзлари ҳамон йўлда.

РАШИД (*типирчилаб*). Энди оркага чекиниб бўлмайди! Йўл кесилди!.. Амма! Аммажон! Бирор пасткамрок жой йўқми? Галабагача яширин тарзда иш кўрмоқ зарур! (*Яшириниш учун жой излаб, ҳовлини айланиб югуради.*) Бу икки қишлоқнинг-ку азалдан жанжали бор экан, блиндаж-плиндаж қуриб кўйишмайдими? (*У кўрпачани олиб ётинади-да, устига кўрпа ташланган тўнкага ўхшаб қолади*).

ДЕВОНА. Келаяпти! Келаяпти!.. Гулистон! Келаяпти!

ГУЛИСТОН. Кўрмаяпман! Нима келаяпти?

ДЕВОНА. Бахтнинг ярми келаяпти! Бахтнинг ярми!..

ГУЛИСТОН. Вой, бахтнинг ҳам ярми келадими?

РАШИД (*кўрпа тагидан*). Амма, бу девонангиз тентакдан ҳам баттар!

ГУЛИСТОН. Нимага?

РАШИД. Айтган гапини қаранг!

ДЕВОНА. Нодон! Кўрпанинг тагидаги нодон сичқон!.. Келаяпти! Мана, тўғри бизнинг ҳовлига қараб йўналди! Гулистон, бизникига қараб жўнади.

Бахт куши пайдо бўлганлигида янграган мухташам мусика олисдан эшитилади. У тобора яқинлашиб келади. Саҳнада яна ранглар жилва кила бошлайди. Девонана ва Гулистон амма бу оҳангу ранглар сеҳрига аста-аста асир бўла бошлайдилар. Улар, гўё вазнсизлик ҳолатига тушгандай, бир гўзал ҳаракатлар киладилар. Мусика авжига чиқади. Ранглар минг тусда товланади. Шу пайт эшикдан Хонимгул кириб келади. У ҳам шу сеҳрли ҳолатда – рангу мусикага ўралган. Кейинги суҳбатлар ҳам шу сеҳр оғушида кечгай.

ГУЛИСТОН. Қаердан келдинг, пари қиз?

ХОНИМГУЛ. Учиб келдим!

ГУЛИСТОН. Бахт қанотида учдингми?

ХОНИМГУЛ. Билмадим, бахтни кўрмаганман. Аммо бир одамга кўзим тушди-да, тўсатдан вазнимни йўқотдим. Бор дунёларимни ташлаб, осмоннинг чексизлигига унинг ортидан ўзимни отдим! Учдим!..

ГУЛИСТОН. У одамнинг оти нима?

ХОНИМГУЛ. Қодир.

ГУЛИСТОН. У сенга нима деди?

ХОНИМГУЛ. У нималарнидир тушунтирди, узок тушунтирди. Аммо мен эшитганим йўқ. Мен фақат унинг кўзларини кўрдим. Кўзлари!.. Дунёни мусиқа тутди! Ажиб бир рангларга кўмилдим! Бирдан оёқларим ердан узилди! Учдим!.. У ҳам мен билан ёнма-ён учди! Энг юксакларда парвоз қилдик!.. Ерлар кўринмай кетди!..

ГУЛИСТОН. Қодир омонми? Нега келмади?

ХОНИМГУЛ. Бизни қувишди! Биз учиб келавердик. Улар осмонга қараб ўқ узишди. Бизни ўраб келаётган фаришталар улар отган ўқларни шамолларга учирай юборишди. Қодир ҳозир бизни қуваётганларни чалкаштириб, осмон тоқида чарх ураётти.

ГУЛИСТОН. Боламни хатарга ташлаб келибсан...

ХОНИМГУЛ. Фаришталар у билан бирга...

ГУЛИСТОН. Бу уйни сенга ким кўрсатди?

ХОНИМГУЛ. Бахт қуши...

ГУЛИСТОН (*ўша мастона кайфиятда*). Бахт қуши бизнинг уйимизни таниди!.. Бахт қуши! Бизнинг борлигимизни эсдан чиқармаганингга минг шукур! Бахт қуши!..

РАШИД (*кўрпанинг тагидан*) Нима бўлаяпти? Амма, ким билан гаплашаяпсиз?

ГУЛИСТОН (*бахтдан ўзини тўтолмай, йиғлайди*). Ажиналар билан! Ажиналар билан! Қўзғалмай ётавер! Ажина уриб кетади!

Милтик овози эшитилади. Мусиқа оғриниб тўхтади.

Ҳамма ўзига келади.

ГУЛИСТОН. Илоё, тинчлик бўлсин!

ХОНИМГУЛ. Фаришталар бор...

ГУЛИСТОН. Ёмоннинг фариштаси йўқ.

Сукунат. Ҳамма хавотирда. Д е в о н а яна дарвозага бориб, йўлга қарайди.

ГУЛИСТОН (*Хонимгулга тикилиб қараб*). Чиройли қиз экансан! Пари қиз экансан! Ўтир!.. Ҳордиқ ол!

Хонимгул ўтиргани жой танлаб, тараддулланиб атрофга қарайди.

ГУЛИСТОН (*Рашид яширинган кўрпани кўрсатиб*). Ана, тўнкага ўтир! Устига атайлаб кўрпалар ташлаб қўйдим.

Хонимгул бориб ўтиради.

РАШИД. Амма, устимга нима ташладингиз?

Овоз каердан келаётганини билмаган Хонимгул агрофга,
осмонга аланглаб қарайди.

ГУЛИСТОН. Тошкишлоқликлар бостириб келса билмасин
деб, устингга тўнка қўйиб қўйдим!..

ХОНИМГУЛ. Овоз келаяптими?

ГУЛИСТОН. Уйнинг ичидан... Жиянимнинг озгина тоби
кочиб ётибди.

РАШИД. Белим оғрияпти. Тўнканинг кичкинароғидан
қўйинг!

ГУЛИСТОН. Бундан кичкина тўнка бўладими? Жим ёт!

ХОНИМГУЛ. Тўнкани нега қўясиз?..

ГУЛИСТОН. Дори.

ХОНИМГУЛ. Тўнкаям дори бўладими?

ГУЛИСТОН. Баъзи нодон беморларга тўнка даво бўлади!

ДЕВОНА (*нохосдан*). Ана, келаяпти! Келаяпти!..

РАШИД. Ким келаяпти? Ким?

ДЕВОНА. Шошиб келаяпти! Бахтнинг яна ярми келаяпти!

Яна ўша бахтиёр мусикаю ранглар борликни тута бошлайди.

Қахрамонлар кайфияти ҳам, ҳаракатлари ҳам ўзгаради – ўша
сурурли мастона ҳолат яна барчани камраб олади.

ДЕВОНА. Энди уйимизда тўлиқ бахт бўлади! Тўкис бахт
бўлади!

ГУЛИСТОН. Тўкис бахт! Парвардигор, минг шукур! Етказ-
ганингга шукур!

ХОНИМГУЛ. Яна учаяпман! Учаяпман!

ГУЛИСТОН. Уч, айланай, уч! Қошу кўзгинангдан аммаги-
нанг ўргилсин, уч! Уч, паригина қиз! Армонгинанг қолмасин!
Қанотларинг мендай қайрилмасин! Дарду ҳасрат Суйимқулдай
девона этмасин! Ох, мунча маст этасан, бахт!

ХОНИМГУЛ. Учаяпман! Учаяпман!..

Қ о д и р киради. У ҳам шу ҳолатда.

ГУЛИСТОН. Эсон-одил келдингми, аммагинанг айлансин!
Қандай келдинг?

ҚОДИР. Учиб...

ДЕВОНА. Мен кўрдим. Учиб келди!..

ГУЛИСТОН. Хонимгул билан нега келмадинг!..

ҚОДИР. Тошкишлоқликларни чалғитдим. Сабртоғни икки-уч айланиб учдим-да, бошларини айлантириб ташлаб, бу ёкка равона бўлдим! (*Хонимгулга.*) Сен қалайсан? Адашмай келдингми?

ХОНИМГУЛ. Учиб тўғри шу ерга тушдим...

ҚОДИР. Сен бу ерда кўркма! Фаришталар бошимиз устида учиб юрибди. Қара!..

ХОНИМГУЛ (*осмонга қараб*). Бахт кушини ўраб олишибди.

ҚОДИР. Айтдим-ку, хавотир олмагин деб!

РАШИД (*ҳануз кўрпанинг тагидан*). Нима бўлаяпти? Кимлар учаяпти?..

Шу пайт жуда яқиндан отилган милтик овози эшитилади. Сукунат. Ҳамма “осмондан ерга” тушади.

Айтсаларинг-чи, ким учаяпти?

ГУЛИСТОН. Тошкишлоқнинг ғажирлари учаяпти! Жимгина ёт!

ҚОДИР. Ҳозир етиб келишади!.. (*Бориб “тўнка” устига ўтиради*).

РАШИД. Воҳ!.. Устимга тоғни бостириб қўйдингизми?

ГУЛИСТОН. Сабргина қил, тўнка!.. Тошкишлоқликлар келаяпти!..

ҚОДИР. Рашид гапираяптими? Қани у?

ГУЛИСТОН. Ичкарида... Бемалолгина ўтиравер!.. (*Хонимгулга қараб.*) Сенгина ўз ихтиёринг билан келдингми?

ХОНИМГУЛ. Ҳа...

ГУЛИСТОН. Биринчи кўрган одамгинанг билан қочиб келаверасанми?

ХОНИМГУЛ (*Қодирни кўрсатиб*). Бу кишига ишондим... У киши менга нималардир, деди.

ГУЛИСТОН. “Сенгинани бир йигит яхши кўриб қолган”, дедими?

ХОНИМГУЛ. Деди.

ГУЛИСТОН. “Шу йигитнинг номидан келдим”, дедими?

ХОНИМГУЛ. Айтди...

ГУЛИСТОН (*овозини баландроқ*). Нима деди?

ХОНИМГУЛ (*овозига титроқ тушиб*). Айтди-да... (*Жовдираган кўзлари билан Қодирни излаб тонаркан*). Ўзингиз айтинг.

ҚОДИР. Амма, ҳаммасини тушунтирдим. Рашидни ёниб-тутаб ётганини, бурксиган тутуни осмону фалакни босиб кетганини айтдим. “Бир йигитнинг умрига зое бўлманг”, дедим. Хуллас, амма, бу киши тушунадиган қиз экан!

ГУЛИСТОН. Шундай қилиб, “келавердим” де, тушунадиган қиз?

ХОНИМГУЛ (*чиндан ҳайрон қолиб*). Бўлмаса, қандай қилиб келай? Менга... Қишлоғимиз... (*Қодирга қараб*) Айтаверайми?

ҚОДИР. Айтаверинг, аммам ҳамма нарсани тушунадиган аёл!

ХОНИМГУЛ (*Гулистон алмага қараб*). Ростданми?..

ГУЛИСТОН. Қизиқ қиз экансан-ку! Ростдан! Ҳамма балони тушунаман!

ХОНИМГУЛ. Мен Тошқишлоққа сиғмай қолдим...

ГУЛИСТОН. Ким сиғдирмади?

ХОНИМГУЛ. Вой, ҳеч ким эмас!.. Ўзим сиғмай қолдим. Тушундингизми?

ГУЛИСТОН. Тушундим. Бу гапгинангни жуда тушундим. Бу тош қишлоққа ким ҳам сиғар эди!..

ҚОДИР. Амма!.. (*Ишора билан меҳмон хафа бўлишини тушунтиради*).

ХОНИМГУЛ. Мен соғиндим...

ГУЛИСТОН. Нимани соғиндинг?

ХОНИМГУЛ. Олисларни!.. Кенгликларни!.. Тошимиз, қишлоғимизни айтаяпман, – Тор!... Кўнгил сиғмайди...

ГУЛИСТОН (*бирдан ийиб*). Ўзгинам ўргилай, мен тополмаган сўзларни қайдан топиб айтаяпсан? Гапир...

ХОНИМГУЛ. Учиблар кетгим келади!.. Кейин Рашид акани кўриб қолдим. Кўринишлари бирам бошқача!.. “Сенга уйланаман”, дедилар. “Кучингиз етса уйланинг”, дедим...

ГУЛИСТОН. Кучи етса тегасанми?

ХОНИМГУЛ (*Қодирга қараб олиб*). Кучлари... Ким билсин!..

ГУЛИСТОН. Тошкишлокнинг тошлари ортларингдан дума-лаб келишаётгандир? Бу юраги йўқ тошлардан кўркмайсанми?

ҚОДИР. Амма!..(*яна “меҳмонни аямаянсиз” маъносида ҳаракат қилиб, ўрнидан туради*).

ГУЛИСТОН. Гапиришга ҳақким бор. Сакраб тураверма! Ўтир!.. Э, ўтир!

Қ о д и р ўзини таппа ташлайди. Тўнкадан жонҳолат “вой” деган овоз эшитилади. Қ о д и р кўрканидан ағдарилиб тушади. “Тўнка” кўзғалиб, устидан кўрпани отиб ташлайди. Хонимгул хайратда.

РАШИД. Вой, белим! Вой, белим синди! (*Қимирлаб кўриб*.) Ўн жойидан синди!.. Вой!..

ҚОДИР. Кўрпанинг тагида нима қиялсан?

РАШИД (*Хонимгулга кўзи тушиб*). Фавқулод ҳолда ўзимни синаб кўраялман... Йогада ҳам шунақа машқ бор. Кўрпани ёпинасан-да, тўнкага ўхшаб тураверасан... (*Икки кўзи Хонимгулда, гапнинг давомини тополмай*) Тураверасан... Туравера-сан, тураверасан, тураверасан...

ҚОДИР. Кейин нима бўлади?

РАШИД. Тураверасан... тураверасан, тураверасан... Тураверасан...

ҚОДИР. Кейин-чи, кейин?

РАШИД. Кейин ҳам тураверасан, тураверасан...

ГУЛИСТОН (*ёردамга келиб*). Кўкариб чикқунингча, тураверасан, шундайми?

РАШИД (*ҳануз икки кўзи Хонимгулда*). Ҳа... Кўкариб чикқунча...

Шу маҳал эшикдан Ч о р и ч о б а ғ о н отилиб киради. Унинг кўлида калтак. Этиги чатмоқланиб, бўйнига осиб олинган. У югурганича, шаштини қайтаролмай, саҳнани уч-тўрт бор айланади. Ниҳоят, хали ўрнидан турмаган Р а ш и д га қокилиб, унинг устига йикилиб тушади. Д е в о н а Ч о р и ч о б а ғ о н га алоҳида бир на-зарда тикилиб қолади.

РАШИД. Воҳ!.. Қовурғам!.. Қовурғам синди! Биттаси ҳам соғ қолмади!.. Воҳ!..

ЧОРИ. Оёк остида ким ўралашиб ётибди!? Мен югурганда, четроқда туришни, бу тоғларда ҳамма билади-ку!

РАШИД. Бировнинг ҳовлиси чет бўлмай, энангизнинг катта кўчасими?! Кўзига қараб югуради-да!.. Оёғим бор экан деб, ҳаммани босиб кетаверадими?

ЧОРИ. Мен қаттиқ югурсам, ўзимни тўхтатолмайман, худнинг бандаси! Тоғдан ҳам ошиб кетавераман, дарёдан ҳам кечиб кетавераман!..

ГУЛИСТОН. Нега югурдинг, Чори чобагон? Кийик қувдингми? Ё шамолдан ўзишга қасд қилдингми?

ЧОРИ. Ўзингизни билмаганга олманг, Гулистон опа! Қилар ишни қилиб қўйиб... (*Хонимгулга кўзи тушаркан*). Шу ердამисан, тошқишлоқликларни ор-номусдан етти қават ерга киргазган шарманда! Шу ердამисан! Кўзимга карама! Бошингни эгиб тур!.. Тошқишлоқнинг боши сен туфайли эгилиб турганда, нега атрофингга ғоз қараб турибсан! Бўйнинг узилиб тушмайдимми!

ХОНИМГУЛ. Амаки...

ЧОРИ. Амаки дема! Амаки дема, амакинг ўлиб, амакисиз қолгур!

ГУЛИСТОН (*уларнинг ўртасига тушиб*). Кимсан Чори чобагон номинг бор! Ўзингни босиб ол, Чори! Бу дунёдан югуриб ўтиб кетганингни билмай коласан! Ҳадеб югуравермай, ҳеч бўлмаса, биттагина қадамингни ўйлаб бос!

ДЕВОНА. Ўйлай олмайди! Ўйлай олмайди!..

ЧОРИ (*Девонага кўзи тушиб*). Ака... Ассалом алайкум, ака!..

ДЕВОНА (*ногоҳ тошқин меҳр билан*). Чори.. Чорибек!.. (*Бирдан афсусда сўлиш олиб*.) Ўйлай олмайсан! Ўйлай олмайсан!..

ЧОРИ. Ака, соғиндик!.. Бу ерларда бундай юргандан, уйга борсангиз бўлар эди!

ДЕВОНА. Менинг уйим бузилган! Вайрон бўлган! Ўзимга ўхшаб чолдеворга айланиб қолган!.. Хувиллаган!..

ЧОРИ. Ундай деманг!.. Отам сизга атаб қуриб қўйган уйга ҳали ҳам ҳеч ким киргани йўқ. Оппоқ қилиб оклаб қўйганмиз.

ДЕВОНА (*эслаб*). Отам?.. Отам кани?..

ЧОРИ. У кишини ўтган йил кўпга кўшдик. Сизни ўйлайвериб...

ДЕВОНА. Сездим... Яккатогнинг устига чикиб караб турдим. Тобутга солишганиниям кўрдим, жаноза ўкилганиниям эшитдим... Жойига кўйишаётганида... Йиғладим!.. Оят ўкилаверди, мен йиғлайвердим... Йиғлайвердим!.. Аммо Тошқишлоққа боролмадим!.. Ўртамизга катта тош кўйиб кўйишган. Осмондан ҳам баланд тош кўйиб кўйишган! Ўтолмадим!.. Аммо ёшим оқиб, кабрга етди!.. Гулистон, яна йиғлагим келяпти! Гулистон!..

ЧОРИ. Ака...

ГУЛИСТОН. Йиғлама, девона! (*Девонанинг бошини бағрига босиб*). Ўзим айланай сендан! Сен ақллисан! Йиғламайсан!.. Укаси келган йигит ҳам йиғлайдими?

ОВОЗ (*ташқаридан*). Бу ёкка! Бу ёкка юринглар! Чори чабагоннинг изи Гулистоннинг уйига бурилган! Бу ёкка!..

Сахнага Бўри баковул, Чўян полвон ва Одил мерган шиддат билан киришади. Одил мерганнинг кўлида милтиқ, Чўян полвон ва Бўри баковул калтак кўтариб олганлар.

ОДИЛ (*милтиқни ҳар тарафга тўғирлаб*). Қўлингни кўтар! Ҳамманг кўлингни кўтар!

Факат Рашид кўлини кўтаради.

Қўлингни кўтар деяпман!

ГУЛИСТОН. Одил мерганмисан? Жинни-пинни бўлдингми? Одамгинага ҳам милтиқ тўғирлайдими?! Паррандаю даррандаларни қирганинг етмадими? Топган хунарингдан ўргилдим! Қодир, бор, милтиғини кўлидан ол!..

Қодир шахдам юриб бориб, Одил мерганнинг кўлидан милтиғини юлиб олади.

ОДИЛ. Бўри баковул! Булар бизни қуролсизлантиришяпти!
БЎРИ (*митинг оҳангида*). Тошқишлоқликлар! Олға!..

Чўян полвон таёғини ҳавода айлантриб, олдинга ташланади. Қодир унга парво ҳам қилмай, милтиқни бир четга улоқтириб юборади. Чўян унинг кўркмаганлигидан ҳайратга тушиб тўхтаб қолади. Рашид ҳамон кўлини кўтариб турибди.

ХОНИМГУЛ (*Қодирга Рашидни кўрсатиб, секингина*). Ай-тинг, кўлларини туширсинлар...

ҚОДИР. Тушир-э!..

Рашид кўлини кўрка-писа туширади.

РАШИД. Апачининг ўзи-ку булар!..

ЧЎЯН (*бошқаларга кўрсатиб, ногоҳ қотиб-қотиб кулар экан*). Бу ҳалиги... кинодаги кўрқоқ бор-ку!.. Қайси одамни кўрса, ҳар эҳтимолга қарши кўлини кўтарадиган!.. Худди шунинг ўзи!.. Ва-ҳа-ҳа-ҳа!.. Ва-ҳа-ҳа!..

ОДИЛ. Кўзига ажина кўринадиганми? Худди ўзи! Во-ҳо-ҳо!..

ЧОРИ (*Рашиднинг туришига қарагач, кулгига бирдан жўшиб кўшилади*). Во-ҳо-ҳо!.. Во-ҳо-ҳо!.. Вой, ҳозир ўлиб қоламан! Туришини қаранг! Туришини қаранг! Худди ўзи! Во-ҳо-ҳо!..

ГУЛИСТОН (*уларнинг кулишига эътибор бермай*). Олға эмиш! Кўлингни кўтар эмиш! Сенларга оёғимни ҳам кўтармасман!.. Қани, гапиринглар, нега бировнинг уйгина-сига бостириб кирдиларинг? А? Яна, бунинг устига, милтик кўтариб? Бир “пуф” десам, ҳаммагиналаринг учи-и-б, Тошқишлоқгиналарингга бориб тушасанлар-у, қилган ишларингни қаранглар! Бўлди, жанжал кўтарманглар! Ўзи бу дунё жанжалга тўйган!

БЎРИ. Ўв, Гулистон! Қиладиган ишни қилиб кўйиб, энди яна катта кетишингни қара! Жанжални ким кўзгади? Ким?!

ГУЛИСТОН. Жанжални сиз кўзгадингиз!

ЧЎЯН. Биз? Бўри баковул! Бу хотинни гапини эшитаяпсизми?

ГУЛИСТОН. Чўян полвон! Отгинамни тутиб гапир! Тунов кун кўрганимда, “Гулистон опа” деб тилёғмалик қилаётган эдинг! Энди “бу хотин” бўлиб қолдимми?

БЎРИ. Асосий масаладан ўтлаб кетма, Гулистон! Гапир, жанжални ким бошлади?!

ГУЛИСТОН. Жанжални сиз бошладингиз!

БЎРИ. Вох, парвардигор! Тухматингдан ўзинг асра! Айт, Хонимгул, сени ким ўғирлаб келди бу тухматчи Метинқишлоққа?..

ДЕВОНА. Баковул! Баковул! Шовқини мингта овул!..

БЎРИ (*бирдан мулойим тортиб*). Суйимкул?.. Жигарим!.. Бўйингдан, сен аралашма... (*Хонимгулга*.) Айт, сени ким ўғирлаб келди? Эҳтимол бу метинликлар оёқ-қўлингни боғлаб олиб келишгандир?..

ЧЎЯН. Оғзига тикин тикиб, судраб келишган бўлишса-я! Бир кинода...

ОДИЛ. У ёлгон кино! Бир милтиқдан отишаверади, отишаверади... Нима, у милтиқнинг ўқи ҳеч тугамайдими!..

ЧОРИ. Бир одам кино бошлангандан тинмай югуради охиригача!.. Буям ғирт ёлгон! Жаҳонда мендан бошқа...

БЎРИ. Чобагон! Полвон! Мерган! Асосий масала қолиб кетаяпти!.. Хонимгул! Гапир, қандай қилиб келиб қолдинг бу метинкафасга!

ХОНИМГУЛ. Мен... учиб келдим!..

БЎРИ. Нима дединг?

ЧЎЯН. Жинни бўпти!.. Бир кинода...

ОДИЛ. Ўшанда бир мерган...

ЧОРИ. Югуролмасдан кийикни қўлдан чиқазиб юборган!

БЎРИ (*қишлоқдошларига*). Ўв, асосий масала четда қолиб кетаяпти! Нимага келдиларинг? Метинликлар оғзига қараб ўтираверамизми? Ҳеч бўлмаса, мана бу Хонимгулни гапини тушунишга ёрдам беринглар!..

ЧЎЯН (*Гавдасига ярашмаган бир мулойимликда*). Қизим, Хонимгул, айт-чи...

ГУЛИСТОН. О, булар сўрок бошлади! Тўртта девдай эркак бир бўлиб, гулдай бир қизни сўрок қилишдан уялмайсизларми! Сиз тошқишлокликлар КГБдан ҳам баттарсизлар! Бизнинг қишлоққа келиб, уйимизга бостириб кириб, сўрок уюштириб, ноқонуний ишлар билан шуғулланаяпсизлар! Хонимгулни ҳеч ким ўғирлаб келгани йўқ, ўзи келди! Демак, биринчи бўлиб жанжал чиқарган ўзларинг!..

БЎРИ. Ие, ажаб иш-ку! Бизнинг қизимиз бизнинг қишлоқни ташлаб, ўз оёғи билан сизларнинг қишлоғингизга келаверар экан-да!

ГУЛИСТОН. Келаверади! Чунки... Э!.. (*Баковулдан ҳафсаласи пир бўлгандай қўл силтайди*).

БЎРИ. Нима “чунки”? Нима “чунки”?! Гапингни ичингга ютма, Гулистонбека! Айт, армонинг колмасин! Тошқишлок хакида ўйлаганингни рўйирост гапир!..

ГУЛИСТОН. Гапираман ҳам!.. Сизларнинг Тошқишлокда дунёкиратиё йўк!.. Ҳеч қачон бўлмаган!

ҚОДИР. Амма, ”демократия” денг, ”демократия”!..

БЎРИ. Сизнинг Метинқишлоғингизда бор эканми ўша... дунёкуротиё?

ГУЛИСТОН. Бор!.. Бўлмасаям, энди бўлади! Сизларнинг Метинингиз эса минг йилдан кейин ҳам дунёкиратиё шамолини кўрмай, димикиб ётаверади!..

ЧОРИ. Гулистон, Тошқишлок ҳеч қачон Метинқишлоқдан орқада қолмаган! Бир қарич бўлса ҳам, сизлардан олдин юрган!.. Бизда дунёкуротиё аллақачон барпо бўлган! Мана, *(қишлоқдошларини кўрсатиб)* булар айтишсин!

ЧЎЯН. Мен Жабриддин полвонни йикитганимда, соврунга депокуратиё берган эди. Шуни олиб келиб...

ГУЛИСТОН. Депокуратиё эмас, Чўян полвон, дунёкуратиё!

ҚОДИР. Амма, демократия, демократия!

ГУЛИСТОН. Ишқилиб, қишлоқларингда битта ҳам дунёкуротиё йўк! Бўлмаса, кўнгилнинг ортидан учиб келган бир фариштани милтиқ кўтариб қувиб, шундан шунга келасизларми? Дунёкиротиё – кўнгилнинг эркинлиги дегани! Метинқишлокқа қиш куни кўнгил исингани ҳам бормади!

БЎРИ. Бизни камситма, Гулистон! Қишлоғимизда дунёкуротиё бор! Аммо... Ота-боболаримиздан қолган ғуруримиз ҳам бор! Биз Метинқишлокқа қиз бериб, келин олмаймиз!

ГУЛИСТОН. Чунки сизларда одамларнинг кадри йўк! Кўнгил сизлар учун бир тийин!

БЎРИ. Ўзларинг-чи, ўзларинг!.. Қачон кўнгилнинг ортидан юрибсизлар? Биз бошимиз ерга текканча, таъзим қилиб, қиз сўраб келганимизда ҳам, бермагансизлар! Ур калтақ, сур калтақ қилиб, тоғдан ошириб қувгансизлар! Қанча уро-сур бўлган бу икки қишлоқнинг орасида!.. Қанча кўнгилларни қон қилгансизлар!

ДЕВОНА. Кўнгиллар қон бўлди! Қон!.. Қара, баковул! Менинг кўнглимнинг қони! Кўнглим сўйилган!.. Қара, қон бўлиб

окиб кетаяпман! Кўнглим окиб кетаяпти! Бу тоғлардан окиб кетаяпти!..

БЎРИ. Суйимқул... Жигарим!.. Сени кўрсам... Эзилиб кетаман!.. Юр! Биз билан кишлокқа юр!.. Ўзимиз сенга қараймиз! Биз қариндошларинг қолиб, бегоналар...

ГУЛИСТОН. Сен дунёни ажратиб ўласан, Бўри баковул!

БЎРИ. Одам номусларга ўлиб кетади.

ДЕВОНА (*бирдан бақуриб*). Бормайман! Бўри баковул!.. Бўри! Бўғзимдан тишлама! Қўйиб юбор! (*Бўри билан жонҳолат курашаётгандай*) Қўйиб юбор! Сенлар одамни ўлдирмасанг кўймайсан!.. Менинг нимама колди!.. (*Йиқилиб типирчилайди.*) Бўри!.. Ол, жонимни ол!.. Гулистон! Гулистон!.. Индама, булар жонимни олиб кетишсин!.. Тириклик жонимга тегди, Гулистон!..

Хамма Девонанинг олдига югуриб боради.

ГУЛИСТОН (*Девонанинг бошини тизига олиб*). Қўркма! Қўркма! Хеч жойга бормайсан!.. Қўркма!.. Сени тошқишлоқликларга бермайман!..

ЧОРИ. Ака! Акажон!.. Бундай қилманг-да энди! Ака!..

ҚОДИР. Суйимқул ака! Кўзингизни очинг! Мен Қодирман! Бўриларни нима қилишимни биласиз-ку!.. Кўзингизни очинг!..

РАШИД. Сунъий нафас олдириш керак!

ЧЎЯН. Тўғри, кинода кўрганман!..

ОДИЛ. Милтиқ отсак, ўзига келади!..

ХОНИМГУЛ. Гулистон хола, айтинг, ўлмасинлар...

ГУЛИСТОН. Тошқишлоқнинг содда қизи, ўладиган бўлса, гапимга кирадимми?

ДЕВОНА (*ўзига келиб*). Бормайман!.. Борсам, ўлиб қоламан Тошқишлоқларда! Ўлигимни бўрилар ғажийди!

ҚОДИР. Суйимқул ака, бормайсиз, деяпман-ку!.. Сизни бўриларга талатиб кўяманми?

Девона “оҳ” уради.

ГУЛИСТОН. Жони оғрияпти... (*Йиғлайди*).

БЎРИ. Суйимқул, биздан бунча кўркасан, биз шунча ёмон-мизми? Бор-йўғи кишлокқа юр дедим... Суйимқулжон! Аканг

бўйингдан айлансин!.. Мен гуноҳкор бўлиб колдим!.. Қаерда бўлсанг ҳам одил бўл!..

ГУЛИСТОН. О, шундай гаплар ҳам оғзингдан чиқар экан-а, Бўри баковул! Илгари қаерда эдинг? Сенлар ота-бобонинг урфи деб, ёвузликнинг этагини ушладиларинг!

БЎРИ. Фақат биз эмас, Гулистон. Сенлар ҳам қараб турганларинг йўк...

Бу суҳбат давомида Д е в о н а н и супага ётқизадилар.

ГУЛИСТОН. Қарс икки кўлдан чиқади. Бизда ҳам сендакалар тўлиб ётибди! Ҳамманг бир гўр! Қанча-қанча одамларнинг кўнглини вайрон қилдиларинг! Мана, Суйимқул! Унга метинликнинг қизини олиб берамизми, деб гурилладиларинг! Оқибат, шўрлик Иқбол ўзини сувга ташлади! Суйимқул бечора, ақлидан айрилиб, қишлоқларингдан бош олиб кетди! Юрибди, бу эшикда Тошкишлоқнинг номини эшитса, қалтираб!.. Мени нима қилдиларинг! Раҳматлик Эшнӣёз мени деб қоядан учди!.. Учди! Сенлар билан яшамайман деб ўзини ташлади! “Йўқ, тойиб йиқилган”, деб ўтиб кетавердиларинг! Мана, мен ҳам юрибман! Кечаси ёшимдан ёстигим хўл, кундузи юрагим!.. “Эшнӣёз” десам, хозир ҳам суюқларим зиркираб, бу дунёларда яшагим келмай қолади! Бизлардай қанча-қанча одам сенлар яратган бу тоғларнинг тошига урилиб, ”воҳ, шўрлик бошим” деб қайси бир саҳроларда изғиб юришибди!..

ЧЎЯН. Гулистон, опа, кўпчилиги шаҳарда яшаяпти...

ГУЛИСТОН. Кўнгил вайрон бўлгач, шаҳарлар ҳам саҳродай гап! Саҳролардан баттар! Мана, мен дўзахда яшаяпман! Сизга ўхшаганлар яратган дўзахда!.. Бўри баковул! Чўян полвон! Чори чобагон! Одил мерган! Жуда яхши ишга кўл урибсизлар! Барака топинглар! Яна бировни бахтсиз қилгани милтик кўтариб, ҳаллослаб келибсизлар!..

БЎРИ. Гулистон, биз...

ГУЛИСТОН. Нимага бунча “биз-биз”лайсан, Бўри баковул? Ана, Хонимгул! Ўзи ҳал қилсин ўзининг мушқулини! Кетаман деса, тўрт тарафи қибла! Бормайман, деса, олиб кетиб бўлсизлар! Сенларнинг ҳаммангни ўзим ерга қапиштириб

ташлайман! Бир ўзим! Бўлди шунча чидаганим! Ортиқ сизларнинг қилмишларингга қараб турмайман!

БЎРИ. Гулистон...

ГУЛИСТОН. Менга гапирма, Бўри баковул, Хонимгулга гапир!

БЎРИ (*тошқишлоқликларга*). Хонимгулдан сўрайверайми?

Тошқишлоқликлар бир-бирларига қараб оладилар.

ЧЎЯН. Депокуратиё қилиб, кенгашиб олсакми-ей?..

ГУЛИСТОН. Бўри баковул, айтайми?

БЎРИ. Яна гапинг борми? Айт!.. Айт!..

ГУЛИСТОН. Хотиндан баттар экансизлар! Гапни шартта айтмайсизларми, Тошқишлоқнинг мардлари!

ОДИЛ. Милтиқ қани? Нималар деяпти?..

БЎРИ. Жим тур! Доим асосий масала четда қолиб, милтиқ деганинг деган!.. (*Томоғини қириб олгач, мулойим сўзлар қидириб.*) Қизим... Хонимгул!.. Биздан бир оғиз сўрамай... Ўзбошимчалик билан... бу ерга келибсан! Агар зўрлаб олиб келишган бўлса, айт, биз кўлимиздан келадиган кескин чораларни кўрайлик...

ГУЛИСТОН. Бўри баковул, чайналма!..

БЎРИ. Бундай нозик ишда, Гулистон, гапни майдалаб тушунтирилади. Одамнинг тақдири ҳал бўлаяпти, билсанг!

ГУЛИСТОН. Одамшавандасан, Бўри баковул! Умринг фақат одамларнинг кадрилини ўйлаш билан ўтган. Давом этинг!..

БЎРИ. Хуллас, ўз ихтиёринг билан келдингми, ё... тошқишлоқликларнинг бошини эгмайдиган қилиб, ўйлаб... гапир!

ХОНИМГУЛ. Мен қандай келганимни билмайман... Бир нарсалар бўлди!.. Кейин учиб кетдим... Ҳа, учиб кетдим!.. (*Қодирни кўрсатиб.*) У киши ҳам учди!..

ЧОРИ. Хайрият, ўша пайт кўзим тушмапти!.. Паст учганида югуриб, ушлаб олардим!..

ЧЎЯН. Кейин шу ерга қўндингми?

ХОНИМГУЛ (*секингина*). Ҳа... Қанотимни ўзи олиб келди!..

БЎРИ. Бу жинни бўлиб қолган! (*Холис одам қидиргандай атрофга аланглайди. Рашидга кўзи тушгач.*) Хўв, сен айт, Метинқишлоқнинг темирага ўхшаб тураверасанми? Буни ким олиб келди?

РАШИД. Мен... олиб келганим йўқ!.. Ўлай агар!.. Ана, Қодир олиб келди!.. Қодир, гапирсанг-чи!..

БЎРИ (*Қодирга*). Сен олиб келдингми? Бир четда туришингни кара! Хонимгулни зўрлаб олиб келдингми, ё...

ҚОДИР. Бўри ака, қандай бўлганини билмайман!.. Мен нималардир дедим... Хонимгул ҳам гапирди!

БЎРИ. Нималарни гапирди?

ҚОДИР. Эсимда йўқ.

БЎРИ. Кейин?

ҚОДИР. Кейин... учдик!..

БЎРИ. Буларнинг ҳаммасини жин чалган! Одам ҳам учади-ми? Гулистон, ўзинг айт, одам ҳам учади-ми?

ГУЛИСТОН. Учади! Учади, баковул! Хўш, Хонимгул ўз ихтиёри билан келган эканми?

БЎРИ. Гулистон, ўлай агар ҳеч нарса тушунмадим.

ГУЛИСТОН. Кўнгил ишини қайдан ҳам тушунасан, Бўри баковул. Хуллас, Хонимгул бу қишлоққа учибми, юрибми ўз ихтиёри билан келган! Тушундингми? (*Ҳаммага.*) Энди, мард йигитлар, жанжални кўйинглар-да, қишлоққа қайтиб кетаверинглар! Бориб тўй тараддудини кўринглар! Бизлар ҳам сизлар билан одамга ўхшаб борди-келди қилайлик!..

ЧЎЯН. Бу курашда йикилганимизниям, йикитганимизниям билмай қолдик, баковул! Бир кинода...

БЎРИ. Э кинонгни кўйиб тур!.. (*Довдираганроқ оҳангда.*) Гулистон... Бизни тушун... Биз дабдурустан қайтиб кетолмаймиз! Ўртада ота-боболарнинг удуми бор... Ҳаммага кулгу бўламиз!.. Ҳеч бўлмаса, ур-сур бўлиб, енгилганимизда ҳам бир гапи эди!.. Гулистон, аммо бошимга бир фикр келди. Бу ишда сих ҳам, кавоб ҳам куймасин дейман... Шу... (*Қодирга*) Сенмисан, ҳаммани овора қилиб юрган?

Қодир тушунмайди.

Куёвликка даъвогар сенмисан, деяпман?

ҚОДИР (*негадир чайналиб*). Билмадим...

БЎРИ. Э, сенга бир бало бўлганми?.. Нега чайналасан?

ГУЛИСТОН (*Рашидни ўртага олиб чиқиб*). Куёв, мана бугина йигит, баковул... Куёв, мана бугина!..

БЎРИ (*Ҳайрон қолиб Қодирга*). Куёв бу бола бўлса, сен... нега ўз бошингга учиб юрибсан? Ҳа, майли...

Рашид хуркибгина ўртада турибди.

БЎРИ. Булар осмону фалакка учгандан кейин, буёғи достон бўлиб кетди, Гулистон! Достон бўладиган бўлса, достон бўлсин! Худди достондагидай учта шартимиз бор! Агар куёв йигит шу шартларни бажарса, Хонимгулни унга топширамиз – кўша қарисин! Агар бажаролмаса, ўзидан кўрсин – Хонимгулни Тошқишлоққа қайтариб олиб кетамиз! Нима дединг, Гулистон! Метиннинг бировга гап бермаган кайвонисисан! Гапир! Фақат, илтимос, асосий масаладан гапир!

ГУЛИСТОН. “Мардга мард келмок керак”, дер эди раҳматлик отам. Гапни ётиғи билан тушунтирилса, тоғлар ҳам бошини эгади. Шартинг бўлса, шартингни айт! Метинкишлоқликларнинг кўлидан ҳамма иш келади. Зарур бўлса, осмондаги юлдузни ҳам “гаҳ” деб қўлларига кўндирадилар!

БЎРИ. Мард майдонда синалади! Эшитинглар, биринчи шартим шу: мана бу турган қарчиғайдай йигит – Одил мерган! Шу мерган билан отишиб, учаётган кушнинг кўзидан урган шакаман йигит Хонимгулдан умидвор бўлаверсин! Иккинчи шартим: мана бу турган девдай одам – Чўян полвон! Шу полвон билан курашиб, уни елкасини ер искатган паҳлавон “Тошқишлоқликлар юборган совчимга рози бўлди”, деб ўйлайверсин! Учинчи шартим: мана бу турган қиличнинг шамолидай йигит – Чори чобагон! Шу билан пойга кўйиб, ўзиб келган югурик куш тўйни гумбурлатиб бошлаб юбораверсин!.. Шартларимиз – шу, Гулистон!

ГУЛИСТОН. Шу бўлса, шу-да, баковул! Жон бермасанг, жонона қайда, токка чиқмасанг – дўлона!..

БЎРИ. Бўлмаса, бошладик!.. Одил мерган, милтиқни олиб келинг!..

Одил мерган ховлининг бир четида ётган милтигини олиб келади. Рашид милтикка хавотирда қараб туради.
Бўри баковул милтикни ўклайди.

ЧЎЯН. Аммо худди кинодагидай бўлаяпти! Алпомиш киносида... Шундай мерганлик бўлди!.. Шундай!.. *(нохос Рашидга кўзи тушиб.)* Хўв, бола! Отишмай кўя қол! *(Одил мерганни кўрсатиб.)* Бу юз чақирим наридаги чивинни кўзидан уради! Тушундингми? Унияма ўзини кўрмайди! Овозини эшитса бўлди – уради! Маслаҳатим, отишмай кўя қол, биз ҳам Хонимгулни тинчгина уйга олиб кетайлик!

РАШИД *(жавдираб)*. Мен билмадим... *(Нохосдан.)* Амма, кўлим оғрияпти!.. Кўлим! Ўзи шунақа ишларни кимга кераги бор! Одамнинг бошини оғритиб!..

ГУЛИСТОН. Жим бўл, шарманда, жим бўл!..

РАШИД. Шаҳарга бориб...

ГУЛИСТОН. Жим бўл!..

ДЕВОНА. Кўрқок!..

РАШИД. Амма! Яна шу девонангиз, бир сўз айтса!..

ДЕВОНА. Кўрқок! Кўрқок!..

РАШИД. Амма!..

ГУЛИСТОН. Сен одамни ергинага киргизиб юбораяпсан! Жим!.. Ол милтикни!

РАШИД. Амма! Йкки кўлимни кўтаролмаяпман! *(У ҳақиқатан ҳам кўлини қимирлатишига чираниб ҳаракат қилади, аммо кўрқувдан шалвираб қолган кўллари унга бўйсунмайди.)* Бир бало тегди менга! Яхшиси, мен шаҳарга бориб...

ГУЛИСТОН. Вой, шўрим!.. Метинкишлоқни шарманда қилдинг!.. Вой, бечора Метин!.. Кунини номардларга қолган Метин!

БЎРИ. Гулистон, мана, ўзинг кўрдинг. Бу йигитинг майдонга кирмай кўлини кўтарди. Энди Хонимгулни олиб кетаверамиз, хафа бўлма...

ҚОДИР *(шаҳд билан ўртага чиқиб)*. Бўри ака, Одил мерган билан мен отишаман!

Ҳамма бир оз тараддулланиб қолади.

ЧОРИ. Бу иш қандай бўлар экан?.. Куёв бу ёқда қолиб...

ОДИЛ. Чори чобагон, куёв деманг, куёвликка номзод денг!..

ЧЎЯН. Лекин аммо кинода ҳам кўрмаганим иш бўлди!..

БЎРИ. Сен отишолмайсан, Қодир! Қандай қилиб куёвликка номзоднинг ўрнига сен чиқар экансан?..

ҚОДИР. Нега чиқмас эканман? Ўзингиз бу ёғи дoston бўлиб кетди, деяпсиз... Достонда нима бўлади? Алпомишнинг ўрнига Қоражон курашади, пойгада чопади! Алпомишдай йигитимиз Рашидجونнинг бугун кўли оғриб ўтирган экан, мендай Қоражон келбат дўсти қараб турадимми? Майдонга тушади-да!

ОДИЛ (*камтарлик билан*). Баковул, майли, денг, майли денг! Энди мерганликда Мағрибу Машрикда, худога шукур, бизнинг олдимизга тушадиган одам йўқ! Биласиз...

БЎРИ. Олимпиёда-да Петров номи билан қатнашиб, ҳаммадан ғолиб келганингизни, тепанинг...

ОДИЛ (*ниҳоятда камтарлик билан*). Шохсупанинг, денг, Бўри ака...

БЎРИ. ...Шўхсупанинг энг баланд жойига чиқиб турганингизни ҳам биламиз!

РАШИД (*ҳайратга тушиб*). Одил мерганнинг исм-шарифи Петровми?

БЎРИ. Петровэмас, Ражабов! Аммо Шўролар даврида сиёсат учун Петров дейилган, тушунмаган!.. Бўлди, жим бўл! Сиёсатга аралашма! (*Қодирга қараб*) Биз рози... Қариндошингизнинг ўрнига чиқсангиз, чиқаверинг! Метинликларнинг ички ишига аралашмаймиз!.. Бўлмаса, биринчи шартимизни бажаришни бошладик! Хўш... (*Овозини ўзгартириб.*) Мерганлар! Осмондан куш учиб ўтса, мен команда бераман! Кушнинг кўзидан урган мерган ғолиб деб топилади. Биринчи бўлиб, олимпиёданнинг махфий чирпиёни Одил мерган отади! Марҳамат!..

О д и л м е р г а н милтикни олиб, ховлининг ўртасига келади.

Осмонга милтик ўқталиб, командани кутиб туради.

БЎРИ. От!

Милтик гумбурлайди. Сукунат.

ОДИЛ (*бўшашиб*). Тегмади...

БЎРИ. Тегмади? Адашган бўлма!

ОДИЛ. Адашганим йўк. Ўқни кўриб турдим. Ўқ тўғри кушнинг кўзига етганда, бирдан бурилиб бошқа тарафга учиб кетди... Ҳеч бундай бўлмаган эди. Биринчи марта кўришим. Ўқ шундай тикка борди-да, бировнинг қўли бошқаргандай бошқа тарафга бурилди!.. Тавба!..

ГУЛИСТОН. У парвардигорнинг қўли, Одил мерган, худонинг қўли!

БЎРИ. Одил мерган, шу росткашлигингиз ҳам одамни жонидан ўткази-да! Майли... Майли... Тегмаса, тегмапти... *(Қодирга, жайдари овозда)* Энди сен от!

ҚОДИР. Команда бермайсизми?

БЎРИ. Ҳа... Бирдан мадорим куриб де... Майли, команда берсам, берай...

Қодир ҳовли ўртасида осмонга милтиқ ўқталиб туради.

БЎРИ. От!

Милтиқ овози гумбурлайди.

ДЕВОНА. Тегди! Тегди! Кўзидан урди! Девордан нарига йиқилди.

РАШИД. Ҳозир олиб келаман.

БЎРИ. Тўхта! Бу ерда хакам бор! Ундан бошқа одам мусобақага аралашмоғи мумкин эмас!.. Мен ўзим!..

У ташқарига чикиб кетади. Ҳамма сукунатда кутади. Бир оздан кейин Б ў р и б а к о в у л кайтиб келиб, супага хорғин чўқади.

БЎРИ. Тегибди. Нақ кўзидан тегибди!

ХОНИМГУЛ. Тегибдими? Ура!.. Ура!..

Негадир ҳамма жим.

ГУЛИСТОН *(бирдан нима бўлганини англаб)*. Вой, сенинг қарчиғай кўзларингдан амманг айлансин! Вой, ўзимнинг шакаман мерганимдан!.. Бўри баковул, нимага ичи тушган қовундай шалпайиб ўтирибсиз! Биринчи шартни Қодиржон бажарди, деб эълон қилмайсизми? Ҳа, майли!.. Иккинчи шартга ўтинг!

Бўри баковул жим.

ЧЎЯН. Хомуш тортманг, баковул, курашда ким ғолиб бўлишини биласиз-ку!.. Мен турганда, бошқаларга йўл бўлсин! Менга бутун жаҳон қойил қолганини неча марта газеталар ёзди? Ҳатто бир кинода...

БЎРИ. Кинони кейин гапирасан! Аммо жаҳон қойил қолгани рост.

РАШИД (*анграйиб*). Чўян полвон ҳаммани енгганми?

БЎРИ. Енгган, енгган...

РАШИД. Абдулла полвонни ҳам урганми?

БЎРИ. Тангри полвоннинг ўғли Абдуллани атаяпсанми?.. Ўзи қанақа боласан! Кураш туш деса қилпиллайсану, гап деса чиқиллайсан! Чўян полвон ҳаммадан зўр, тушундингми? Абдулланг зўр бўлса, келиб кураш тушсин!

РАШИД. Чўян полвон нега бормайди?

ЧЎЯН. Бу бола курашни расмини билмас экан-да!.. Зўр курашчи бировга талаб қилиб бормайди, тушундингми?

ДЕВОНА. Йиқилади! Чўян йиқилади! Фаришталар!.. Қодирнинг бошида фаришталар!.. Чўян, қоч! Йиқиласан, қоч!..

БЎРИ. Суйимқулжон!.. Курашга аралашма бўйингдан! Алининг майдонида хўлу курук баробар ёниб кетмасин!..

Полвонлар бир-бирларига шитоб билан яқинлашади ва... Чўян полвоннинг оёғи осмондан келиб, Қодирнинг тагига тушади. Метинқишлоқликлар қувончдан сакрайди. Айниқса, Девона хурсанд. Тошқишлоқликларни эса сукут беаёв босган.

ХОНИМГУЛ. Йиқитди! Йиқитди!.. Чўян полвонни йиқитди!.. Ура!..

БЎРИ. Ўв, Хонимгул, қиз болага ўхшаб, уялибгина турсанг бўлмайдимми-а?

ЧЎЯН (*ўрнидан боши айланибгина туради*). Нима бўлди?..

ЧОРИ. Шарманда бўлдик!..

ОДИЛ. Ўзи биров кўрмаган бунинг олишганини... мақтана-верса, ишониб қолдикми-ей?..

БЎРИ (*ўзига келиб*). Курашимиз ҳалол бўлиши керакми, Гулистон?

ГУЛИСТОН. Ҳаром бўлдимми?

ДЕВОНА. Бўри, бўри! Ҳалолнинг шўри!

БЎРИ. Чўян полвон қоқилиб йиқилди. Бу ҳисоб эмас! Полвонлар яна қайта олсин!

ГУЛИСТОН. Вой, сени баковул деганни!..

Гулистон Бўри баковулнинг устига даҳшатли юриш бошлайди.

ҚОДИР (*ўртага тушиб*). Амма! Амма! Ўзингизни босинг! Майли! Майли, амма! Кўнгилларида шубҳа колмасин! Қайта олишамиз!..

ГУЛИСТОН (*кайфияти ўзгариб*). Ўзимнинг мард боламдан айланай! Майли, яна бир ҳинкиллашиб кўтариб ур! Фақат хинкиллашиб!...

БЎРИ. Ана, бу бошқа гап! Қани, полвонлар, давра айланиб, яна бир қафас олинглар!.. Ҳалол олинглар! Ҳалол!..

Полвонлар яна курашни бошлайдилар. Қодир усул ишлатиб, Чўян полвонни елкасидан ошириб уради. Яна метинкишлокликлар хайкиришади; тошкишлокликлар эса оталари ўлгандай, кунчишиб турибдилар.

ХОНИМГУЛ. Худойим!.. Ҳақиқат бор экан-ку!..

БЎРИ. Мен сенга нима дегандим? Уялибгина тур дегандимми? Ҳе, тарбия берган кишлоғингни!.. Астағфирулло!

ГУЛИСТОН (*уй ичига югуриб кириб, янги чопон олиб чиқади-да, Қодирнинг устига ташлайди*). Болагинамдан айланай!.. Қўрадаги кўчқоргиналарнинг тўрттаси сеники! Тоғда юрган саркаларнинг ҳам тўрттасини тўйингга бағишладим... Энди учинчи шартингга ўтавер, баковул!

БЎРИ (*метинликларга, нима бўлганига ҳозир ҳам ишонмай*). Ҳалол бўлдими?.. (*Чўянга.*) Мабодо, қоқилиб-покилиб кетмадингми?..

ЧЎЯН. Ҳадеб қоқилиб кетавераманми? Йиқилдим, баковул, йиқилдим!.. Ҳайронман! Бу болага бир бало теккан! Пирлар қўллаб тургандай! Мен ҳам бориб энамга тўртта чирок ёқтириб юбормасам...

ОДИЛ. Тумор ол. Бўйнингга тақиб юр!..

ЧЎЯН. Ўзинг ол!

ОДИЛ. Оламан. Олмасам, бўлмайди... Ҳаммамиз гуппа-гуппа йиқилиб ётибмиз!..

ЧЎЯН. Ҳавога пақ-пақ отиб...

ГУЛИСТОН. Бўладиган ишни бўладигани яхши, Бўри баковул! Учинчи шартни ҳам бошланг!..

БЎРИ. Чори чобагон, бўйингдан, энди умид ёлғиз сендан!.. Аммо мана булардай бўладиган бўлса, пойгага кирмай қўя қол!

ЧОРИ. Э ака, нима деяпсиз? Ўтиб кетаман! Кийикни қувиб етганман, ахир! Бундай нозик пайтда!.. Кўнглингиз тўқ бўлсин, ака! Тошкишлоқнинг обрўси учун оёғимизни аямаймиз!

БЎРИ. Сенинг оёғингдан, Чори чобагон, оёғингдан! Қани, бошлаймиз! Пойгани мана шу ердан бошлаймиз, чобагонлар! Ҳўв, Оқтошни айланиб, яна шу ерга қайтиб келасизлар! Қани, қатор туринглар!

ЧОРИ. Қодиржон, югуриб кетаверсинлар! Биз бир ярим соатдан кейин, аста-аста бораверамиз! Биринчи келган ғолиб бўладигандан кейин... Худога шукур, ҳали биринчиликдан бошқа ўринни олганимиз йўқ! Товнинг нариги томонидаги Ойқувватқал чўпон ҳам чангимизни кўролмай қолган!..

ҚОДИР. Биз чанг чиқармай югурамиз, Чори ака!

ЧОРИ (*чиндан ҳайрон қолиб*). Қандай килиб? Чанг чиқармасдан-а?

БЎРИ. Энди шу гапни жойими, Чори?

ЧОРИ. Э, ака, касбнинг сирини билиш керак-да!..

БЎРИ. Қани, қатор туринглар! (*Оёғи билан чизик тортади.*)

РАШИД. Старт чизигими?

БЎРИ. Қанақа “старт”?! Пойгабоши дейди буни, ўзбекчани билмаган! Қани, қатор туринглар!

ЧОРИ. Баковул ака, Қодиржон югуриб кетаверсин!.. Биз бир пиёла чой ичиб... Бизга Оқтош беш дақиқали йўл!

БЎРИ. Чори, пойгабошида турасанми, йўқми? Ҳамманг мақтанасан! Мақтанасан!.. Ишга келганда...

ЧОРИ. Ҳа, майли, ака!.. Асабийлашманг!.. Турсак турибмиз!

Ч о р и билан Қ о д и р бадан киздириш машқларини бошлайди.

БЎРИ. Дикқат! Пойгабошига бор!

Ч о р и ва Қ о д и р чизикка қатор туради.

БЎРИ. Югур!..

Пойгачилар сахнадан отилиб чикиб кетадилар.

ДЕВОНА. Учиб кетди! Учиб кетди!.. Гулистон, Қодир учиб кетди!

БЎРИ. Суйимкулжон, жим тур!.. Э, хайрият! Кетишди-я!.. Гулистон, сенга айтсам, ташкилий ишдан ёмони йўк. Одамнинг тинкасини қуритади. Мана, Хонимгулни қувиб келишимиз керак, де! Бунга бораман, унга бораман! Бири “ишим бор”, дейди, бири “касалман” дейди. Қишлоқнинг обрўйини ким ўйлайди? Югурганим-югурган!..

Сахнанинг бу томонидан Қодир югуриб киради.

Хонимгул сассиз қарсақ чалади.

...Оёғимда оёк қолмайди! Э бор дейин дейману!.. Аммо Тошқишлоқ доврўғи оламга сиғмаган бир жой бўлса!.. Хорижликларнинг олдида шарманда бўлмайдик, деб... (Қодирга кўзи тушади). Сен нега югурмасдан бу ерда турибсан?

ҚОДИР. Оқтошингизни югуриб айланиб келдим, Бўри ака!..

БЎРИ. Бизни аҳмоқ қилаяпсанми? Ғирромлик қилма! Эшиқдан шундай чикиб, эшикка шундай қайтиб киргансан!..

ГУЛИСТОН. Қодир! Метинқишлоқдан ғирром чиқмаган! Бизга ғирромликнинг кераги йўк! Енгилсанг ҳам, ҳалол енгил!.. Бу нимаси?

ДЕВОНА. Учиб келди! Учиб келди!..

ҚОДИР. Ҳа... Мен... Худди шундай... Учиб келдим!..

БЎРИ. Ҳе ўргилдим!

ЧЎЯН. Баковул, қаноти борми, йўқми, кўринг!

ОДИЛ (Қодирнинг яқинига келиб). Лекин қанотнинг шамоли бор баданида!

ҚОДИР. Акалар, ғирром хунарларинг кўп экан!.. Оламга ишонмайсизлар-а! Ёшларингни ҳурмат қилиб, шунча жим турдим! Энди бир аччиғим чиқса!..

РАШИД. Амма! Қодирингизга айтинг! Аччиғи чиқмасин! Жанжал бўлади!

Шу пайт ҳориб-чарчаб гандираклаган Чори чобағон кириб келади ва сахнани бир-икки довдираб айланади. Сўнг Қодирнинг каршисига бориб калкиниб туради. Унга нимадир демокчи бўлади, тили калимага келмай, ўртага беҳуш чалканча йиқилади.

БЎРИ. Оббо! Бунга метинликлар дори берибди! Чори! Чори!..

ЧЎЯН. Билмабман, менгаям дори беришган экан-да!.. Бир кинода...

ОДИЛ. Икки бошли какликни отган овчи ҳақидаги кинони айтаяпсанми?

БЎРИ. Э, киноларингнинг падарига лаънат! Чори ўлиб қолди!

ДЕВОНА (*Бирдан югуриб Чорининг бошига келади*). Чори! Укажон! Ўлма!.. Ўлма!.. (*Чорининг юрагига қулоқ солади*). Айтганимни қилди! Ўлгани йўқ. Юраги гумбурлаб турибди!

Хонимгул зириллаб бориб, сув келтиради. Гулистон
Чорининг юзига сув сепади.

ЧОРИ (*ўзига келиб, Қодирни кўрсатади*). Учди...

БЎРИ. Нима?

ЧОРИ. Учди...

БЎРИ. Ё парвардигор! Мен бугун жиннихонага тушиб қолдим, шекилли! Эй, Чори! Менга қара, нега калламни гарант қиласан? Қандай қилиб, одам учади, а?! Қандай қилиб?

ЧОРИ. Учса, учгандир... Мени йиқитди-ку!...

БЎРИ. Майли, йиқитсин! Майли, қушнинг кўзидан урсин! Аммо қандай қилиб учади? Қодир! Қодиржон, ҳеч бўлмаса, сен гапир! “Учмадим, мана бу даббадан ўз оёғим билан югуриб ўтиб кетдим” де!.. Жон ука!..

ҚОДИР. Бўри ака, келиб-келиб сизни алдайманми? Учдим! Ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам шу – учдим!

ДЕВОНА. Учди! Учди!.. (*Хонимгулни кўрсатиб*) Бу ҳам учиб юрибди!.. Бу ерда йўқ! Ҳўв, осмонда!.. Баландда!

БЎРИ. Суйимқул, ука!..

ГУЛИСТОН. Бўрибой, баковуллигингиз эсингиздан чиқиб, асосий масаладан четга чиқиб кетдингиз! Энди дамақиратиёни ўрнига қўйиб...

КОДИР. Амма, демократия!

ГУЛИСТОН. Э мен кайдан биламан нималигини? Кўрган бўлмасам!..

БЎРИ. Нима бўлса ҳам, яхшилик бўлсин!

ГУЛИСТОН. Хуллас, деновкурагиёни ўрнига қўйиб, тан олинг: Хонимгул энди бизнинг келин бўлди!

БЎРИ. Ҳовликма, Гулистон, ҳовликма!.. Кенгашли тўй таркамас!.. Хўш, айтинг, Чўян полвон, шартларнинг натижаси нима билан тугади?

ЧЎЯН. Биз енгилдик, баковул.

БЎРИ. Одил мерган, сиз айтинг!

ОДИЛ. Енгилдик, ака.

БЎРИ. Чори чобагон, сиз гапиринг!

ЧОРИ. Баковул, ютқаздик...

БЎРИ. Ютқазган бўлсак, ютқаздик!.. Гулистон! Тошқиш-локликларнинг мардлигини кўриб қўй: мана, бу Хонимгул энди сизларнинг келинларингиз!.. Қани, биродарлар, энди енгилган бошимизни эгиб, қишлоққа кириб бораверамиз...
(Тошқишлоқликлар қўзғаладилар)

ГУЛИСТОН. Шошманг, Бўри баковул, шошманг! Нега бошларингни эгиб кетар экансизлар! Бошингизни осмонга етказиб кириб борасиз! Чунки энди метинқишлоқнинг қудандасисиз! Мен қудаларимнинг иззат-хурматини шундай жойига қўйиб жўнатай, тоғларнинг ҳам ҳаваси келсин, боғларнинг ҳам!.. Ҳозир, ҳозир, айланай қудалар, ҳозир!..

Гулистон пириллаб ичкарига кириб, совға-салом олиб чиқади.

Елкангизни эгиб туринг, айланай баковул...

Гулистон Бўри баковулнинг елкасига чопон ташламоқчи бўлади.

БЎРИ *(бирдан эсига тушиб)*. Ие!..

ГУЛИСТОН *(чўчиб кетиб)*. Вой, илон чакдими?

БЎРИ. Куёв ким, Гулистон, куёв ким?

Сукунат чўқади. Ҳамма бир-бирига қарайди.

РАШИД. Амма... Куёв менман, шекилли... Амма, мен!..

ГУЛИСТОН. Ҳа-я... Куёв мана шу... Рашид...

ЧЎЯН (*бирдан*). Бўлмайди!.. Отган биров, чопган биров, бу киши куёв бўлаверадими? Ҳалиги... Нима эди? Девоқулатиё каёқда қолди?.. Ҳатто кинода ҳам бунақа воқеа йўғ-е!

ОДИЛ. Баковул! Қизимиздан бир оғиз сўрамоқ лозим. Шу йигитга тегаман деса, тегаверсин! Аммо бошқа гап қилса, қизимизни бу ерга бекорга ташлаб қўймаймиз!.. Яна мингта шарт қўйиб, дунё тугагунча курашиб ётаверамиз!..

ЧОРИ. Гулистон опа ҳамманинг олдида Хонимгулдан сўрасин! Розилик берса...

РАШИД. Амма!.. Булар нима деяпти?

ГУЛИСТОН. Рашиддон, аммагинанг айлансин...

РАШИД. Нима бўлди, амма?..

ГУЛИСТОН. Бахт қуши келмаяпти...

БЎРИ. Қанақа бахт қуши, Гулистон?

ГУЛИСТОН. Бу тоғларга бахт қуши қайтган эди, Бўри баковул. Яна кўринмай қолди...

БЎРИ. Бахт қуши келган эдими?

ГУЛИСТОН. Ҳа... Бахт қуши! Бахт қуши!.. Энди бизни ташлаб кетма-да!..

БЎРИ. Гулистон, сен Хонимгулдан сўра... Эҳтимол...

ГУЛИСТОН. Хонимгул, қизим, сен шу Рашиддонга тегишга розимисан?

Сукунат. Ҳамманинг кўзи Хонимгулда.

ХОНИМГУЛ. Йўқ. Мен унга тегмайман.

Сукунат.

РАШИД. Амма!.. Амма!.. Энди музлаб қолдим!..

БЎРИ. Унга тегмасанг...

ДЕВОНА. Кимга тегасан? Хонимгул, кимга тегасан?

ХОНИМГУЛ. Мен... Мен...

ГУЛИСТОН. Айт...

БЎРИ. Айт! Айт!

ЧЎЯН. Кўркма, биз бор. Айтавер...

ХОНИМГУЛ. Менинг кўнглим...

ОДИЛ. Кўнглингни айт, кўнглингни!..

ХОНИМГУЛ. Менинг кўнглим Қодир акада!..

У Қ о д и р га қарайди. Қ о д и р нинг ҳам кўзлари унда.

ЧОРИ. Вох, булар нега учиб юрганини энди тушундим!..

БЎРИ. Энди Қодирнинг ҳам кўнглини сўраймизми, Гулистон?

ЧОРИ. Сўраб нима қиламиз. Учиб юрибди-ку!..

ЧЎЯН. Нега йиқилганимни энди билдим!..

ОДИЛ. Буларни худо қўшган экан!.. Бўлмаса, мен отган ўқ ҳам хато кетадими? Қодир, нимага қараб турибсан, бир нарса де!..

ҚОДИР. Мен ҳамма сўзларимни айтаяпман! Ҳамма сўзимни, Хонимгул эшитаяпти! Хонимгул, эшитаяпсанми?

ХОНИМГУЛ. Эшитаяпман! Эшитаяпман! Сизнинг сўзларингиз... Гапиринг! Жимгина гапиринг!..

РАШИД. Амма, мен нима қиламан?

ГУЛИСТОН. Сен ўртага тушма энди, бахтлиларнинг ўртасига тушма!..

РАШИД. Шаҳарга кетайми?

ГУЛИСТОН. Тўйни ўтказиб кетасан!.. Бўри баковул, бахтлиларга дуо беринг!

БЎРИ. Омин, кўша қарисинлар!..

ГУЛИСТОН. Вой!.. Бахт қуши келди!..

Яна мухташам мусиқа янграйди. Дунёга яна ранг кириб, минг тусда жилва қилади. Ҳамма вазнсизлик ҳолатига тушгандай.

Г у л и с т о н шу ҳолатда тошқишлоқликларга сарпо кийгиза бошлайди. Қ о д и р ва Х о н и м г у л учган каби бир-бирларига якин келадилар...

П а р д а т у ш а д и .

Битди

2005 йил.



ҚУРШОВ

(Драма)

Қатнашувчилар:

Бизникилар:

Равшан

Зулхумор

Карим

Офтоб

Тўйчи тоғбеги

Ҳаммага барибирлар:

Мирсоат

Ипакхон

Террорчилар:

Кабир

Жобир

Мадали

Мулла Отамурод

Самандар

Саидахбор

Шунингдек, террорчи йигитлар.

Сахна коронғу. Лекин товушларга тўлган. Шамол ва шамолда тўлгонган боғларнинг, самолёт ва автомобилларнинг, ракета ва коинотнинг, сокин мусика ва тўфонларнинг, денгиз ва дарёларнинг, куш ва одамларнинг... Телефондан гаплашаётган одамларнинг гангир-гунгири бу шовкин ичидан турфа тилларда эшитила бошлайди. Бу узук-юлук гаплар турфа телефон сигналлари, радионинг хириллаши, магнит тўфонларида кесилиб туради.

Овозлар.

- Ай вонт ту хоу ту зе сизте?...
- Ты меня потерял?..
- Эй, нури худо дар азал руйи ту маро...
- Ҳа, сенинг юзингда азалдан Оллох нури акс этган...
- Вуэ зе директа? (Whos the director?)
- Чаще звони!
- Мен сени соғиндим!
- Ошга бормаймизми?
- Ай кенот ҳиэ ю!
- Говорите громче?
- Эшитмаяпман!
- Зе кэнекшен из пуа!
- Чашми ман, ту гужо рафти?
- Связь плохая!
- Тинчлик бўлса, учрашамиз!
- Мен сени йўқотиб қўйдим...
- Где ты?
- Ит из коулд!
- Холодно! Без тебя холодно!
- Совук! Сенсиз дунё музлаб кетаяпти! Сенсиз дунё музлаб кетяпти деяпман!.. Сенсиз дунё музлаб кетяпти! Қаердасан?!.. Сенсиз дунё музлаб кетяпти!

Жонсарак мусика авози шовкинни босиб кетади ва бирдан портлаш овози эшитилади. Мусика кескин узилади. Даҳшатли жимлик чўқади. Сўнг аллақандай аёлнинг жон оғриғида чинкириғи эшитилади. қандайдир эркак чидолмай ўкириб йиғлаб юборади. Болаларнинг изиллаб йиғлагани эшитилади. Кейин фожианинг шовкин-сурони авжга чиқа бошлайди. Аввалига ўқтин-ўқтин автоматлар

тариллаши, бомбаларнинг гумбурлаши эшитилади, бора-бора бу шовкин ҳақиқий жангнинг суронига айланади. Жанг асносида одамларнинг бақир-чақирғи жон ўртар бир оҳанг касб этади. Бу суронга мусика ҳам қакшаб қўшилади. Сахнада ёғдулару овозлар аралашувида ваҳимали бир тўс-тўполон.

- Мама миа!
- Боже мой! Что они делали!
- О! Майн гот!
- Вой! Худойим!... Энди қандай яшаймиз!
- Террористы взорвали автобус с пассажирами!
- Трупов с улиц никто не убирает...
- Жангарилар гуруҳи тинч аҳолини ҳам аямаяптилар...
- Жангарилик урфга кириб бораётган бугунги кунда...

Сахна айланиб, лейтенант Р а в ш а н С о б и р о в н и олиб киради. У шоҳбекатда. Дунёни забт этган шовкин-сурон аста-аста тинади. Факат тайёраларнинг учиб, кўниб тургани эшитилади. Тинч ҳаётни гараннум этаётган мусика дунёга оқиб турибди. Равшан жомадонининг устида ўтириб, қўлтеелефонда гаплашяпти. Аммо суҳбат асносида телефонсиз ҳам бемалол гаплашадилар.

РАВШАН. Алло, мени эшитаяпсизми?

ЗУЛХУМОР. Эшитаяпман... Келяпсизми? Қаердасиз?

Сахнанинг бир четидаги уйда З у л х у м о р кўринади. У ҳам аввал телефонда, сўнг суҳбат асносида телефонсиз гаплашди.

РАВШАН. Заставадан бугун вилоят марказига етиб келдим. Аэропортдаман... Уйдагилар яхшими? Ўзинг яхшимисан?

ЗУЛХУМОР. Тошкент яхши! Ўзим ҳам яхшиман!.. Қачон етиб келасиз? Ҳамма сизни кутиб турибди. Бугун бозордан қатта қўчқор сотиб олдик. Оёғингиз тагига сўймоқчимиз... Қачон учасиз?

РАВШАН. Ҳозир. Беш-ўн дақиқадан сўнг...

ЗУЛХУМОР. Тезроқ келинг... Соғиниб кетдим...

РАВШАН. Мени айтмайсанми? Доим кўз олдимдасан. Ёлғиз қолдимми, сени ўйлаганим ўйлаган. Тоғу тошларда ҳам сен билан гаплашиб юраман.

ЗУЛХУМОР. Сиз ҳам ҳаёлимдан бир зум кетмайсиз... Таътилингизни тугатгандан кейин, мени албатта олиб кетасиз.

РАВШАН. Тинчлик бўлса, олиб қайтаман. Фақат қийналмасанг бўлди..

ЗУЛХУМОР. Ўша тоғу тошларингизда тошдай яшайман. Билиб қўйинг, ёнингизда бўлсам, мен ҳамиша бахтлиман!..

РАВШАН. Мен ҳам... Мен ҳам сендай яхши одамим борлигидан бахтиёрман!

ЗУЛХУМОР. Тезроқ келинг!..

РАВШАН. Тайёрадан тушаману, такси олиб, уйга еламан! Бир ярим соатда, насиб қилса, дийдор кўришамиз!

ЗУЛХУМОР (*ҳазиллашиб*). Бир ярим соат! Жуда узун... Кутавериб, сочларим оқариб кетмаса эди...

РАВШАН. Ана, тайёрага таклиф қилишаяпти! Хайр!

ЗУЛХУМОР. Хайр! Тезроқ келинг!

РАВШАН. Бир зумда етиб бораман... Хайр.

Зулхумор ғойиб бўлади. Равшан жомадонини кўтариб, ўрnidан кўзгалади. Аммо яна хавотирли мусика янграйди. Равшан тўхтаб, атрофга аланглаб қарайди. Шу пайт унинг телефони аллақандай ваҳимага тўлиб куйлаб юборади.

РАВШАН. Оббо!..(*Телефонга.*) Ҳа, лейтенант Равшан Собировман! Эшитаман, ўртоқ майор! Ҳа, бугундан таътилдаман. Йўқ, уйга етиб борганим йўқ. Аэропортдаман... Нима? Заставага қайтишим керак? Таътил бекор қилинди? Тинчликми, ўртоқ майор?.. Худди шундай! Борганимдан кейин биламан!..

У бўшашиб, жомадонни ерга қўяди. Югургилаб, оддий аскар формасида Карим киради. У музқаймоқ еб келяпти. Бошқа қўлида эса яна бир музқаймоқ.

КАРИМ. Кетиб қолмадингизми, деб югуриб келяпман... Сизга ҳам музқаймоқ олдим. (*Музқаймоқни узатиб*) Олинг, жуда зўр экан, шоколадли!..

РАВШАН (*оларкан*). Раҳмат!

КАРИМ. Музқаймоқни жуда яхши кўраман!

РАВШАН. Мен ҳам яхши кўраман.

КАРИМ. Ие, одамлар тайёрага чиқишаяпти-ку!.. Юринг, кечикиб қоласиз... (*У эглиб, Равшаннинг жомадонини кўтариб олади.*)

РАВШАН. Жомадонни машинангга қайтариб элт!..

КАРИМ. Ие, жомадонсиз кетасизми?

РАВШАН. Йўқ!.. Ўзим ҳам жомадон билан машинангга ўтириб, заставага қайтаман. Қўнгироқ қилишди...

Сукунат чўкади.

КАРИМ (*бир орзиқтирадиган хушёрликда*). Ишқилиб... тинчликми?

РАВШАН. Билмадим.

КАРИМ. Таътилингиз... нима бўлади?

РАВШАН. Таътилни энди сен билан бирга қадрдон чегарада ўтказамиз-да, Каримбой...

КАРИМ. Э, худо-ей... Ўзи сезгандим...

РАВШАН. Нимани сезгандинг?

КАРИМ. Кеча тушимда машинамининг балони ёрилиб кетибди...

РАВШАН. Машинангни чегарага қайтишимга нима алоқаси бор?

КАРИМ. Бор-да... Сезиб турибман... Э, худойим-ей!.. Кетдик бўлмаса!..

Улар ташқарига йўналадилар. Телефон мусика чалади. Р а в ш а н телефонни олади. Тўхтайди. К а р и м чиқиб кетади.

РАВШАН. Салом алайкум! Эшитаман...

Саҳнанинг бир четида З у л х у м о р кўринади.

ЗУЛХУМОР. Нега келмаяпсиз?

РАВШАН. Зулхумор? Қаердан билдинг бормаётганлигимни...

ЗУЛХУМОР. Бирдан кўнглим қора тортиди...

РАВШАН. Сенинг кўнглинг ҳам...

ЗУЛХУМОР. Яна чегарага қайтаяпсизми?

РАВШАН. Ҳа... Буйруқ бўлди.

ЗУЛХУМОР. Ўзлари таътил бериб, яна чакириб олишадими?

РАВШАН. Зулхумор, мен ҳарбийман. Бизда буйруқ муҳокама қилинмайди...

ЗУЛХУМОР. Келинг... Илтимос, келинг!.. Ахир, мен сизнинг уйингизман. Сизни соғинганман...

РАВШАН. Соғинчдан гапирма-да, Зулхумор... Мен ҳам соғиняпман. Сендай уйим бўладию соғинмайманми? Аммо уйимнинг бошида паноҳ бўлиб турган юрт бор. Унга керак бўлгандирманки, “чегарамга етиб кел” деяпти!

ЗУЛХУМОР. Ўша... “қайт” деган командиригиз юртми?

РАВШАН. Вазиятга қараб кимдир юртга ҳам айланиб бо-
ради...

ЗУЛХУМОР. Нима, бирор нотинчлик рўй бердимми?

РАВШАН. Сен хавотир олма...

ЗУЛХУМОР. Мен бораман...Ортингиздан етиб бораман!

РАВШАН. Зулхумор! Жоним менинг! Мехру муҳаббатга тўла уйим! Сен хавотир олма, ахир! Чегарада нима қиласан?

ЗУЛХУМОР. Сизсиз кўнглим ҳам ярим, уйим ҳам ярим, дунём ҳам ярим, ўзим ҳам соғинчга тўла яримта жонман...

РАВШАН. Мен мана шу гапларинг билан бутунман-да, Зулхумор! Мана шу гапларинг учун сени яхши кўраман!

ЗУЛХУМОР. Энди... чегарангизга қайтасизми?

РАВШАН. Ҳа. Омон бўл, Зулхумор!

ЗУЛХУМОР. Мендан хафа бўлманг... Аёллар суйимли ода-
мини доим ёнида кўргиси келади.

РАВШАН. Сен доим ёнимдасан! Кўнглимдасан!..

ЗУЛХУМОР. Сиз ҳам... Сиз ҳам!..

РАВШАН. Яхши қол!

ЗУЛХУМОР. Негадир боргим келяпти... Негадир ёнингизда
бўлгим келяпти!..

РАВШАН. Соғу омонликда кўришайлик!

ЗУЛХУМОР. Илоё, соғу омонликда кўришайлик.

Р а в ш а н хавотирли мусика қуршовида чикиб кетади.

Саҳнага коронгулик чўкади.

2

Бир довон. Атрофда тоғлар. Саҳнада ўрмон билан камраб олинган сайхонлик. Сайхонликнинг теграсида харсанглар мукка тушиб ётибди. Қушлар ажабтовур турфа оҳангда нағма қиляптилар. Олисдан зўриқиб келаётган машина овози эшитилади. Овоз яқинлашиб келиб, ўчади. Бир оздан сўнг саҳнага Р а в ш а н в а К а р и м кириб келишади. Улар а:рофга қараб, табиатнинг гўзал манзараларидан завкланиб келяптилар.

КАРИМ. Бошқа бирор ҳайдовчи мен ўтган бу жойлардан юролмайди! Одамнинг оёғи етмаган бу жойни яхши кўраман! Доим тўхтаб, машинага бир фасл дам бераман... Қаранг, жаннатнинг ўзи! Бу жойни ҳеч ким билмайди.

РАВШАН. Сен эса шу ерлик тоғчилардансан! Биласан-да!..

КАРИМ. Биламан. Бу тоғдаги чиройли жойларнинг ҳаммасини биламан.

РАВШАН (*атрофга қараб, ҳузурланиб*). Лекин энг чиройли жой мана шу ер!..

КАРИМ. Ие!.. Сиз қаердан биласиз?

РАВШАН (*қулиб*). Лейтенант доим оддий солдатдан кўра кўпроқ билади.

КАРИМ. Тўғри... Аммо... Аммо қаердан биласиз?

РАВШАН. Мен кўп нарсани биламан, оддий аскар Карим Раҳимбоев! Ўтган-кетганда машинанг “шу ерда дам оламан”, деб хархаша қилишини ҳам, сенинг ҳаққушга ўхшаб, сайрашингни ҳам... Кейин бир пари “пир” этиб учиб, бу ерга кўнишини ҳам...

КАРИМ. Э!.. Э!.. Қаердан биласиз!

РАВШАН. Машинананг рулини айлантириб, “чегарачи-ман” деб юрибсиз-да! Қайси замонда яшаётганимиздан эса хабарингиз йўқ. Электроника даври! Чегарамизнинг электроника кўзи жуда ўткир, оддий аскар Раҳимбоев!

КАРИМ. Офтобни ҳам... кўрдингизми?

РАВШАН. Нега кўрмас эканман? Чикқанини ҳам, ботганини ҳам кўраман!..

КАРИМ. Мен... Бошқа... Офтобни айтаяпман.

РАВШАН. Исми... Офтобми?

КАРИМ. Ҳа... Коллежда бирга ўқиганмиз.

РАВШАН. Яхши кўрасанми?

КАРИМ. Яхши кўриш ҳам гапми! Яхши кўришдан ҳам ортиқ яхши кўраман!.. Бир соат телефонхат ёзмаса, ўзимни йўқотиб қўяман... Гўё йўқ одамдайман. Ҳалиги... Нима десам экан? Яримта одамга ўхшаб қоламан...

РАВШАН (*нимадир эсига тушиб*). Нима?..

КАРИМ. Яримта одамга ўхшаб қоламан-да!..

РАВШАН (*эсига тушиб, таъсирланиб*). Чиндан яхши кўрар экансан... ўша Офтобни.

КАРИМ. Икки ойдан кейин хизматим тугайди. Худо хоҳласа, мен ҳам институтга ўқишга кираман.

РАВШАН. Қанақа ўқишга?

КАРИМ. Офтоб ўқиётган институтга! У биология факультетида ўқийди, мен ҳам ботаник бўлмоқчиман. Институтни битириб тўй қилмоқчимиз!.. Умримизнинг охиригача қандай яшашимизни майда-чуйдасигача ўйлаб кўйганмиз... Ўртоқ лейтенант, тўйга сизни ҳам айтаман...

РАВШАН. Раҳмат!... Коллежда яхши ўқиганмисан?

КАРИМ. Яхши ўқиганман. Мактабда ҳам, коллежда ҳам... Аммо ботаникадан аълодан ҳам аъло ўқиганман. Чунки дарахтларни, ўсимликларни жуда яхши кўраман... Ишонасизми, мана шу гиёҳни (*чўккалаганча, бир гиёҳга авайлаб қўл теккизади*) жони бор, ақли бор. Ҳозир бизнинг шарпамизни сезиб, “ким келаётган экан, мени узмасмикан”, деб хавотир олиб турди. Мени танигач, хурсанд бўлиб кетди. “Бу одам мени эзмайди, бу яхши одам” деб ўйлади.

РАВШАН. Мен ҳақимда нима деб ўйлади бу ақли гиёҳинг?

КАРИМ. Сизни ҳам “яхши одам экан”, деди.

РАВШАН. Мени танимайди-ку!

КАРИМ. Яхши одамни гиёҳлар, дарахтлар сезади...

РАВШАН. Ишқилиб, мен ёмон одам эмас эканманми?

КАРИМ. Қаранг, сизу мени кўриб гиёҳлар, дарахтлар қувонапти. Қушлар ҳам... Сайрашларига қулоқ тутинг! Бир зум кўнглингиз билан тингланг!.. Жимгина туриб...

Улар бир ҳассос жимликда аввал юракларига, юракларига етиб боришгач, дунёга қулоқ тутадилар.

РАВШАН. Ҳа, қувонаптилар!.. Назаримда, улар ўз эркла-рида яшаётганларидан, биз уларнинг яшашларига тажовуз қилмаётганимиздан бахтиёрлар!

КАРИМ. Худди шундай, ўртоқ лейтенант! Қойил!.. Зўр одамсиз! “Худони суйган бандаси жониворларнинг кўнглини сезади”, дер эди раҳматли бобом! У киши дарахтлару гиёҳларни ҳам жонивор дердилар...

РАВШАН. Бобонг жуда тўғри айтибдилар. “Жонивор” – “жони бор” дегани-да!

КАРИМ. Во!.. Ўртоқ лейтенант!.. Буни каранг! Офтоб ҳам шундай дейди!

РАВШАН. Офтобой ақлли қиз экан... У бу тоғларда нима килиб юрибди?

КАРИМ. Отаси билан бу ерда палатка тиккан.

РАВШАН. Отаси ким?

КАРИМ. Тўйчи тоғбеги-да!.. Ўрмончини биз “тоғбеги” деймиз... Тўйчи ака бу тоғларни кўриқлайди. Офтоб доривор гиёҳлар йиғади...

РАВШАН. Тўйчи акани мен ҳам танийман... Чегара атрофидаги ҳамма одамни танийман!

КАРИМ. Э, сиз танийсиз! Биз эса биламиз! Бир қишлоқданмиз-ку... Ажойиб одам! Бир мияси айниган чаганалик бойвачча “арчали имораг хосиятли бўлади”, деб уй қургани, хўв, Соятегмасдан йигирма теракдай-теракдай арчани кестирган экан. Тўйчи аканинг “Воҳ, уйинг куйгур! Воҳ уйинг куйгур!” деб ўкириб йиғлаганига тоғлар титраган! Ерда узун бўлиб, ўк теккандай чўзилиб ётган арчаларнинг шохчаларини силаб, увиллаб фиғон тортган...

РАВШАН. Бўлажак қайнатанг яхши одам экан!

КАРИМ. Яхши одам-да! Яхши одамнинг йиғлаганини парвардигор эшитади... Бир йил ўтар-ўтмас ўша бойваччанинг уйи ростдан ҳам бир соатда ёниб кул бўлган, ўзи қамалиб кетган!

РАВШАН. Худонинг қаҳрини кўзгаган-да!.. Хўш, Карим, менга айт-чи, мана, Офтобхон доривор гиёҳ терапта, а?

КАРИМ. Ҳа, терапти...

РАВШАН. Доривор гиёҳларнинг жони оғримайдими?

КАРИМ. Э, қизиқ савол бердингиз-ку!..

РАВШАН. Қизиқ савол бераман-да, оддий аскар Карим Раҳимбоев!

КАРИМ. Нима, термаслик керакми?

РАВШАН. Териш керак! Нега термаслик керак экан? Доривор гиёҳларни, келгусига ҳам қолдириб, вақтида керагини териб олсанг, улар хурсанд бўлади.

КАРИМ. Нега хурсанд бўлади?

РАВШАН. Чунки бу дунёда жами мавжудот бекорга яралмаган! Ҳамма тирик мавжудотни парвардигор бир вазифа бериб яратган. “Сен, – деган доривор гиёҳга, – одамларни даволайсан! Сен мева берасан, сен дон берасан”... Арчаларни эса “тоғларни мангуликда асрайсан, сувларни кўпайтирасан, бағрингда жониворлар яйрасин, сени кўриб одамлар қувонсин, дунё қакраб чўлдан иборат бўлиб қолмасин”, деб яратган. Шунинг учун доривор гиёҳларни зарурат даражасида терсанг, улар хурсанд бўлади! Улар миттигина калблари билан Оллоҳ буюрган вазифаларини бажараётганларини сезадилар... Буни англаб етмоқ керак! Худбин бўлмаслик керак. Бу дунёга парвардигор калбга солган нур билан қарашни ўрганиши керак. Бунинг учун Оллоҳнинг ниятига ғов бўлмаслик лозим. Оллоҳ равишини вайрон қилмаслик зарур. Табиату жамиятдаги миттигина бир мувозанатини бузиш – охир-оқибат оғир қулфатларга олиб келади.

КАРИМ. Равшан ака!.. Ўртоқ лейтенат! Бу гапларни қаердан биласиз?

РАВШАН. Мен... болалигимданоқ чол бўлганларнинг тоифасиданман.

КАРИМ. Э, кўйсангиз-чи!..

РАВШАН. Шундай, Каримбой, шундай! Болалигимдаёқ мен чол эдим... Отам раҳматли билан онам университетда бирга ўқишган. Улар шарқ тиллари мутахассислари... Отамни таржимон этиб, афғонга – урушга олиб кетишган. Ўша ерда отам ўқиб ўлган... Мен ўшанда олти ойлик эканман. Шу-шу отам учун тўкилган ёшларга ғарқ бўлиб ўсдим. Момом, онам бир-бирларига кўрсатмай, йиғлаганлари-йиғлаган эди. Бобом эса яккаю ягона фарзандларини тупрокка топширганларидан кейин одамови бўлиб қолганлар. У кишидан аллақандай юрак дош беролмайдиган ҳасрат таралади. Ёнларига ўтирсанг, “оҳ” ургинг келади, кўзларига карасанг, нафасинг қисилади... Мен мана шундай ҳасрат қуршовида улғайдим. Ҳасрат одамни ўйлашга мажбур қилади. Ҳасрат нималигини англаган бола бировлар қариганида ҳам етолмайдиган гапларни аллақачон фахмлаган бўлади. У осмоннинг ҳам, юлдузларнинг ҳам, тупрокнинг ҳам, майсанинг ҳам, ҳатто тошнинг ҳам дардини тушунади. Мен одамни ўлдиришганини эшитсам, сесканиб

кетаман! Ҳеч қачон, ҳеч қачон одамни одам ўлдирishi мумкин эмас, деб ўйлайман. Билиб қўй, ўзларининг аллақандай мақсадлари йўлида фитна кўзғовчи одамлар, халқлар, мамлакатлар, охири, сен айтгандай ёниб кул бўлади! Чунки улар Парвардигорнинг равишига қарши чикқанлар! Парвардигор эса инсонни бу оламнинг сарвари деб яратган!.. *(Лаҳзалик хаёлга чўмиб олади.)* Нега чегарачилик касбини танлаганимни биласанми? Мен ёшлик ҳаваси билан бу тоғларга келганим йўқ. Ҳеч бўлмаса, Ўзбекистон деб аталган менинг киндик қоним тўкилган мана шу юртда, мана шу Ватанда тинчлик бўлишини чин кўнгилдан истаб келганман. Ўзбекнинг кўзида ҳасрат кўришни хоҳламайман... *(у жимлиб қолади)*

КАРИМ *(Равшанга завқланиб қараб турибди)*. Шунақа чиройли гапирдингиз... Ватан сўзини шундай айтдингизки, баданларим вижирлаб кетди!

РАВШАН. Ватан сўзини имонлилар гапирса, имонлиларнинг эти жимирлайди, Каримбой!... Қани, кетдикми?

КАРИМ. Ўртоқ лейтенант... Илтимос, бир оз кутайлик!..

РАВШАН. Нимани кутамиз?

КАРИМ. Офтоб келади! Ҳозир келади! Ҳозир!.. Машинанинг овозини эшитган! Келади! Бир дақиқа тўхтайдик!... Бир дақиқагина!...

РАВШАН. Оббо!.. Чегарачилардан чикқан Мажнун-эй!.. Майли!..

К а р и м безовталаниб, О ф т о б келадиган тарафга қарайди.
Р а в ш а н бир четга бориб ўтиради. Унинг телефони куйлайди.

РАВШАН. Зулхумор?

Саҳнанинг бир тарафида З у л х у м о р кўринади.

ЗУЛХУМОР. Заставага етиб бордингизми?

РАВШАН. Озгина қолди...

ЗУЛХУМОР. Тезроқ боринг! Илтимос, тезроқ боринг! Йўлда тўхтаманг!..

РАВШАН. Нега бунча безовтасан?

ЗУЛХУМОР. Ким билсин? Бекорга таътилингиздан чакириб олишмагандир...

РАВШАН. Хавотир олма! Хавотир олмасанг-чи?...

ЗУЛХУМОР. Ҳеч бундай бўлмаганман!.. Яна сизга бир гап айтиб қўймоқчиман. Бугун илк бор тепсинди...

РАВШАН *(тушунмай)*. Ким тепсинди?

ЗУЛХУМОР. Ким бўларди!.. Беш ойлик бўлди-ку!

РАВШАН. Э!.. Қуллук бўлсин!

ЗУЛХУМОР. Худо хоҳласа, яхши бола бўлади! Авайлабгина тепсинаяпти!

РАВШАН. Сенга ўхшаса, албатта, яхши бола бўлади!

ЗУЛХУМОР. Сизга ўхшаса, тенги йўқ одам бўлади... Етиб қолдиларингми?

РАВШАН. Қаерга?

ЗУЛХУМОР. Заставага...

РАВШАН. Хавотир олма! Етиб қолдик... Хайр!

ЗУЛХУМОР. Ўзингизни асранг! Ўзингизни асранг!.. Хайр!

РАВШАН *(телефонни ўчиради, қувониб чуқур нафас олади)*. Ана шунақа ишлар!..

У К а р и м га нимадир демокчи бўлади, аммо атрофга аллақандай оғир сукунат чўкканини сезиб тўхтайти. К а р и м ҳам нимагадир кулок тутиб кимирламай турибди. Кушларнинг сайраши негадир тинган. Ҳавода дафъатан хавотир анқиган.

КАРИМ *(бирдан хавотирга тушиб)*. Шу... Тушимда... машинанинг балони ёрилган эди... Ҳозир шу эсимга тушсами... Бу балони қурғур нимага ёрилди экан?.. Ўртоқ лейтенант, сезаяпсизми, кушлар сайрамай қўйишди?

РАВШАН *(атрофга диққат билан қулоқ соларкан)*. Ҳа, кушлар тинчиб қолишди... Нима бало бўлди?

КАРИМ. Ана, кимдир келяпти...

РАВШАН. Ҳа... Келяпти...

Улар одам келётган тарафга қараб туришибди. Саҳнага С а и д а х б о р киради. У тажрибали тоғ саёҳатчисидай кийинган.

Эгнида енгсиз куртка. Бошида шляпа. Оёғида альпинистлар киядиган дағал ботинка.

САИДАХБОР. Ассалом алайкум, командирлар!

РАВШАН. Ваалайкум!... Келинг, меҳмон!..

САИДАХБОР. Кечирасизлар, сизлар томонга бир аёл адашиб келиб қолмадими?

РАВШАН. Йўқ, кўрганимиз йўқ...

САИДАХБОР (*Каримга*). Сиз ҳам кўрмадингизми?

КАРИМ. Йўқ, кўрмадим...

САИДАХБОР. Ростини айтаяпсизларми?

РАВШАН. Қизикмисиз! Бировни кўрган-кўрмаганимизни нега яширишимиз керак экан?

САИДАХБОР. Бу кимсасиз тоғларда одам хавотир олади-да!

КАРИМ. Тоғдагилар яхши одамлар бўлишади.

САИДАХБОР (*негадир енгил тортиб*). Яхши... Яхши... Қаерга кетди экан?..

РАВШАН. Ўзи нима бўлди?

САИДАХБОР. Мен альпинистман, командир... Дўстлар билан Каттақояга чиқмоқчи бўлиб кетаётган эдик... Бир қизимиз касал бўлиб қолди. Ўшани йўқотиб қўйдик...

РАВШАН. Касални қандай қилиб йўқотасизлар?

САИДАХБОР. Э, тажрибаси йўқ бир қиз... Тоғда кўп юрмаган. “Бораман” деб туриб олди. Тоғда кислород камлигиданми, ё бошида бир бало борми, бирдан телбаланиб, қочиб қолди... Ўшани изляяпмиз. Овора қилди одамни... Ҳамма режамизни бузиб юборди...

РАВШАН. Режа бузилса, майли, одам топилсин!..

САИДАХБОР (*атрофга синчиклаб назар ташлар экан*). Ҳа, топилса бўлди... Топилса олам гулистон!

Р а в ш а н нинг телефони куйлаб қолади. С а и д а х б о р сесканиб тушади. Нимадир қилмоқчи бўлади, аммо ўзини босади.

РАВШАН (*телефонга*). Алло!.. Қаердаман?.. Тепабулоқ-даман, Тепабулоқда! Нима?.. Террорчилар? Қидирилаяпти? Тепабулоқ тарафга келаётган бўлиши мумкин, деяпсизми?.. Тезроқ жўнайлик? Хўп, зумда жўнаймиз! Ҳозироқ!.. Хавотир олманглар! (*У телефонни ўчиради. Саидахборга*). Сиз тезроқ йўқотган одамингизни топиб, дўстларингиз билан пастга – туман марказига тушинглар! Нима бўлганини эшитдингиз! Бундай пайтда тоғда юриш жуда хавфли! Карим, кетдик!

КАРИМ (*ҳарбийларга хос ҳозирлик билан*). Хўп бўлади, ўрток лейтенант!

Улар шошиб ташкарига йўналадилар. Шу пайт ташкаридан ким-нидир ўт-ўланлар оралаб, хансираш аралаш инграганча, югуриб келаётгани эшитилади. Р а в ш а н в а К а р и м тўхташади. Ҳамма хушёр тортиб, одам келаётган тарафга қарашади. С а и д а х б о р кўлини белига кўяди. Унинг курткази тагидан тўппонча бир лахза кўриниб кетади. Хансираётган одамнинг товуши тобора яқин кела бошлайди. Бир оздан сўнг саҳнага О ф т о б югуриб киради. У жинси шимда, оппоқ кофтада. Бир кўли билан елкасини ушлаб турибди. Панжалари орасидан сизаётган қон, кофтасига оқиб тушяпти.

ОФТОБ (*қонга ботган кўлини Карим томонга чўзиб*). Каримжон... Мени отишди...

Ҳамма қарахликда турибди.

САИДАХБОР (*ўзига келиб, совуққонлик билан*). Мана, шу қизимизни излаб юрган эдим... Айтдим-ку, сал қалласи кетган. Ўзини бута-мутага уриб, ярадор ҳам қилибди...

У О ф т о б томонга юради. О ф т о б қичкириб юборади. К а р и м
О ф т о б олдига югуриб боради.

КАРИМ. Ким отди?... Ким отди?... Ким?..

ОФТОБ (*даҳшат ичида, Саидахборни кўрсатиб*). Мана шу... Мана шу одам!..

КАРИМ. Ўрток лейтенант, хушидан кетяпти! Хушидан кетяпти!... Ўлиб қолади!.. (*У йиқилаётган Офтобни ушлаб қолади.*)

ОФТОБ (*ахлаҳсираб*). Мени отишди!..

САИДАХБОР (*аллақандай режаси бузилганини ҳис қилса ҳам, сир бой бермасликка уриниб*). Айтдим-ку, бу қиз (*кўлини қалласи ёнида ҳаракатлантириб*) анақа бўлиб қолган. Рухсат беринг, командир, уни ўзимиз билан туман марказига олиб кетайлик. (*У ишонч билан Офтоб томонга юради.*)

О ф т о б яна чинкириб юборади.

РАВШАН (*ниманидир тушуниб*). Тўхта!

С а и д а х б о р такка тўхтайти.

ОФТОБ. Мана шу одам мени отди!.. Мана шу!.. Улар бир тўда! Қуруллари ҳам бор!.. Мен уларни кўриб қолганимни сезиб, отишди... Қочсам, ортимдан қувиб отишди.

КАРИМ. Офтоб! Офтобжон!...

ОФТОБ. Каримбек!.. Мени отишди!..

РАВШАН (*Каримга*). Карим! Тезлик билан Офтобни машинага ўтказ-да, заставага олиб кет! Медчастига олиб бор!

КАРИМ. Сиз-чи?..

РАВШАН. Мен билан ишинг бўлмасин! Буйрукни бажар!

Карим Офтобни суяб олиб чиқади.

(*Саидахборнинг қаршисига бориб*) Хужжатингизни кўрсатинг!

САИДАХБОР (*хатар анқизган хотиржамлик билан*). Командир, хужжатлар бор. Хужжатсиз одам бўлмайди. Бор... Фақат кўшхонада – юқларимизда қолиб кетган. Мана бу телба қизнинг ортидан югурганда, хужжат эсга тушадими?..

РАВШАН. Мен сизни шахсингиз аниқлангунча, ушлаб туришга мажбурман!..

САИДАХБОР. Майли, командир, майли... Фақат мен билан овора бўлгунча, террорчиларни тутсангиз бўларди.

Равшан Саидахбордан кўз узмаган ҳолда, телефон рақамини тера бошлайди. Саидахбор кескин ҳаракат билан тўппонча олади. Равшан тўппонча уни мўлжалга олиб улгурмасдан, Саибхорнинг кўлига тепади. Тўппонча отилиб кетади. Саидахбор Равшанга ташланади.

Равшан унга чап беради. У Саидахборнинг жағига тепади. Саидахбор гандираклаб кетади. Улар ўртасида “ё ҳаёт, ё ўлим” кабилидаги жанг бошланади. Иккала рақиб ҳам ҳарбий кўл жангини ҳадисини олган. Аёвсиз кураш. Охири Саидахбор бехол йиқилади.

РАВШАН (*Саидахборнинг шимми камарини чиқариб олиб, кўлини орқасига қайтариб боғларкан*). На калланг ишлайди, на муштлашишни эплайсан... Аллў қилиб ётавер энди!..

САИДАХБОР. Онангни...

Шу пайт ташқаридан машина моторининг ўт олган овози ва шу заҳоти шовкин-сурон эшитилади. “Бос! Бошини ерга бос!.. Қизни машинадан судраб туш!.. Бир аскарга кучларинг етмайдими!” деган овозлар эшитилади. Равшан ташқарига отилади. Ташқаридан ўқ овози янграйди. Равшан кескин тўхтаб қолади. Ўнг бикинига хайрон бўлган бир тарзда қарайди. Кейин бикинига кўлини босади.

Кўлини олиб қарайди. Қўли кон. Аста чўккалаб қолади.

РАВШАН. Мени ҳам отишди...

САИДАХБОР (*қувониб*). Отишади-да!.. Ҳаммангни отишади!.. Ахволинг қалай, командир? Энди навбат бизга!.. Энди сенинг шахсингни аниқлаймиз! Ҳозир сайрайсан!..

РАВШАН. Йўқ, сенинг навбатинг ҳеч қачон келмайди! Библи қўй, ҳеч қачон келмайди! Сизлар навбатсиз одамсизлар!

САИДАХБОР. Нима деяпсан?

РАВШАН. Одамларни отадиган қонхўрларга парвардигор навбат бермайди.

САИДАХБОР (*роҳат қилиб жазавага тушади*). Сени отдик-ку... Ана у кизингни... Офтобингни отдик-ку! Демак, парвардигор бизга навбат берган!

РАВШАН. Сенлар навбатни ўғирлаб олгансанлар! Сенларга Шайтону лаин навбат берган, Шайтони лаин!..

Ташқаридан одамларнинг овози эшитилади. “Судранглар! Қараб ўтирасанларми!.. Қўндок билан бир ур!.. Аммо-лекин жони каттик экан!..” деган овозлар эшитилади. Саҳнага террорчилар: К а б и р , Ж о б и р , М а д а л и , С а м а н д а р , О т а м у р о д ва яна бир тўда йигитлар киради. Улардан иккитаси хушидан кетган О ф т о б н и судраб келиб бир четга – харсангтошлар оркасига ташлашади. Кейин кўли боғланган К а р и м н и уриб-суриб олиб киришади. Террорчилар бошдан адоқ қуролланишган. Р а в ш а н ўрнидан гандирақлаб туради. Ерда ётган тўппончага кўзи тушади. Ўша тарафга ташланади. Р а в ш а н нинг ташланганини кўриб, террорчиларнинг ҳаммаси бир варрақайига унга қурол ўқталадилар. К а б и р Р а в ш а н етиб келмасдан, тўппончани оёғи билан бир четга суриб юборади. Ж о б и р тўппончани чакқонлик билан эгилиб олади.

КАБИР. Жим, командир, жим! Бизга тинчлик керак! Ҳозир жанжалнинг вақти эмас! Ўқвозлик-ку, умуман ортиқча! (*Йигитларига*) Қуролларингни туширинглар, тагин мана бу командир бола иштонини хўл қилиб қўймасин!

КАРИМ (*ҳасрат билан*). Ўртоқ лейтенант, кучим етмади буларга.. Бир ўзимга кўплашиб... Сизни ҳам ярадор қилишдимиз? Нимага? Булар бизни кимлар биландир адаштиришяпти.. (*Террорчиларга*). Эй, биз чегарачилармиз! Ўзимизникимиз!.. Ўзимиз!..

Террорчилар Каримнинг содда гапларидан хохолаб кулишади.

ЖОБИР (*қорнини ушлаб куларкан*). Вой, бу чегарачини каранг!.. Бу бола билан ҳали чегара қўриқласам-а? Во-ҳо-ҳо!..

КАРИМ. Нега куласизлар? Биз ўзимизникимиз!.. Нега куласизлар?..

РАВШАН (*бирдан чидаёлмай, ҳайқиради*). Нега куласизлар?!

Ҳамма кулишдан тўхтади. Сукунат.

Карим, булар... Террорчилар!

КАРИМ (*тушиниб*). А!.. Айтдим, бир кишига тўда бўлиб ташланишди...

РАВШАН. Чунки булар кашқирлар! Якка-якка хужум қилишдан қўрқишади. Тўда бўлиб ташланишади! Юртига ҳам тўда бўлиб курул кўтариб келаверади!

ЖОБИР. Бу нима деб лақилляпти? (*Елкасидан автоматни олиб.*) Шунини ҳозир отиб ташлай!..

КАБИР. Жобир қассоб!... Мен сенга нима деганман! Тушир курулингни! Кўрасан, бу формадаги йигитча ҳали ўзимизнинг одам бўлади. Дини исломнинг хизматини қилади!..

КАРИМ. Ўртоқ лейтенант, улар Офтобни ҳам уришди... Судрашди... Офтобни дўхтирга тез этиш керак! Буларга айтинг, жавоб беришсин! Офтоб ўлиб қолади, ахир... Жароҳатидан кўп қон кетди!

ОТАМУРОД (*негадир зўриқиброқ хириллайди*). Амир Кабир, айтинг, шу кизнинг ярасини боғлашсин! Худо кўрсатмасин, ўлиб-нетиб қолса!..

МАДАЛИ. Мулла Отамурод, раҳмингиз келяптими? Бу кизнинг кийинишини каранг! Эгнида бир парча майка, эркакка ўхшаб шим кийиб олган... Ўлиб кетавермайдими? Бундан кўра кофир яхши!..

ОТАМУРОД. Биз одам ўлдиришга келганимиз йўқ, Мадали чопсан! Юртни мусулмон қилгани келганмиз...

ЖОБИР (*ғижиниб*). Бир ўқ билан ҳал бўладиган ишни, албатта мажлисда ҳал қилади булар!..

КАБИР. Эй!.. Мулла Отамурод! Мадали чопсан! Американинг сенатими бу ер сенларга! Бас қилинлар!... Самандар,

йигитларинг нега қоккан қозикдай безрайиб туришибди? Бор, йигитларни атрофга айлантириб кўйиб чик! Хушёр туришсин!..

САМАНДАР. Шу ердан тезроқ кетсак бўларди...

ЖОБИР (*Самандарга қараб*). Эҳтиёткорларни жуда ёмон кўраман. Тиззаси қалтираб турадиган эҳтиёткорларга ҳамроҳ бўлгандан кўра, бу дунёдан беҳамроҳ ўтганинг яхши!..

САМАНДАР (*Жобир*). Қассоб, қассоблигингни қилсангчи!..

КАБИР. Нима бу тортишув, а? Нима бу тортишув? Мана бу одобли саркарда болакай биз ҳакимизда нима деб ўйлайди?... Бор, Самандар, айтганимни қил!

САМАНДАР. Кетдик.

Жобир, Мадали, Отамуроддан бошқа террорчи йигитлар
Самандар билан чикиб кетишади.

САМАНДАР (*йигитларига*). Кетдик!..

РАВШАН. Отинг Кабирми?

КАБИР. Кабир...

РАВШАН. Буларнинг бошлиғимисан?

КАБИР. Ҳа, амириман!

РАВШАН. Сендан илтимос, айт, Офтобга ёрдам беришсин...

КАБИР. Нега ёрдам беришмас экан, ёрдам берамиз! (*Каримни кўрсатиб*). Бу йигит Офтобнинг кими бўлади?

РАВШАН (*бир зум ўйланаб*). Карим Офтобнинг қаллиғи.

КАБИР. Майли, бу гапга ҳам ишондик... Қаллиғи бўлса, қаллиғи-да! Мулла Отамурод! Қаллиғи бўлгандан кейин, махрам бўлади-да, а?

ОТАМУРОД. Худди шундай, махрами бўлади.

КАБИР. Ана, мулладан ҳам фатво олдик! Энди бу куёв йигитчанинг кўлини бўшатинглар! Қаллиғига ёрдам берсин! Жароҳатини боғласин!

Отамурод Каримнинг кўлини ечади. Жобир унга сумкасидан пакет беради. Карим югуриб, харсангнинг ортига –
Офтобга ёрдам бергани ўтади.

САИДАХБОР (*қўли боғланиб ётган жойидан*). Эй, Кабир!
Бунча сафсата сотасанлар! Аввал менинг қўлимни ечтирмай-
санми?

КАБИР (*қўли боғланиб ётган Саидахборга қўзи тушиб*).
Ие, Саидахборхон? Бу ётиш нимаси? Биз сизни жихот йўлида
шахид бўлган деб кўз ёш тўкиб келяпмиз. Сиз эса душман-
ларга қўлни қўлтиклаиб, она заминнинг захига бағрингизни
бери-и-иб ётибсиз? Баракалло!

САИДАХБОР. Кабир! Мазах қилма!.. Қўлимни ечсам!..

КАБИР. Ҳай-ҳай!.. Мактанманг, Саидахборхон! Мактанманг!..
Мактанаман деб шу кўйга тушдингиз... Ҳатто ёлғизгина қиз бо-
лани ҳам қўлдан чиқазиб ўтирибсиз!.. Жобир қассоо! Мадали
чопсан! Шу Саидахборнинг азиз қўлларини ечиб юборинглар!

САИДАХБОР. Қўлимни ечсам!..

КАБИР. Қўрқдик... Қўрқдик...

Жобир ва Мадали Саидахборни ўрnidан турғазадилар.
Унинг шими тушиб кетади.

ЖОБИР. Э, бу нимаси? Саидахборхон, бу нимаси?

МАДАЛИ. Илгари ёвни кўрсангиз, иштонингиз тушиб ке-
тарди, энди дўстларни кўрса ҳамми?..

Террорчилар хохолаб куладилар...

САИДАХБОР. Ўлдираман ҳаммангни!..

Саидахборни қўлини ечадилар. У камарини ўтказиб,
шимини тартибга келтиради.

САИДАХБОР (*Эндигина жароҳатини боғлаб бўлган Рав-
шанга ташланиб қолади*). Э, онангни!.. Ўлдираман!..

Ярадор, гўё ўзининг нима бўлаётганини билмай турган Равашан
Саидахбор яқинлашганда, кутилмаган бир ҳаракат билан унинг
юзига тепади. Саидахбор осмонга бир кўтарилиб, чалқанча
тушади-да, бир оз кимирламай ётиб қолади. Сўнг аранг ўрnidан
туриб, бенажот бир ғужурда яна Равашанга ташланмоқчи бўлади.

САИДАХБОР. Ўлдираман!..

КАБИР (*йўлини тўсиб*). Ҳай-ҳай-ҳай!.. Саидахборхон!.. Са-
идахборхон! Шу йигит омон қолсин энди! Бир командирвач-

чани нима қиласиз бекордан-бекорга курбон қилиб? Биргина қошиқ конидан кечинг!..

САИДАХБОР (*юлқиниб*). Ўлдираман!.. Тўппонча қани?!.. (*Зир югуриб Жобирнинг олдига боради*). Қассоб, тўппончамни бер! Бер, деяпман!

ЖОБИР. Ўв, ўв!.. Бераман! Бераман! Аччиғингдан туш! Ўв, менга ташланма!.. Жонимни чиқармагин!

КАБИР (*дафъатан темир овозда*). Бас қилинглар! Ҳамманг масхарабоз бўлиб қолдиларинг! Бировинг отаман дейсан, бировинг ўлдираман дейсан! Ватанга нима учун келганмиз! Гапиринглар, нима учун?! Сенлар ишни билмаганларинг учун мана командирваччадан юзимизга тепки еб, шалтоққа ботиб ўтирибмиз! Бу иш – бекорга ағанаб ётиб, дўстларнинг долларини санаб олиш эмас! Ақлларинг бўлмаса, ақли борларнинг ортидан қисибгина юринглар! Эшитдиларингми, эшитдиларингми деяпман!

Жимлик чўкади.

ОТАМУРОД (*томогини қириб*). Эшитдик, Кабирбек, эшитдик... Фақат газабланмай гапирсангиз! Ўзингиз “кимсасиз” деб танлаган йўлдан юриб, мана бу дарди ҳариналарга дуч келиб ўтирибмиз...

КАБИР (*босиқ, лекин ўша темир жамоага эшитилиб турган овозда*). Мулла Отамурод, ҳозир тортишманг! Тортишманг, биродар! Бундан буён ҳаммангиз ўзингизни идора қилинг... Энди жиддий гап бор... (*Равшанга*). Сен ўтириб ол, командир! Зўрға турибсан. Ўтир, ўтир! Ёнбошлаб ола қол!..

Р а в ш а н ярадор – у ростдан ҳам ёнбошлайди.

С а м а н д а р киради.

САМАНДАР. Йигитларни жой-жойига қўйиб чиқдим.

КАБИР. Яхши.

САМАНДАР. Бу ердан тезроқ кетсак бўлар эди...

КАБИР. Озгина сабр қиладилар энди... (*Равшанга имо қилиб*) Олдин мана бу азиз мезбонларнинг масаласини ҳал қилиб олишимиз керак. Аскарни ҳам чакиринглар.

ЖОБИР. Аскар болани бу ёққа олиб келинглар!..

Иккита террорчи К а р и м ни харсанг тошлар орасидан олиб чиқишади.

КАРИМ. Ўртоқ лейтенант! Буларга айтинг!.. Офтоб ўлиб қолади! Хушига келмай ётибди... Агар унга бир гап бўлса, мен яшай олмайман!

ЖОБИР. Э, нимага ташвиш тортасан? Ўлиб қолса, ўзим уйлантириб қўяман! *(Хохолаб кулади.)*

ОТАМУРОД. Қассоб! Шу гапга ҳам куласизми? Кулишнинг ҳам жойи бор.

РАВШАН *(Кабирга)*. Бу йигитга жавоб бер. Офтобини шифохонага элтсин! Тагин уруш-уруш ўйнаб, бир бегуноҳ норасидани қурбон бериб қўймайлик...

КАБИР. Уруш-уруш ўйнаётганимиз йўқ, командир! Билиб қўй, ҳақиқатан ҳам уруш кетяпти!

РАВШАН. Уруш бўладиган бўлса, биз – эркаклар бормиз. Бу кизнинг жонига зомин бўлмайлик!..

КАБИР. Иложим йўқ, командир, ҳеч иложим йўқ. Сен ҳарбийсан. Уруш бўлгандан кейин, унинг даҳшатли мантиқлари бўлишини яхши биласан. Мен қанча инсонпарвар бўлмай, баъзи ишларни бажариш қўлимдан келмайди!

Шу маҳал Р а в ш а н нинг чўнтагидаги телефон жириглаб қолади.

Ҳамма бир зум қарахтланиб, Р а в ш а н га қарайди. Р а в ш а н ўрганилган ҳаракатда телефонни олиш учун чўнтагига қўл узатади.

Ж о б и р в а М а д а л и бир зумда унга автомат ўкталадилар.

ЖОБИР. Қимирлама!

МАДАЛИ. Шу туришингда тур! Қимирласанг, миянгдан ўк ейсан?

КАБИР. Ие, телефонлари ҳам бор экан-ку, командир? *(бориб Равшаннинг чўнтагидан телефонни олади)* Телефонингнинг ақли жойида – борлигидан ўзи хабар берди. Аммо борлиги яхши... Жуда керакли буюм. *(У Равшаннинг чўнтагидан телефонни олади.)* Фақат энди “мик” этмай турасан, командир! *(Жобир ва Мадалига)* Оғзини очса, шартга отиб ташланглар! *(Телефоннинг тугмачасини босади, қулогига тутади.)*

Саҳнанинг бир четида З у л х у м о р кўринади.

ЗУЛХУМОР. Алло!.. Алло!.. Равшан ака!

КАБИР. Ассалом алайкум!

ЗУЛХУМОР (*бўшашиброқ*). Ваалайкум... Равшан Собировнинг телефоними?

КАБИР. Ҳа, Равшаннинг телефони? Сиз...

ЗУЛХУМОР. Оилалари бўламан... У киши қаердалар? Заставага соғ-омон етиб бордиларми?

КАБИР. Соғ-омон етиб келди. Хавотир олманг.

Ж о б и р овозсиз кула бошлайди. Борган сари елкалари титраб-титраб кулади.

ЗУЛХУМОР. Нега ўзлари телефонни олмадилар?

КАБИР. Шошилинич топширик билан чегарага кетди. Телефони эсидан чиқиб, навбатчининг хонасида қолиб кетибди. Бугун мен навбатчи эдим...

ЗУЛХУМОР. Ўзи тинчликми?

КАБИР. Тинчлик. Лейтенант Равшан Собиров бор жойда тинчлик бўлмасдан нима бўлади! Тинчлик. Хавотир олманг!

ЗУЛХУМОР. Келсалар, менга кўнғирок қилсинлар!..

КАБИР. Албатта, қилади. Албатта!

ЗУЛХУМОР. Эсингиздан чиқмасин! Мен хавотир оляпман!

КАБИР. Хавотир олманг, келин! Бир соатдан сўнгра кўнғирок қилади... Саломат бўлинг!

Телефонни ўчиради. З у л х у м о р коронгуликка чўкиб ғойиб бўлади.

Энди бемалол гапиравер, командир. (*Жобир ва Мадалига*) Бўлди, курулларингни ўқталиб тураверасанларми?

ЖОБИР (*қаҳ-қаҳа отиб, Кабирни кўрсатганча*). Артист!.. Артист!.. Вой, ўлиб қоламан!.. Вой, онангни!.. Телевизорда чиқадиган ҳалиги артист бор-ку, худди ўзи! Вой...

МАДАЛИ. Э, онангни сен жиннини!.. Буни шайтон китикляпти! Бас қил!..

Ж о б и р кулгидан бир бало килиб тўхтади.

КАБИР (*телефонни бир тош устига қўйиб*). Мана шу кўринарли жойда турсин. Саркарда акамга кўнғирок қиладиганлар билан отамлашиб турамиз!.. Хўш, энди озгина маслаҳатли гап бор! Беш дақиқалик тезкор мажлис қилиб ола-

миз (*Равшанга*) Командир, гап бундай, биз юртимизга жуда катта ниятлар билан келганмиз...

РАВШАН. Катта ниятлар билан ҳам юртга қурол кўтариб келинадими?

КАБИР. Қуролсиз битмайдиган ишлар кўпайиб кетибди бу юртда...

РАВШАН. Ҳа-а!.. Билдим, бир тоифа одамлар бор, ўшалардан экансизлар.

КАБИР. Қанақа тоифадан?

РАВШАН. Қуролсиз иш битиролмайдиган оламлар тоифасидан.

КАБИР. Биласанми, бу дунё баъзан қўлга қурол олишга мажбур қилади.

РАВШАН. Қора ниятларига мантиқ тополмайдиган одамлар қўлига қурол оладилар.

КАБИР. Биз юртни озод қилгани келяпмиз!

РАВШАН (*террорчиларни кўрсатиб*). Мана шулар биланми?

КАБИР. Булар ватанпарварлар! Худо хоҳласа, булар янги Ватан курадилар.

РАВШАН. Йўқ, булар янги Ватан қуролмайдилар. Ватанни юрагида нури бор зотлар яратади. Чумчуқ “пир” этса, қуролга ёпишадиган нодонлар қандай қилиб Ватан куради?

САИДАХБОР (*ўрнидан сапчиб туриб*). Шу мишиқи билан ади-бади айтишиб ўтирасанми? Ҳаммасини пешонасидан отиб, кетавермаймизми?

ОТАМУРОД. Астағфируллоҳ!

САМАНДАР. Саидахбор тўғриси айтилади. Тезроқ йўлга чиқиш керак...

МАДАЛИ. Биз ислом лашкарларимиз!

РАВШАН. Ислом лашкари бир бегуноҳ қиздан чўчиб, уни отадими? Қонини оқизиб, ўлимга маҳкум қилиб қўядими?

КАБИР. Жуда яхши гапирдинг, командирвачча!.. Баракалло!.. Жуда мантиқли гапирдинг! Мен мантиқни яхши кўраман! У қизни ҳам, мана бу аскар болани ҳам, сени ҳам бемалол қўйиб юборсак бўлар эди, аммо ҳеч иложимиз йўқ! Сенларни озод қилиш биз бошлаган катта ишни барбод қилади. Ту-

шундингми? Ҳалиги бир шоирларинг айтган-ку... Нима эди?.. Ҳалиги... Ҳа, “тоғ кўчиши битта тош билан бошланади” деб...

РАВШАН. “Агар, агар бошланмасайди, тоғ кўчиши битта тош билан”...

КАБИР. Зўрсан-ку, аскар бола! Худди сендай йигитлар бизга керак! Худди сендай!.. Қисқаси гап бундай: сизлар осмондан тушгандай оёқ тагидан чиқиб колдиларинг. Ҳозирги шароитда бизга дуч келган ҳар бир одам, балойи қазонинг ўзи! Ана у қизалоқ нега ўқ еганини энди тушунгандирсан? У бизни кўриб колди! Гап шунда! “Бир тўда қуролли одам тоғда сайр қилиб юрибди” деб сайраб қолса, тамом – тоғнинг кўчиши бошланади. Унинг бир оғиз гапи катта ишимизни барбод қилади? Англадингми?

РАВШАН. Англадим. Нега англамай? Сизлар қонхўрлар десам, кўрқоқ ҳам экансизлар.

МАДАЛИ. Амир Кабир, бу маҳмадонани гапи менинг ҳам жон-жонимдан ўтиб кетяпти! Ўтирамизми бунга гап соттириб...

КАБИР. Сабр, Мадали, сабр!.. (*Равшанга*) Хўш, энди нима қилиш лозим?

Сукунат.

Биз бу тоғларда жиҳод қилиб юрганимизга гувоҳ бўлганларни йўқ қилишга мажбурмиз. Гапнинг пўст калласини айтсам, сенларни отиб ташлашимиз керак! Аскар бола, мана, сен айт, ўлишни хоҳлайсанми?

КАРИМ (*бу гаплар ўнгида бўлаётганига ишонқирамай, атрофдагиларга ҳайрон қарайди*). Нега энди... Қизиқ одам экансиз? Дабдурустан... Мен бунақа саволга... ҳеч қачон жавоб бермаганман...

САИДАХРОР. Энди жавоб беришга тўғри келади-да!

ЖОБИР. Аскар деган хунаса, ўлимга рози бўлмаса, нега қурол кўтариб юради!

КАБИР. Ана, бу акаларинг нима деяпти, эшитдингми? (*Равшанга*) Сен-чи, командирвачча, ўлимни хоҳлайсанми?

РАВШАН. Соғ одам ҳам ўлимни хоҳлайдими, нодон?

КАБИР. Сен соғ одамсан-да, а! Демак, ўлимни хохламайсан? Шундайми?

РАВШАН. Шундай.

КАБИР. Ҳақиқатан ҳам кимнинг ўлгиси келади! Қара, атрофга қара! Қандай тоғлар! Арчазорлар, кўм-кўк ўтлоқлар! Осмондаги анов булутларнинг сузиб юришига қара!.. Яшаш яхши, командирвачча! Жуда яхши!.. Биз ҳам сизларни ўлдиришни истамайпмиз! Аммо бу ишни амалга оширишимизга тўғри келади. Ҳеч иложи йўқ!.. Лекин биз жаллод эмасмиз! Бизга ёрдам беринглар! Сизларни ўлдирмайлик! Ҳаётларинг ўзларингни қўлларингизда! Сизлар бу тоғларни яхши биласизлар. Биз бу жойдан тўғри тоғдаги сув омборга чиқишимиз керак! Бизга йўлбошчилик киласизлар! Сўнг сув омборнинг тўғонини портлатамиз! Гуноҳга ботган шахарларингни бир зумда тошқин сув ювиб кетади... Мана, ҳамма гапни айтдим! Энди менга ҳам, сизларга ҳам орқага йўл йўқ. Ўзларингни асраб қолиш эса ўзларингни қўлларингизда!.. (Сукунат. Равшан ва Каримга) Бунинг учун нима қилиш керак? А, аскар бола?

КАРИМ. Мен... билмайман...

КАБИР. Командир, сен нима дейсан? Бу нима қилиши керак?

РАВШАН. Гапни ўролини гапир! Айлангирма.

КАБИР. Мусулмонсизлар-ку, а?

РАВШАН. Мусулмонмиз.

КАБИР. Ундай бўлса... сизлар... биз тарафга ўтишингиз керак!

Сукунат.

РАВШАН. Йўқ.

КАБИР. Нимага?

РАВШАН. Чунки сенлар... мусулмон эмассан?

КАБИР. Нимага бундай хулосага келдилар?

РАВШАН. Чунки сенларда шафқат йўқ – одамларни яхши кўрмайсизлар... Мусулмон одам меҳру шафқатли бўлади.

КАБИР. Ҳа... Қаттиксан, командирвачча!

РАВШАН. Шундай, амир Кабир, шундай... Қаттикман!

КАБИР. Ҳали кўрамыз, кимдан ким каттиқ эканлигини!.. Энди сен жавоб бер, аскар бола. Хўш, биз томонга ўтишга розимисан?

КАРИМ. Йўқ... йўқ!..

КАБИР. Нега рози эмассан?

КАРИМ. Мен... қасам ичганман!

КАБИР. Кимга қасам ичгансан?

КАРИМ. Ватанга...

КАБИР. Ватан “қасамингни буз” деса-чи?

КАРИМ. Ватан унақа демайди?

КАБИР. Нега демас экан? Мана, айтиб турибди-ку?

КАРИМ. Қани?

САИДАХБОР. Ватан, мана, биз-да! Биз айтиб турибмиз!
“Жиходга юр” деяпмиз...

КАРИМ. Сизлар Ватан эмас...

КАБИР. Биз киммиз бўлмаса?

КАРИМ (*уйланиб*). Ёмон одамсизлар!.. (*Бирдан*) Ака, бир илтимосим бор... Йўқ деманг... Илтимос, йўқ деманг!

КАБИР. Нега йўқ дер эканман! Айтавер!..

КАРИМ. Офтобни дўхтирга элтиш керак... Менга ишонмасаларинг, ўзларинг элтинглар!.. Унга бир гап бўлса, бу дунёда яшай олмайман!.. Тушунаёпсизларми, яшай олмайман! Мен уни яхши кўраман, ахир!..

ЖОБИР. Э, йигит бўлмай кет! Бир аёл учун бунча нола қиласан!

МАДАЛИ. Одамнинг ғашини келтираяпти шу бола!..

ОТАМУРОД. Сизлар аралашмай туринглар! Одамда кўнгили борлигини ҳам эсдан чиқардиларингми?

САИДАХБОР. Мулла Отамурод, сиз кофирларнинг сериал киноларини кўп кўргансизми, дейман?

ОТАМУРОД. Кўрмаганман, аммо сен фахш киноларни кўриб ўтирганда, Қуръон деган сериални ўқиганман! Кўнглимга жойлаганман! (*Ҳаммага*) Одамга бунақа жабр қилинмайди, мусулмонлар!..

САИДАХБОР. Муллеси бор эл кўрқок бўлади, дейишарди. Шу гап тўғри экан!

КАБИР. Машмашани йиғиштиринглар! Ҳали сенлар билан алоҳида гаплашаман. (*Каримга*) Менга қара, йигит! Сен биз билан кетасан! Бу гапга рози бўлмасанг, хозирок отиб ташлай-

миз!.. Офтобингни эса олиб кетишнинг иложи йўқ. Тушуна-
япсанми? Уни тириклай ташлаб кетиш эса ўйлаган барча ре-
жамизни чиппакка чиқаради. Шунинг учун ундан воз кечиш
керак.

КАРИМ. Қандай қилиб... воз кечамиз? Қандай қилиб? Бу
деганларинг!..

КАБИР. Бу деганимиз, ука, Офтобни...

ЖОБИР. Отиб ташлаймиз дегани бўлади, мишиқи!..

КАБИР. Шундай гапларни айтишга устаси фарангсан,
қассоб!..

РАВШАН (*даст қўзғалиб, қичқирганича Кабирга ташла-
нади*). Э, сенларни!..

Жо б и р ва Ма д а л и унга унга қурол ўқталади. Са м а н д а р
Ка р и м нинг чаккасига тўппонча тирайди.

КАБИР. Отманглар!

У ўзига ташланган Ра в ш а н га чап беради. Жароҳатдан
ҳолсизланган Ра в ш а н гандиракланганча, бикинини ушлаб
ўтириб қолади. Са и да х б о р югуриб бориб уни тепа бошлайди.

Ра в ш а н йикилиб қолади. Авжигачикиб тепина бошлаган
Са и да х б о р ни О т а м у р о д ажратишга тутинади.

ОТАМУРОД. Эй, ётганни тепилмайди! Ётганни тепилмай-
ди, мусулмон! Тепилмайди!..

САИДАХБОР. Мана, сенга! Мана, сенга!.. Тегинма, мул-
ла!.. Нари тур!

КАБИР (*Саидахборни ажратиб*). Бўлди!.. Бўлди, Саидах-
борхон! Қассосингизни олдингиз, бўлди!..

Са и да х б о р пишнаб четга чиқади.

РАВШАН. Сенлар... ҳеч қачон... ҳеч қачон ғалаба қилол-
майсизлар! Чунки ниятларинг даҳшатли! Диёнатдан юз
ўгирган одамсизлар!

КАБИР. Мулла Отамурод, бу командир бола билан мадра-
сада бирга ўқиган эмасмисизлар? (*Террорчиларга*) Мана бу
командир сафсата отиб жонга тегди! Биз бу аскарнинг ишини
ҳал қилгунча, бир оз тинч ётсин! Оғзини боғлаб, харсанглар-
нинг ортига ташланглар! Дам олсин!..

Мадали ва Жобир Равшаннинг оғзини скотч билан ўрашади. Кейин уни судраб, харсанглар ортига ташлашади.

Энди навбат сенга, аскар. Ўзингни қўлга ол!.. Гап бундай: Офтобни сен ўлдирасан!

КАРИМ. Мен?..

КАБИР. Ҳа, сен!.. Чунки бу шим кийган фохишани ўлдирсанг, жиҳод йўлига кирган бўласан. Биз билан умрбод Ватаннинг озодлиги учун курашда жаҳд кўрсатасан. У шайтон киз сенинг кўзингни кўр қилиб қўйган! Ундан кутулсанг, кўзинг очилади!.. Ҳақиқат ким тарафда эканлигини кўрасан! Саидахбор, видеокамерани ол! Карим деган марднинг ишини плёнкага келажак учун муҳраб қўямиз! Агар бизга чап берадиган бўлса, интернетга ташлаб юборамиз, бу ишларининг киносини! Мустақил Ўзбекистони кўриб қўяди оддий аскар Каримнинг кимлигини! Қани, марду майдон йигитга тўппонча беринглар!

Саидахбор Самандардан видеокамера олиб, суратга олишга чоғланади. Мадали Каримга бергани, ёнидан тўппонча ола бошлайди.

ЖОБИР (*жонҳолатда*). Йўқ! Бунинг қўлига тўппонча бериб бўлмайди!..

КАБИР. Э, ҳа... Баракалло, Жобир қассоб! Карим шундай ҳам ўлдираверади! Бу ерда нима кўп, тош кўп! Бирини олади-да, Офтобининг бошини мўлжаллаб уради!.. Аскар бола, қани, тошнинг яхшисидан танлаб ол-чи! Қаллигинг хушидан кетиб ётибди. Нима бўлганини билмасдан у дунёга равона бўлади! Қўрқма!

Карим бу воқеаларнинг ҳаммаси реал ҳаётда бўлаётганини тасаввур қилолмай, тош котиб турибди.

МАДАЛИ. Жобир қассоб! Аскар болага озгина кўмак бер.

ЖОБИР. Эй, бола! Сен қўрқма! Бу ишни биринчи бажараётганда, ҳамма ҳам озгина чўчийди. Кейин ўрганиб кетасан!

ОТАМУРОД. Бу нимаси? Тушимми, ўнгимми? Астағфирулло! Астағфирулло!

САМАНДАР. Мулла Отамурод, юринг, йигитлар қоровулда ухлаб қолишмасин, текшириб келамиз! Юринг!..

ОТАМУРОД (*кетаркан*). Бу ҳазилни йиғиштиринглар, амир Кабир! Йиғиштиринглар!..

КАБИР. Бораверинг, мулла, бораверинг... Ҳозир ҳазилни тугатамиз!.. Саидахборхон, суратга олишни бошланг!

С а м а н д а р в а О т а м у р о д чикиб кетишади. С а и д а х б о р суратга олишни бошлайди.

КАРИМ. Акалар, ҳазиллашманглар!..

ЖОБИР. Ҳазил онангни уйида бўлади, аскар бола. Тошни ол! Қани, ол-чи! (*у ердан бир тош олиб, Каримнинг қўлига беради*). Ол... Маҳкам ушла!.. Қани, юр-чи! Балли!.. Балли!

Ж о б и р в а М а д а л и тўппончани олиб, К а р и м ни мўлжалга олишади. К а р и м карахтланиб, бир кадам кўяди.

КАБИР. Баракалло! Дадил бўл, мард йигит, дадил бўл!

К а р и м уч-тўрт кадам кўйиб, тўхтади.

КАРИМ (*Саидахборга, оҳиста*). Офтобни ярадор этган сиз, а?

САИДАХБОР (*сурат олишдан узилмай*). Мен-да! Яна ким бўлади!...

К а р и м тўхтади ва... дафъатан шиддат билан тошни кўтариб, С а и д а х б о р нинг бошига уради. С а и д а х б о р кулаб тушади. Ж о б и р К а р и м га караб, ўк узади. К а р и м бир силкиниб тўхтади. Даҳшатли сукунат чўқади.

КАРИМ. Офтоб... Мен... ўляпман!.. Мен ўляпман!.. (*У жончиқар талвасада, Офтоб ётган харсанг томонга юради*). Офтоб!..

Ж о б и р яна ўк узади. К а р и м харсанглар ортига йиқилади. Яна сукунат.

МАДАЛИ (*ўзига келиб*). Оббо!.. Ишқал бола экан-ку!..

У келиб, С а и д а х б о р нинг устига энгашади. Томирини ушлаб кўради. О т а м у р о д югуриб киради. У хам С а и д а х б о р нинг устига энгашади.

Томири аранг ураяпти. Аммо... одам бўлмаса керак!

КАБИР. Ҳечкиси йўқ. Жанг қурбонсиз бўлмайди.

ОТАМУРОД. Қийналаяпти... Бир нарса қилиш керак!.. Қийналаяпти!..

КАБИР. Одам бўлмайдими?

ЖОБИР. Миясининг катиғи чикиб кетибди-ю, одам бўладими? Ишқилаб бу чала ўлик ҳам бизга дардисар бўладиган бўлди. Бир ҳафта-ўн кун энди судраб юрамиз!..

КАБИР. Одам бўлмаса, қийналаётган бўлса, нимага қараб турибсизлар? Унга ёрдам бериб юборинглар, омонатини осон топширсин!

ОТАМУРОД. Ёрдам бериш керак! Ёрдам бериш керак!.. Тузалиб кетар! Тузалиб кетар!..

МАДАЛИ (*“уф” тортиб*). Бошқа иложи йўққа ўхшайди.

КАБИР. Четроққа олиб ўтинглар!..

Мадали ва Жобир Саидахборни харсанглар ортига олиб ўтади. Жобир тўппончани олиб, отишга ҳозирланади.

ОТАМУРОД. Нима қияпсизлар? Нима қияпсизлар!.. Биродарлар, ахир, мусулмонлармиз! Парвардигорнинг бандасига ярашадиган иш қилайлик!..

КАБИР. Мулла! Хотинчалиш одам экансиз! Биз ҳаёт-мамот курашининг жангчиларимиз! Мақсадимиз амалга ошиши учун юракни тош қилишимиз лозим! Тош! Сиз бўлса, лойга ўхшаб эзилиб ўтирибсиз! Сизга жиҳод ҳайф! Садқайи жиҳод кетинг!

ОТАМУРОД. Мехру шафқат ҳам жиҳоддир! Мехру шафқат ҳам жиҳод!..

Жобир тўппончадан ўқ узади. Сукунат чўқади.

(*Бир чидаб бўлмас оғриқда нола қилади*). Парвардигор! Парвардигор!.. Қиёматинг бошландими, парвардигор!

ЖОБИР. Э, итга ўхшаб нола қилманг, мулла Отамурод!..

МАДАЛИ. Шу муллани бекор олиб келибмиз! Бу ҳали кўп хунар кўрсатади.

ОТАМУРОД. Мен сизларни одам дебман!..Одам!..

МАДАЛИ. Жим бўл-е, занғар!..

КАБИР (*босиқлик билан*). Мулла! Сиз бундай ишларга аралашмагансиз... Агар биз мана шу лаҳзаларда бўшанглик қилсак, марказда йиллаб пишитган ишларимиз барбод бўлади. Мақсадга эришолмаймиз. Сизга бу гапларни бу ерда тушунтириб ўтиришимнинг ўзи кулгили бир ҳол! Ким айтди сизга

мақсадга ранго-ранг гилам тўшалган йўлдан борилади, деб! Мақсадга кон ҳам кечиб борилади. Саидахборнинг жойи жаннатда бўлсин! У жиҳот йўлида ҳалок бўлди! Ҳозир ана у командирваччани ишини бир ёқлик қилайлик! Жанозасини ўқиб, иззат-хурмат билан кўмамиз!.. Фақат сиз ўзингизга қаттиқрок бўлинг... Бундай ишда матонатли бўлиш лозим! Келишдикми, мулла!..

ОТАМУРОД. Ким билсин, амир Кабир... Ким билсин!

КАБИР. Бу жойга келгунча ўзингиз, ҳаммани ғайратшижоатга ундаб келган эдингиз-ку! Ёки энди ниятингиз ўзгариб қолдими?

ОТАМУРОД. Йўқ...Ниятим ўзгаргани йўқ...

КАБИР. Баракалло, мулла Отамурод! Мен сиздан мана шуни кутган эдим!..

Ногаҳон телефон куйлаб қолади. Ҳамма чўчиб тушади.

ЖОБИР (*ўзига келиб, хохолаганча кула бошлайди*). Во-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Во-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Ўлай агар, қўрқдиларинг! Қўрқдиларинг! Вой, бу ботирларни қаранг! Нима эди?... Ҳалиги... Эрмамат бахши айтган-ку: “Мен ўзим полвон йигит, қоғозни шар-шар йиртаман! Мен ўзим ботир йигит, ўлган чивиндан қўрқаман!”... Во-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!..

МАДАЛИ. Кулиб, ичагинг узулгур!

К а б и р Ж о б и р га ола қарай-қарай, телефонни олади.

КАБИР. О, “штаб” деган ёзув чиқибди. Саркардани излаш-япти, шекилли. Излашаверсин. Гаплашмаймиз. Штаб – катта идора. Тағин ишқал чиқариб юрмайлик (*Телефонни жойига қўйиб қўяди*).

С а м а н д а р киради.

САМАНДАР. Шу жойдан тезроқ кетайлик дегандим...

КАБИР. Бунча мингиллайсан... Бу ишларни бир ёқлик қилмасдан қаёққа борамиз?

САМАНДАР. Ҳамма иш чалқашяпти-да... Тўғри бу ёққа қараб бир отлик келяпти. Елкасида милтиғи ҳам бор...

КАБИР. Сизларни кўрмадимми?

САМАНДАР. Йўк.

КАБИР. Бўлмаса, ўтказиб юборинглар! Тегинманглар!..

С а м а н д а р ташқарига қараб, кимгадир кўли билан ишора қилади.

САМАНДАР. Ана, отдан тушиб, бу ёкка юрди!..

Ҳамма С а м а н д а р кўрсатган томонга қарайди.

КАБИР. Ҳушёр туринглар!

Бир оздан сўнг оёғида этик, бошида шляпа, эгнида ўрмончиларнинг унниккан кийими, унинг устидан узун брезент плаш кийган Тўйчи тоғбеги қиради. У елкасига ов милтиги осиб олган.

ТЎЙЧИ. Қани, конунбузар браконьерлар, қўлга тушдиларингми?

Ҳамма бир эркин нафас олади.

КАБИР. Биз браконьерлар эмасмиз. Табиатшунос олимлармиз. Гербарий учун бу тоғларнинг ўт-ўланидан намуна нусхалар териб юрибмиз.

ТЎЙЧИ. Э, бу ёлғонни бориб, шаҳардаги анқовларга айт! Мени Тўйчи тоғбеги дейишади! Қирк чақирим наридан кўрсам ҳам, бу тоғда ўрмалаб юрган одамларни кимлигини бир зумда фаҳмлайман. Сизлар олим эмас...

ЖОБИР. Ҳўш, биз киммиз, Тўйчи ака?

ТЎЙЧИ. Браконьерсизлар!

МАДАЛИ. Бизни синашга айтаяпсизми, ака! Биздан браконьер чиқишига ҳали беш қовун пишиғи бор.

ТЎЙЧИ. Ўзларингни соддаликка урманглар. У қулоғу, бу кулоқларинг билан эшитиб кўйинглар: мени Тўйчи тоғбеги дейишади. Ернинг остида илон қимирласа, биламан. Ҳўш, бўлмаса айтинглар-чи, табиатшунос олимлар, нега одам кўрмас жойлардан пусиб келяпсизлар.

КАБИР. Йўлдан адашиб қолдик.

ТЎЙЧИ. Йўлдан адашдикмиш!.. Бошқа баҳонанг йўкми? Ҳўш, олим экансиз, нега қурол кўтариб юрибсизлар?

КАБИР. Тўйчи ака, ҳамма билмаса ҳам, сиз биласиз-ку. Бу тоғларда қоплон бор, айиқ бор, тўнғиз бор... Ҳужум қилиб

колса, оёғимиз билан тепаemizми? Ё “Тўйчи тоғбеги милтик кўтариб юришни такиклаган” деймизми?

ТЎЙЧИ. Сизлар браконьерсизлар! Браконьер бўлганда ҳам, ашаддий браконьерсизлар! Бошдан оёқ, худди террорчиларга ўхшаб қуроллангансизлар!

Террорчилар бир зум сирлари фош бўлгандай аҳволга тушишади.

ЖОБИР. Йўғ-е, жуда ошириб юбордингиз!

ТЎЙЧИ. Сен илоннинг ёғини ялаган браконьерсан! Кўзингдан кўриб турибман, канча жониворларнинг умрига зомин бўлгансан!

Жо б и р хохолаб кула бошлайди.

(*Ҳайрон қолиб.*) Нега бу қуляпти?

МАДАЛИ. Ичимизда қўйнинг оғзидан хас олмаганимиз шу. Сизнинг шубхангиз, биродаримизни кулгусини келтирди-да, Тўйчи ака!

ТЎЙЧИ. Йўқ, бу артист! Катта артист! Артистлик қуляпти! Шошмай тур, ҳали кулишинг бурнингдан чиқади!.. Гапнинг индаллоси, ҳамма қуролларингни мусодара қиламан! Қани, милтиқларингни олиб келинглар-чи!

КАБИР. Сиз илмий экспедициямизни фаолият юрғизишига халакит беряпсиз-да, Тўйчи ака! Энди ҳаммамиз ўзбекмиз! Бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз керак! Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам мақсадимиз бир: Ўзбекистоннинг табиатини келгуси авлодларга асраб-авайлаб етказмоқ! Биримиз унақа, биримиз бунақа десак, иш бўладими!

ТЎЙЧИ. Сенинг гапларинг ҳам ёлғон, йигит. Шундай сезиб турибман – ёлғон! Ўзи яхши одамга ўхшамайсан. Кўзинг бошқа гапни айтади, тилинг бошқа гапни... Ахир, бундай сал ўйлаб кўринглар! Бирор жониворга жон киргизолмайсизлару, бечорани кирганларинг кирган! Сизлар бундай бораверсаларинг, одамни киришдан ҳам қайтмайсизлар! Телевизордан кўрсатади-ку, портлатиш қилиб, одамларнинг умрига зомин бўлиб ётган занғарларни! Ўшанақа қашқир мижозлар сенлардан чиқади!.. Э, кулоқларингга гап кирадими? Милтиқларни келтиринглар!

КАБИР. Тўйчи тоғбеги! Мен сиз билан гаплашишдан бош тортаман. Гапни сиёсатга буряпсиз! Бунақа сафсаталарингиз учун жавоб берасиз! Каттангиз билан гаплашиб кўямиз!

ТЎЙЧИ. Мени каттам билан кўрқитма! Мен фақат худодан кўрқаман! Милтиқларингни олинглар! Қилиб юрган ишларингиз хақида эса далолатнома тузамиз!..

ЖОБИР. Лекин жуда ёпишиб олдингиз-да! Милтиқлар отилмаган бўлса...

ТЎЙЧИ. Мени кар деб ўйлайсанми? Ўн чакиримдан кийикнинг юрганини эшитаман. Сенлар эса дунёни кўчириб, варанглатиб отиб ётибсанлар!.. Қани, гапни чўзманглар!..

Шу пайт у харсанглар орасидан аста кўтарилаётган О ф т о б га кўзи тушади. Ҳамма О ф т о б томонга қарайди.

ОФТОБ (*Отаси томон юриб келаркан*). Ота...

ТЎЙЧИ. Офтоб! Офтобим! Бу ерларда нима қилиб юрибсан, болам?

ОФТОБ. Ота... Отажон... Мени отишди...

ТЎЙЧИ. Нима? Нима деяпсан, жон болам?

ОФТОБ. Отажон... Мени отишди!

ТЎЙЧИ. Ким отади сени? Ким?

ОФТОБ (*қўли билан террорчиларни кўрсатиб*). Мана шулар... Мана шулар отишди...

ТЎЙЧИ (*атрофидагиларга бир-бир қараб олиб*). Офтобим! Адашмадингми? Булар...

ОФТОБ. Булар ҳайвонлар, ота!.. Булар террорчилар!

ТЎЙЧИ. А-а... (*Елкасидан милтигини ечиб олар экан*). Ҳамманг кўлингни кўтар!..

У милтикни ечиб, отишга ҳозирлаганча, Ж о б и р ва М а д а л и чакконлик билан унга тўппончадан ўк узишади.

(*Йиқилар экан*) Офтобни отманглар! Илтимос, шу болам омон қолсин!.. Илтимос, отманглар!.. Ҳаммамиз ўзбекмизку!.. Ҳаммамиз... Илтимос!.. (*Йиқилади*.)

О ф т о б жойида котиб қолган.

ОФТОБ (*аранг*). Дадам ҳам...

КАБИР. Энди бу ҳам отасининг ёнига борсин... *(Тўптончани олиб Офтобга тўғирлайди.)*

Отамурод югуриб келиб, Офтобни тўсади.

ОТАМУРОД. Шу қизни отманглар! Муслмонлар, отманглар! Муслмонлар!..

КАБИР! Одам бўлмадинг!.. Ўзингдан кўр, мулла!..

У ўк узади. Отамурод кўлини кўксига кўяди. Кўлига қарайди.
Қон...

ОТАМУРОД. Яхши бўлди... Ватанда ўлдим-ку!.. *(Йиқилади.)*

Кабир Офтобга ҳам ўк узади. Офтоб йиқилади.

ОФТОБ. Каримжон!.. Отажоним!

Оламни кичкирик аралаш мусика тутади. Ёруғ олам бу мусикага чидай олмайди. Қоронғулик тушади.

3

Яна ўша сахна. Ҳали қоронғулик таркамаган. Саҳнанинг бир томонидан хира зиё ичида Зулхумор, эҳтимол унинг соғинчи кўринади. Хавотирда тўлиб-тошган бу соғинч Равшани излаб, сахнани кесиб ўтади.

ЗУЛХУМОР. Қаердасиз?.. Қаердасиз?.. Мен сизни йўқотиб қўйдим!.. Қаердасиз! Мен сизни йўқотиб қўйдим деяпман!.. Овоз беринг, қаердасиз? Равшан ака, жавоб беринг, қаердасиз? Қаердасиз?.. Жим турманг, жавоб беринг! Қўрқиб кетяпман! Жуда кўрқиб кетяпман!.. Равшан ака!.. Қаердасиз? Қаердасиз деяпман!..

Саҳна ёришади. Кабир, Жобир ва Мадали.

Бир томонда Равшан.

КАБИР. Хўш, нима дейсан?

РАВШАН. Сенлар ер юзиде яшашга лойиқ эмассанлар дейман!

КАБИР *(газабини аранг тутиб)*. Сенинг ихтиёрингда ўн дақиқа бор, командирвачча. Тезроқ бир қарорга кел! Ё бизга

йўл кўрсатувчилик қиласан, ё ўжарлигинг орқасидан ўлиб кетаверасан.

РАВШАН. Ростдан ҳам сув омборини портлатмоқчимисизлар?

КАБИР. Ҳа, ростдан.

РАВШАН. Мен ҳазиллашаяпсизлар, тамоm йиртқичга айланмагансизлар, деб ўйлабман.

МАДАЛИ. Ўзинг кўриб турибсан, биз ҳазиллашмаймиз! Шаҳарингдаги кофирлар бир зумда дўзахга равона бўлишади.

РАВШАН. Шаҳардаги мусулмонлар-чи?

КАБИР (*ўзини туюлмамай бақиради*). Катта ишда қурбон берилади деб юз марта айтдим сенга, командирвачча! Қурбон бўладиган мусулмонлар эса шаҳидлар! Жиход йўлидаги шаҳидлар! Улар жаннатнинг тўрида – малойикаларнинг эъзоида бўлади.

РАВШАН. Сенлар эса дўзахнинг тўрида бўласанлар!

КАБИР. Йўк! Ҳали биз дунёга довруғ соламиз! Бу ерлар мусулмонобод бўлади! Арабистондан то Сибиргача ягона халифат бўлади! Бизнинг ортимизда қанақа дўстларимиз борлигини тасаввур ҳам қилолмайсан!

РАВШАН. Тасаввур қилдим, амир, тасаввур қилдим! Ақлни еган одам, сен ўша дўстларингни пулига учиб юрибсан! Аламзадасан! Юртдан мосуво бўлиб, аламингни кўрингандан олаяпсан! Сен одамларни ўлдириб, роҳат қиласан! Халифат ҳақида эса, айтиб қўяй, сенга ўхшаган нодонлар яхши-ёмон ният билан юртни неча марта бировларга топширишган. Чор Россияси паноҳ бўлади, деб юртига хиёнат қилишди, большевиклар озодлик беради, деб уларга сифинишди. Оқибат, бировларга қул бўлдик. Энди сен озод бўлган Ўзбекистонни бировларга қонли қўлинг билан топширмоқчисан! Жаллоднинг нодони, гапимни эшитиб ол, бир умр лаънатга қоласан! Қариндошларинг ҳам, халқинг ҳам, парвардигор ҳам то қиёматгача сени лаънатлайди.

ЖОБИР. Э, буни тезроқ йўк қилмасак бўлмайди!

КАБИР. Отиб ташланглар!

Ж о б и р тўппончасини кўтариб, Р а в ш а н ни мўлжалга олади. Шу пайт машина овози эшитилади. Ҳамма тахликали хушёрликда жим қолади. Машина тўхтади.

ЖОБИР (*иккиланиб*). Отаверайми?

КАБИР. Шошмай тур...

С а м а н д а р киради.

САМАНДАР. Яна ташвиш ортадиган бўлди. Бу ит топмас жой ҳам Ҳиндистоннинг кўчаси бўлиб қолди-я... Биров яп-янги “Жип”да шундоқ тумшугимизда тўхтади. Ёнида бир нозанин ҳам бор.

ЖОБИР. Шартта отиб ташлайверайлик...

САМАНДАР. Шундоқ ҳам тоғни мурдага тўлдириб юбордиларинг...

МИРСОАТ (*ташқаридан*). Эй, овчила-а-ар!.. Эй!..

ИПАКХОН (*ташқаридан, нозли овозда*). Овчила-а-ар!.. Қайдасизла-а-ар!..

МАДАЛИ. Жим турмайлик энди ўғрига ўхшаб... Ҳозир келиб қолишади.

КАБИР. Шу ердамиз! Келаверинглар! (*Мадали ва Жобирга Равшанни кўрсатиб*) Буни панага олиб ўтинглар! Яна бир оз умри бор экан...

Мадали, Жобир ва Самандар Равшанга ташланишади.

РАВШАН (*уларга жанговар кураш усулларида қаршилик қилар экан*). Яқинлашма!.. Айтиб кўяй, энди ўлгунимча курашаман! Ўлгунимча!

Бу кураш анча давом этади. Охир-окибат Мадали Равшаннинг калласига тўппонча тирайди. Саҳнага Мирсоат ва Ипакхон киришади. Мирсоат ниҳоятда ўқтам одам. У оддийгина кийинган – жинси шимда, эгнида энгил куртка, аммо бой-бадавлат эканлиги кўлидаги ялтираб турган соатидан, юриш-туришидан шундоқ билиниб турибди. Ипакхон жуда чиройли аёл. У негадир ресторанга борадигандай кийинган. Нозланиб гапиради. Уларнинг кўзи уришаётганларга тушади.

МИРСОАТ. Ие, ие... Жаноб овчилар!.. Бу нимаси? Бир-бирларингни ов қиляпсизларми? Ўв, тўппончани кўйинглар! Йигитчасига муштлашмайсизларми!..

ИПАКХОН. Вуй, кинодақа уришишяпти!

КАБИР. Тўхтатинглар кинони!.. Тўхтатинглар, деяпман!

Урушаётганлар тўхташади.

(*Мирсоатга Равшанни кўрсатиб*) Мана, бу укангиз ичиб олиб, ким кўринса, ташланаяпти. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам гаранг қилди. То хушига келгунча, оёқ-кўлини боғлаб ташламокчи эдик!

МИРСОАТ (*унинг гапига ишонқирамай, тўптончасини кабурага солаётган Жобирдан кўз узмай*). Ҳа, энди ёшликда бўлади... Рости, жанжалга тобим йўқ. Иш билан келганман. Ҳа, танишиб олайлик. Мен Мирсоатбойман! Эшитгандирсизлар...

КАБИР. О, Мирсоатбоймисиз?! Эшитганмиз, эшитганмиз...

Жобир ва Мадали ҳам жиддий тортишади.

У ёқ-бу ёқларини тузатган бўлишади.

МИРСОАТ. Бу киши...

ИПАКХОН (*гапни илиб кетиб*). Ипакхон!

Террорчилар Ипакхонга сукланиб караб туришибди.

МИРСОАТ (*гапида давом этиб*). Ҳўв, довондан нарида тоғ ховлим бор. Бугун бир дам олай деб, Ипакхон сингилларинг билан чиқиб келгандик. Ҳамма шотир-ботир қаланғи-қасангиларни қувиб юбордим! Ипакхоннинг эса каклик гўшти егилари келиб қолди. Шунга овчиларни учрагармиз, деб тоғ кезиб юрибмиз... Каклик отган бўлсаларинг, бизга сотинглар. Биз шошиляпмиз! Кетамиз.

ИПАКХОН (*тўсатдан Жобирга имо қилиб*). Вой, бу кишини танидим! Танидим! Амирликда, Дубайда ресторанда ўтирганмиз!.. Яхшимисиз?

ЖОБИР. Ў-ў!.. ўзлари-ку! Эсингизда бор эканман-да!

ИПАКХОН (*қаҳ-қаҳ этиб*). Эсимдан чиқмайсиз! Ҳеч эсимдан чиқмайсиз! (*Мирсоатга*) Бу киши анақа-де... Хуллас, бизникиларни ёмон кўради-де! “Ҳали бориб, ҳаммасини отамиз” деганлар!.. (*Жобирга*) Келдингизми?

ЖОБИР. Келдим, Момо Ҳаво, келдим!..

ИПАКХОН. Вой, эсингиздан чиқмапти!.. Мен сизни... анақа... Адам деганман!

ЖОБИР. Ҳа, Одам Ато дегансиз...

ИПАКХОН. Ўша Амирликда кейин Мирсоат ака билан танишганман! У киши билан Тошкентга қайтиб келганмиз! (*Мирсоатга карашма ила*) Ҳозир бир-биримизсиз туролмай-миз... А?

МИРСОАТ (*унга эътибор бермай*). Агар какликларинг бўлса, ҳаммасини кўтарасига сотиб оламан. (*Чўнтагидан бир даста доллар чиқаради.*) Қанча дейсизлар?..

КАБИР. Жобир кассоб, Ипакхон билан ташқарида отамлашиб турунлар! Биз бой билан савдолашиб олайлик...

ЖОБИР. Кетдик, Ипакхон, отган айиғимизни кўрсатаман...

ИПАКХОН. Вуй!.. Айиқни яхши кўраман!..

И п а к х о н эркаланиб, М и р с о а т га “хайр” дегандай кўлини майда силкиб, сўнг эса Ж о б и р га ҳам карашма карашлар ила ташқарига чикиб кетади.

МИРСОАТ. Хўш, какликларинг қанча бўлади, овчилар?

РАВШАН. Булар овчилар эмас, Мирсоатбой...

КАБИР. Оғзингни юм!..

РАВШАН. Булар чегара бузиб, хориждан келган террорчилар!

МАДАЛИ (*хезланиб*). Э, онангни!..

САМАНДАР. Тезроқ кетайлик десам...

МИРСОАТ (*ҳеч нарса бўлмагандай*). Менга кимликларингни аҳамияти йўқ. Какликни оламану кетаман...

Шу пайт яна Р а в ш а н нинг телефони куйлаб қолади.

К а б и р у н и бориб олади. Телефондаги ёзувни ўқийди.

КАБИР (*Равшанга*). Сени хизматдошларинг излашяпти, итвачча!

МИРСОАТ (*долларни шошиб чўнтагига солади*). Агар какликларинг бўлмаса, кетдим. Шошяпман!

РАВШАН. Нега буларнинг кимлиги сиз учун аҳамияти йўқ, бой? Нега аҳамияти йўқ!..

МИРСОАТ (*Равшанинг саволини эшитмагандай*). Кетдим.

КАБИР. Қаёққа кетасан?

МИРСОАТ. Кетаман-да... Какликларинг йўқ экан...

КАБИР (*овозида темир жаранг пайдо бўлади*). Бойвачча, сен аниқ жавоб бер: биз киммиз?

МИРСОАТ. Менга кимликларингни аҳамияти йўқ. Мен давлат ичидаги давлат одамман. Одамларнинг кимлигига қизиқмайман! Одамларнинг ўзи менга қизиқишади. Ўрганиб қолганман. (*Чўнтагидан доллар пачкасини қайта олади*). Шуни каклик сотиб оламан деб, атайлаб олиб чиққан элим. Қайтиб кетмасин, олинг! (*Доллар пачкасини Кабирга чиқзади*).

К а б и р олиб, салмоқлаб кўради.

Бузилмаган пачка. Ўн минг. Мен кетдим.

КАБИР (*пулни чўнтагига солар экан*). Шошманг, бойвачча! Барибир айтинг, биз киммиз?

МИРСОАТ. Ким бўлардиларинг, овчиларсизлар-да...

КАБИР (*газаби қайнаб, тўттонча олади-да, Мирсоатнинг иягига қадайд*). Ликиллама, бойвачча!.. Айт, биз киммиз? Билиб турибсан-ку, а? Билиб турибсан?

МИРСОАТ (*ўзидан кетай деб*). Ҳа... Билиб турибман. Аммо кимликларинг менга барибир!..

КАБИР. Сен ҳаммани сотадиган одамсан. Давлат одамлари ушлаб, бир сиқишса, биз ҳақимизда сайрайсан, сен аблах!

МИРСОАТ. Йўқ!.. Ишонмасаларинг, Куръонгга қасам ичман!..

КАБИР. Э, Куръонни биласанми сен! Дириллашингни кара!.. Аммо биздан қутулиб кетишингнинг йўли бор.

МИРСОАТ. Нима қилай? Нима қилай? Айтганларингни ҳаммасини бажараман! Ҳаммасини! Фақат қўйиб юборинглар!

РАВШАН. Бой! Ўзингизни тутсангиз-чи! Одам сизга карашга уялаяпти.

МИРСОАТ. Сен жим тур! Акалар, бу ўзи ким?

МАДАЛИ. Чегаранинг искович итларидан!

РАВШАН. Булар эса чет эллик қаллобларнинг сарқитига семирган лайчалар!

КАБИР (*Равшанга*). Сен билан кейин гаплашаман, командирвачча!

МИРСОАТ. Мен кетай...

КАБИР. Мен бир кўргандан билдим. Сен қаллоб одамсан!
Бизни барибир сотасан, бойвачча!

МИРСОАТ (*ийглагудай бўлиб*). Сотмайман... Сотмайман!..

КАБИР. Майли, кетасан, аммо менинг кўнглим хотиржам бўлиши керак.

МИРСОАТ. Хавотир олманглар! Қарз бўлиб қолмайман!
Хизматларингни қиламан!

КАБИР. Иложимиз йўқ. Биз сени йўқ қилишимиз керак.

МИРСОАТ. Нима деяпсиз? Мен, ахир... Мирсоатбойман!..
Мен... (*жонталвасада эсига тушиб*). Мен бойман! Пулим кўп!
Истаганларингча беришим мумкин!..

КАБИР (*узоқ ўйланиб*). Майли, сени кўйиб юборамиз!

МИРСОАТ. Раҳмат! Раҳмат!..

КАБИР. Фақат бир иш қиласан, бойвачча. Ана у ўйнаш-чангни ўз кўлинг билан ўлдирасан!

МИРСОАТ. Йўқ, бу иш бизга тўғри келмайди...

КАБИР. Нима, бу ишни қилмаганмисан? Шўролар таркаёт-ганда, ишинг одам ўлдиришу машина ўғирлаш бўлганини ҳамма билади!

МИРСОАТ. Энди, укаxon... ҳамма ишни вақту соати бор!

КАБИР. Бўлмаса, нима қил дейсан? Ўзингни ўлгинг кел-майди, бировни ўлдиргинг келмайди! (*Йигитлариға*) Отиб ташланглар бунини!..

МИРСОАТ. Укаxon!.. Барака топгур!.. Ҳамма айтганингиз-ни қиламан! Нима десангиз шу!..

КАБИР. Бу бошқа гап!.. Бор, ўйнашчангни саранжом қилиб кел! Самандар, кузатиб чиқ, бойваччани! Қани, айтганимизни қандай бажарар экан бу бойвачча! Ҳа, видеога ҳам олинглар! Бойваччани соғинганимизда кўриб ўтирамиз...

С а м а н д а р видеони олади-да, М и р с о а т га “кетдик” дегандай имо қилади. М и р с о а т атрофга жовдираб қарай-қарай, унинг ортидан эргашади.

РАВШАН. Бой!

МИРСОАТ (*тўхтаб*). Лаббай, ука...

РАВШАН. Борманг!

МИРСОАТ (*террорчиларни кўрсатиб*). Кўриб турибсан-ку!..

РАВШАН. Шу ишни қилманг!

МИРСОАТ. Ўлдиришади...

РАВШАН. Ўлдиришса ҳам, борманг!

МИРСОАТ (*бир зум иккиланиб*). Ўзи, ука... Ипак унча яхши аёл эмас... Кўча аёли-да... (*У Самандарнинг ортидан яна эргашиб жўнайди.*)

РАВШАН. Ўлиб кетавермайсанми, бой!.. Ўлиб кетавермайсанми!..

Сукунут чўқади. Ташкаридан ўк овози эшитилади. Бир оздан сўнг
Ж о б и р в а М и р с о а т киришади.

КАБИР. Баракалла, бой!..

ЖОБИР. Курғур жувон яхши нарса эди, хайф бўлди-да!..

МИРСОАТ. Кетсам... бўладими?

КАБИР. Бўлади! Нега бўлмас экан! Фақат айтиб кўяй, бировга биз ҳақимизда “ғинг” десанг...

МИРСОАТ. Демайман, укаҳон, демайман!..

КАБИР. Сиз юртга донг таратган машхур одамсиз! Давлатманд одамсиз, Мирсоат бойвачча... Шундайми?

МИРСОАТ. Ҳа, энди...

КАБИР. Миллионермисиз, миллиардер?

МИРСОАТ. Нима десангиз, шу, укаҳон!..

ЖОБИР (*хоҳолаб юборади*). Во-хо-хо!.. Во-хо-хо!.. Гапини қаранг!.. Гапини қаранг!... Вой, ўламан!.. Бундай қаллобни кўрмаганман! Кўрмаганман!..

МАДАЛИ. Ҳақиқатан ҳам... Юртдан ким борса, “Мирсоатбой бундай, Мирсоатбой ундай” деб гапириб, эси кетади. Бу хотин талокнинг эса, аҳволини қаранг! Э, марги... Жирканиб кетасан!

КАБИР. Мирсоатбой! Одамлар юртнинг озодлиги учун жон бериб, жон олиб юрибди! Сиз эса миллиардларни чўнтакка солиб, маишатингизни қилиб юрибсиз... Буни қандай тушунса бўлади?

МИРСОАТ. Бир оғиз гапингиз, укаҳон!.. Бир оғиз гапингиз! Қанча керак?

КАБИР. Хориждаги банкларда ҳам... А?

МИРСОАТ. Энди... Нима десам экан?

КАБИР. Бой! Борми, йўқми?

МИРСОАТ. Худога шукур, бор... Бу ерда энди иш учун озрок асраймиз... Қолгани ўша ёқда...

КАБИР. Ватаннинг озодлиги учун, қанча қўшмоқчисиз?

МИРСОАТ. Уяхон, ҳозиргина бердим!..

КАБИР. Вой, илоннинг ёғини ялаган! Вой, аблах! Бу берганигни ана у Ипакхонинг билан икки кунлик маишатиингга мўлжаллаган эдинг-ку! Сен Ватан озодлиги нархини бузук хотин билан икки кунлик маишатиингга тенглаштиряпсанми? Вой, аблах! Сени минг марта отиб ўлдирса ҳам камлик қилади? Ярамас! Чўққанинг боласи!..

МИРСОАТ. Аччиғингиз чиқмасин, уяхон! Пул аччиғингиз чиқишига арзимади! Қанча керак?..

КАБИР. Миллиондан гапир!

МИРСОАТ (*қўрсатғич бармоғини кўтариб*). Бир...

КАБИР (*ўн бармоғини кўрсатиб*). Ўн!

МИРСОАТ. Ўн... миллион?!

КАБИР. Ҳа, ўн миллион! Келишдикми?

МИРСОАТ. Келишдик, уяхон, келишдик? Ўн миллион сизлардан айлансин! Фақат бир кун бу ерларда келиб, халкнинг бошига соябон бўлсаларинг, мени унутманглар!

РАВШАН. Бой! Қандай қилиб бой бўлганингни энди тундирдим?

МИРСОАТ. Қандай қилиб, ука?

РАВШАН. Онангни бозорга олиб чиқиб, бой бўлган экансан?

КАБИР. Жим тур, командирвачча!.. Бой, бугун бориб, уйинг ёнидаги бозордан Ақром боди деганни топасан. У сенга пулни қаерга ўтказиш кераклигини айтади. Билиб қўй, бизга қинғирлик қилсанг, одамларимиз осмонда бўлсанг ҳам, ернинг тагида бўлсанг ҳам, топиб боришади! Молу давлатингни кулни кўкка созуришади, бола-чақангни қонга белашади, ўзингни уч қаватли дангиллама дўконинг бор-ку, ўшанинг пештоқиға ҳалиги жойингдан осиб қўйишади. Уқдингми?

МИРСОАТ. Уқдим, уяхон, уқдим...

КАБИР. Яхшилаб укдингми?

МИРСОАТ. Яхшилаб укдим!

КАБИР. Бизга хиёнат қилсанг, нима бўлади? Қайтар!

МИРСОАТ. Ҳалиги... молу давлатимнинг кули кўкка соврилади... Бола-чақам қонга беланади...

Ж о б и р хохолаб кула бошлайди.

КАБИР. Ўзингга-чи? Ўзингга нима бўлади?

МИРСОАТ. Ўзимни... дўконимнинг пештоқига... осишади.

КАБИР. Ташлаб кетмай айт! Тўлиқ айт!

МИРСОАТ. Ҳалиги... ҳалиги жойимдан... осишади...

КАБИР. Бу гапни, Мирсоатбой, хамиша ёдингга тут!

ЖОБИР (*ўзини кулгудан тўхтатолмай*). Калимадай кайтариб юр!.. Калимадай... Ва-ха-ха-ха!..

МИРСОАТ. Кетаверайми?

КАБИР. Боравер.

М и р с о а т ишонкирамай ўрnidан туради, террорчиларга қарай-қарай, сахнадан шипиллаб чиқиб кетади. Ж о б и р ундан баттар кулишга тушади. Зум ўтмай машина моторининг овози эшитилади.

Машина ўқириб кўзгалади ва унинг овози аста-аста сўнади. Шу пайт Р а в ш а н нинг телефони жириглаб қолади. Ж о б и р кулгудан тўхтади.

(*Телефонни оларқан, ўқийди.*) “Зулхумор”... О, Саркарда-нинг севимли хотини тушликка чақираяпти-ку! Саркарда эса боролмайди. Тушликни жаҳаннамда қилмоқчи...

Шу пайт қоронғулик тушади ва З у л х у м о р – Соғинч пайдо бўлади. У энди хавотир билан лиммо-лим тўлган.

ЗУЛХУМОР. Қаердасиз?... Мен сизни йўқотиб кўйдим!.. Қаердасиз!. Мен сизни йўқотиб кўйдим!.. Овоз беринг, қаердасиз? Кўрқиб кетяпман!.. Жавоб беринг, қаердасиз!.. Кўрқиб кетяпман! Қаердасиз?.. Жим турманг, жавоб беринг! Равшан ака!.. Қаердасиз?

З у л х у м о р сахнани кесиб ўтиб кетади. Саҳна ёришади. Саҳнада яна ўшалар – Ка б и р, Ж о б и р, Ма д а л и ва Р а в ш а н.

КАБИР. Энди бошқа иложимиз йўқ. Ўзимизни ҳам, сени ҳам қийнамайлик. Биз ҳам шошяпмиз. Режаларимизни амалга

оширишимиз керак. Сен гапимизга кўнмадинг. Биз энди сени ҳам отиб ташлашга мажбурмиз, командирвачча! Қани, Жобир кассоб! Мадали чопсан! Бунни отиб ташланглар! Кейин зудлик билан жўнаймиз!..

Жобир ва Мадали тўппончани олиб, Равшанни мўлжалга оладилар. Равшан уларга тик қараб, қаддини ростлайди.

МАДАЛИ. Ўв, кўзингни ол!

ЖОБИР. Кўзингни ол деяпман, итвачча!

Шу пайт олисдан вертолёт овози эшитилади. У тобора яқинлашиб келяпти. Вертолёт уларнинг устидан ўтиб кетгани яққол сезилади. Мадали ва Жобир негадир тўппончани тушириб, телага осмонга қарашади. Самандар ховликканча, югуриб қиради.

САМАНДАР. Ўраб олишди! Ўраб олишди!

КАБИР. Ким ўраб олди? Ким?

САМАНДАР. Аскарлар!.. Аскарлар!.. Тезроқ шу худо урган жойдан кетайлик дедим! Кетайлик дедим!..

КАБИР. Ҳовликма! Аскарлар қаердан пайдо бўлди?

САМАНДАР. Билмайман! Атрофимизни ўраб олишган!

ЖОБИР. Энди нима бўлади? Энди нима бўлади?

САМАНДАР. Айтиб қўяй, мен ҳеч кимни отганим йўқ! Ҳеч кимни!..

МАДАЛИ. Вой, онангни!.. Ана, сотиш бошланди!

РАВШАН. Шу аҳволларингда сизлар Ватанни озод қилгани келдиларингми?

Шу пайт уларнинг тепасидан яна вертолёт учиб ўтиб қолади.

ЖОБИР (*Равшанни кўрсатиб*). Мана бу муттаҳамни тезроқ отиб ташлай!

КАБИР. Йўқ! Нега отар эканмиз? Энди у жуда ноёб одамга айланди! Жуда ноёб одамга!..

Нохос Равшаннинг телефони жиринглаб қолади.

Кабир бориб телефонни олади.

Алло!.. Лейтенант Равшан Собиров қаерда? Шу ерда... Биз билан... Асирга тушган! Қуролни ташлаб, таслим бўлайлик? Биз таслим бўлиш учун келганимиз йўқ... Йўқ, бунақаси

бўлмайди. Лейтенант Собировни озод қилолмаймиз!.. Аммо таклифим бор... Лейтенант Собиров гаровда турибди. Қайтиб чегарадан чиқиб кетишимизга халақит бермасаларинг, лейтенантларинг ўзларингники бўлади... Йўқ, чегарагача биз билан боради... Агар бирор хийла қилмоқчи бўлсаларинг, Собировларинг шу захотиёқ йўқ қилинади... Келишдик. Телефонларингни кутаман! Тушундим!.. Майли, ўзи билан гаплашасизлар! *(У телефонни ўчиради).*

САМАНДАР *(қувониб)*. Ақлингга балли, амир Кабир! Сени бекорга амир қилиб кўтармаган эканмиз!

МАДАЛИ. Бизда ҳам ақлли одамлар бор! Тасанно, Кабир, тасанно!

ЖОБИР *(Равшанни кўрсатиб)*. Шунини ўлмай қолиши алам қиялпти-да!..

КАБИР. Алам қилмасин! Биз чегарадан соғ-омон ўтиб олайлик. Худо хоҳласа, яна қайтамиз! Биз тирик эканмиз, булар тинч яшамайди!..

РАВШАН. Нима дединг?

КАБИР. Биз тирик эканмиз, булар тинч яшамайди, дедим...

РАВШАН. Ҳали тирик қолмоқчимисиз?

КАБИР. Нега тирик қолмас эканмиз? Худога шукур, елкада калламиз бор, ақлимиз бор... Тирик қоламиз! Ҳали бошларингга шундай кунларни солайликки!

РАВШАН. Бировларнинг бошига қора кунларни солишни ҳам одам орзу қиладими? Ичларинг нафратга тўлиб кетган! Сенларни ўлишдан бошқа чораларинг йўқ.

ЖОБИР. Э, бу нима деяпти? Амир Кабир, бу нима деяпти!

МАДАЛИ. Амир Кабир, бир нарса де, занғарига! Гапини қара!..

КАБИР. Майли, гапираверсин... Мен бу командирвачча билан пачакилашиб ўтирмайман.

РАВШАН. Пачакилашолмайсан ҳам... Чунки менга жавоб берадиган мантиғинг йўқ! Мен яна қайтариб айтаман: одам ўлдирган махлуқлар охир-оқибат худонинг қаҳрига учрайди! Йўқ бўлади! Сен эса махлуқларнинг энг ёмонисан. Чунки ўз Ватанингга қурол кўтариб келгансан! Ичинг тўла кўркинч! Йўлингга дуч келган ватандошларингни эса, жонларингни

кутқазиб учун шартга-шартга отиб кетяпсан! Ватанга қон кечиб, кириб бориладими?

КАБИР (*ношложликда бўжириб*). Бошқа йўл йўқ!..

РАВШАН. Ҳа, йўлсиз қолгансан! Шунинг учун бировларнинг садақа пулидан ҳовлиқиб, жонҳалак – қаерга бош урушни билмай, Ватанга дайдиб келгансан? Оч бўрига ўхшаб, энди кўринганни тилка-пора қилиб, изғиб юрибсан!..

КАБИР (*чидай олмай*). Жим бўл! Жим бўл!..

Сукунат чўкади.

(*Ўзини босиб олиб*). Бўладиган гаплардан гаплашайлик... Командир, хизматдошларинг сен билан гаплашмоқчи. Ҳозир улар кўнғирок қилишади. Сен улар билан нимани гапиришингни келишиб олайлик! Мен йигитларим билан қайтиб, чегарадан ўтиб кетишга қарор қилдим. Сен гаровдасан. Улар бизга битта ўқ отсалар, сени отиб ташлаймиз!.. Гап шу!..

РАВШАН. Мен нима дейишим керак?

КАБИР. Деярли ҳеч нарса... Фақат бизга асир тушганингни тасдиқлайсан, холос. Кейин телефонни менга берасан! Келишдикми?

Р а в ш а н сукутга ботиб, ўйланиб қолади.

Келишдикми?

РАВШАН. Шошма ўйлаб кўрай... Менга муҳлат бер...

КАБИР. Бир дақиқа!..

Р а в ш а н ўйланиб турибди. Юрак урушлари эшитиладиган даражада сукунат.

САМАНДАР. Шу ердан тезроқ кетайлик дедим-а! Шу бола ҳаммамизни бир балога дуч қилишини шундай сезиб турувдим...

ЖОБИР. “Хўп” де, йигит, “хўп” де! Кўриниб турибди, паллаги тоза бола кўринадан... “Хўп” де!..

РАВШАН (*чексиз хаёл ичида*). Сенлар тирик қоласан-да, а?

КАБИР. Сен ҳам тирик қоласан!

РАВШАН. Ҳи-м-м!..

КАБИР. Муддатинг тугади... Хўш, нима дейсан?

РАВШАН. Сенлар омон қолсанг, ёмон бўлади-да!..

КАБИР. Бу ёққа қара!.. Каллаварамлик қилмасанг-чи! Мана, хотининг бор экан. Ҳойнахой, энди уйланган чиқарсан. Ота-онанг бордир... Шуларга ачинмайсанми?

РАВШАН. Ачинаман...

КАБИР. Ўзинг ҳам ёшгина йигитсан! Бу катта ишларда чу-молидай эзилиб, йўқ бўлиб кетма! Биз Ватанни эгаллаб олсак, хизматингни унутмаймиз! Мана, кўпчилик орасида ваъда бе-раман: хизматингни унутмаймиз!

РАВШАН (*чуқур сукутдан кейин*). Майли... Мен кўндим!..

КАБИР. Баракалло!

МАДАЛИ. Аммо-лекин йигитнинг гули экансан!

ЖОБИР. Палагинг тоза деб айтдим-ку, йигит...

Телефон куйлаб қолади.

КАБИР. Ол,командир, ол!.. Келишганмиздай, а?

Р а в ш а н телефонни олади.

РАВШАН. Алло!.. Эшитаман ўрток, подполковник! Ҳа, лейтенант Равшан Собировман! Ўрток подполковник, яхши-лаб эшитинг! (*Бирдан тезлашиб гапира бошлайди.*) Ҳа, мен уларнинг орасида эдим! Аммо ҳозир қочдим. Хавфсиз жойда-ман! Уларни йўқ қилинглар! Улар даҳшатли одамлар! Тезроқ йўқ қилинглар! Мен улардан қочиб улгурдим. Узр, антенна йўқолаяпти. Уларни янчиб ташланглар! Улар террорчилар! (*У телефонни ўчириб, душманларига голибона қарайди.*)

Сукунат чўқади.

КАБИР (*Нима бўлганини бирдан тушуниб, Равшан томон-га ташланади*). Вой, онангни!.. Телефонни бер! Телефонни бер! Ўзим гаплашаман!..

Р а в ш а н телефонни ерга уради. Оёғи билан тепкилаб ташлайди.

РАВШАН. Гаплашиб бўлсан!

Ҳамма котиб қолган. Сукунат. Бирдан автомат отиб қолади. Унга бошқалари жўр бўлади. Якиндан портлаш эшитилади. Террорчи-лар ўзларини ерга ташлайдилар. Ниҳоят, саҳнада ҳам даҳшатли портлаш рўй беради. Кимдир кичкиради. Сўнг сукунат. Қоронғулик тушади. Яна шамол ва тўфонларнинг, самолёт ва машиналарнинг,

ракета ва коинотнинг, шамол ва шамолда тўлғонган боғларнинг, денгиз ва дарёларнинг, қуш ва одамларнинг... Телефондан гаплашаётган одамларнинг гангур-гунгири бу шовкин ичидан турфатилларда эшитила бошлайди.

– Из зеа э бѳти пала эраунд хиэ?

– Конечно, дорогой... Завтра обязательно встретимся?

– Эй, иш дегани тугамайди! Эртага бир ўтирайлик... Улуғбек ака келади, Мурод...

– Хуш омадед, меҳмони азиз!

– Веа кен ай чейндж сам мани?

– Мен сизни ҳар куни кўргим келади...

– Шошилинич хабар: кеча Ўзбекистоннинг чегара туманларидан бирида чегарани кесиб ўтган террорчилар гуруҳи йўқ қилинди. Операцияда қатнашган ҳарбий қисм таркибидан икки нафар чегарачи қаҳрамонона ҳалок бўлди. Тинч аҳоли орасида ҳам ҳалок бўлганлар бор!...

– Эй, тўй қачон?

– Ойи, артистларнинг менга ёққани келсин!

– Эртага якшанба!.. Бир дам олайлик!

– Тинчлик бўлсин!

– Тинчлик бўлмай, нима бўлади!..


Чирок нури саҳнага кириб келаётган З у л х у м о р н и ёритади.

ЗУЛХУМОР. Қаердасан?.. Қаердасан?.. Нега овоз бермайсан? Қаердасан? (*у саҳна ўртасига келиб тўхтайтиди.*) Мен сени соғиндим! Ҳасратларингга тўлдим! Сенсиз нима қилишимни билмаяпман!.. Мени эшитяпсанми? Эшитяпсанми?.. Юрагимнинг тагида боланг тепсиниб турибди? Мени эшит!.. Гаплашиб турайлик... Сенсиз яшаш қийин бўляпти!.. Қаердасан! Биргина овоз бер!.. Ҳеч бўлмаса, овозингни эштай!.. Сени соғиндим!.. Соғиндим!..

Парда тушиб кела бошлайди.

Битди


2010 йил




МУНДАРИЖА

Назм


«Олов туйгулардан...»	4
«Ўзи қанча...»	5
«Одамлар...»	6
«Ерни...»	7
«Сукунатнинг...»	8
Даҳо ва аёл.....	9
«Юлдузларга...»	10
«Худонинг...»	11
«Одамларнинг...»	12
Муҳаббат мавсуми.....	13
«Одамизод меҳрининг...».....	14
Нафақадаги одам.....	15
Шудгор.....	17
Учрашув.....	18
«Эртага бегона...»	19
Ёз	20
«Бобомнинг уйига эллик йил ...»	22
Тўтикуш хақида ҳикоя.....	24
Бурч	25
«Нима қилай...»	26
Булбулга мактуб.....	27
«Жоним оғрир...»	28
«Жоним-а...»	29
Халқ.....	30
Ойдин тун	31
«Бир сатрдан ўсиб чиққан ...».....	32
Шеърхон хақида.....	33
«Жим-жит ўлтирибман...»	35
«Сен мени қаргадинг...»	36
Х аср. Бағдод. Ҳавога ёзилган шеър.....	37
«Сенга етмоқ учун...»	39
«Бу кеча ойники...»	40



Тошкин	41
«Каердадир...»	42
Х аср. Моварауннахр. Муҳаббатнинг чегараси.....	43
Баҳор завки.....	44
«Факат ўзингга суян...»	45
«Ўтиб кетган кунлар...»	46
«Бу одамга...»	47
«Қанча беҳишларда...»	48
«Ҳамма ўзича яшайверсин...»	49
«Не учун бекинди...»	50
Кузги дoston.....	51
«Мен билан бу жангда...»	53
«Элбек баҳши...»	54
Нохуш тахмин.....	56
«У сотилди...»	57
«Жавоблар чарчатди...»	58
Шоирнинг яралиш ибтидоси.....	60
«Менга ишонма, дўст...»	61
«Нечун бизга девоналиғ...»	62
«На такаллуф...»	63
«Бу овоз сеники...»	64
Бозордаги одам.....	65
Хх аср. Қисмат. Усмон Носир.....	66
«Бу жойга иморат...»	67
«Жазира. Саратон...»	68
«Ёзнинг чорбоғида...»	69
«Агар...»	70
«Олазарақ кора мушук...»	72
Куз.....	73
«Даҳшатли ҳол...»	74
«Магар йўлинг...»	75
«Дунёнинг бешафқат...»	76
Олтмиш икки ёшимнинг мезон ойи.....	77
«Дунё – хато матн...»	78
«Қасалхона коридорида...»	79
«Осмон оғир...»	80
«Ўйнаб ўтаяпман...»	81
«Дарахтга...»	82
«Кечаси бир маҳал...»	83
Кузги изғирин.....	84



«Тўрт тарафим куздир...»	85
«Ўтлоқ – англизча...»	86
«Мен қандай яшадим...»	87
Орзунинг кўринишлари.....	88
«Дунё боғларида...»	89
«Биров бир оғиз...»	91
«Қиш узун келди...»	92
Болалигим ўтган қишларни эслаш.....	93
Афсона.....	95
Қишки илк илҳом.....	96
Диогенга хат	97
«Нафасингдан...»	98
Шоирнинг хусусийлаштириши.....	100
Қайтиш	101
«Бу не кўрим...»	103
Тун. Қор	104
«Қоронғудан кўркма...»	105
Ишонч	106
«У боғда сен...»	107
«Мудом тушларимга...»	108
Шамол	109
Жимлик.....	110
Ривоят.....	111
Аёз	112
«Томчилар “чик-чик”лар...»	113
Дутор ҳақида	114
Муҳаббат.....	115
Ёлғиз	116
Эҳтиёткорлик.....	117
Омадли одам.....	118
Хотира.....	119
«Ёлғизлик билан...»	120
Тун. Афғон шамоли.....	121
«Тунда...»	123
«Бошим оғди...»	124
«Дунёда турибсан...»	125
«Мусикасиз яшаш ғанимат...»	126
Хўжа Баҳоуддин Накшбандий айтганларидан таржималар.....	127
«Тонгнинг шода мунчоғи...»	128
«Сенга атоғ меҳрим...»	129



Цирк. Дорбоз.....	130
Икки мактуб.....	131
Вокзалда.....	132
Бекат.....	133
«Тупрокка беледи...»	134
«Ёнаётган шамнинг...»	135
«Тоғдай бошимга маним...».....	136
«Бойсун устида очди...»	137
«Жала ўтди...»	138

Наср

Қиёмат (<i>Киноқисса</i>)	140
Йўқолган одам (<i>Киноқисса</i>)	167

Драматургия

Бахт куши.....	212
Қуршов.....	267

Адабий-бадиий нашр

Усмон Азим

ЖИМЛИК

Назм

Наср

Драматургия

Мухаррир *Илҳом Зойиров*
Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татъяна Смирнова*
Мусахххих *Фотима Ортиқова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 12.10.12 й. да рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times гарнитураси. Офсет босма.
16,80 шартли босма тобок. 14,0 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.
437 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «Dream media» МЧЖда тайёрланди.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz

www.ziyouz.com kutubxonasi